

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МАВЛОН ОЛЛОЁРОВ,
МАРҲАБО ОЛЛОЁРОВА

М А Н Т И Қ

(фалсафа - 5220300)

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ-2009

Мазкур ўқув қўлланмада тафаккурнинг шакллари ва қонунлари сўнгги йилларда мантиқ фани соҳасида эришилган ютуқлар, унинг масалаларига бўлган янгича ёндашувлар асосида талқин қилинади. Шунингдек унда мантикий қонун-қоидалар, усуллар миллий ғояни кишилар қалби ва онгига сингдиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилишлиги кўрсатиб берилади.

Ўқув қўлланма олий ўқув юрти бакалавриат босқичи талабаларига мўлжалланган бўлиб, ундан академик лицей ўқувчилари ҳамда барча мантиқ илмига қизиқувчилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Такризчилар:

Фалсафа фанлари доктори, профессор С.Мамашокиров.

Фалсафа фанлари доктори, профессор Ж.Яхшиликов.

Кириш

Маънавий таҳдидлар глобал миқёсда кескинлашаётган бугунги кунда ўқувчи ва талаба ёшларда ўзлигини англаш, мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантириш таълим – тарбия соҳасининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бунга, энг аввало, уларда миллий ғоя, мафкурага асосланган тафаккур маданиятини шакллантириш орқали эришилади. Бу борада Президентимизнинг қуйидаги сўзлари дастуриламалий аҳамиятга эгадир: “Таълим – тарбия мазмунини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди”.¹

Ҳозирги ғоявий, мафкуравий ва информацион хуружлар, авваламбор, ўқувчи ва талаба ёшларимизни фикрий жиҳатдан тобе, қарам қилиш орқали уларнинг онгини, қалбини эгаллашга қаратилгандир. Зотан, “Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан кўра даҳшатлидир”.²

Ўқувчи, талаба ёшларнинг эркин, мустақил фикрлаш, ўз – ўзини англаш кўникма, малакаларига эга бўлишлари уларнинг ҳар қандай мафкуравий хуружларга қарши туриш, ҳимояланишнинг зарурий шарти бўлиб, бундай кўникма, малакалар бевосита мантиқ илмини ўзлаштириш асосида шаклланади. Шунга кўра бугунги кунда мазкур фанни ўрта ва олий таълим тизмида зарурий ўқув предмет сифатида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Муаллифлар ана шундан келиб чиққанлари ҳолда, ушбу ўқув қўлланмада формал мантиқнинг билиш қуроли(органон) сифатидаги назарий-методологик аҳамиятга эга бўлган илм соҳаси эканлигини изоҳлаш баробарида, унинг праксиологик, яъни миллий ғоямизнинг тамойилларини ижтимоий ҳаётга амалий тадбиқ этиш вазифасини ўтайдиган фан эканлигига эътибор қаратадилар. Ва ана

¹ Каримов И. А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ , миллатни – миллат этишга хизмат қилсин . “Тафаккур “ журнали, 1998, № 2, 40-бет.

² Ўша ерда , 32 - бет

шундай ёндашиш бўйича асосий мавзулар талқин қилинади. Масалан, “Далиллаштиришнинг мантиқий асослари – исбот этиш ва рад этиш” мавзуи бевосита мафкуравий иммунитетни шакллантиришнинг назарий – методологик асоси сифатида олиб қаралади.

Айни пайтда ўқув қўлланмада мазкур илм соҳасидаги сўнгги янгиликлар, қарашлар инобатга олинган ҳолда формал мантиқнинг билиш қуроли, амалий фалсафа сифатидаги хусусиятлари, вазифалари баён этилади.

Шунинг билан бир қаторда:

- Ғарб мамлакатларида ҳозирги вақтда етакчи мавқега эга бўлган символик мантиқнинг интуициявий, конструктив, кўп моҳиятли мантиқ каби йўналишлари ҳақида қисқача маълумотлар берилади.

- Ҳукмларнинг чинлиги масаласи янгича аксиологик ва экзистенциал ёндашув асосида, мантиқнинг муаммолари фалсафанинг “Мен” ва “Мен эмас”, яъни ўз – ўзини билиш, англаш контекстида талқин қилинади.

Мантиқнинг назарий–методологик, амалий фалсафа сифатида ўрганишнинг аҳамияти даражаси унинг мавзуиларининг ўқув адабиётларида илмий – методик жиҳатдан давлат таълим стандартларига(ДТС) мос тарзда баён қилиниши билан биргаликда уни ўқитиш усуллариининг самарадорлиги билан ҳам белгиланади. Бу эса ўқитувчининг мантиқ фанини яхши билиши ҳамда уни ўқитишда янги педагогик технологияларни қўллаш асосида ўқитишни долзарб вазифа қилиб қўяди.

Шуни таъкидлаш керакки, педагогик интерфаол усулларни ўқув жараёнида қўллаш ўқитувчидан формал мантиқ асосларини яхши билишни талаб этади. Чунки тафаккур қонун-қоидалари, усуллари педагогик технологияларнинг назарий – методологик асосини ташкил этади. Ана шуни ҳисобга олиб, муаллифлар ўқув қўлланмага “Мантиқнинг фалсафий фанларни янги педагогик технологиялар бўйича ўқитишдаги роли”, деган янги мавзунини киритадилар.

Шунингдек, улар мантиқнинг мураккаб фалсафий фан эканлигини инобатга олиб, матннинг осон ўқилишига, таянч атамалар таърифларининг

мухтасар, лўнда тарзда берилишига ҳамда уларнинг содда, тушунарли мисолларда изоҳланишига эътибор берадилар.

Қўлланмада мавзулар устида мустақил ишлаш, уларни ўзлаштириш учун мўжалланган машқлар бериладики, уларни бажариш талабаларда мантиқий фикрлаш, тафаккур маданиятини шакллантиришга ёрдам беради.

Муаллифлар ўқув қўлланманинг нуқсон, камчиликлардан холи эмаслигини яхши англайдилар ва бу бўйича ўқувчи, мутахассислар ўзларининг фикр, мулоҳазаларини билдиришларига умид қиладилар.

Мантиқ илмининг предмети ва аҳамияти

1§. Тафаккур- мантиқ илмининг ўрганиш объекти

Мантиқ фани амалий фалсафа фан бўлиб, кишиларда тўғри фикр, тафаккур юритиш, яъни тафаккур маданиятини шакллантириш унинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам мазкур фан юнонча "логика" (логос - фикр, тафаккур) ва арабча "мантиқ" (ақл, фикр) сўзлари билан аталади.

Тафаккур мантиқ фанининг предмети, баҳс мавзусидир. Лекин у тафаккурни жараён сифатида қандай пайдо бўлади, ривожланади, деган масала доирасида ўрганмайди. Тафаккурнинг ушбу жиҳатлари фалсафа (гносеология), психология, физиология каби фанлар томонидан ўрганилади.

Мантиқ тафаккурни унинг шакли ва қонунлари асосида ўрганувчи фалсафий фандир. Бундан мақсад-объектив олам ҳодисалари ҳақида чин билимга эришишдир. Тўғри фикр юритиш йўл-йўриклари, усуллари билмасдан чин билим, ҳақиқатларга эришиш мумкин эмас. Бунга тафаккур шакл, қонунлари таъминловчилари яхши билиш ва уларни муҳофаза қилишда қўллай билиш орқали эришилади. Тафаккурнинг шакл ва мазмунлари масаласига тўхталишдан олдин тафаккур, унинг хусусиятлари ва билишдаги роли ҳақида умумий тушунчага эга бўлишимиз зарур.

Хўш, тафаккур нима? Тафаккур- бу кишиларнинг моддий ва маънавий ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида шаклланадиган ва ривожланадиган билишнинг юксак босқичидир. Билиш эса ижтимоий, моддий ва руҳий борлиқнинг инсон онгида қайта ишлаб чиқариладиган инъикос этиши жараёнидир. Билиш бир-бири билан ўзаро диалектик бирликдаги мушоҳада, ҳиссий билишга асосланган эмпирик ва ақлий(рационал)- назарий босқичлардан ташкил топган мураккаб жараёндир. Сезги, идрок, тасаввур шакллари билан иборат ҳиссий билиш босқичи бевосита инъикос табиатига эга бўлиб, унда нарсалар, ҳодисаларнинг фақат айрим хоссалари, зоҳирий жиҳатлари билиб олинади. Сезги-

бу предметнинг айрим, алоҳида хусусиятларининг акс эттиришидирки, бунда кишининг барча сезги органлари(кўриш, ҳид билиш, эшитиш, таъм билиш ва б.) бирдек иштирок этади.

Идрок- бу сезги органлари томонидан акс эттирилган предметнинг алоҳида хусусиятларининг яхлитлаштирилган тарздаги образининг ҳосил қилинишидир. Масалан, турфа хил рангда бўлишлиги, хушбўйлиги ва бошқа хусусиятларини яхлит ҳолда ҳис қилиш билан киши кўз олдида гул образи намоён бўлади.

Идрок орқали предметнинг конкрет образи ҳақида тасаввур ҳосил қилинади. Тасаввур - идрок этилган предметнинг киши онги ва хотирасида сақланган образи. Шунинг учун қам хотирлаш билан киши мазкур образни қайта кўз олдида келтира олади. Масалан, киши қачонлардир ўзи ўқиган мактабини хотиралаш билан унинг қиёфасини қайта гавдалантира олади.

Лекин кишининг бевосита идрок этилмаган предметлар ҳақида ҳам тасаввури бўлиши мумкин. Бунга мисол қилиб, Ҳиндистонда умуман бўлмаган кишининг у мамлакат ҳақидаги тасаввури ёки фантаст ёзувчининг ҳаёлан яратган образларини келтириш мумкин.

Ҳиссий билиш шакллари инсоннинг амалий фаолияти жараёнида ўз-ўзини билиши, англаши даражасида юзага келадики, улар моҳиятан баҳовий характерга эгадир. Агар ҳайвонлардаги сезги, идрок, тасаввур қанчалик такомиллашган бўлмасин, бажарадиган функциялари уларнинг фақат яшаши учун курашига қаратилган бўлади. Инсондаги ҳиссий билиш эса унинг эмоциялари ва сенситив(лот.sensitiv- сезгилар билан англашадиган)мушоҳадаси билан йўғрилган бўлиб, унинг ахлоқий, эстетик туйғуларини ҳам ифодалайди. Бундай туйғулар гўзаллик, эзгулик каби мезоний, тушунчаларнинг мазмунини ташкил этувчи муҳим жиҳатлар ҳисобланади.

Демак, ҳиссий билиш- бу бевосита билиш бўлиб, бунда объектнинг ташқи, зоҳирий томонлари акс этади. Ўрганилаётган объектнинг моҳияти эса ақлий билиш (тафаккур) орқали билиб олинади ва унинг билишдаги роли ам шу билан белгиланади. Тафаккурнинг билишдаги бундай мавқеи қуйидагилар хусусиятлар билан изоҳланади:

1.Тафаккур воқеликнинг инсон миясида умумлашган, воситали инъикосидир. Умумлаштириш - бу предмет, ҳодисаларни энг муҳим белгиларига кўра муайян жинсларга бирлаштириш ва уларни номларда ифодалашдир. Масалан, биз «уй» тушунчасида унинг муҳим белгилари (кишиларнинг умргузаронлиги, оила бўлиб яшашлари кечадиган маскан эканлиги) асосидаги умумлашган бино образни тасаввур қиламиз. Ва бунда унинг муҳим бўлмаган, иккинчи даражали белгиларини (қачон ва қандай материаллардан қурилганлиги, катта-кичиклиги ва б.) фикран соқит қиламиз. *Воситали акс эттириши* - бу чин «билимларга таянган ҳолда хулосалар чиқариш, илмий тахминларни илгари суришдир. Масалан, бошқа сайёраларда ҳаётнинг борлиги ҳақидаги илмий гипотеза Ер планетаси ҳақидаги мавжуд билимларга таянилган ҳолда илгари сурилади. Археолог топилган у ёки бу ашё орқали маълум бир тарихий давр маданияти, унинг таракқиёт даражаси ҳақида фикр юритади. Шунингдек, ҳуқуқшунос жиноят содир этилган жойдан топиб олинган ашёвий далиллар ёрдамида қидирув, тергов ишларини олиб боради.

2.Тафаккур тил билан узвий боғлиқдир. Уларнинг биринчиси иккинчисисиз мавжуд бўлолмаганидек, фикрдан ажралган «соф» тилнинг ҳам бўлиши мумкин эмас. Тафаккур воқеликнинг инсон онгидаги умумлашган, воситали акс этишининг маҳсули - маънавий ҳодиса бўлса, тил уни юзага чиқарувчи, ифодалаш воситасидир. Тил орқали кишилар ўзаро ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатига киришадилар, алоқа қиладилар. Шу маънода у моддий хислатга эга.

3.Тафаккур муайян ғоя-мақсадга йуналтирилган фаолият ҳисобланади. Чунки ҳар қандай мақсад, фақат тафаккур мушоҳада юритиш натижасида юзага келиб, унинг доимий иштирокида рўёбга чиқарилади. Зотан инсон яшашининг мақсадини тирик мавжудотлар яшаш тарзидан фақат ғоя билан йўғрилганлиги билан фарқлаймиз.

Формал мантикнинг предмети, муаммолари унинг фалсафий фан эканлиги билан белгиланади. Шу боис фалсафанинг азалий муаммоси ҳисобланмиш одам ва олам муносабати билан боғлиқ билиш, ҳақиқат, унга

эришиш масаласи мантиқ фанининг ҳам асосий муаммоларидан бири ҳисобланади.

Мазкур фан умуман тафаккурни эмас, балки унинг асосий шакллари ва қонунларини ўрганади. Тафаккурнинг мазкур жиқатини ўрганиш тўғри, мантикий фикр юритишнинг зарурий шартидирки, бусиз ҳақиқат, чин билимларга эришиб бўлмайди.

«Ҳақиқат нима, унга қандай қилиб эришилади?», «Ҳақиқатнинг мезони нима?» деган саволларга жавоб топиш учун барча даврларда файласуф, мантиқшунослар бош қотириб келганлар ва бунда, асосан, масаланинг ечимига идеалистик ва материалистик қарашдан туриб ёндашганлар.

Объектив идеализмнинг асосчиси Платон (Афлотун) ҳақиқатни фикрнинг «ғоялар дунёси»нинг «соя»си бўлган буюм, предметларга мувофиқ келишидир, деб тавсифлайди. «Ким агар буюм қандай бўлса, шунга -мувофиқ гапирса,- деб ёзади файласуф,- у ҳақиқатни айтган ва аксинча бўлса, ёлғон, хато гапирган бўлади».¹

Аристотель(Арасту) ўз салафининг фикрини янада конкретлаштиради: «Кимки йўқ нарсанинг мавжудлиги ҳақида гапирса ёлғонни, лекин мажуд нарсани бор, мавжуд бўлмаган нарсани йўқ, деб тасдиқласа, ҳақиқатни айтган бўлади».² Платон ва Аристотель томонидан берилган ҳақиқатнинг (мумтоз) таърифи то ҳозиргача фалсафа, мантиқда ўз аҳамиятини йўқотмасдан таянч таъриф сифатида қўлланилиб келинмоқда. Олмон файласуфи И. Кант ўз вақтида ҳақиқатга Платонча ва Аристотелчаарастуча қарашнинг чекланганлиги ва бу бўйича унинг (ҳақиқатнинг) энг умумий, ишончли мезонини белгилаб бўлмаслигини таъкидлаган эди. Чунки, унингча, бундай қараш ҳақиқат мезони деб қабул қилинган амалиётни фақат тажрибавий-эмпирик билимларга нисбатан қўллаш мумкин бўлгани ҳолда, уни априор, (лот. *apriori*- бошланғич), тажрибадан ташқари билимларга нисбатан қўллаб бўлмайди. «Ҳақиқат нима?- деб ёзади у, -

¹ Платон.В 3-х т. Т.1.М.; 1968, с. 417

² Аристотель. Соч.в.4 томах, Т.1, М; 1976, с.141

бу- файласуфларни боши берк кўчага киритган, уларни мантиқан бир доирада айлантирган кўҳна ва азалий савол. Ҳақиқатнинг номинал таърифига кўра (платонча, арастуча таъриф- изох бизники) у билимнинг предметга мос, мувофиқ келишидир. Лекин энг муҳим масала- бу ҳар қандай билим учун энг умумий ва ишончли мезонни топиш бўлмоғи керак".¹

Эътироф этиш керакки, гарчи Кант масалага ўзининг субъектив идеалистик қарашидан туриб ёндашган бўлса-да, лекин у кўп жиҳатли ҳақиқат феноменининг моҳиятини платонча, арастуча таъриф тўлиқ очиб бераолмаслигини англаб етган эди.

Ҳозирги глобллашув даврида умумжаҳон ва минтақавий микёсдаги ижтимоий муаммолар ечими ҳақиқатнинг моҳиятини, унинг мезоний ўлчовларини қадриятлилик доирасида ҳал этишни тақозо этмоқда. Зотан ҳақиқат маънавий-ахлоқий ўлчовларда баҳоланилмаса, кадрланмаса, ўз вазифасини бажараолмайди, ҳақиқий ижтимоий мазмунини намоён қилаолмайди»².

Ҳақиқатнинг қадриятлилик (аксиологик) жиҳати унинг эзгулик, гўзаллик, ахлоқий-эстетик мезоний тамойиллар билан ўзаро бирликда маънавият тизимининг таркибий қисми сифатида амал қилиши жараёнида намоён бўлади.

Тафаккур мураккаб, кўп жиҳатли жараён бўлиб, уни тадқиқ этиш билан бир қатор фанлар (гносеология, тилшунослик, психология, кибернетика, физиология ва б.) шуғулланади. Формал мантиқ бошқа фанлардан фарқли равишда тафаккурнинг шакллари ва уларнинг ўзаро муайян тамойиллар асосида боғланиш - қонунларини ўрганади. Аниқроқ қилиб айтганда, назарий-мантиқий билишнинг шакллари, усуллари ва уларнинг асосини ташкил этувчи қонунлар формал мантиқнинг предметиدير.

Тафаккурни бундай, яъни формал тузилиши жиҳатидан ўрганиш тўғри муҳокама, фикр юритишнинг зарурий шартидирки, бу эса чин билимларга, ҳақиқатга эришишнинг дастлабки босқичи ҳисобланади.

¹ Иммануил Кант. Критика чистого разума. Ростов на Дону. «Феникс», 1999, с.92

² Билиш фалсафаси (гносеология). Т., «Университет», 2005, 245-бет

Назарий билиш, ҳақиқат муаммоси диалектик ва математик мантиқнинг ҳам тадқиқот объекти бўлиб, ушбу умумийлик мазкур фанларнинг формал мантик билан ўзаро муносабатини белгилайди. Арасту асос солган формал мантик негизида ХУШ-ХІХ асрларда юзага келган математик ва диалектик мантик фанларида назарий билиш, ҳақиқат масаласи янгича усул, тамойиллар бўйича талқин қилинади. Ва бу формал мантиқнинг ривожланиши учун муҳим рол ўйнайди.

Гегель томонидан ишлаб чиқилган диалектик мантик тафаккурни пайдо бўлиш, ривожланишда, унинг шакллари ва қонунларини мазмун бирлигида ўрганади.

Формал мантик тафаккур шакллари тўғри фикрлаш мақсадини кўзда тутган ҳолда, турли хил мазмунга эга бўлган фикр қисмлари тарзида, умумий таркибий тузилишда ўрганади. Масалан, тушунча ва ҳукм конкрет мазмун бирлигида эмас, балки муайян структуравий тузилишидаги фикр шакли сифатида олиб қаралади ва бунда уларда қандай предмет англашилаётганлиги фикран соқит қилинади. Диалектик ва формал мантик усул, тамойиллари ва қонунларини ўзаро бирликда олиб қараш ва уларни билиш жараёнида қўллаш чин билимларга, ҳақиқатга эришишнинг энг самарали йўлидир.

XVIII асрда Европа мамлакатларида илмий-техника тараққиётининг юз берганлиги, айниқса механика ва математика фанларининг амалиёт билан боғлиқ ҳолда ривожланиши анъанавий мантик негизида янги - математик мантик йўналишининг юзага келишига замин тайёрлади.

Немис файласуфи, математиги Г.Лейбниц (1646-1716) математик ҳисоблаш методини ишлаб чиқади, ва уни мантиққа тадбиқ қилади.

Ҳисоблаш - бу белги-символлар билан фикрлаш қоидаларининг тизими бўлиб, Лейбниц улар орқали тафаккур шакллари (тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш) нисбатан қўллайди ва максимал аниқлик даражасида мантикий | муҳокама юритиш усулларини аниқлашга муваффақ бўлади.

Бу ўринда шу нарсани таъкидлаш жоизки, аслида математик мантиқнинг илк асосчиси IX асрларда яшаб ижод этган юртдошимиз, мутафаккир Муҳаммад

ал-Хоразмийдир (780-850). У «Ал-жабр ва ал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб» номли асарида ҳисоблашнинг алгебравий (алгоритмли) усуллари ишлаб чиқадики, бу орадан минг йилдан зиёд вақт ўтиб (1848) кибернетика фанининг юзага келиши учун асос бўлиб хизмат қилади. XIX асрнинг ўрталарига келиб математик мантиқ мустақил фан сифатида тўлиқ шаклланади, бунга инглиз математики, мантиқшуноси Ж.Буль (1815-1864) ва немис файласуфи, математики Г.Фреге (1848-1925)лар катта ҳисса қўшадилар.

Ж.Буль «Мантиқнинг математик таҳлили», «Фикр қонунларининг тадқиқи» номли асарларида "мантиқ алгебраси" деб аталадиган математик мантиқ системасини ишлаб чиқади.

Г.Фреге биринчи бўлиб мулоҳазалар ва предикатлар мантиғининг аксиоматик тузилишининг формаллашган арифметик системасини тузади. Ва буни у икки томлик «Арифметиканинг асосий қонунлари» деган асарида баён этади.

Буль, Фрегеларнинг математик мантиққа оид қарашлари, кейинчалик инглиз файласуф, мантиқшунослари Б.Рассел (1872-1970) ва А.Уайтхед (1861-1947)лар томонидан янада ривожлантирилади. XX асрнинг охирига келиб уларнинг қарашлари негизида интуитив, конструктив, кўп моҳиятли, модалли мантиқ каби математик мантиқ йўналишлари юзага келади. Математик мантиқнинг юзага келиши формал мантиқнинг илмий билиш методологияси вазифасини ўташ имкониятларини оширишга хизмат қилади. Ҳозирги давр, ахборот-технология тизимининг тобора такомиллашиб бориши формал мантиқнинг ушбу вазифасининг аҳамиятини «Куч- билим, тафаккурда» деган тамойилни ҳаётга тадбиқ қилишда янада долзарб қилиб қўймоқда.

Формал мантиқнинг вазифалари унинг ўзига хос амалий-назарий аҳамиятга эга бўлган фалсафий фан эканлиги билан белгиланади. Шунга кўра мазкур фан назарий-методологик ва меъёрий (норматив) - праксиологик вазифаларни ўтайди. Булар:

1. Талабаларни мантиқ фани асосларини ўзлаштиришга эришиш орқали уларда ўзликни англаш эътиқоди, мустақиллик дунёқарашини шакллантириш.

2. Талабларни Шарқ, хусусан, Марказий Осиё мутафаккирларининг жаҳон фалсафий-мантиқий фикри тараққиётига қўшган хиссасини англатиш, уларнинг таълимотларини чуқур эгаллашга йўналтириш билан уларда миллий ғурур, ифтихор туйғуларини ҳосил қилдириш. 3. Талабаларда миллий мустақиллик ғоямизга ёт бўлган ҳозирги мафкуравий хатар, бузғунчи ғояларга қарши туриш қобилияти -мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва бунинг учун мантиқий исботлаш ва рад этиш назариясининг тузилиши, тамойилларини ўзлаштиришларига эришиш.

4. Талабаларда тўғри фикрлашнинг мантиқий шакллари, қонун-қоидаларидан илмий билиш методлари сифатида қўллай билиш ва улардан бошқа фанларни ўзлаштиришда фойдаланиш малакасини ҳосил қилиш.

2§. Тафаккурнинг мантиқий шакллари ва қонунлари ҳақида тушунча.

Воқелиқдаги нарса, ҳодисалар, ҳоҳ, у моддий, ҳоҳ, у маънавий кўринишда мавжуд бўлмасин, улар ўзининг муайян шакл ва мазмунига эга бўлади. Шу маънода шакл ва мазмун ҳар бир буюм, ҳодисанинг муайян вақт ва фазодаги мавжудлиги, борлиғини ифодалайди. Масалан, «дарахт» деганимизда муайян шаклдаги (бўйи, эни, тузилиши ва б.) ўсимлик тури кўз олдимизга келади. Лекин ижтимоий, маънавий ҳодисаларнинг шаклини бевосита идрок этиш мумкин эмас. Тафаккур шакли ҳақида гапирганимизда моддий нарсаларга хос миқдорий ўлчовни қўллай олмаймиз. Чунки, тафаккур, юқорида таъкидлаганимиздек, борлиқнинг киши миясида фаол инъикос этиши жараёнининг натижасидир. Шунинг учун унинг шакллари «соф» шакл эмас, балки улар фикрнинг ҳосил бўлиши, мавжуддиги, воқе бўлиши, амал қилиши усулини ифодаловчи мантиқий категориядир.

Тафаккурнинг шакллари бу фикр мазмуни қисмларининг ўзаро боғланиш усули ва шу асосда уларнинг муайян изчил, яхлитликида бирлашишидир. Бундай боғланиш уч хил шаклда бўлади: тушунча, ҳукм, хулоса чиқариш. Мазкур

шаклларнинг ҳар бирининг моҳияти бундан кейинги мавзуларда алоҳида кўриб чиқилади. Бу ерда фақат уларнинг фикр мазмуни элементларининг қай тарзда боғланиши ҳақида қисқача тўхталамиз. Бунинг учун, аввало, фикр мазмуни элементлари (қисмлари)нинг ўзи нима эканлигини яхши билиб олиш керак.

Фикр мазмуни унда акс этаётган предметнинг белги, хусусиятлари ташкил этади. Лекин бу белги, хусусиятлар фикр шакллариининг ҳар бирининг алоҳида ўзида ҳамда уларнинг ўзаро бир - бири билан умумий боғланиши асосида муайян мазмунни ташкил этади. Худди шунга кўра тушунча, ҳукм, хулоса чиқаришдаги фикр умумий шаклда ифодаланади. Аниқроқ қилиб айтганда, ушбу айтилганларни мисолларда изоҳлайлик. Масалан, «давлат», «жиноят», «дарахт», «китоб» тушунчаларини олиб, қарасак, улар турлича мазмунга эга. Лекин уларда ифодаланаётган предметларнинг муҳим ва умумий белгилари ўзаро боғланиб яхлит мазмунни англатади. Шунинг учун ҳам тушунча, ҳукм, хулоса чиқаришдаги хилма-хил мазмун муайян бир умумий шаклда ифодаланади.

Агар «давлат», «жиноят», «дарахт», «китоб» тушунчаларини олиб қарасак, улар турлича мазмунга эга, чунки уларда ҳар хил белгиларга эга бўлган буюм, ҳодисалар акс этаётганлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. Лекин мазкур буюм, ҳодисалар инсон онгида умумий усулда, яъни фақат уларнинг энг умумий ва муҳим белгиларининг бир бутун, яхлит тарзда акс этади. Мазкур тушунчаларда ифодаланаётган буюм, ҳодисаларнинг ҳар бири (уларни А,Б,В ҳарфлари билан белгилаймиз) хилма-хил муҳим ва номуҳим белгиларга эга. (уларни в, с, д, х, м билан ишоралаймиз).

Лекин ҳар тўрттала тушунчаларда ҳам фақат уларнинг муҳим белгилари (уларни в, х, с билан ишоралаймиз) фикран ажратилиб, қолганлари, яъни номуҳимлари (д, м) фикран тушиб қолдирилган ҳолда англашилади. Яъни: А- в,х,с; .; Б- в,х,с; В-в,х,с; Д-в,х,с тарзида.

Ҳукмларда буюм, ҳодисаларнинг хусусият, белгилари, муносабатлари тасдиқ, ёки инкор тарзида ифодаланади. Бундай фикр юритиш шаклида ҳам тушунчадаги каби мазмун элементларининг бир хил умумийликда, усулда боғланишини кўрамиз. Масалан, қуйидаги муҳокамаларни олиб қарайлик:

1. Жиноят давлат томонидан белгиланган ҳуқуқий қонунларнинг бузилишидир.

2. Ўзбекистан мустақил демократик республикадир.

3. Алишер Навоий ўзбек мумтоз шоиридир.

4. Ёрдамчи сўзлар келишиқда турланмайди.

Мазкур ҳукм муҳокамаларнинг ҳар бири турлича мазмунга эга бўлсада, лекин уларнинг таркибидаги тушунчалар бир хил тузулишга эга бўлиб ўзаро бир хил услубда боғлангандир. Ҳар тўрттала ҳукмда фикр юритилаётган предмет ҳақидаги атама субъект (буни мантиқда S лотинча ҳарф билан белгилаш қабул қилинган) ва унинг хусусият, белгисини ифодаловчи атама предикат (лотинча - P билан белгиланади), ҳамда субъект ва предикат ўртасидаги тасдиқ ва инкор тарзидаги мантикий боғлама (у "-" ишораси билан белгиланади) бор.

Ҳукмлардаги «жиноят», «Ўзбекистон», «Алишер Навоий», «ёрдамчи сўзлар» фикр предметлари-субъектлардир; «давлат томонидан белгиланган ҳуқуқий қонунларнинг бузилиши», «мустақил демократик республика», «ўзбек классик шоири», "келишиқда турланмоқ" предикатлар бўлиб, улар ўзаро тасдиқ ёки инкор шаклида боғланиш билан тугал маъно ҳосил қилинади.

Ҳукмларнинг ўз навбатда умумий усулда боғланиб хулоса чиқариш шаклига киришишини кўрамиз. Масалан: «Социологлар мантиқ илмини яхши билиши керак. Карим- бўлғуси социолог». Бу икки ҳукмдан мантиқан: «Демак, Карим ҳам мантиқ илмини яхши билиши керак», деган хулоса келиб чиқади. Ёки: «Ҳамма металллар электр ўтказувчандир. Темир-металл», деган ҳукмлардан: «Демак-темир ҳам электр токи ўтказувчандир» деган хулоса келиб чиқади. Бундай муҳокамалар боғланишини яна давом эттириш мумкин. Уларнинг барчаси учун бир хил умумийлик хосдир: Хулосалар келтирилган ҳар икки ҳукмнинг ўзаро такрорланиб келувчи (уни М ҳарфи белгилаймиз) атама орқали боғланиши бўйича келиб чиқади. Бундай умумийликни қуйидаги схема билан ифодалаш мумкин:

M----P

S ----M

S - P

Бошқача килиб айтганда, ҳукмлар қандай мазмунга эга бўлмасин, улар ўртасида бир хил усулда ўзаро боғланишни кўрамиз.

Фикр элементлари ўртасидаги боғланиш доимийлик, изчиллик, такрорланувчанлик характериға эға бўлиб, булар тафаккурнинг қонунларида ифодаланади. Тафаккур қонунларининг моҳиятини тушунишда фикрнинг чинлиги ва формал (формал) тўғрилигини бир-биридан фарқлай билишни талаб этади.

Агар фикр воқеликка мос келса, яъни уни айнан акс эттирса, у чин бўлади. Масалан, "Сув 100 градусда қайнайди." Лекин фикрнинг чинлигига эришишнинг яна муҳим шарти - бу фикр элементларининг ўзаро мантикий боғланиши, яъни фикрнинг шакл жиҳатидан тўғрилигидир. Агар фикрнинг муайян тамойилдаги боғланиши бузилса, унинг ноаниқлигига йўл қўйилади. Масалан: «Ҳамма ҳуқуқшунослар сиёсий маданиятли бўлиши зарур. Ҳақимов ҳуқуқшунос эмас» деган ҳукмлардан: «Демак, Ҳақимовнинг сиёсий жиҳатдан маданиятли бўлиши шарт эмас», деган мантиқан нотўғри хулоса келиб чиқади. Чунки бу ерда ҳукмлар ўзаро тўғри фикр юритишнинг қонуни (айният қонуни) талабига риоя қилинмаган ҳолда боғланмоқда. Шунинг учун тафаккур қонунлари фикр элементларининг ўзаро муайян

талаблар асосида боғланиши ва шу асосда фикрнинг тўғрилигини таъминлайди.

Аммо тафаккурнинг формал (формал) қонунларини унинг диалектик қонунлари (қарама-қаршилиқлар бирлиги, миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўзаро ўтиши, инкорни инкор қонунлари)ни аралаштириб юбормаслик керак. Агар формал мантиқнинг нозидлик қонуни бир нарса ҳақида муайян вақт ва муносабатда зид фикр айтиш мумкин эмаслигини талаб этса, қарама- қаршилиқлар бирлиги қонуни бу ҳолни инкор этади. Чунки диалектика нарса ва ҳодисаларни доимий ривожланиш, ўзгаришда олиб қарайди. Агар «Бу предмет муайян пайтда оқ ранглидир», «Бу предмет муайян пайтда оқ, эмас», деган зид ҳукмлари формал мантиқ қонуни (учинчисини мустасно) талаби бўйича олиб қараладиган бўлса, бир пайтда чин ҳам хато ҳам бўлиши мумкин эмас. Бири хато бўлса, иккинчиси албатта чиндир. Лекин диалектик мантиқ қонунлари талабига кўра, улар бир вақтда хато ҳам, чин ҳам бўлиши мумкин. Чунки ушбу

предмет доимий равишда сифат ўзгаришида деб қараладики, мазкур тамойил унинг муайян пайтда, яъни шу вақтда, шу лаҳзада ўзининг сифатини сифатини ўзгартираётганлигини эътироф этишни талаб этади.

3§. Мантиқ илмининг назарий ва амалий аҳамияти

Мантиқ илмининг назарий ва амалий аҳамияти унинг фалсафий фан эканлиги билан белгиланади. Мантиқ билиш назариясининг таркибий қисми бўлиб, и унинг мақсади- чин билим, ҳақиқатга эришишга қаратилгандир. Шунинг учун ҳам мантиқ фани умумметодологик аҳамиятга моликдир.

Дарҳақиқат, тафаккур шакллари ва қонунлари, тўғри фикр юритиш тамойилларига риоя қилиш чин билим, ҳақиқатларга эришишнинг зарурий шарт ҳисобланади. Ўз вақтида Абу Наср Форобий мантиқ илмининг бундай табиати ҳақида шундай деб ёзган эди: "Мантиқ маълум хулосалар келтириб чиқариш учун мантикий фигураларга биноан қандай қилиб дарак гапларни тартибга солишни ўргатади. Мантиқ ёрдамида биз билмаган нарсаларни билиб оламиз ҳамда нима чин ва нима елғон эканлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз".¹ Ҳеч бир фан соҳаси йўқки, у мантикий хулосавий билимлар ҳосил қилишга асосланмаган бўлсин. Бу эса англаган ва англалмаган тарзда- тафаккурнинг қонун ва шаклларига таянишни талаб этади. Масалан, ҳар бир фан маълум илмий тушунчалар аппарати билан иш кўради. Уларнинг мазмун, моҳияти эса тушунчаларни мантикий таърифлаш ва бўлиш каби мантикий усуллар орқали англашилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кишилар фикр юритишда ўзлари англамаган ҳолда тафаккур қонунларига риоя қиладилар ва шунга мувофиқ тушунчаларнинг ўзаро боғланишидан ҳукм, ҳукмлардан эса хулосалар чиқарадилар.

Мантиқ фанини умуман ўрганмаган кишилар ҳам муайян даражадаги тафаккур маданиятига эга бўладилар, лекин бундан мантиқ фанини махсус ўрганиш шарт эмас, деган хулоса чиқариш ярамайди. Аксинча тафаккурнинг

¹ Абу Наср Форобий. Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида.//Фозил одамлар шаҳри. Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти., 1993, 179-бет

қонун ва шакллари пухта билиш ва уларнинг тамойилларини муҳокама юритиш жараёнида англаган тарзда қўллай билиш янги билимлар ҳосил қилиш, тафаккур маданиятини шакллантириш учун энг самарали восита бўлиб хизмат қилади. Тафаккур маданияти негизида шахснинг ўз-ўзини англаши, мустақил ва эркин фикрлаши қобилияти шаклланади. Шунга кўра ҳозирги илмий ахборот оқимининг ошиб бориши ҳамда мафкуравий хуружларнинг кучайиб бориши шароитида мантиқ фани асосларини ўрганиш ўқувчи, талаба ёшларимизда қайд этилган қобилиятларни ўз ичига олувчи мустақил дунёқарашини камол топтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек мантиқ кишилар, хусусан, ёшларимизнинг дунёқараши, иймон-этиқодини шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Зотан ҳар қандай ғоя, қарашлар мантиқан асосланган, яъни исбот этилган пайтдагина кишиларнинг ишонч, этиқодларига айланади.

Далиллаштириш, яъни исботлаш назарияси мантиқ фанининг предметига киради. Мазкур мантиқий усул талаба- ёшларимизда миллий мустақиллик ғоясига бўлган ишонч-этиқодни шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Миллий мустақиллик ғоясини кишилар, хусусан, ёшлар қалбига ва онгига сингдириш бугунги умумлавлат аҳамиятига молик вазифалардан биридирки, унинг ҳал этилиши, руёбга чиқарилиши айни пайтда ижодий, фаол тафаккурни, мантиқий маданиятни шакллантириш зарурлигини тақозо этади.

Ана шу заруриятни инобатга олган ҳолда, Республикамиз олий ва ўрта таълим вазирлиги 1995-96 ўқув йилидан бошлаб «Мантиқ» фанини барча олий ўқув юртларининг ҳамма факультетларида зарурий ўқув предмети сифатида ўқитилиши ҳақида махсус фармон қабул қилди.

Мантиқ фанини, шунингдек, касб-ҳунар ва академик лицейларда ҳам зарурий ўқув предмети сифатида ўқитилишни йўлга қўйиш бугунги куннинг ҳаётий талабидир.

Юқорида айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Мантиқ фанининг қонун, категориялари, усулларини яхши билиш ва уларни онгли тарзда қўллай билиш тўғри, назарий фикр юритишнинг зарурий

шарти қисобланади. Шунга кўра мантиқ фани билиш жараёни учун дастуриламалий аҳамиятга моликдир.

2. Мантиқ инсон мушоҳада юритиши, фикрлашини рефлексивлаштиради. Бошқача қилиб айтганда, инсон билишини унинг ўз-ўзини билиб олишга йўналтиради. Шунга кўра мантиқ илмини эгаллаш фикрлаш жараёни фаоллигини, ижодийлигини-ошириш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Шу жиҳатдан олиб қараганда мантиқ фани бугунги кунда «элим деб, юртим ёниб яшовчи» (И.А.Каримов) фаол шахсни шакллантириш, камол топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

3. Фан соҳасидаги илмий гипотезалар мантикий билиш асосида илгари сурилади ва асосланилади. Дарҳақиқат, илмий тахмин, башоратлар моҳиятан аналогик(мантикий) хулоса чиқаришнинг натижаси ўлароқ юзага келади.

4. Тўғри фикр юритишнинг асосий тамойиллари (айнанлик, изчиллик, нозидлик, асосланганлик), айниқса, юриспруденция соҳасида, хусусан, тергов ишларини амалга оширишда, одил суд ҳукмини чиқаришда катта роль ўйнайди. Айтиш мумкинки, мантиқ илмини яхши ўзлаштирмаган ҳуқуқшунос ўз соҳасининг малакали мутахассиси бўла олмайди.

5. Фикрни ёзма ва оғзаки ифодалаш мантикий қоида, усулларнинг талабига риоя этишни талаб этади. Шу маънода мантиқ фани моҳиятан фикр юритиш грамматикаси ҳисобланади. Мантиқнинг барча қонун, қоидаларини яхши билиш фикрни тил шаклларида ғоят аниқ, лўнда, тежамли ва айна пайтда саводхонлик даражасида ифодалаш учун хизмат қилади. Шунга кўра мантиқ тил (грамматика)нинг фалсафий асоси ҳисобланадики, бу масала то ҳозиргача бизнинг тилшунос олимларимизнинг назар-эътиборидан четда қолиб келмокда.

Мавзуга доир топшириқ ва такрорлаш учун саволлар.

1. Мутафаккирларнинг тафаккур ҳақидаги фикрларини таҳлил қилиш асосида унинг хусусиятлари ва билимдаги ролини изоҳланг.

1.1. Тафаккур буюк фазилатдир ва одамнинг ҳақиқатни айтишида, табиатга қулоқ солган ҳолда унга мувофиқ ҳаракат қилишдир. (Гераклит)

1.2. Инсон ақли учта хислатга эга асосдир. У фозил (таъсир этувчи сабаб), у – мақсад ва ақлга яқин бўлишга интилувчи баркамолликдир.

1.3. Инсон ақли жамики муаммоларни очишга қодир уч калит: рақам, ҳарф, нотага эга. Билиш, фикр юритиш, орзули бўлиш керак. Ҳамма нарса шундан. (В.Гюго)

1.4. Бутун гап фикрлашда. Ҳамма ишнинг бошланиши фикр. Шу боисдан ҳам такомиллашишнинг бош шarti – фикр устида ишлашдир. (Л.Н.Толстой)

1.5. Камдан-кам учрайдиган жасорат тафаккур жасоратидир.

Фикр ҳам озиқ. Фикрлаш эса озиқланиш демакдир. (В.Гюго.)

1.6. Тафаккур эрки ҳар бир одамнинг дахлсиз ҳуқуқидир. (Э.Ренан)

1.7. Қаерда ақл бўлса, кудрат ҳам ўша ердадир. (В.Гюго)

1.8. Тафаккурни нобуд этган одам уч карра қотилдир. (Р.Роллан)

1.9. Фақат тафаккур соҳибигина озод ва мустақилдир. (А.Фейебрах)

1.10. Мавжудотларга инъом этилган жонни фақатгина тафаккурни руҳга айлантиради ва ёлғиз фалсафадагина инсон томонидан унинг мазмун – моҳияти, ҳақиқатлиги англаб олинади. (В.Г.Гегель)

2. Мутафаккирларнинг мантиқ илми ҳақидаги қуйидаги келтирилган мулоҳазаларини таҳлил қилиш бўйича унинг назарий ва амалий аҳамиятини изоҳлаб беринг.

2.1. Мантиқ илми хулосалар келтириб чиқариш учун мантикий фигураларга биноан қандай қилиб мулоҳазаларни жойлаштиришини ўрганади, бу хулосалар ёрдамида биз билмаган нарсаларни билиб оламиз, ҳамда нима тўғри нима ёлғон эканлиги ҳақида ҳукм чиқарамиз. (Абу Наср Форобий) Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида.// Фозил одамлар шаҳри» Т., 1993, 179-бет.

2.2. Мантиқ шундай фанки, ҳали билиб олинмаганларнинг билиш орқали билиб олиниши, нима чин, нима ҳақиқатга яқин, нима ёлғон ва улар неча хил турга бўлишлиги очиб берилади. Мантиқ – мезоний фан, бошқа фанлар фойда ёки зарар ҳақидадир. (Ибн Сино. Донишнома. //Материалы по истории прогрессивной общественно – философской мысли в Узбекистане. Т., «Фан» 1976, с.322)

2.3. Мантиқ ақлнинг умумий ва зарурий қоидаларини баён қилади ва ҳақиқатнинг ўлчовини ана шу қоидалар доирасида беради. У ақлнинг барча барча формал фаолиятини таркибий элементларга ажратади ва уларни бизнинг билимларимизнинг ҳар қандай баҳоси, тамойиллари сифатида ифодалайди. (И.Кант. Критика чистого разума. Ростов на – Дону. «Феникс», 1999, с.93)

2.4. Мантиқнинг киши учун аҳамияти шу билан белгиланадики, у ақлни ривожлантирган ҳолда, уни бошқа мақсадларга эриштиришга йўналтиради. Кишининг мантиқ билан машғул бўлиш орқали ривожланиши унинг бунда тафаккур қилиш малакасини орттириш билан белгиланади. Чунки мантиқ тафаккур ҳақидаги тафаккур қилиш фанидир. (Г.В.Гегель. Энциклопедия философских наук. Наука логики. М., “Мысль”, 1975, с.108)

3. Формал мантиқнинг предмети нима ва нима учун у илмий билим методологияси ҳисобланади?

4. Формал ва диалектик мантиқнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-биридан фарқлари нимада?

5. Тафаккур шакллари нима?

6. Тафаккур қонунлари нима, уларнинг объектив характериға эға эканлиги нима билан изоҳланади?

7. Президентимизнинг қуйидаги фикрларини таҳлил қилиш асосида мантиқ фанининг бугунги кунда мамлакатимизда ўзига хос фуқаролик жамияти асосларини барпо этишдаги аҳамиятини изоҳлаб беринг?

7.1. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб биз кўзлаган олий мақсад ва озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.

7.2. Куч – билим ва тафаккурда.

7.3. Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади.

7.4. Шу юртда яшаётган ҳар қайси инсон ... бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрларни ва диёримиздаги барча ўзгаришларга даҳлдорлик туйғуси билан яшаши зарур бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий ҳужжатларнинг моҳиятини очиб бериш фуқароларимиз қалбида

миллий тафаккур ва соғлом фунёқараш асосларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамиятга касб этади.

2-МАВЗУ. Мантиқ фани ривожланишининг асосий босқичлари

1§. Қадимги дунёда мантиқ илмининг шаклланиши

Мантиқ фалсафий фикр тараққиёти жараёнида юзага келган илм соҳасидир. Айни пайтда- фалсафанинг ўзи донишмандлик, ҳикмат илми сифатида мантиқий тафаккур ҳосиласидир. Мантиқ фанининг алоҳида билимлар тизмаси сифатида фалсафадан ажралиб чиққандан то бугунгача бўлган давр ичидаги ривожланиш даврини қуйидаги тўртта шартли босқичга ажратиб ўрганиш мумкин. Булар:

1. Қадимги дунёда мантиқ илмининг тараққиёти
2. Ўрта асрлар, Уйғониш давридаги мантиқий фикр.
3. XVII-XIX асрлар мантиқий фикри.
4. XX-XXI-асрлар мантиқий фикри тараққиёти

Дастлабки мантиқий билимлар қадимги Миср, Бобил, Хитой, Ҳиндистон, Марказий Осиёда шаклланади. Кейинчалик мантиқ Юнонистонда ҳам у алоҳида илм соҳаси сифатида қарор топа бошлайди.

Эрамиздан аввалги тўртинчи минг йилликнинг охири ва учинчи минг йиллик бошларида қадимги мисрликлар, бобилликлар табиат ҳодисалари сирларини билиб олиш, уларни ўзларига бўйсундиришга ҳаракат қила бошлайдилар ва бунинг натижаси ўлароқ диний-фалсафий, мантиқий қарашлар шакллана боради. Ўша даврлардан бизгача етиб келган «Хўжайиннинг ўз қули билан ҳаётнинг мазмуни ҳақида суҳбати», «Арфист қўшиғи», «Ўз ҳаётидан ҳафсаласи пир бўлган кишининг ўз жони билан суҳбати» каби ёзма битиклар бўйича қадимги мисрлик, бобилликларнинг тафаккур услубияти ҳақида фикр юритиш мумкин.

Ватанимиз ҳудудидаги қадимги мантиқий қарашлар зардуштийлик диний-фалсафий таълимотининг ғоялари асосида шаклланган ва ривожланган унинг муқаддас китоби «Авесто» аждодларимизнинг тафаккур услуби, маданияти

ҳақида маълумот берувчи ноёб манба ҳисобланади. Лекин, шуни қайд этиш керакки, «Авесто»нинг бу жиҳатдан тадқиқи эътибордан четда қолиб келмоқда. Ваҳоланки, ҳақиқат, унга эришиш, одамнинг ўз-ўзини англаш масаласи “Авесто”нинг асосий мавзусидир. Ҳақиқатга эса фақат “эзгу ўй, эзгу сўз ва савоб иш” орқали эришилади.

«Ҳақиқат, - деб таъкидланади китобда, - олий неъмат. Бу неъматдан шул (киши) баҳрамандким, савоб унга бўлғайким, ул ҳақ (йўлида) энг эзгу, савоб ишдан қолмаса».¹

Қадимги Ҳиндистондаги мантикий фикр ҳам диний-фалсафий таълимотлар асосида пайдо бўлади, ривожланади. Шунга кўра унинг тараққиёт босқичларини қуйидаги иккита даврга ажратиш мумкин.

1. Ведалар даври (мил. Авв. II-I минг йилликлар).
2. Будда даври (мил. Авв. VII аср)

Тўққиз аср мобайнида (мил. авв. 1500-600 йиллар) яратилган «Ведалар» деб аталадиган муқаддас китоб қадимги Ҳиндистондаги мантикий фикрга оид маълумот берувчи қимматли манба ҳисобланади. Мазкур китоб асосан мантикий саволларнинг қўйилиши ва уларга бериладиган жавоблар услубида ёзилган. Шундай саволларидан баъзиларини келтирамиз:

«Пурушани (ўлмайдиган руҳ-жонни -изоҳ бизники) ким яратган? Худолар қанча? Уларнинг қайси бири пурушани яратган?

Ақл ким томонидан қўзғатилади, ҳаракатлантирилади.²

Милоддан аввалги IV асрларда юзага келган буддизм таълимотининг асосида «Веда» ғоялари ётади. Лекин буддизмда мантикий фикрга оид қарашлар, хусусан, ҳақиқат мавзуи “Ведалар”дагидан фарқли равишда бевосита инсон ҳаёти, тақдири билан боғлиқ тарзда талқин қилинади.

Мантиқ қадимги Юнонистонда эраמידан аввалги IV асрда тизимлаштирилган махсус фан сифатида юзага келади. Бунга Зенон, Сукрот,

¹ Авесто. Яшт китоби Т., «Шарқ» 2001. 8-бет

² Древнеиндийская философия. М., 1963, стр.36-37

Платон (Афлотун), Аристотел(Арасту) каби милет мактабининг етакчи намоёндалари катта ҳисса қўшадилар.

Зенон (мил. Авв. 490-430) биринчи бўлиб фикр юритишдаги зиддиятликни(парадоксларни) фалсафий-мантикий масала сифатида илгари суради, таҳлил қилади. У муҳокама юритишнинг парадоксал (юнон. Paradoxos – кутилмаган) зиддиятга эга эканлиги, яъни бир-бирини истисно қилувчи икки фикр бир вақтда ҳам чин, ҳам хато бўлишига эътиборни қаратади.

Ва бундан қуйидаги хулосаларга келади:

1) Нарсалар тўплами ҳақида мантикий равишда фикр қилиш мумкин эмас, чунки борлиқ зиддиятли эмас. Шунга кўра унинг зиддияти ҳақидаги тасаввур ҳаёлий борлиқдир.

2) Ҳаракатнинг мавжудлигини фараз қилиш, уни англашга уриниш парадоксал зиддиятга олиб келади ва бу апория (юнон. Aporia – мушкул аҳвол) – ҳал қилиниши мушкул бўлган мантикий масалани келтириб чиқаради. Ва шу асосда у ўзининг «Ахил ва тошбақа», “Ёй ўқи” ва бошқа апорияларини илгари суради.

3) Сукрот (мил. Авв. 469-399) ҳақиқат, чин билимлар энг умумий тушунчалар воситасида эришилади, деган қарашни илгари суради. Унингча, ҳар қандай предмет, ҳодиса фақат муайян тушунча умумлаштирилганда ва у ҳақида ана шу тушунча асосида муҳокама юритилган пайтдагина билиб олинади. Сукрот бундай тушунчаларни ҳосил қилишнинг икки хил йўлини- индукция ва дедукцияни ажратиб кўрсатади.

У ҳамма учун умумий бўлган ҳақиқатга ва бунга ҳар бир киши ўзлигини англаш орқали эришиш мумкин, деб ҳисоблайди. Унинг томонидан илгари сурилган «Ўзингни ўзинг бил», деган шиор ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Платон (427-347) Сукротнинг шогирди бўлиб, унинг объектив идеалистик таълимоти асосида ҳақиқатни энг умумий тушунча – ғоялар орқали англаш ҳақидаги қараш ётади. У яқкаликдан умумийликка ўтиш орқали энг умумий тушунчалар ҳосил бўлиши ва улар ғоя моҳиятини англашнинг йўли деб

ҳисоблайди. У бунда Сукротнинг индуктив методига асосланади. Платон фикрича, тушунчалар инсон онгида, ғоя эса ундан ташқарида ўзига хос борлиқ тарзида мавжуддир. Ғоя – бу тушунча эмас, лекин тушунчалар ўз моҳиятига кўра ғоянинг ифодаланиш шаклидир. Унингча, инсон ақли ўзича билимларни ҳосил қилдирмайди, унинг бошланғич манбаи – бу ғояни ҳиссий-руҳий идрок этиш, мушоҳада юритишдир. Файласуфнинг мантикий қарашлари «Федан», «Перменид», «Софист» – деган асарларида баён этилган.

Юнон мутафаккири Аристотель-(Арасту, эрамиздан ав. 385-322 йй.) нинг хизмати каттадир. Шунинг учун ҳам уни ҳақли равишда мантиқ фанининг асосчиси, деб атайдилар. У ўзининг «Категория», «Талқин ҳақида», «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Топика», «Софистик раддиялар ҳақида» каби асарларида фикр юритиш муайян шакл ва қонунлар асосида кечувчи жараён эканлигини асослаб беради. Шунинг билан биргаликда фикр юритиш, унинг амал қилишининг асосий қонун-тамойиллари, усуллари очиқ беради.

Аристотель мантикий фикр юритишни дунёни инсон томонидан билиб олишнинг энг муҳим йўли деб ҳисоблайди ва бунда фикрнинг шаклини унинг мазмунидан ажратиб олиб қараш зарур деб ҳисоблайди. Шунинг учун Аристотель асос солган мантиқ формал мантиқ деб юритилади. Мазкур фан кейинчалик унинг ҳамюртлари бўлган Стоя фалсафий мактабининг вакиллари - Зенон, Хрисипп, Аристон, Посидоний каби мантиқшунослар томонидан янада ривожлантирилди.

2§ Ўрта асрларда мантиқ илмнинг тараққиёти

Бу даврда мантикий билимларнинг ривожланиши кўпроқ Ўрта ва Яқин Шарқ, шунингдек, Ўрта Осиёда кечади. Қадимги Греция давлати, кейинроқ Рим империясининг таназзулга юз тутиши билан илм, фан, маданият Мисрда гуркираб ривожлана бошлайди.

Маълумки, VI-VII асрлар антик даврнинг емирилиши ва феодал ижтимоий муносабатларнинг юзага келиши даври ҳисобланади. Бу даврда Яқин, Ўрта Шарқ, Марказий Осиё мамлакатлари маданий ҳаётида Уйғониш даври бўлади.

Мазкур давр ишлаб чиқаришнинг юқори даражада ривожланиши ва шунга мувофиқ фан, маданиятнинг ҳам юксалиб бориши билан характерланади. Ақл, тафаккур масаласи фақат аниқ фанларнинг эмас, балки фалсафа фанининг ҳам баҳс мавзусига айланди. Шунинг учун Уйғониш даврининг кўпгина файласуф, мутафаккирлари ўзларининг мантикка доир асарларини яратдилар.

Ўрта Осиёлик қомусий олим Абу Наср Форобий (873-950) биринчилардан бўлиб Аристотель, Порфирийларнинг мантикка оид асарларига изоҳ ёзади. Абу Али ибн Сино ўзининг таржимаи ҳолида Аристотелнинг асарларини қайта-қайта ўқиганлиги, лекин фақат Форобийнинг унга ёзган изоҳини («Метафизика тезислари») топиб ўқиганидан сўнггина, уларнинг маъносига тушунганлиги ҳақида ёзади.¹

Шунингдек Форобий «Мантикка кириш», «Ақл ҳақида», «Шартли ҳукмлар» каби асарларини яратади. У ўзининг ушбу асарларида мантиқ фанининг предмети, унинг аҳамияти, тушунчалардан ҳукм ва ҳукмлардан хулоса чиқариш (силлогизм) ҳақида фикр юритади. Форобий шунингдек тўғри фикр юритишнинг асосий усул ва воситалари - исботлаш, мунозара-баҳс, индукция вао дедукциялар ҳақида ҳам батафсил тўхталади.

Форобийдан сўнг мантиқ илмининг ривожланишига катта ҳисса қўшган мутафаккир Абу Али Ибн Сино (980-1037) ҳисобланади. Форобийнинг мантиқ илмига оид асарларини чуқур ўрганган Ибн Сино ўзининг «Мантиқ», «Донишнома» каби рисоаларини яратди. Шунингдек унинг табобат илмига оид «Китоб аш-шифо» асарининг бир боби мантикка бағишланган бўлиб, у 9 қисмдан ташкил топгандир.

Ўрта аср мантикий фикрлар тарққиётига озарбайжонлик Бахманёр, арабистонлик Ибн Рашид ва эронлик Насриддин Тусий, Фахриддин Розий, хуросонлик Саъдуддин Тафтазоний каби файласуф, олимлар катта ҳисса қўшганлар.

¹ Қаранг: Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане» Т.: "Фан", 1976, с.278

3§ Янги ва энг янги даврда мантиқ илми тарақиёти

Маълумки, XVII-XIX асрлар кишилиқ тарихида янги, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг юзага келиши, шаклланиши билан характерланадиган даврдир. Бу даврда аниқ фанлар ижтимоий фанлар билан узвий равишда боғлиқликда ривожланади. Мантиқ фани эса, айтиш мумкинки, мана шу ўзаро боғлиқликни амалга оширувчи восита вазифасини ўтади. Бу пайтдаги йирик математик, физик ва бошқа аниқ фан вакиллари бўлган олимлар айна пайтда мантиқшунос ва файласуфлар сифатида фаолият кўрсатадилар. Масалан, франциялик файласуф Р.Декарт, инглиз табиатшуноси Ф. Бэкон, немис математиги Г.Лейбницлар мантикий усул, восита ва тамойилларни аниқ фан соҳасига қўллашнинг методларини ишлаб чиқадиладар ва шу асосда мантиқ фанининг янги бир тармоғи математик-символик мантиқ юзага келади.

Рене Декарт (1596-1650) илм - фан борасидаги мавжуд барча диний-|схоластик қараш, услублардан қутулиш талаби, инсон эҳтиёж, мақсадларидан келиб чиққан ҳолда фан асосларини тубдан қайта қуриш зарур, деган ғояни илгари суради. Ва буни амалга оширишнинг дастлабки шарти- бу шубҳа остига олиниш деган энг умумий тамойил фикрлаш билиш, жараёнига даҳлдор ва у кишини ҳақиқатни англашга йўналтиради, деб билади.

Декарт ўзининг бундай қарашини «Мен фикрлаётиман, демак мен мавжудман», деган қоидада ифодалайди. Декарт ўзининг ушбу тезисидан умумфалсафий тарзда хулоса чиқаради: ҳар қандай мавжудлик, яъни борлиқнинг субстанцияси тафаккурдир ва у қўламлилиқ атрибутига эга бўлган моддий субстанциядан мустақил ҳолда мавжуддир. Декартнинг фикрича, субстанциявий, борлиқ сифатидаги тафаккур шубҳадан холидир. Шубҳа бу инсоннинг билишдаги методидир, яъни ҳақиқатга бошловчи йўлдир. Бунда фақат Худони англаш, унинг кароматига шубҳа билан қараш мустаснодир.

Декарт Арасту мантиғи янги билим бериш усули бўлиб хизмат қилолмайди, у фақат тўғри фикр юритиш воситасидир, деб ҳисоблайди. Унингча, мантиқ янги билим олиш, ҳақиқатга эриштирувчи илм бўлмоғи керакки, бунинг учун унинг қуйидаги 4 асосий қоидасини яхши билиш ва уларга қатъий риоя қилиш зарур: 1)

ҳақиқат (чинлик) деб фақат шубҳа олинмайдиган фикрни тушуниш; 2) бутунни қанчалик имкони бўлса, шунчалик қисмлар (бўлаклар)га бўлиш; 3) тадқиқотни энг оддийдан бошлаш; 4) тадқиқ қилинаётганда ҳеч бир жиҳатни назардан четда қолдирмаслик.

Декарт дедукцияни индукциядан ажратиб қарагани ҳолда билишнинг асосий методи деб қарайди. У дедукция математик тамойилларга таянгандагина бундай метод вазифасини ўтайди, деб ҳисоблайди ва шунга кўра, дедукцияни иккита турга: аналитик (маълум фактлардан фикран номаълумликка ва ундан тамойилликка ўтиш) ва синтетик (аксиомаларда фикран натижаларга ўтиш) методларга ажратади. Декартнинг мантикий қарашлари «Ақлни бошқаришнинг қоидалари» каби асарида баён этилган. Декартнинг мантикий қарашлари кейинчалик Етен Кондиляк (1715-1780), Огюс Конт (1798-1857) томонидан танқидий равишда ўрганилади, ривожлантирилади. Ва бунинг натижаси ўлароқ позитивизм (лот. паситивус-ижобий) йўналишга асос солинади. Э.Кондиляк Декартнинг рационалистик қарашини чекланган деб ҳисоблайди. Ва эмпиризм (сенцуализм) йўналиши тамойилларини билиш назарияси мантиққа тадбиқ қилишга ҳаракат қилади. У «Сезгилар ҳақида рисола» номли асарида ўзининг сенцуалистик қарашларини батафсил баён этади ва сезгилар билишнинг бирдан-бир манбаи бўлиб, унинг асосини руҳий-психик жараёнлар ташкил этади деган ғояни илгари-суради.

Кондиляк мантиқ масаласига бағишланган "Фикрлаш санъати", "Мантиқ" каби асарларида тафаккурнинг билишдаги роли масаласига батафсил тўхталади. Унинг фикрича, тафаккур фақат турлича нарса ҳодисаларни фақат бирлаштириш воситасини ўтайди. Бу эса билиш йўналишини унинг моҳиятидан узоқлаштиради. Моҳиятни билишга эса яккалик, хусусийликка умумийликдан ўтиш орқали эришилади.

Кондиляк Декартнинг туғма ғоялар ҳақидаги қарашларини танқид остига оладики, бунда у ўзининг тафаккурнинг қайд этилган талқинига асосланади.

О.Контнинг мантиққа оид қарашлари «Позитив фалсафа курси», «Позитив сиёсат тизими», «Субъектив синтез» каби асарларида баён этилади. Унингча,

билиш тажриба асосида кечадиган жараён бўлиб, бунда ҳиссий билиш шакллари белгиловчи роль ўйнайди, ақлий билиш эса умумлаштирувчи вазифани ўтайди. Шу боис мутлақ билим, ҳақиқатга эришиш мумкин эмас.

Конт ўзининг мазкур қарашидан келиб чиққан ҳолда фанларни таснифлайди ва бунда аниқ фанларни ижобий мавқеига эга, деб кўрсатади. Ва бунда фалсафанинг билиш хусусиятини, ўзига хос илм соҳаси эканлигини инкор этади.

Унинг фикрича, фалсафанинг ҳақиқий табиати - бу инсон руҳи ўзгариши ҳаракатини тадқиқ этиши билан изоҳланадики, бунда -рационал (мантикий) исботлаш йўли билан кун кўради. Ва бундай исботда қуйидаги учта тафаккур услуби-методларига таянилади: теологик (илоҳий), метафизик (тажрибага асосланмаган мавҳумий) ва ижобий.Шундай қилиб, Конт ўз ўтмишдоши Р.Декартнинг билишнинг асоси дедукция, деган бирёқлама қарашини индукцияга асосланган позитивизм таълимоти билан тўғирлашга ҳаракат қилади. Бунинг учун фан схоластикадан озод бўлмоғи, унинг мақсади ва вазифаси кишиларнинг манфаат, эҳтиёжлари билан бевосита амалиётга қаратилмоғи зарур, деб кўрсатади Бекон. Масалан, кимё нодир металлларини яратиш, биология кишиларнинг ҳаётни ўзгартириш,яхшилаш астрономия қурғокчилик, зилзилаларни олдиндан айтиш, табиий офатларни бартараф қилиш йўллари кўрсатиб бериш учун хизмат қилмоғи керак. Бир сўз билан айтганда, Беконнинг фикрича, фан кашфиёт ва ихтиролар билан шуғулланмоғи керак, бунинг асосий воситаси бўлиб мантикий методлар хизмат қилади.

Бекон фанлар бундай вазифаларни фақат билиш қуролини мантиққа асосланган ҳолдагина бажара олади, деб ҳисоблайди. Ва у ўзининг мазкур қарашини «Фанларнинг янги органини» («*Noyum Organum Sceintiarum*») номли асарида баён этади. У мазкур асарини 20 йил давомида ёзади ва уни 12 марта қайта ишлайди.

Ушбу асар Арастунинг мантикий таълимоти "Органон" ининг раддияси тарзида ёзилган бўлиб, унда у ўз салафининг дедуктив методини яроқсиз, у

билиш усули бўлиб хизмат қила олмайди, деб кўрсатади. Унингча, Арастунинг «Органон»и нафақат фан, билиш учун яроқсиз, балки зарарлидир.

Немис классик фалсафасининг вакиллари бўлган И.Кант ва Г.Гегельнинг мантиқ фани ривожланишига қўшган ҳиссасини алоҳида таъкидлаш зарур. Агар Декарт, Бэкон, Лейбницлар мантикий қонун-қоида усуллари аниқ фан соҳасига тадбиқ этган бўлсалар, улар мантиқни олам ва одамнинг моҳиятини билиб олиш учун хизмат қилдиришга ҳаракат қиладилар. Кант ва Гегель «Мантиқ» номли рисоалар ёзиб, уларда ақл, тафаккурнинг яратувчи, ўзгартувчи кучи ҳақида фикр юритадилар.

И.Кант (1724-1804) асос солган трансцендентал мантиқ XIX асрнинг биринчи ярмида Германиядаги фалсафий-мантикий фикр тараққиётида туб ўзгариш яратган таълимот ҳисобланади. Кантнинг мантикий қарашлари Фихте, Шеллинг ва Гегелларнинг диалектик мантиғи учун назарий манба бўлиб хизмат қилади. Трансцендентал (лот. transendents-чегарадан ташқарига чиқиш) мантиқ, Кантнинг фикрича, априор, яъни тажриба билан бевосита боғлиқ бўлмаган соф тафаккурнинг қонун-қоидаларини ўрганиш билан шуғулланадиган фалсафий мантиқдир. «Соф мантиқ (трансцендентал мантиқ - изоҳ бизники), - деб ёзади И.Кант,- фақат априор тамойиллар билан иш -кўради ва мушоҳада, ақлнинг қонунларини ифодалайди.

Предметга нисбатан а priori тарзида муносабатда бўлувчи, тажрибадан ва ҳиссиётдан ҳосил бўлмайдиган тушунчалар мумкинлигини тасаввур, мавҳумий ақлдан пайдо бўладиган соф билимлар ҳақидаги фаннинг бўлишини эътироф этамиз. Бундай фан трансцендентал мантиқ деб аталмоғи керак».¹

И.Кант Арастунинг формал мантиғини реал воқеликдаги нарса, ҳодисаларни тажрибавий акс эттириш жараёнида юзага келувчи тафаккур шакллари ва қонунлари ҳақидаги ва тўғри фикр юритиш, чин билимлар ҳосил қилишга хизмат қилувчи амалий мантиқ деб тавсифлайди.

¹ И.Кант. Критика чистого разума. Ростов на-Дону «Феникс», 1999й, 89,92 -бетлар

Лекин, файласуфнинг фикрича, тажрибага боғлиқ бўлмаган ҳиссиёт билиш, мушоадавий ақлдан ташқарида априор тарзидаги энг умумий ва зарурий соф билимлар борки, улар билан трансцендентал мантиқ шуғулланмоғи керак. Ва мазкур мантиқнинг мақсади фақат чин билимларга эмас, балки мутлақ ҳақиқат даражасидаги билимларга эришишдир. Фалсафа ва мантиқда азалий муаммолардан бири бўлиб келган ҳақиқатни, унинг мезонини Кант ўзининг ана шу қарашидан туриб талқин қилади. "Асосий гап шундаки, - деб ёзади у, - ҳар қандай билим учун энг умумий ва ишончли ҳақиқат мезонини топишдадир"¹. И.Кантнинг мантиқий қарашлари унинг «Соф ақлнинг танқиди» (1781), «Амалий ақлни танқид» (1788), «Муҳокама қобилятини танқид» (1790) асарларида баён этилади.

Кантнинг юртдоши Гегель диалектик мантиққа асос солади. Мазкур мантиқ диалектик методга асосланган бўлиб, унда тафаккур, Арасту мантиғидагидек, фақат шакл жиҳатидан эмас, балки мазмун томонидан олиб қаралади. Лекин Гегель ўз салафининг формал мантиғини бутунлай инкор этмайди, унинг чин билимларга эришишдаги ролига юқори баҳо беради.²

Гегельнинг диалектик мантиғи, гарчи идеалистик характерга эга бўлса-да, ўзидан кейинги давр фалсафий ва мантиқий фикр ривожланиши учун муҳим дастур бўлиб хизмат қилади.

XX асрда мантиқий фикр тараққиётида математик-символик мантиқ етакчи мавқеини эгаллайди ва унинг негизида интуициявий, конструктив, кўп моҳиятли, модал мантиқ ва бошқа йўналишлар юзага келади. Бу даврда Г.В. Лейбниц асос солга математик мантиқ Э. Шредер, Р.Фреге, Б.Рассел, Ч.С.Пирс, Ж.Пиано, А.А. Марков каби мантиқшунослар томонидан ривожлантирилади.

Немис математики Эрнест Шредер (1842-1902) муҳокамаларга ҳисоблаш тусини бериш ҳақидаги ғояни илғари суради. У «Logikkalkul» («Мантиқий қисоблаш») атамасини мантиқ соҳасига киритади ва шу бўйича янги

¹ Ўша асар, 92-бет

² Қаранг: Гегель .Ф. Энциклопедия философских наук. Философия духа. М., Мьюль, 1977.с. 37-403

символларни қўллайди. Э.Шредер синфларни ҳисоблашда амалдаги тенглик муносабатини эмас, балки синфни синфга киритиш муносабатини асос қилиб олади. У ҳукмларнинг инкор тузилиши шаклидаги турларини таҳлил қилади ва уларнинг турли модификацияларини ажратиб кўрсатади.

Унинг юртдоши математик ва мантиқшунос Фреге (1948-1925) арифметика ва математикани мантиқ билан бирлаштириш, яъни мантиқни тўлиқ математикалаштиришга уринади. Унинг «Тушунчаларни ҳисоблаш», «Арифметика асослари» номли асарлари ана шу руҳда ёзилгандир.

Фрегенинг ушбу йўналишдаги қарашини инглиз математиги, мантиқшуноси Бертран Рассел (1872-1970) янада ривожлантиради. У А.Уайтхед билан ҳамкорликда ёзилган уч томлик «Principia Mathematica» асарида мантикий атомизм деган концепциясини илгари сурадики, унга кўра математик мантиқ воситасида ҳар қандай илмий гипотезаларни ва муаммовий масалаларни ечиш мумкин. У математикани соф назарий ва амалий турларга ажратади. Унинг фикрича, соф назарий математика шундай нормал ҳулосалар мажмуи, яъни мулоҳазалар синфидирки, улар фақат ўзгарувчан атамаларда ифодаланадиган мантикий бирликлардир. Рассел буни барча натурал - сонларни мантикий атамаларда ифодалаш мумкинлигини кўрсатишга ҳаракат қилади ва у математикани мантиқ билан тўлалигича қўшиш мумкин деб ҳисоблайди.

Рассел шундай деб ёзади: «Мантиқ математикага айланди, математика-мантиққа. Шу боис бугунги кунда улар ўртасига мутлақо чегара қўйиб бўлмайди. Бу моҳиятан бир нарса. Улар гўё ўғил бола ва йигит, мантиқ бу- математиканинг ёшлиги бўлса, математика вояга етган мантиқдир».¹ У ўзининг салафлари каби мантиқ математикдан фарқли равишда, ўз предмети, мақсад ва вазифаларига эга бўлган фан эканлигини англаб етмайди.

XX асрнинг ўрталаридан бошлаб математик (символик) мантиқ негизида интуитив, конструктив, кўп моҳиятли, модал мантиқ ва бошқа йўналишлар пайдо бўлади.

¹Russel D/ Introduction to Matematical Pilosophy/ London, 1924/P/194

Интуитив мантиқнинг асосчиси голланд мантиқшуноси ва математиги Л.Брауэр ва унинг издошлари ушбу мантиқнинг тамойилларини зиддиятдан холи натурал сонлар системасига асосланган ҳолда ишлаб чиқадиладар. Уларнинг уқдиришча, математик интуиция (лот.intuito-муҳокама юритилмасдан масалаларни ечиш) зиддиятдан холи бўлганлиги боис у математикада асослашнинг воситаси бўлиб хизмат қилади.

Интуитивистлар ўзларининг ана шу қарашларидан келиб чиққан ҳолда мумтоз мантиқнинг нозидлик, учинчиси истисно қонунларини танқид остига оладиладар.

Конструктив мантиқ ҳозирги замон математик (символик) мантиқнинг йўналишларидан бўлиб, бунда микдорий муносабатлар конструктив математика тамойиллари асосида ўрганилади. Конструктив мантиқда, мумтоз мантиқдан фарқли равишда, ўз хусусиятига эга математик объектлар эмас, балки қатъий дискерт қоидалар асосида лойиха (конструкция) жараёнида ҳосил қилинадиган объектлар ўрганилади.

Рус математик, мантиқшунослари А.Н.Колмогоров (1903-1987), А.А.Марков (1903-1974) лар конструктив мантиққа биринчилардан бўлиб асос соладиладар.

Кўп моҳиятли мантиқ ҳозирги замон математик мантиқнинг алоҳида соҳаси бўлиб, унда мулоҳазалар турлича контекстларда турлича маъно-мазмунга эга бўлишлиги тамойили бўйича талқин қилинади. Агар мумтоз мантиққа мулоҳазалар икки моҳиятли - «чин» ва «хато» тарзда олиб қараладиган бўлса, кўп моҳиятли мантиқда улар («чин» ва «хато»лик) ўртасидаги оралик моҳиятларга эътибор қаратилади.

Поляк мантиқшуноси Я.Лукасевич кўп моҳиятли мантиққа асос солган таниқли математикдир. У уч қийматли мантиқ деб аталадиган мантиқ йўналишини ишлаб чиқадики, бунга кўра мулоҳазаларни чин ва хатолиги билан бирга айни пайтда парадоксаллиги (юнон.рага-зид, доха-фикр), яъни бир вақтда ҳам чин, ҳам хатолиги бўйича таҳлил қилиш зарур. Кўп моҳиятли система мантиқнинг янги йўналиши бўлишига қарамасдан, унинг тамойиллари асосида назарий ва амалий масалалар, хусусан, мантиқ фани предмети, унинг ечимига

янгича қарашлар юзага келади. Модал мантиқ кўп моҳиятли мантиқ негизида шаклланган ҳозирги ноанъанавий мантиқ йўналиши бўлиб, унда модал муҳокамаларнинг мантикий боғланиши тадқиқ қилинади.

Мавзуга доир топшириқ ва такрорлаш учун саволлар

1. Дастлабки мантикий фикрлар қайси мамлакатларда юзага келганлигини ва унинг ижтимоий-тарихий шарт-шароитларини тушунтириб беринг.
2. Қадимги Ҳиндистон ва Хитойда мантикий таълимотлар қандай хусусиятларга эга бўлган?
3. «Авесто» қадимги аждодларимизнинг тафаккур услубияти ҳақидаги манба эканлигини изоҳлаб беринг.
4. «Авесто»да мантиқ илмига доир талқин қилинган қандай масала бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас?
5. Аристотель мантикий қарашларининг шаклланишида қайси юнон файласуфлари муҳим роль ўйнаган?
6. Аристотель мантиқ илмининг асосчиси бўлганлиги унинг қандай хизматлари билан белгиланади?
7. Абу Абдуллоҳ Хоразмий мантиқ илмининг қайси йўналишига асос солган?
8. Абу Наср Форобий Аристотельнинг мантикий асарларида илгари сурилган қайси масалаларни ривожлантирган?
9. Ибн Сино Форобийдан фарқли равишда мантиқнинг қандай масалаларини таҳлил қилади, ривожлантиради?
10. Шарқ, хусусан Марказий Осиё мутафаккирларининг мантикий қарашлари Европада Янги даврда мантикий таълимотларнинг ривожланишига таъсир кўрсатганми, агар шундай бўлган бўлса буни изоҳлаб беринг?
11. Символик мантиқнинг изоҳланишида қандай омиллар муҳим роль ўйнаган?
12. И. Кантнинг трансцендентал мантиғи предмети нима?
13. Г.В. Гегельнинг диалектик мантиғининг моҳиятини, унинг мантиқ фани тараққиётида муҳим босқич бўлганлигини тушунтиринг.
14. Ҳозирги даврдаги символик мантиқ йўналишларининг хусусиятларини изоҳлаб беринг.

3-МАВЗУ. Мантиқ илми ва тил

1§. Тил ахборот белгилари тизими сифатида.

Тил тафаккурнинг воқе бўлиш воситасигина эмас, балки мавжудлик, яшаш усулидир. Аниқроқ қилиб айтганда, инсон миясида идеал жараён тарзида кечадиган, юзага келадиган тафаккур фақат тил ҳодисаси сифатида моддийлашади, намоён бўлади. Тил тафаккурнинг шунчалик оддий ифодалаш шакли эмас, балки руҳий қадриятга айлантириш усули ҳисобланади. Дарҳақиқат, фикрнинг сақланиши, жамғарилиши, авлодлардан авлодларга ўтиб бориши фақат тил воситалари орқали амалга оширилади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Европада юзага келган герменевтика таълимотининг асосчиларидан бири Х.Г.Гадемер ижтимоий борлиқ бу тилдир ва у ўз моҳиятини фақат тилда зухурлантиради, деган қарашни илгари суради.

Гарчи Гадемер тилнинг жамиятдаги роли, вазифаларини мутлақлаштириб кўрсатмасин, унинг кишилар ўртасидаги ўзаро алоқа, муносабатлар бир-бирини руҳий тушунишга асосланган бўлиши керак ва бунинг воситаси тилдир, деган қараш алоҳида аҳамият, эътиборга моликдир.

Тил бир қатор вазифаларни бажарадики, булардан билиш, ўз-ўзини билиш унинг асосий функцияси ҳисобланади. Мантиқ тилни ана шу функция-вазифасини амалга оширувчи белгилар тизими аспектида ўрганади.

Тил рамзий белгилар тизими ҳисобланади ва худди шу хусусиятига кўра ахборот(информация)ларни шакллантириш, сақлаш ва авлодлар ўртасида алоқа воситасини ўташ каби функцияларни бажаради.

Тил ахборот белгилари тизими сифатида назарияси ҳисобланмиш семиотика (грекча *semejon*-белги) томонидан ўрганилади. Семиотика тилни учта: синтактик, семантик, прагматик аспектларда ўрганади. Бу аспектлар биргаликда грамматика (грекча *grammatiks* - ёзиш, ҳарф) ни ташкил этиб, тилнинг умумий қонун-қоидаларини ўрганади. Грамматика предмет, ҳодисалар номининг ифодаси бўлган сўзларнинг ўзаро боғланиб гап тузилиши билан боғлиқ қонун-қоидаларини

ўрганади. Бунда фикр ифодаланиши иккинчи планда олиб қаралгани ҳолда белгилар тизимига асосий диққат қаратилади.

Синтаксис (грекча *syntaxis* - тузиш) грамматиканинг бўлими ҳисобланиб, тилни структура жихатидан (белгиларнинг юзага келиши ва гап бирикмалари ҳосил қилиши, ўзаро боғланиши) ўрганади. Аниқроғи, синтаксис белгилар орқали ифодаланувчи сўзларнинг ўзаро гап шаклда боғланиши - тугал фикр ҳосил қилишни ўрганади.

Семантика (грекча *semantikos*- белги, маъно) грамматиканинг белгилар ўртасидаги муносабатини маъно жихатдан ўрганувчи бўлимидир. Масалан: "о" ва "т" белгиларининг қўшилиб турли хил маъноларни англатишлиги. («Яхшилик қил болам, ёмонликни от», «Ёлғиз юрса чанг чиқармас яхши от»). Семантикада сўз (белги) ларнинг бош маъно ва ясама маънолар туфайли кўп маънога эга бўлиши полисемантизм (грекча *poly* - кўп, , *semant* - белги, маъно) дейилади. Сўз (белги) ларнинг бир маънолиги эса моносемантизм (грекча *monos*-бир, *semantikos* - белги) термини билан ифодаланади.

Прагматика (грекча *pragma* - иш, ҳаракат) тилнинг коммуникатив (эмоционал-психик, эстетик ва б.) функциясини ўрганади. Риторика, нутқ маданияти масалалари мана шу аспект билан бевосита боғлиқдир. Прагматика фикрни ҳис-туйғулар бирлигида ўрганади.

Тил ўзининг бажарадиган функцияларига кўра икки хил бўлади: табиий ва сунъий. Табиий тил у ёки бу миллатнинг тарихий хотирасини сақловчи, улар томонидан яратилган маънавий қадриятларни авлодлардан авлодларга етказувчи, ўзаро алоқа қилиш вазифаларини ўтовчи тилдир. Ҳеч бир халқнинг тарихи, маданияти унинг табиий тилисиз мавжуд бўлолмайди. Лекин шуни таъкидлаш керакки, табиий тиллар айна пайтда фикрни аниқ тежамли тарзда ифодалаш нуқтаи назаридан баъзи камчиликларга эгаки, бу сунъий тилларни яратиш эҳиёжини туғдиради. Табиий тилларнинг камчилиги қуйидагилар:

1. Табиий тилларда бир сўз турли хил маъно, мазмунга эга бўлиб, бир вақтда турли предметларни англатади. Бундай сўзлар грамматикада омонимлар деб аталади. Масалан, «ўт», «олма», «операция» ва б.

2. Табиий тилда сўзларнинг маъноси кўпгина ҳолларда фақат контекстда англашилади. Масалан, «Унинг қўли узун» деган гапда «қўли узун» сўзининг маъноси шахснинг жисмоний хислатини, шунингдек, у ёки бу ишни амалга оширишдаги имкониятининг кенглигини ифодалаши мумкинки, бу фақат контекстда англашилади.

3. Табиий тилда қўлланиладиган тасдиқ, ва инкор грамматик қоидалар мантикий жиҳатдан мукаммал бўлмайди. Чунки улар гапларнинг тўғри тузилишини таъминлашнинг зарурий шартларини ифодалайдики, бунда фикрнинг чин ёки хатолиги назардан четда қолдирилади.

Табиий тиллардаги бундай камчиликларни ҳисобга олиш фикрнинг аниқлигига эришишнинг муҳим шarti ҳисобланади. Бунинг учун тафаккур усуллари ва қонунларининг талабларига риоя қилиш талаб этилади. Масалан, тушунчаларни атамалар, яъни бир маъноли тушунчалар тарзида қўллаш зарурки, бу таърифлаш (дефиниция) ва бўлиш каби мантикий усуллар ёрдамида амалга оширилади. Масалан, «Бозор иқтисодига ўтиш -жамиётда туб ислохотларни амалга оширишнинг асосидир» деган муҳокамадаги мантикий маънони англаб олиш биринчи галда «бозор иқтисоди» тушунчасининг мазмунини очиш, яъни таърифлашни талаб этади.

Шунингдек, айният қонунининг «Муҳокамада фикр айнан ўз-ўзидан тенг бўлиши керак», деган талабини ҳисобга олмасдан туриб фикрнинг аниқлигига эришиб бўлмайди.

Сунъий тиллар фикрни бир маъноли ишора-белги, рамзлар орқали ифодалайди. Сунъий тиллар - бу табиий тиллар негизида яратилган махсус белгилар тизими бўлиб, улар муайян ахборотларни аниқ, ўта тежамли равишда етказиш, мантикий мулоҳаза юритиш учун хизмат қилади. Ҳозирги замон аниқ фанлари сунъий тиллар алфавити бўйича иш кўради.

Белги икки турда бўлади: тилга оид ва тилга оид бўлмаган белгилар. Тилга оид бўлмаган белгиларнинг асосан уч хил турини ажратиш кўрсатиш мумкин. Сунъий тиллар алфавити мантиқ фанида ҳам кенг қўлланилади. Фақат мана шу

асосда иш кўрадиган мантиқ фанининг бир йўналиши - символик мантиқ деб юритилади.

2§. Белги тушунчаси. Тилнинг семантик категориялари

Хўш табиий ва сунъий тиллар иккаласи ҳам белгилар тизими экан, белги мантиқда қандай вазифани бажаради? Белги - бу билиш ва алоқа қилиш жараёнида у ёки бу объектни ўрганиш, билим ҳосил қилиш, ахборотларни сақлаш, етказиш мақсадида фойдаланиладиган ишоравий, шартли объектдир. Олмон файласуфи Гегель белги бу муайян объектнинг мазмунини ифодаловчи образдир деб атайди.¹

Тилга оид бўлмаган белгининг уч хил турини ажратиш кўрсатиш мумкин: 1) белги индекслар; 2) белги образлар; 3) белги символлар.

Белги индекслар - бу оқибат орқали сабаб ҳақида тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашувчи белгилардир. Масалан, мўридан чиқаётган тутун олов у ёнаётганлигидан хабар берувчи белгидир. Жиноятчилар сонининг ошиб бориши жамият маънавий ҳаётида мавжуд инқироз ҳақида хабар берувчи белгидир.

Белги образлар - такқосланилаётган объектнинг тасвирий ифодаси ҳисобланади. Масалан, у ёки бу минтақанинг географик харитаси.

Белги символлар - рамзий маънони ифодаловчи белгилардир. Масалан, давлат герби ва байроғидаги символлар. Мантиқ кўпроқ кейинги типдаги белги-символлар асосида иш кўради. Бунда белгилар фикрнинг мантикий шакллари тўғри ифодалаш, аниқлаш учун хизмат қилдирилади.

Тилга оид белги бир қатор функцияларни бажарадики, улардан бири предметларнинг номини кўрсатишдир. Номлар мантиқ, хусусан, математик мантиқнинг асосий масалаларидан бири бўлиб, мазкур масала билан немис мантиқшуноси, математики Готлоб Фреге(1848-1935), кейинчалик америкалик файласуф, мантиқшунос Рудольф Карнап(1891-1970) жиддий шуғулланадилар.

¹ Қаранг. Гегель Г.В. Энциклопедия философских наук М.: 1977. т.3.,с. 294.

Ном- бу муайян предметни белгиладиган сўз ва сўз бирикмаларидир. Шунга кўра мантикда сўзлар маълум бир мазмунга эга бўлган объектлар тарзида олиб қаралади ва бунда предмет, буюм, нарсалар, жараёнлар, муносабатлар, табиат ва жамият ҳодисалари, шунингдек, кишиларнинг руҳий маънавий борлиғини ифодалайди.

Ном алоҳида предмет ва предметлар мажмуини, уларнинг хусусият, муносабатларини кўрсатиш орқали ўзаро алоқа ва билиш воситасини ўтайди. Нутқ ном орқали реаллашади. Номлар предметнинг кўламини кўрсатишига кўра икки турга бўлинади: оддий («дарохт», «давлат», «адолат») ва мураккаб ёки тасвирловчи («Ўзбекистондаги энг қадимий шаҳар», «миллий истикдол ғояси») номлар. Атокли, яъни алоҳида жойлар, кишилар, воқеа-ҳодисаларни («Афросиёб», «Абдулла Қаҳҳор», «Ўзбекистоннинг мустақиллик куни»), умумий («ёзувчи», «мафкура», «бадий асар») номлар.

Ҳар бир ном ўз мазмуни (денотат) ва маъносига (концепт)га эгадир. Номнинг мазмунида предмет ифодаланади. Номнинг маъноси (концепт)- бу номда ифодаланаётган предметнинг муҳим ва умумий белгилари. Маълум бир предметни англатувчи турли номлар, масалан, турли маънога эга «Амир Темур давлатининг пойтахти», «Ўзбекистон Республикаси Президенти туғилган шаҳар», “Марказий Осиёдаги энг қадимий шаҳар” номлари битта предмет - «Самарқанд»ни ифодалайди. Чунки ушбу ҳар учта номда Самарқанднинг турли хил муҳим белгилари, маъноси кўрсатилмоқда.

Мантикда номнинг мазмун (денотат) ва маъноси (концепт) нинг фикрни ифодалаши уларнинг ўзаро функционал муносабатида амалга ошади. Аслида математикада қўлланиладиган «функция» тушунчаси мантикда номларнинг мазмун ва маъно жиҳатидан ўзаро муносабатга киришишини ифодалайди. Шунга кўра функция бу ўзага хос мантиқий операция бўлиб, у предметларнинг бири-бирига объектив тарзда мос келиш муносабатлари белгилайди. Мантикда икки хил- предмет (ном) функцияси ва пропозиционал функция фарқланади.

Предмет функцияси - бу ўзгарувчан номнинг ўзгармас ном билан алмашганда муайян фикрни ўз ичига олган тил (сўз, сўз бирикмаси) шаклига

айланишидир. Масалан, «шоир- у» ном функциясидаги "у" ўрнига «Ўзбекистон қаҳрамони Эркин Воҳидов» атамаси қўйилса, «Ўзбекистон қаҳрамони шоир Эркин Воҳидов» деган янги предмет (шахс) номи ҳосил қилинади.

Мазкур функция сонлар муносабатини аниқлашда ҳам кенг қўлланилади. Масалан, хматематик ифода ўз-ўзига ҳеч қандай миқдорий предметни англатмайди. Қачонки x^{2-1} ўрнига 3 қўйилса, $3^{2-1}=8$, яъни 8 сони учун тегишли предмет номи ҳосил қилинади.

Предмет(ном) функцияси мактабларда математикани ўқитишда, ўқувчиларда дастлабки мантикий фикрлаш қобилиятини шакллантиришда энг самарали усул ҳисобланади.

Пропозиционал функция - бу шундай мантикий ифодаки, бунда ўзгарувчан предмет номларининг ўрнига бошқасини қўйишда улардан чин ёки хато мулоҳазалар -ҳосил бўлади. Масалан, «У-тоқ сон», "Х-энг узун, серсув дарё" ифодаларидаги "У", "Х" ўрнига «4», "Зарафшон" предмет номларини қўйиш билан хато мулоҳазалар ҳосил қиламиз. Пропозиционал функция икки хил бўлади: предмет номининг хусусиятини (масалан, «Х-ёзувчи», $x-20=15$) ва бир қанча предмет номларининг турли хил замон ва макондаги муносабатларини ($x>y$, $y(x)$) ифодаловчи функциялар.

Белгиларнинг бундай тарзда ўрганилиши семиотиканинг семантика қисмида ўрганилади. Мантиқнинг формаллаштирилган тилини тушуниш учун белгиларнинг шартли равишда киритилган маъносини яхши англай билиш зарур. Бунинг учун тилнинг семантика категориялари ҳақида тушунчага эга бўлиш керак. Бундай, категориялар (атамалар) қуйидагилар: предмет номлари, хусусият ва муносабатларни ифодаловчи муҳокамалар, гап.

Семантика терминологиясида белги турлари «категориялар» деб юритилади. Бу ерда категория атамаси белгилар маъносини ифодалайди. Табиий тиллардаги муайян мазмун (денотат) ва маъно (концепт) ном (сўз ва сўз бирикмаси), мулоҳазалар категорияларга ажратиладики, булар икки хил бўлади: 1) гап (муҳокама)- дарак, сўроқ, ундов гаплар; 2) гаплар таркибида маълум бир

вазифани ўтовчи дескриптив ва мантикий атамалар.(Гап ҳақида «Хукм" мавзуида батафсил фикр юритилади).

Дескриптив (лот. *descripio*- тасвирлаш) атамалар, яъни гап (муҳокама) таркибида муайян вазифаларни бажарувчи сўз ва сўз бирикмалари бўлиб, улар асосан қуйидагилардир:

1) Предметларнинг номи, яъни якка ва муайян жинсга кирувчи предметларни белгиловчи сўз ва сўз бирикмалари. Масалан, «Самарқанд Марказий Осиёдаги энг қадимий шаҳар» деган муҳокамада учта предмет номи бор: «Самарқанд», «Марказий Осиё», «энг қадимги шаҳар».


2) Предикаторлар (лот.*praedictum*-айтилган гап)- дебпредметларнинг хусусият, муносабатларини ифодаловчи атамаларга айтилади. Шунга кўра предикатор муҳокамада мантикий кесим вазифасини ўтайди. Масалан, «Темир энг юқори температурада эрийдиган металлдир» муҳокамасида «энг юқори температурада эрийдиган металл» сўз бирикмаси предикат ҳисобланади. Бунда (ушбу сўз бирикмаси (атама) предмет номининг-мантикий эганинг хусусиятини ифодалаб келмоқда.«Темир мисдан қаттиқроқ металлдир» муҳокамасида предикат («мисдан қаттиқроқ металл») предмет номининг бошқа предмет билан муносабатини кўрсатиб келмоқда.

Предикаторлар бир ўринли ва кўп ўринли бўлади. Алоҳида бир предмет хусусиятини ифодаловчи предикаторлар **бир ўринли** деб аталади. Масалан, «Козимнинг ўқитувчиси». Икки ёки ундан ортиқ предметлар ўртасидаги муносабатларни ифодоловчи предикатлар **кўп ўринли** деб аталади. Масалан, «Алишер Навоий Абдурахмон Жомийдан сўнг туғилган» деган предикаторлар кўп ўринлидир. Номлар предметнинг ўзини ифодала-са предикаторлар уларнинг хусусият, муносабатларини ифодалайди. Масалан, «Китоб (ном)- илм манбаи» (предикатор).Лекин предикаторларнинг ўзи ҳам айна пайтда предмет номи бўлиб келиши мумкин. Масалан, «Илм манбаидан баҳраманд бўлиш саодат йўлидир». Предикаторлар мантикий боғламалар орқали (“-дир”, “-эмас”, “бўлади”, “бўлмайди”, “ҳисобланади” ва б.) ўзаро муносабатга киришиб тугал фикрни ифодалайди. Бундай муносабатга киришиши, асосан, тасдиқ ва инкор шаклида

бўлади. Масалан, “Самарқанд Ўзбекистоннинг биринчи пойтахтидир”, “Ёрдамчи сўзлар келишида турланмайди”.

Шунингдек, гап таркибида тугал фикрга қўшимча маъно берувчи мантиқий атамалар бўлиб, улар мантиқда кванторлар(лот.quantum-қанча) деб юритилади. Кванторлар предметнинг миқдорий ва мавжудлик муносабатларини ифодалайди.

3) Функционал белгилар (ном функцияларининг белгилари) Мантиқий атамалар (ўзгармас мантиқий атамалар). Табиий тилда ушбу, атамалар мантиқий «ва», «ҳам», «билан», "агар... унда" ва бошқа боғловчилар, сўзлар билан ифодаланади..Семантик категориялар турларини қуйидагича схемада ифодалаш мумкин: (1- расм)



1-расм

Символик мантиқда (мулоҳазалар мантиғи ва предикаторлар мантиғида) мантиқий атамалар ўзига хос алфавитлар билан ёзилади. Шу асосда символлар мантиқнинг формаллашган тили (ишоравий белгилар тизими) тузилади. Предметларнинг номларида фикр қилинадиган барча моддий ва маънавий нарса

ва ҳодисалар ифодаланади. Шунинг учун предмет номлари ўз мазмуни, маъносига эга бўлади. Чунки уларда нарсаларнинг муҳим, умумий белгилари, хоссалари акс этади.

3§. Мантиқнинг формаллашган тили

Мантиқнинг формаллашган иккита тили мавжуд: **мулоҳазалар мантиғи ва предикаторлар мантиғи тили**- алфавити. Энди ушбу масала устида қисқача тўхталамиз.

Мулоҳазалар мантиғи ҳукмларнинг ўзаро мантиқий боғламалар орқали бирикишидан юзага келиши, мантиқий алоқаси асосидаги жиҳатини муайян символик белгилар (алфавити) воситасида ўрганади. Ва бунда уларнинг мазмуни, ички тузилиши фикран соқит қилинади, яъни иккинчи планда қолдирилиб ўрганилади. Мулоҳазалар мантиғи алфавити қуйидагича: 1.p,g,r...(A,B) ўзгарувчи мулоҳазаларни(пропозиционал ўзгарувчи) ифодаловчи белги - символлар. 2. $\wedge$ - қўшиш, бириктириш (конъюнкция) белгиси бўлиб, у («ва», «ҳам», «билан», «ҳамда» ва б.) грамматик боғловчи сўзларда ифодаланади:

3. $\vee$ - айириш (дизъюнкция) белгиси бўлиб, грамматик боғламалар: «ё», «ёки», «ёхуд» да ифодаланади.

4. $\supset$, $\Rightarrow$ импликация белгиси, бу «агар...унда, бўлса» деган боғламада ифода этилади.

5. $\Leftrightarrow$ тенглик (эквивалентлик) белгиси, «қачонки... шу пайтда» деган сўзда ифодаланади.

6. $\neg$ -инкор қилиш белгиси бўлиб, «эмас», «ҳисобланмайди» деган сўзларда ифода этилади.

7. техник белги: ўнг қавс-), чап қавс- (.

Мулоҳазаларнинг (пропозиционал ўзгарувчиларнинг) ўзаро мантиқий боғланишида уларнинг ҳар бирининг икки маънода, яъни чин ёки хато эканлиги ҳисобга олинади. Бошқача қилиб айтганда, мулоҳазалар мантиғида ҳукмларнинг ҳеч бирининг чин ёки хато бўлмаслиги мумкин эмаслиги эътиборга олинади. Бу эса пропозиционал муҳокамаларни аниқ таърифлаш имкониятини беради.

Бунинг учун, аввало, мулоҳазаларни инкор этиш усулини амалга ошириш лозим ва шундан сўнг уларни боғламалар орқали турли вариантларда бириктириш имконияти бўлади. Масалан, бизга Р мулоҳазаси -«Ўзбекистон - БМТ, аъзоси») берилган бўлсин. Агар биз уни инкор қилсак, Р эмас мулоҳазасини - «Ўзбекистон БМТ аъзоси эмас» ҳосил қиламиз. Бунда берилган ҳукм чин, унинг инкори хато бўлади. Шунингдек берилган тасдиқ ҳукм Р хато бўлса, унинг инкори чин бўлади.

Масалан, «Беш жуфт сондир» - хато, унинг инкори - «Беш жуфт сон эмас» -чин. Демак, мулоҳазалар мантиғидаги инкор шундай усулки, бунда берилган мулоҳаза инкорининг хато ёки чинлиги унинг мазмунининг рад этилиши билан аниқланилади. Инкорнинг ушбу талабини ҳисобга олиш муҳокама юритишда муҳим аҳамиятга эгадир.(Бу ҳақда “Мулоҳазалар мантиғи”да батафсил фикр юритилади)

Мулоҳазалар мантиғи.

Ушбу қоидалар ичида мулоҳазаларнинг чин ва хатолигини белгилашнинг инкор этиш шарти белгиловчи талаб ҳисобланади. Мазкур шарт қуйидагича: Агар берилган х мулоҳазаси чин бўлса (буни 1 сони билан белгилаш қабул қилинган), у ҳолда уни инкор этувчи мулоҳаза $\tilde{x}$ -хато, нотўғри қимматга эга бўлади (буни 0 сони билан белгилаш қабул қилинган) ва аксинча х- хато бўлса, унда $\tilde{x}$ чин бўлади. Бунинг жадвалдаги ифодаси:

x	$\tilde{x}$
1	0
0	1

Бу ўринда қуйидаги масаланинг қай тарзда мулоҳазалар мантиғи бўйича ечилганлигини мисол қилиб келтирамиз. «Бир сайёҳ кўлга борарди. Бирдан йўл иккига бўлинди. Бу йўллардан бири кўлга олиб борар, иккинчиси эса, унинг акси эди. Сайёҳ муюлишда тасодифан икки йигитга дуч келди. Улардан бири доим рост гапирса, иккинчиси ҳамма вақт ёлғон гапирарди. Уларнинг иккаласи ҳам ҳар қандай саволга ё «ҳа» ёки «йўқ» жавобини беришарди. Гарчи сайёҳ буларнинг ҳаммасини билса ҳам, улардан қайси бири рост ва қайсиниси ёлғон гапиришини, шунингдек, қайси йўл кўлга олиб боришини билмас эди. У йигитларнинг иккаласига фақат битта савол берди, иккала йигит унга жавоб қайтардилар.

Берилган жавоблар асосида у қайси йўлдан кўлга бориш мумкинлигини тўғри аниқлай олди. Сайёҳ уларга қандай савол берган эди?»¹.

Албатта, бунда саёҳатчи буни унга йўл кўрсатувчиларнинг ёлғончи ва ростгўйликларини ҳисобга олган ҳолда, яъни тасдиқ ҳукми чин бўлса, унинг инкори хато бўлишлиги тамойилига асосланган савол бериши керак бўлади. Шунинг учун у йигитларга: «Бу йўл кўлга олиб боради, тўғрими ва икки карра икки бешми?» деб савол беради.²

Мулоҳазалар мантиғи формулалари учта бўлиб, бунда мулоҳазаларнинг қайд этилган чин ва хатолик қийматлари ҳисобга олинмайди ва улар(формулалар) қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Ҳар қандай ўзгарувчан p, d, g (булар баъзан A, B, x, y ҳарфлари билан ҳам белгиланади) мулоҳазалар формула бўлади.
2. Агар p формула бўлса, унда $\neg p$ (p эмас) ҳам формуладир
3. Агар p ва g, g формулалар бўлса, у ҳолда $p \wedge g, p \vee g$ ($\wedge$ - кучли дизъюнкция) $p \rightarrow g, p \leftrightarrow g$ лар ҳам формуладир.

Предикатлар мантиғи формаллашган тилнинг иккинчи этапи бўлиб, алфавитлар воситасида тузиладиган формулаларни аниқлашдир. Предикатлар мантиғи мулоҳазаларнинг ички тузилишини формаллашган белгилар тизими воситасида ўрганади. Бу мулоҳазалар мантиғи алфавитига янги символик ишора-белгилар киритилиши билан ҳосил қилинади. Булар қуйидагилар:

1. $a, b, c, \dots$ предмет номларини ифодаловчи символлар (константалар)...
2. $x, y, z, \dots$ ўзгарувчи предметларнинг умумий номларини билдирувчи символлар
3. $P, Q, R, \dots, P^2, Q^2, R^2, \dots, P^n, Q^n, R^n$ предикаторларни ифодаловчи белги-символлар. Бунда штрихлар (1,2,3 ва x) предикаторларнинг неча ўринли эканлигини билдиради.

¹ Кольман Э., Зих О. Қизиқарли логика. Т., "Фан", 1968, 15-бет

² Ушбу масаланинг батафсил ечими ҳақида ўша жойга қаранг., 56-57-бетлар.

4. ЭV -хукмларнинг сон-миқдорини билдирувчи белги-символлар, булар «квантор»лар деб юритилади. Э-жузъийлик белгиси бўлиб, "баъзи", "айрим" каби сўзларда V умумийлик белгики, у "ҳамма", "барча", "ҳеч бир" каби сўзлар орқали ифодаланади.

Мулоҳазалар ва предикаторлар мантиғи алфавитларини - белгиларини биргаликда қўллаш орқали формулалар ҳосил қилинади.

Шундай қилиб, белги- символлар мантиқ фанида фикрнинг тўғри, зиддиятсиз, аниқ ва тежамли ифодаланиши учун хизмат қиладиган восита вазифасини ўтайди. Лекин уларнинг фикр, билиш жараёнидаги ролини бўрттириб кўрсатиш тил ва тафаккур бирлигини нотўғри талқин этишга олиб келади. Л. Карнап «Эски ва янги мантиқ рисоласида сунъий тил-белгилар билишнинг бирдан-бир универсал усули деган бир ёқлама қарашни илгари суради.

Такрорлаш учун савол, топшириқлар.

1. Тафаккурнинг ақлий билиш босқичи сифатидаги хусусиятларини кўрсатиб беринг.

2. Мантиқ (формаллашган) фани тафаккурнинг қайси жиҳатларини ва уларни нима мақсадда ўрганади?

3. Тафаккур шакллари нима ва унинг тўғри фикр юритишдаги аҳамиятини изоҳланг.

Машқлар. 1-машқ. Қуйидаги мулоҳазаларнинг моҳият (денотат) ва маъно (концепт)ларини ажратиб кўрсатинг: коллеж, мантиқ фани, «Синчалак» повестининг муаллифи, ахлоқ, санъат.

2-машқ. Қуйидаги мулоҳазалардаги х-у лар ўрнига тушунчалар қўйинг ва уларнинг қайси бири предметлар функцияси ва қайси бири пропозиционал функциялар ҳисобланиши ҳамда уларнинг неча ўринли (бир ўринли, икки ўринли, уч ўринли) эканлигини аниқланг:

- 1) х-эстетиканинг тизим ташкил этувчи мезоний тушунчаси.
- 2) Шоир х-у шоирдан кейин яшаган.
- 3) х ва у - замондош файласуфлар.

3-машқ Қўйидаги мулоҳазалар қайси бир семантик категорияларга тааллуқди эканлигини аниқланг.

- 1) Эстетика- фалсафий фан.
- 2) Навоий -Ўзбекистондаги энг ёш шаҳар.
- 3) Ахлоқшуносликнинг марказий мезоний тушунчаси.
- 4) Фарзанднинг ота-онадан норозилиги тухматнинг чўққисидир.
- 5) Биринчи галда ҳал қилиниши зарур бўлган глобал муаммо.

4-машқ .Қўйидаги гап (муҳокама) ларни семантик категориялар бўйича таҳлил қилинг, қандай гап тури эканлигини, гап таркибида муайян вазифаларни бажарувчи-дескрептив атамалар ва мантикий атамаларни аниқланг.

1) «Киши ёруғликда қоронғулик, бахтли дамда кулфат, хурсандчиликда ғам-ғусса ҳақида камдан-кам ҳолларда ўйлайди, аммо аксинча, қоронғуликда доимо ёруғлик, бошига кулфат тушганда бахтиёрлик, муҳтожликда бойлик ҳақида ўйлайди». (И.Кант)

2) «Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навқирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган». (И.А.Каримов)

3) Муболаға-ёлғоннинг йўлагидир. (Ғафур Ғулом).

4) «Адабиёт атомдан кучли, лекин унинг кучини ўтин ёришга сарф қилиш керак эмас». (Абдулла Қаххор).

«Олтиндан қимматроқ бебаҳо текин нарсалар бор: ҳаво, сув, қуёш нури, тупроқ ва меҳр - мурувват».

4-МАВЗУ. Формал мантиқнинг асосий қонунлари (тамойиллари)

Ушбу масалани кўриб чиқишдан аввал дастлаб «қонун» тушунчасининг фалсафий мазмунини аниқлаб олиши зарур. Қонун фалсафий маънода воқеликдаги нарса, ҳодисаларнинг ички, зарурий, такрорланувчи, муҳим боғланишлари бўлиб, унда уларнинг муайян фазо ва вақтдаги мавжудлиги, моҳияти намоён бўлади. Шунинг учун ҳам табиат, жамият қонунлари объектив характерга эгаки, уларнинг амал қилиши кишиларнинг хоҳиши, иродасига боғлиқ эмас. Қонунлар кишилар томонидан яратилмайди, балки кашф этилади. Шунга кўра фалсафий маънода қўлланадиган “қонун” тушунчасидан мутахассислар томонидан ишлаб чиқиладиган ва ҳукумат қарори билан кучга кирадиган жамиятда регулятив вазифани ўтайдиган социал норма, тамайиллар мажмуини ташкил этувчи ҳуқуқий қонунларни фарқлай билмоқ керак. Масалан, табиат қонунларини (ирсият, табиий танланиш ва б.) инсоният пайдо бўлмасидан олдин ҳам амал қилиб келганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Жамият қонунлари ҳам, гарчи улар инсоннинг онгли фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлса-да, кишиларнинг хоҳиши билан яратилмайди ва шунингдек, бекор ҳам қилинмайди.

Мантиқий қонунлар инсон билишининг қонунлари бўлиб, уларнинг амал қилиниши ҳам объектив характерга эга. Чунки билиш, билимлар нарса, ҳодисаларнинг муҳим хоссаларининг инсон миёсида воситали ва умумлаштирилган тарзидаги инъикосининг натижасидир. Тафаккур қонунлари фақат инсон миёси фаолияти билан бевосита боғлиқлиги, шунингдек, унинг ўзига хос хоссаси сифатида мавжудлиги нуқтаи назаридангина субъектив характерга эгадир.

Тафаккур қонунлари фикрнинг изчил, зарурий ва муҳим боғланишларидир. Шу маънода улар тўғри фикр юритишнинг асосий тамайиллари ҳисобланади. Аниқлик, изчиллик, нозидлик, исбот этилганлик тафаккурнинг (тўғри фикр юритишнинг) асосий тамайилларидир. Мазкур тамайиллар тўғри фикрлашнинг қонунлари сифатида шакллангандир.

Тафаккур қонунлари фикрнинг ички, зарурий ва муҳим боғланишлари бўлиб, улар предмет, ҳодисаларнинг ўзаро муносабатлари, сабабий боғланишларининг инсон томонидан унинг амалий фаолияти ва ўз-ўзини англаб олиши жараёнида шаклланади. Шу маънода мазкур қонунлар, табиат, жамият қонунларидан фарқли равишда, инсон миясида кечувчи мураккаб жараён - фикр юритишнинг қонунларидир.

Фикр, тафаккур қонунларини диалектик ва формаллашган мантиқ фанлари ўрганади. Диалектиканинг барча тамойил, элементлари табиат, жамият ҳодисалари, шунингдек, тафаккур учун ҳам ҳосдир. Қарама-қаршиликлар бирлиги, инкорни инкор, миқдор ва сифатнинг ўзаро бир-бирига ўтиши қонунлари айни пайтда тафаккур, фикр жараёнида ҳам амал қилади.

Диалектик мантиқ тафаккурини ривожланишида, сифат жиҳатидан ўзгаришда, билиш жараёни сифатида ўрганади.

Диалектиканинг инкорни инкор қонуни тафаккур (билиш) жараёнини спиралсимон, яъни эски билимларни инкор этиш ва бунда уларнинг нисбий ҳақиқат даражасидаги томонларни ўзига олиш, сақлаб қолиш асосида ўрганади.

Формал мантиқ ҳам инкор усулини ўрганади, лекин бунда инкор этилган ҳукм мазмунидан ҳеч нарса сақлаб қолинмайди, балки бутунлай инкор этилади. Масалан, муайян мураккаб муҳокама тизимидаги бирор ҳукм хато бўлса, мазкур муҳокама бутунлай хато деб ҳисобланади. Шунингдек агар берилган ҳукм чин бўлса, унда унга зид, қарама-қарши мазмундаги ҳукм хато бўлади.

Лекин шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, диалектик тафаккур юритишда ҳам формал мантиқ қонунларига бўйсунилади. Бошқача қилиб айтганда, диалектик мантиқ қонунлари тамойиллари бўйича фикр юритишда формал мантиқ қонунларининг талабларига таяниш талаб этилади.

Формал мантиқ тафаккурни шакл жиҳатдан, яъни фикр элементларининг ўзаро тўғри боғланишини таъминлаш асосида ўрганади. Мазкур мантиқ қонунлари диалектик мантиқ қонунларига нисбатан хусусий бўлиб, у тафаккур элементлари ўртасидаги боғланишнинг тамойиллари мажмуини ташкил этади. .

Диалектик тафаккур қонунлари билишнинг барча соҳалари (илмий, бадий) учун бирдек амал қилади. Мазкур қонунларнинг методологик функцияси уларнинг чин билим, ҳақиқатларга эриштириш, тафаккур маданиятини шакллантиришга хизмат қилишлиги билан белгиланади.

Формал мантик қонунлари тўртта: айният, нозидлик, учинчисини мустасно, етарли асос қонунлари. Дастлабки учта қонун Аристотель, тўртинчиси Лейбниц томонидан очиб берилгандир.

Бу тўртта қонундан ташқари муҳим бўлмаган мантикий қонунлар мавжуд. Улар фикр шакллариининг баъзи бирлари учун тааллуқли бўлиб, мантикий усуллар тарзида амал қилади. Масалан, тушунчаларнинг мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тесқари нисбат қонуни, силлогизмнинг аксиомаси ва б.

1§. Айният қонуни

Маълумки, бизни қуршаб турган барча нарса, ҳодисалар доимий ўзгаришда, бир сифатдан иккинчи бир сифатга ўтиб туради. Лекин улар айна пайтда нисбий турғунлик, сокинликда бўлиб, ўзларининг муайян барқарорлигини сақлаб турадиларки, бу инсон онгида айният қонунининг тамойили сифатида акс этади. Масалан, конкрет бир А шахсни олсак, у биологик тур ва социал тип тарзида ҳар бир даҳиқада ўзгаришдадир. Агар мазкур А шахсдаги доимий ўзгариш жараёнини $A_1, A_2, A_3 \dots$ тарзида белгиласак, бу шахс ҳақидаги фикримиз умуман А шахси ҳақида эмас, балки унинг муайян вақт ва замонда мавжуд бўлган А ёки A_2 ёки A_3 конкрет шахс ҳақида бўлиши керак.

Айният қонуни умуман буюм, ҳодисалардаги сифат ўзгаришларини инкор этмайди, балки уларнинг муайян нисбий сукунат ҳолати ҳақида фикр юритишни талаб этади. Масалан, агар биз Заҳириддин Бобур шахси ҳақида фикр-юритмоқчи бўлсак, унинг зиддиятлар билан тўла ҳаётини бир хил ўлчов билан баҳолашимиз қийин. Чунки унинг умрининг ҳар бир палласи, мантикий ибора билан айтганда, алоҳида фикр предметидирки, уларнинг ҳар бири ўзига хос тавсиф, баҳо беришни талаб этади. Дарҳақиқат, Бобур айна бир пайтда ҳам шоир, ҳам подшоҳ, ҳам ватанпарвар, ҳам фарзандига жонини бахшида этувчи падари бузруквор ҳам ошиқ сифатида гавдаланади.

Бу конун талабига кўра муайян фикр предмети муҳокама юритиш жараёнида ўзгартирилмаслиги керак. Яъни: «Муҳокама юритиш жараёнида ҳар бир тушунча ва ҳукм ўз-ўзига айнан бўлмоғи зарур». Бунинг математик мантикдаги формуласи: $a = a$. Бундан маълум фикр муҳокама, мунозара юритишда айнан бир маънода ишлатилмоғи зарур деган талаб, тамойил келиб чиқади.

Мазкур талабнинг формуладаги ифодаси: $A=A$ (A -бўлса, бу A дир). Бунда A (биринчиси) фикр предмети, иккинчи - A мазкур муайян предмет ҳақидаги фикр дир. Улар айнан бир-бирига тенг бўлиши ($A=A$, $A=B$ эмас) ва фикр предмети(A) B га ўзгартирилмаслиги керак.

Масалан, «С-гувоҳ» деган фикрни олайлик ва уни A деб белгилайлик. Муайян вақт давомидаги (дейлик, у судда гувоҳ сифатида қатнашаётганлиги) муҳокамада у фақат гувоҳ сифатида олиб қаралмоғи зарур. Чунки унинг судда айби борлиги ҳам маълум бўлиб қолиши мумкин. Бу ҳолни D билан белгилайлик. Демак, C шахсига бир вақтда ҳам гувоҳ (A), ҳам айбдор (D) сифатида қараш мумкин. Лекин айният қонуни талабига ҳилоф тарзида фикр юритсак, $A=A$ эмас, $A-D$ бўлган бўлур эди. Бошқача қилиб айтганда, C ни бир вақтда ҳам гувоҳ ҳам айбдор сифатида олиб қарамаслик керак.

Айният қонунидан фикр юритиш учун қуйидаги икки талаб заруран келиб чиқади: ва уларга амал қилиш, айниқса, исботлаш жараёнида муҳим аҳамиятга эгадир. Булар: 1. Турли предмет, ҳодисалар ҳақидаги фикрни бир-бири билан аралаштирмаслик, уларни бир-бирига тенглаштирилмаслик керак; 2. Муайян предмет ҳақидаги фикрни бошқа предметга нисбат бермаслик керак. Бу талаблар муҳокама юритишда англамасдан ва қасддан бузилиши мумкин. Мазкур талабларнинг бузилиши бир тушунча (сўз) нинг бир неча маъноларда (омоним), шунингдек, бир қанча тушунча (сўзларнинг) бир маънони (синоним) ифодалаш билан изоҳланади. Шунинг учун айният қонуни талабларига риоя қилиш биринчи галда фикрда предметнинг ўзини аниқлаб олишни талаб этади. Масалан, «Эртага Самарқандда соати 3 да учрашамиз» деган ваъдалашувда фикрнинг предметини шаҳарми, меҳмонхонами, кинотеатрми эканлигини аниқламасдан туриб

учрашувга келишганлар белгиланган вақтда, жойда учраша олмасликлари мумкин. Тушунчалар мазмунини аниқлаш, уларнинг аниқлигига эришиш, айниқса, суд жараёнларида, умуман, юриспруденция соҳасида муҳим аҳамиятга эга. Унда ҳар бир тушунчанинг аниқ маъносини белгилаб олмасдан туриб адолатли ҳукм чиқариш мумкин эмас. Шу боис мазкур қонун талабларига риоя қилмаслик тергов ва судлов ишларида нотўғри ҳукмлар чиқаришга олиб келади.

Айният қонунини талабларини билмасдан, англамасдан бузиш, тушунчаларнинг маъноларини тушунмасдан туриб ўзгартириб юбориш киши тафаккур маданиятининг пастлиги оқибатида содир бўлади.

Айният қонунининг қасддан бузилиши бир қарашда чин деб қабул қилинган муҳокамадан нотўғри, ноаниқ хулосалар чиқаришга олиб келади. Айниқса бунга баҳс юритишда баҳслашувчилар бири иккинчисига сездирмасдан баъзи тушунчаларнинг мазмунини ўзгартириш асосида эришишади.

Масалан, мухолифлар демократия (демократик давлат) ҳақида баҳслашаётган бўлсин. Маълум бир вақтда уларнинг бири мазкур тушунчани анархистик талқиндаги эркинлик тушунчаси билан алмаштириб қўйгани ҳолда, ўз оппонентини мот қилишга ҳаракат қилади. Бунда унинг мушоҳада юритиши тахминан шундай бўлиши мумкин: «Демократия- бу ҳар бир кишининг эркинлигини эътироф этишдир. Бу давлат менинг эркинлигимни бўғмоқда. Демак, бу давлат демократик эмас».

Қадимги Грецияда софистлар (юн.-қувлик, айёрлик) муҳокама юритишда сўзларнинг маъноларини ўзгартириш бўйича баҳслар уюштириб, бир-бирларини мот қилишга қаракат қилишганлар. Масалан, улар қуйидагича фикр юриштадилар: «Ўтирган киши жойидан турди. Демак, ўтирган киши тик турибди».

Насриддин Афандининг ҳозиржавоблиги, донолиги унинг ҳар бир сўзнинг маъносини чуқур мушоҳададан ўтказиши ва уларни ўз ўрнида ва атайин ўзгартириб қўллашида намоён бўлади. Бунга мисол қилиб қуйидаги латифани келтириш мумкин. «Подшо вазири билан Насриддин Афандини олиб, овга чиқди. Хийла ов қилгандан кейин подшо устидаги кийимларини ечиб Афандига берди.

Буни кўрган вазир ҳам чакмонини Афандига узатди. Подшо Афандига тегишди: - Афанди, устингизга биз бир эшакнинг юкини ортиб қўйдик-да?

-Кошки эди бир эшакнинг юки бўлса, деди Афанди,

Устимда икки эшакнинг юки бор.»

Ўзбек халки орасида кенг тарқалган аския, қизиқчилик-кулги санъати сўз-тушунчаларнинг маъносини ўзгартириб ишлатишга асосланилган бўлиб, бу софистларнинг мусобақасига ўхшаб кетади.

2§. Нозидлик қонуни

Мазкур қонунга кўра муайян предмет, ҳодиса бир вақтда зид, бир-бирини истисно хусусият, белгига эга бўлиши мумкин эмас. Масалан, идишдаги сув айна бир вақтда иссиқ ва совуқ бўлиши мумкин эмас.

Бир вақтнинг ичида муайян предметга зид хусусиятнинг хос бўлмаслиги нозидлик қонунинг тамойилини белгилайди. Агар предмет муайян пайт, лаҳзада зид хусусиятга эга бўлиши мумкин эмас бўлса, уни мавжуд деб кўрсатиш хатодир.

Мазкур қонун талабига мувофиқ муайян предмет ҳақида айтилган икки қарама-қарши фикр (муҳокама) айна бир вақтда, нисбатда чин бўлиши мумкин эмас. Лекин бундай фикр турли вақт ва муносабатда олинганда чин бўлиши мумкин. Масалан, «Карим мантиқ фанини билади - Карим мантиқ фанини билмайди», деган муҳокама, албатта, бир вақтда чин эмас, лекин унинг мазкур фанни ўрганишга киришмаслигидан олдин ва ўрганганидан сўнгги вақтга нисбатан чиндир.

Шунингдек, турли муносабатларда олинган қарама -қарши фикрни чин деб ҳисоблаш мумкин. Масалан, «Ҳакимов инглиз тилини яхши билади-Ҳакимов инглиз тилини яхши билмайди», деган фикр уни мутахассис таржимон ва имтиҳон топширувчи талаба сифатида олиб қаралганда чин ва хато бўлади. Лекин бир муносабатда олинганда чин бўлмайди.

Шундай қилиб, мазкур қонун фикр юритишда зиддиятга йўл қўймасликни талаб этади. Бунинг формулада ифодаси мумкин: $A \wedge \tilde{A}$ эмас, яъни агар A фикр чин бўлса, $\tilde{A}$ хато, агар A чин бўлса, $\tilde{A}$ хатодир. Бунда A берилган фикр

(муҳокама), $\bar{A}$ унинг инкори, $(\sim)$ - инкор белгиси, Δ белгиси «ва» боғламасини ифодалайди. Предмет A - муайян хусусият, белгига эга бўлса, унда буни тасдиқлаш чин, инкор этиш эса хатодир.

Нозидлик қонуни объектив воқеликдаги зиддиятларни инкор этмайди, балки улар ҳақида зиддиятсиз фикр юритишни талаб этади. Шунинг учун ҳам ҳаётий, яъни диалектик зиддиятлар билан формал мантикий зиддиятларини бир-биридан фарқлай билиш зарур.

Маълумки, диалектик зиддиятлар- бу предмет, ҳодисалар ривожланиши ўзгаришини ифодалайди. Нозидлик қонунининг талаби қуйидагича: «Икки қарама-қарши ҳукм бир вақтда ва бир муносабатда чин бўлиши мумкин эмас». Формал мантикнинг ушбу қонуни ҳаракатни (доимий ўзгаришни) сукунатда, узлуксизликни узулишда олиб қарашни талаб этади. «Жисм фазода чекланган ва чекланмаган», «Бу жисм айни пайтда бор, айни пайтда йўқ» каби мулоҳазалар диалектик зиддиятни ифодалашлиги билан чин фикр ҳисобланса, формал мантикнинг нозидлик қонунига қўра хатодир. Бошқача қилиб айтганда, диалектик зиддиятни мазкур формал мантиқ қонуни талаби асосида изоҳлаб бўлмайди. Нозидлик қонунининг талаби асосида фикрлардаги хатолик, ёлғон, мантиқсизликлар очиб берилади. Бу айниқса ҳукукий ишларни (тергов, судлов) амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Агар содир этилган жиноятни аниқлашга тегишли ашъёвий далил, гувоҳлар бўлмаса, тергов ишлари гумон остига олинган кишиларнинг сўровда берган жавобларидаги зиддиятни аниқлашдан бошланади. Масалан, сўроқ қилишда айбланувчи: "1995 йил 16 августда соати 15 да қаерда эдингиз?" деган саволга ҳар сафар турли хил жой ва вақтларни айтадиган бўлса, бу унинг содир этилган жиноятда у ёки бу тарзда қўли борлиги ҳақида тахмин қилиш учун дастлабки асос бўлиб хизмат қилади.

Чиқарилган баъзи суд ҳукмлари кўпгина ҳолатларда содир этилган жиноятларнинг белгиларини аралаштириб юборилиши туфайли зиддиятли бўлади. Масалан, ўғирликнинг ўзи турли белгиларга эгаки, шу бўйича айбдорлик даражаси белгиланади(босқинчилик, ўмариш, шилиш ва ҳақ.).

Масалан, жиноят кодексининг моддасига кўра ўғирликнинг муҳим белгиларидан бири жабрланувчининг ҳаёти учун хавfli бўлмаган ҳолатдаги пул, қимматли ашёларни қўлга киритишдир. Лекин, дейлик, айбдорлар Н.шахсининг ҳаёти учун хавfli даражадаги тан жароҳати келтирганлари ҳолда, унинг уйдаги нарсаларини ўмаришадилар. Бунда икки қарама-қарши муҳокама юзага келади: «Айбдорлар жабрланувчининг ҳаёти учун хавfli тан жароҳати келтирганлари ҳолда ўғирлик қилдилар?», «Айбдорлар жабрланувчи ҳаёти учун тан жароҳати келтирмаганлари ҳолда ўғирлик қилдилар». Агар судда ушбу фикрий зиддият ҳисобга олинмасдан ҳукм чиқарилса, албатта у нотўғри, адолатсиз ҳукм бўлиши мумкин.

Бадиий адабиётда тасвирланаётган типларнинг нозидлик қонуни талабларига риоя қилмасликларини кўрсатиш орқали уларнинг қиёфаси, дунёқараши очиб берилади. Масалан, А.П.Чеховнинг «Хамелеон» ҳикоясида тасвирланган бозор назоратчиси Очумеловнинг дайди кучук ҳақда бир вақтнинг ўзида билдирган қарама-қарши фикри лаганбардор чиновникнинг маънавий қиёфасини ёрқин тарзда очиб бериш воситаси бўлиб хизмат қилади.

Бу ерда шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки, санъат, хусусан бадиий адабиётнинг предмети инсон руҳий дунёси бўлиб, унинг тадқиқ этилиши формал мантиқ қонунларидан фарқланадиган, ўзига хос мантиқий тамойилларни тақозо этади. Бундай усул, тамойиллар формал мантиқ қонунлари, хусусан, нозидлик қонуни - талабларига бўйсунмайди.

Масалан, ўзбек халқ достони «Маликаи айёр» да тасвирланишича, Авазнинг Маликани излаб унинг юрти Торкистонга етиб бориши учун юз йигирма йиллик масофани босиб ўтиши керак. Авазга бу масофани босиб ўтиш учун муъжизавий кучга эга бўлган Япроқ дев хизмат қилдирилади. «Япроқ дев бир тилсимот ўқиб уччовини (Аваз ва унинг ҳамроҳларини.) учта олмага айлантириб елкасига солди-да, қўйди, яна бир тилсимот билан уч отни тўрғай қилиб қўйнига солди, шундай қилиб осмонга учиб кета берди».

Агар мазкур мулоҳазалар формал мантиқ қонунлари талаби бўйича таҳлил қилинадиган бўлса, уларнинг зиддиятли эканлигини аниқлаймиз. Дарқақиқат,

агар дев одамни олмага айлантириш қудратига эга бўлса, унда нега у Аваздан кўрқиб унинг хизматкорига айланади. Аваз ва унинг дўстларини олмага айлантириб осмонга учган дев уларни ерга ташлаб юбориши ёки еб юбориши мумкин-ку? Лекин ўқувчи мазкур мантикий зиддиятни зиддиятсиз идрок этади, бунга ишонади. Чунки бадий ижоддаги хаёл эса доимо тасаввуфий ҳиссиёт ва фикрнинг уйғунлигида кечади.

Шундай қилиб, нозидлик қонуни мантикий тўғри фикр юритишнинг муҳим тамойилини белгилаб беради ва билишнинг барча турларида (илмий, фалсафий, диний, бадий ва б) турлича намоён бўлади.

3§.Учинчиси мустасно қонуни

Учинчиси мустасно қонунига кўра, икки зид ҳукм бир вақтда ва бир муносабатда бири албатта чин, иккинчиси хато, учинчи фикрга ўрин бўлмайди. Бунинг формуладаги ифодаси: $A \vee \tilde{A}$, яъни A чин ёки унинг инкори чиндир. Бунда A ҳар қандай мулоҳаза- ҳукм, $\tilde{A}$ - мулоҳазага зид ҳукм, $\vee$ - дизъюнкция (“ё”, “ёки”) белгиси.

Ушбу қонун нозидлик қонуни каби бир-бирини инкор этувчи ҳукмлар ўртасидаги муносабатни ифодалайди. Шунинг учун ҳам бир қарашда мазкур қонун нозидлик қонуни талабларининг такрорланишидек туюлади, лекин улар бир-биридан фарқ қилади.

Агар нозидлик қонунида муҳокама қарама-қарши ҳукмлар ўртасидаги муносабатни аниқлаш бўйича юритиладиган бўлса, учинчиси мустасно қонунида эса –зид ҳукмлар ўртасидаги муносабатни аниқлаш доирасида юритилади. Қарама-қарши муносабатидаги ҳукмлар, гарчи бир-бирини истисно этсалар-да, доимо ҳам бири чин, иккинчиси хато бўлмаслиги ва уларнинг ҳар икаласи ҳам хато бўлиши мумкин. Масалан, “Бу файласуф материалистдир” ва “Бу файласуф идеалистдир”, деган ҳукмлар, шу файласуфнинг дуалист эканлиги аниқлангач, хато ҳисобланади.

Шунинг учун нозидлик қонунида, икки қарама-қарши ҳукмларнинг бирининг хато бўлиши кўрсатилгани ҳолда, иккинчисининг хато ёки чин эканлигини очиқ қолдирилади. Бу масала учинчисини мустасно қонунига

асослангани ҳолда ечиладики, бунга кўра икки зид ҳукм бир вақтда, бир нисбатда хато бўлмайди, уларнинг бири албатта чин, иккинчиси хато бўлади ва учинчи фикрга ўрин бўлмайди. Масалан, «Одамни ўлдиришда ишлатилган пичоқ Н.ники»- «Одамни ўлдиришда ишлатилган пичоқ М.ники» ҳукмлари бир вақтда олинганда чин бўлмайди, аммо хато бўлиши мумкин. Чунки бу пичоқ бошқа С. шахсга тегишли бўлиши мумкин.

Шунга кўра ушбу ҳар икки қарама-қарши ҳукм хато бўлиши мумкин. Агар биринчи ҳукмга зид «Одамни ўлдиришда ишлатилган пичоқ Н.ники эмас» деганда, ва бу аниқланганда, албатта, уларнинг фақат бирини чин дейиш мумкин бўлади.

Нарса, ҳодисаларга муайян бир вақтда, муносабатда маълум бир-бирини истисно этувчи хусусиятларнинг хос бўлмаслиги мустасно қонунининг талабида ифодаланади.

Шунинг учун мазкур қонун нозидлик қонунининг талабларини тўлдирувчи, унинг давоми ҳисобланади. Учинчиси мустасно қонуни талабини яхши билиш ва уни муҳокама юритишда қўллай билиш, айниқса, тергов ишларида муҳим аҳамиятга эгадир. Бунда у ёки бу шахснинг маълум ишда айбдор эканлигини аниқлаш учун энг аввало қатор гумон (версия) лар илгари сурилиши ва улар «ёки-ёки»(учинчи фикрнинг бўлмаслиги тарзида) таҳлил қилиниши талаб этилади. Масалан, Н.шахсини айбдор деб ҳисоблаш учун, дейлик, унинг душанба куни соати 22 да вокзал ресторанида С. шахси билан учрашган ёки учрашмаганлиги энг муҳим далил эканлиги аниқланган бўлсин. Бунинг учун аввало Н. шахсининг айтилган вақтда қаерда эканлигини аниқлаш керак бўлади. Агар ундан сўров жараёнида бир-бирини истисно этувчи зид жавоб олинса, унинг айбдорлиги ҳақидаги гумон қисман тасдиқланган бўлади.

Мазкур қонун талаби, шунингдек, кундалик турмушда, кишиларнинг фаолияти, ҳатти-ҳаракатини, уларнинг сўзи ва иши, тили ва дили бирлигини баҳолашда ҳам муҳим мезон бўлиб хизмат қилади.

Кишилардаги қатъиятсизлик, бебурдлик, икки юзламачилик каби салбий хислатлар худди ана шу мезон билан ўлчанади. Насриддин Афандига нисбат

бериб айтиладиган куйидаги латифа аслида одамлардаги ана шундай иллатлар устидан кулишдир.

Бир куни Афандининг хотини эрининг ҳар доим ким нима деса унга қўшилиб «ха, тўғри» дейишини юзига солиб танбех берибди. Афанди бир зум ўйланиб тургач дебди: «Ҳа хотин, сеники ҳам тўғри».

Учинчисини мустасно қонуни баҳс, мунозара жараёнида принципсизлик, келишувчиликнинг мантиқан асоссизлигини кўрсатиб беришда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун мазкур қонун исбот ва инкор этиш жараёнининг мантиқий асоси ҳисобланади.

4§.Етарли асос қонуни.

Мантиқий, тўғри муҳокама юритиш фикрнинг аниқ, зиддиятсиз бўлишлиги билан биргаликда, айтилиш вақтида унинг асосланганлиги, изчиллигини ҳам талаб этади. Тафаккурнинг ушбу хусусияти етарли асос қонунининг қуйидаги талабида ифодаланади: “Ҳар қандай фикрнинг чинлиги бошқа, чинлиги исботланган фикрлар орқали асосланганлиги керак”. Бунинг қуйидаги формуладаги ифодаси: “Агар А бўлса, унинг асоси В ҳам мавжуддир”. Ушбу тафаккур хусусиятининг қонуният тарзида амал қилишини немис файласуфи, математиги Г.Лейбниц кўрсатиб берган эди.

Етарли асос қонунининг талабига оддий мушоҳада юритишдан тортиб илмий билиш жараёнида зарурий равишда риоя қилишни тақозо этади. Масалан: дарсга кечикиб келган талаба ўқитувчига шу заҳотиёқ кечикканлигини асослашга ҳаракат қилади.(«Автобус бўлмади», «Троллейбус тўхтаб қолди.» ва б.) Кишилар фикрнинг асосли, изчиллигига аҳамият берадилар. Ва буннинг натижаси ўлароқ “Гапнинг тузи йўқ”, “Мен дўл десам, у тегирмон дейди”, “Мен боғдан келсам, у тоғдан келади” каби халқ нақллари шаклландир.

Қуйидаги иккита талаб етарли асос қонунининг моҳиятини ифодалайди. Биринчидан, берилган фикрнинг чинлигини асослаш учун келтирилган мулоҳазаларнинг чинлиги тажрибада аниқланилган. Мантиқан исботланган ва иккинчидан, улар етарли даражадаги далиллар бўлмоғи керак.

Далиллар сифатида келтириладиган мулоҳазаларнинг чинлигини эмпирик тажрибавий ва мантикий-назарий усуллар билан асосланилади.

Эмпирик кузатиш тажриба бевосита асослаш усули ҳисобланади. Масалан, социолог жамият ҳаётига доир масалани тадқиқ этишда ва ўзи илгари сурган қараш-фикрнинг муҳимлиги, аҳамиятини бевосита кузатишга асосланган социологик тадқиқотларсиз асослаб беролмайди. Лекин эмпирик кузатиш, тажриба усулининг асослашда имконияти чекланган бўлади, чунки бунда билиш объекти яккалик, алоҳидалик доирасида бўлиб, у ҳиссий босқич даражасида ўрганилади. Эмпирик кузатиш, тажриба натижалари, мантикий хулоса чиқариш йўли билан умумлаштирилади ва улар назарий асослаш учун базис билимлар бўлиб хизмат қилади.

Назарий-мантикий асослашда дедуктив, хусусан, шартли-қатъий хулоса чиқаришдан фойдаланилади. Бунда базис билимлар асос қилиб олинади ва ундан қуйидагича муҳокама юритиш бўйича хулоса чиқарилади. “Агар А (базис билимни ифодаловчи ҳукм) чинлигидан Внинг чинлиги кўрсатилиши керак бўлган мулоҳаза чинлиги келиб чиқадиган бўлса, унда А В учун асос бўлади, яъни А Внинг чинлигини асослайди”. Масалан, Президентимизнинг “Ўзбекистон-келажаги буюк далаат”, деган башоратий фикрининг ҳаққонийлигини унинг кишилиқ жамияти тараққиёти қонуниятини ифодаловчи қуйидаги теран фикри орқали асослаш мумкин. “Агар қачонки икки муҳим омил (моддий ва маънавий-изоҳ бизники) ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш, ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади. Биз истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб ана шу икки омилнинг уйғун тарзда ривожланишига алоҳида эътибор қаратдик”.¹

Асослашда тажрибавий-эмпирик ва назарий-мантикий усуллар билан биргаликда интуиция, авторитетлар, ахлоқий меъёрлар, тамойилларга таяниш каби усуллар ҳам қўлланилади.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008, 67-68-бетлар

Интуиция (лот.intueri- синчиклаб қараш), гарчи кишининг мантиқий мушоҳада юритишисиз “тўсатдан” ҳақиқатни пайқаш, унга эришиш қобилияти бўлсада, лекин бунга муайян билимлар жамғармасига асосланган ўзига хос фикрлаш усули орқали эришилади.

Авторитет (лот.ауторитос- эътибор, обрў) умумэътироф этилган, эътибор, обрўга эга бўлган қарашлар тизими, ташкилотлар, буюк инсонлар ибрати бўлиб, уларнинг таъсири ижтимоий фикр уйғотиш мавқеига эгадир. Авторитетларга таяниш, айниқса ижтимоий билишда муҳим усул бўлиб хизмат қилади Масалан, И.А.Каримовнинг китобида “Энг буюк жасорат-маънавий жасорат” деган фикрни асослашда ана шу усулдан фойдаланилади. Хусусан, китобда юнон файласуфлари Платон, Сократ, юртдош мутафаккирларимиз Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Махмуд Хўжандий, Муҳаммад Хоразмий, юртимизни мўғиистилосидан озод қилган Амир Темур бобомиз ва бошқа инсонларнинг буюк хизматларини тавсифлаб кўрсатиш орқали уларнинг номлари маънавий жасорат тимсоли эканлиги асослаб берилади.

Ахлоқий меъёр,тамойилларга таяниш усули, асосан, деонтик (юнон.deon- бурч) модал ҳукмларни асослашда қўлланиладики, бу таълим-тарбия ишларини амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Бунда ахлоқий меъёр, тамаойилларни ўзида мужассамлаштирилган халқ мақоллари, афоризм, аллома мутафаккирларнинг ҳикматли сўзларидан фойдаланилади. Масалан, “Эй фарзанд, ота-онанг олдида умр бўйи қарздорлигингни унутма”, деган деонтик модал ҳукмдаги ахлоқий талаб-амрни Алишер Навоийнинг қуйидаги ҳикматли сўзлари билан асослаш мумкин:

Бошни фидо қилғил ота бошиға,
Жисмни қил садқа она қошига
Тун-кунингга айлагали нур фош
Биринсин ой англа, биринсин қуёш.

Тафаккур жараёнида етарли асос қонуни бошқа мантиқий қонунлар, хусусан, айният қонуни билан узвий бирликда амал қилади. Чунки, агар асосланиладиган ҳукм, мулоҳазалар аниқ, равшан бўлмаса, уларнинг чин ёки

хатолигини исботлаб бўлмайди. Шу боис айният қонунига риоя қилиш айни пайтда етарли асос қонунининг муҳим талаби ҳисобланади.

Айният қонуни талабларига риоя қилмаслик далиллашнинг мантиқий асоси бўлган исботлашда “тезисни алмаштириш”, “қанчалик кўп асосланилса, ҳеч нарсани исботлаб бўлмайди”, деган мантиқий хатоликларга йўл қўйишга олиб келади.

Шундай қилиб, тафаккур қонунларининг талаблари фикр қисмларининг ички, зарурий ва муҳим боғланишларининг тамойиллари бўлиб, уларга риоя қилиш билишда чин билимларга, ҳақиқат эришишнинг зарур шarti ҳисобланади.

5-МАВЗУ. Тушунча

1§. Тушунча тафаккур шакли сифатида.

Тушунча кенг маънода инсоннинг асрлар бўйи эришган билимлари мажмуини ифодалайди. Агар инсон билими организмга ўхшатилса, унда тушунча унинг хужайрасидир.

Мантиқ илмида тушунча тафаккурнинг шакли сифатида ўрганилади.

Тушунча деб предмет, ҳодисаларнинг муҳим ва умумий белгиларини инсон онгида яхлит тарзда акс эттирувчи тафаккур шаклига айтилади. Тушунчаларда фақат ташқи объектив борлиқ эмас, балки инсон, унинг руҳий-субъектив борлиғи ҳам ифодаланади. Масалан, «имон», «эътиқод», «виждон» ва б. ана шундай тушунчалардир.

Белги деб бирпредмет, ҳодисани бошқасидан фарқ этувчи ва айни пайтда уларнинг ўхшашлигини ифодаловчи хусусиятларига айтилади. Ҳар бир буюм, ҳодиса ўзига хос хусусият, хоссаларга эгаки, улар шу орқали бошқаларидан ажратилади ва айни пайтда муайян жинс, синфга бирлаштирилади. Масалан, муайян хусусиятларига кўра демократик давлатни тоталитар давлатдан, зиёлини пахтакордан, фалсафани тарихдан ва ҳ.к. фарқлаш билан бир вақтда уларни ўхшаш, умумий белгилари бўйича “давлат”, «моддий ва маънавий қадриятларни яратувчи», “ижтимоий фан” каби тушунчаларда, умумлаштирамиз.

Предмет, ҳодисаларни фарқлантирувчи ва ўхшашлигини кўрсатувчи белгилар муҳим ва умумий белгилар тарзида намоён бўлади. Бу белгилар нисбий характерга эга бўлиб, маълум бир вақтда, муносабатда муҳим белгилар муҳим бўлмаган, умумий белгилар хусусий белгилар тарзда олиб қаралиши мумкин. Масалан, инсоннинг жинси, ирқи ва бошқа табиий-генетик жиҳатлари уни ижтимоий тип сифатида олиб қаралганда номуҳим, биологик мавжудот деб қаралганда эса муҳим белгилар ҳисобланади.

Буюм, ҳодисаларга сифат муайянлиги бағишлайдиган хусусиятларига муҳим белги деб аталади. Бу белги предметнинг ички табиати, моҳиятини ифодалайди. Шунинг учун муҳим белгининг ўзгариши билан ушбу предмет ҳам

ўзининг сифат муайянлигини йўқотади. Масалан, парламент сайлови, сайлов ва сайланиш, ҳамманинг конституцион ҳуқуқга эга эканлиги демократик давлатчиликнинг муҳим белгиларидан ҳисобланиладики, бу белгиларсиз ёки уларнинг муқобилининг ўзгариши уни бошқаришнинг тоталитар, монархия ва бошқа типига айлантиради.

Муҳим бўлмаган белгилар деб предметга у ёки бу даражада хос бўлса-да, лекин уларнинг моҳиятини, сифатини белгиламайдиган хусусиятларга айтилади. Шунинг учун бундай белгиларнинг ўзгариши ёки барҳам топиши предметнинг сифатини ўзгартира олмайди.

Масалан, давлат ва жамоат ташкилотлари тизими таркибини ҳар қанча ислоқ қилиш, ўзгартириш билан бугунги кунда мамлакатимизда эркин, демократик йўналишидаги туб сифат ўзгаришини ясаб бўлмайди. Бунинг учун учун муҳим белги-мулкчилик муносабатини бозор иқтисоди тамойиллари асосида ўзгартириш зарур. Шунинг учун ҳам ҳукуматимиз давлат тасарруфидаги мулкларни хусусийлаштиришни бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири, деб ҳисоблайди.

Ҳар бир предмет ўзининг хусусий (индивидуал) ва умумий белгиларига ҳам эгадир. Агар белги фақат муайян предмет, ҳодисага хос бўлса хусусий белги, агар предметлар муайян гуруҳлар, синфга тааллуқли бўлса умумий белги деб аталади. Масалан, ғазал жанрига хос шундай белгилар борки, (қофияланиш тартиби, туроқ, баҳр, матла ва мақтаъ ва б.) улар бошқа поэтик жанрларда учрамайди. Аммо айтилиши вақтда ғазал ҳамма поэтик жанрлар учун хос бўлган умумий белгиларга ҳам эга.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, юқорида таъкидлаганимиздек, муҳим ва номуҳим, умумий ва хусусий белгилар нисбий характерга эга. Муайян вақт шароитда предмет учун муҳим ҳисобланган белги номуҳимга, умумий белги эса хусусий ҳисобланиши мумкин. Масалан, собиқ иттифоқ даврида шахснинг ўз-ўзини англаши, диний эътиқоди, иймони унинг учун муҳим бўлмаган белги сифатида қаралган бўлса, бугунги кунда улар комил инсонни шакллантиришнинг энг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Шунингдек, умумий белгилар кўпинча муҳим белгилар сифатида намоён бўлишлиги мумкин. Масалан, тўқималарнинг хужайрали тузилиши барча тирик организмлар учун умумий белги бўлиб, у айна пайтда инсон ва бошқа мавжудотларнинг генафонини таъминловчи муҳим хусусият ҳисобланади. Шунингдек, хусусий белгилар ҳам муайян бир пайтда муҳим ва муҳим бўлмаган белгилар тарзида намоён бўлади.

Буюм, ҳодисаларнинг муҳим ва умумий белгиларини ажратиб олиш орқали тушунчалар ҳосил қилинади, яъни шакллантирилади. Мазкур мураккаб жараёнда бир қатор мантикий усуллар қўлланиладики, булар қуйидагилардир: 1. Таққослаш; 2. Анализ ва синтез; 3. Мавҳумлаштириш (абстракциялаш); 4. Умумлаштириш.

Фандаги илмий ва кундалик фикр юритишдаги қўлланиладиган барча тушунчалар ана шу усулларнинг диалектик бирликда қўлланилиши орқали шаклланган, юзага келгандир. Буюм, ҳодисаларни бир-биридан фарқлаш ва ўхшашлигини аниқлаш, шунга мувофиқ уларнинг муҳим умумий белгиларини ажратиш энг аввало таққослаш (қиёслашдан) дан бошланади. Дарҳақиқат, билиш негизида таққослаш ётади. Масалан, «ибтидоий жамоа», «қулдорлик», «феодализм», «капитализм» тушунчалари кишилиқ жамияти босиб ўтган тарихий даврларни муайян босқичларда таққослаш, сўнгра анализ ва синтез қилиш ва умумлаштириш, мавҳумлаштириш орқали ҳосил қилингандир. Таққослашда предметларнинг муҳим белгилари ажратиб олинмайди, балки уларнинг ўхшаш ва фарқ қилувчи хусусиятлари аниқланилади. Таққосланилаётган предметлар анализ қилиниб, яъни фикран таркибий қисмларга ажратилиб, уларнинг ҳар бирининг хусусиятлари аниқланилиб, яна қайта яхлитлаштирилгандан (синтезлаштирилгандан) сўнггина қандай муҳим ва умумий белгилари борлиги ҳақида фикрга келинади. Мантикий анализ ва синтез қилиш фикрнинг конкретликдан мавҳумликка, яқкаликдан умумийликка ўтишнинг муҳим шартидир.

Мавҳумлаштириш - бу предмет, ҳодисаларнинг, конкрет белгиларидан узоқлашиши орқали уларнинг моҳиятли жиҳатини аниқлашдир. Масалан, «конус» тушунчасида предметнинг қандай материалдан ясалганлиги, катта-кичиклиги,

оғирлиги ва бошқа конкрет белгилари фикран соқит қилинади, бунда фақат унинг моҳиятли томони - геометрик фигура эканлиги кўзда тутилади.

Умумлаштириш - мавҳумлаштириш усулининг ўзига хос бир тури, яъни уни тўлдирувчи шакли бўлиб, бунда айрим предметлар, уларнинг тўплами муҳим белгиларига кўра муайян синф, жинсга бирлаштирилади. Масалан, сўзларнинг шахс, сон келишида тусланиши каби муҳим белгиларига кўра «мустақил сўз туркуми» деган тушунчада умумлаштирилади. I . Мавҳумлаштириш ва умумлаштириш сўз, номлар воситасида амалга ошади. Айни пайтда ҳар қандай сўз энг аввало мавҳумлаштириш, умумлаштириш мантикий усулининг натижасидир. Масалан, ҳар қандай сўз предметнинг келиб чиқиши, мавжудлигига нисбатан ҳеч қандай сабабий боғланишга эга эмас.

Тушунчалар ифодаланиш, воқе бўлишининг грамматик шакли сўзидир. Бошқача килиб айтганда, тушунчалар сўз орқали англашилади, лекин ҳар қандай сўзлар тушунчани ифодаламайди. Чунки тушунча фикр шакли бўлиб, предмет, ҳодисаларнинг инсон онгидаги инъикоси бўлса, сўзлар уларни номларда ифодалайди. Номлар эса белгилар тизимида (ҳарф, рамзий ишоралар) қайд этилади. Шунга кўра сўзлар ёзма битикларда ҳам ифодаланади. Сўзлар фақат фикр шакли тушунчаларни эмас, ҳис-туйғуларни ҳам ифодалайди. Шунга кўра илмий тушунчаларни ифодаловчи сўзлардан фикр ҳис-туйғуни ўзида умумлаштирган ҳолда акс эттирувчи сўзларни, яъни поэтик (бадий) сўзларни фарқлай билиш лозим. Масалан, «иссиқ қор», «кузнинг кўз ёши», "фироқ тоғи" ва б.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сўзлар фақат тушунчаларни ифодалаш шакли бўлмасдан, айни пайтда уларнинг ўзаро боғланиши ва мулоҳаза (гап), тарзида мақомга эга бўлишида ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу кўпинча бир сўз ва сўз бирикмасининг тугал фикрни ифодалашлигида намоён бўлади.

2 § Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми.

Ҳар бир тушунча ўзининг мантикий таркиби: мазмуни ва ҳажмига эга. Тушунчанинг мазмуни деб тушунчада ифодаланаётган предмет ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларининг мажмуига айтилади. Бунда тушунча ва

предмет белгиларини бир-биридан фарқламоқ зарур. Агар буюм, ходиса муайян хусусият, белгиларга эга бўлса, улар мазкур предмет, ходиса учун ёки муҳим ёки номуҳим, иккинчи даражали ҳисобланилади. Нарса, ходисаларнинг сифат жиҳатдан ўзгариб бориши билан улар янги хусусиятларга эга бўлади. Масалан, бугунги кунда «ватанпарварлик», «ватан», «диндор», «мафкура» каби тушунчаларнинг мазмуни собиқ иттифоқ даврида қўлланилиб келинган маъносидан фарқ қилади.

Лекин тушунча белгиси, предметлар белгисидан фарқли тарзда муайян синфга кирувчи, буюм, ходисаларнинг энг муҳим ва умумий белгиларининг инъикосидир. Масалан, гул ўсимлик (предмет) сифатида бир қанча белги, хусусиятларга эга: оқ, қизил, сариқ ва ҳ.к., ёввойи ва хонаки ҳолда ўсиши, бир йиллик ёки кўп йилликдаги ва бошқалар. Лекин «гул» деган тушунчада мазкур ўсимликнинг барча саналган белгиларини кўзда тутмаймиз, балки шу предмет «гул» учунгина хос бўлган муҳим хусусиялари- киши учун унинг меваси эмас, балки ҳиди, рангининг зарурлигини англаймиз. Тушунчанинг муҳим белгилари предметларнинг кўп сифатлилиги билан изоҳланади. Шунга кўра тушунчанинг мазмуни бир қанча муҳим белгилар йиғиндисидан ташкил топган бўлади. Масалан, «жиноят» тушунчасининг (М) мазмуни шахс томонидан содир этилган қонунга ҳилоф ҳатти-ҳаракат учун хос қўйидаги муҳим белгилар йиғиндиси ташкил этади: ижтимоий хавфли характердаги ҳатти-қаракат (а), қонунга ҳилофлик (б), айбдорлик (с) жазога лойиқлик (д).

Тушунчанинг мазмунини М ҳарфи, унда ифодаланаётган предметларнинг муҳим белгиларини а,с,д,, билан белгилаб, қўйидаги шартли формулани ҳосил қиламиз: $M=a+v+c+d+\dots$. Бундан предметнинг муҳим белгилари қанча кўп бўлса, мазмуни шунчалик кенг бўлади ва аксинча - муҳим белгилари қанча кам бўлса, мазмуни шунчалик кичик, тор бўлади, деган талаб келиб чиқади. Яъни: $M(\text{кенг})=a+v+c+d+\dots$ п; $M(\text{кичик})=a+v$.

Тушунчаларнинг мазмунида предметларнинг моҳияти ифодаланади. Шунга кўра тушунчаларнинг мазмунини билиш, аниқлаш уларнинг моҳиятини билишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Масалан, «бозор иқтисоди», «ислоҳот»

«истиклол мафкуриси», «истиклол ғояси», «маънавият» ва бошқа шу каби тушунчалар мазмунини аниқлаб олмасдан туриб, бугунги кунда жамиятимизда кечаётган иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳалардаги ўзгаришларнинг моҳиятини чуқур англаб бўлмайди.

Буюмлар қанчалик конкрет, алоҳида бўлса, унинг муҳим белгилари шунчалик кўпроқ бўлади. Тушунчанинг ҳажмини аниқлашда қуйидаги икки ҳолатга эътибор бермоқ керак: биринчидан, муайян тушунчада ифодаланаётган предмет, ҳодисанинг қандай

жинс, синфга мансублиги; иккинчидан, мазкур жинснинг қандай муҳим, белгиларга эга эканлигини аниқлаш. Масалан, «гул» тушунчасининг ҳажмини ҳиди, ранги билан кадрланадиган хусусиятга эга бўлган ўтмиш, ҳозир ва келажакдаги муайян ўсимлик синфига киришини кўрсатиш билан биргаликда, унинг барча турларини (хилларини) ҳам кўзда тутамиз. Шунингдек, «гап» тушунчасининг ҳажмини очмоқчи бўлсак, энг аввало, унинг муҳим белгиларининг ҳар бирини асос қилиб олиш билан унинг турларини аниқлаб оламиз. Ва шу бўйича кўра гапнинг тузилиши, (содда, қўшма гап) фикрни қай даражада (дарак, сўроқ, ундов гап)ифодалашига кўра турларини аниқлаш мумкин.

Тушунчаларнинг ҳажмида предметларнинг тур ва жинс (яккалик, хусусийлик, умумийлик) муносабатлари акс этади. Шунга кўра улар жинс гуруҳлари ва тур гуруҳларига ажратилади. Тур гуруҳлари хусусий ва ўхшашлик белгиларига эга бўлган якка, алоҳида " буюм, ҳодисалар гуруҳи ҳисобланади ва жинс гуруҳини ташкил этади ҳамда унга бўйсунди. Масалан, ўғирлик, қаллоблик, қотиллик ва бошқалар тур гуруҳи сифатида «жиноятчи» деган жинс тушунчасини ҳосил қилади ва унга бўйсунди. Лекин бу ерда яна шу нарсани алоҳида таъкидлаш зарурки, тур гуруҳларнинг ўзи ҳам айни пайтда жинс гуруҳи бўлиб келади. Масалан, «ўғрилик» тушунчаси жиноят тури сифатида унинг хилма-хил ҳолатларда содир . этилишини ифодалайди (кисовур, мол ўғриси, машина ўғриси ва б.).

Мантиқда, шунингдек, тушунчанинг ҳажмига нисбатан «синф», «кичик ; синф», «синфлар элементи» деган атамалар қўлланилади.

Синф деб умумий белгиларга эга бўлган турлар гуруҳнинг йиғиндисига айтилади. Масалан, судралиб юрувчи ҳайвонлар, сут эмизувчи ҳайвонлар; зиёлилар, фермерлар. Кичик синф деб муайян синф таркибига кирувчи қисмга айтилади. Бошқача қилиб айтганда, кичик синф умумий синфнинг маълум қисмини ташкил этади. Масалан, судралиб юрувчилар синфининг кичик синфини илонлар ташкил этади. Зиёлилар синфининг кичик синфини журналистлар, ўқитувчилар ва ҳ. ташкил этади. Синф элементи деб муайян синфга кирувчи предметга айтилади. Масалан, ёрдамчи сўзлар синфининг элементини грамматик боғламалар тури ташкил этади.

Синф, кичик синф, синфлар элементида фақат тушунчаларнинг ҳажмий муносабатлари эмас, балки шунга мувофиқ уларда муҳим белгилар йиғиндисининг нисбатининг ҳам ўзгариб бориши ифодаланади.

Буюм, ҳодисалар туридан жинсга ва ундан синфларга фикран ўтиш билан тушунчаларнинг ҳажми кенгайиб боради, лекин айтилган пайтда хусусий муҳим белгилар тушириб қолдирилиб борилгани ҳолда, умумий белгиларига ўтилади.

Фикр юритишдаги ушбу қонуният тушунчалар мазмуни ва ҳажми ўртасидаги тесқари нисбат қонуни деб юритилади. Мазкур қонунга кўра, тушунчанинг ҳажми қанчалик тор (кичик) бўлса, мазмуни шунчалик кенг бўлади ва аксинча, тушунчанинг ҳажми қанчалик кенг бўлса, мазмуни шунчалик тор бўлади.

Дарқоқикат, агар тушунчалар ҳажм жиҳатидан торайтириб борилса, уларнинг мазмуни кенгайиб боради. Чунки алоҳида, яқин предмет, ҳодисаларни ифодаловчи тушунчалар умумий жинс тушунчаларига нисбатан кўпроқ муҳим белгиларга эгадир. Масалан, «тил» ва «ўзбек тили» тушунчаларини таққослайдиган бўлсак, улар бир-бирига нисбатан жинс ва тур муносабатида бўлиб, биринчисининг ҳажми иккинчисиникига нисбатан кенг, лекин мазмуни тор, иккинчисининг ҳажми тор, мазмуни кенгдир. Бу шу билан изоҳланадики, «ўзбек тили» тушунчасига тилнинг кишилар ўртасидаги алоқа воситаси, фикрнинг нутқда воқе бўлишлиги ва белгилар тизими эканлиги каби муҳим белгилар хос бўлиши билан биргаликда, яна хусусий муҳим белгиларга

(миллийлик, унлиларнинг микдори, уларнинг талаффуз қилиниши, сингорманизм ва б.) ҳам эгадир. Шунинг таъкидлаш керакки, тескари нисбат қонунини категория ва шу ҳажмдаги илмий тушунчаларга нисбатан тадбиқ этиб бўлмайди.

3 §. Тушунчанинг турлари.

Тушунчалар мазмунига кўра: аниқ ва мавҳум; нисбатдош ва нисбатсиз; ижобий(мусбат) ва салбий(манфий); ҳажмига кўра; якка ва умумий; жамланган ва жамланмаган турларга ажратилади

Аниқ тушунча деб муайян хусусиятларига эга бўлган реал предмет ва ҳодисаларни ифодаловчи тушунчаларга айтилади. Масалан, «қонун», «давлат», «дарахт», «журналист» ва ҳ.к.

Мавҳум тушунчада предметнинг хусусияти, бошқа предмет билан бўлган муносабати акс этади. Бунда предметнинг муҳим ва умумий белгилари унинг ўзидан ажратиб олиниб, маълум бир номда ифодаланади. Масалан, «синус», «косинус», «қаҳрамонлик», «қиймат» тушунчалари ўз-ўзича эмас, фақат буюм ва ҳодисаларга нисбатан маъно англатади. Бир тушунчанинг мазмуни иккинчи бир тушунчага нисбатан англашилса, улар нисбатдош тушунчалар ҳисобланади. Масалан, “сабаб ва оқибат”, “ассимиляция ва диссимиляция”, “миллий мафкура” ва “истиқлол ғояси” ва б. Мазмуни бошқа тушунчаларсиз, мустақил англашиладиган тушунчалар нисбатсиздир. Масалан, «от», «университет» тушунчаларининг мазмуни ««институт», «хайвон» тушунчаларининг мазмунисиз ҳам мустақил тарзда англашилади. Муайян белгининг предметга тааллуқли эмаслиги акс эттирилса, салбий (манфий) ҳисобланади. Масалан, «ақлсиз», «инсофсиз», «билимсиз». Манфий тушунчаларни ифодаловчи сўзлар одатда «-сиз», «эмас», «но-», «бе-» каби қўшимчалардан ясалади. Масалан, «бебурд», «ноинсоф», «виждонсиз» ва б.

Ижобий (мусбат) тушунчаларга эса предметларнинг муайян белги, хусусиятларга эга эканлиги тасдиқланади. Масалан: «виждонли», «инсофли», «адолатли». Бир буюм, ҳодисани ифодаловчи тушунчалар якка тушунчалар деб аталади. Масалан. Самарқанд, Алишер Навоий, Ўзбекистоннинг биринчи Президенти ва ҳ.

Бир гуруҳ, предметлар кўлами фикр қилинадиган тушунчаларга умумий дейилади. Масалан: самолёт, адвокат, қонун ва б.

Умумий тушунчалар ифодаланаётган предметларнинг кўламига кўра жамланган ва жамланмаган тушунчаларга ажратилади. Предметларнинг жинс, синф элементлари ҳисобга олинса, бундай тушунчалар жамланган тушунчалар деб аталади. Масалан: мустақил сўз туркуми, қуёш тизими планеталари ва б. Кўлами номаълум, яъни ҳисоблаш қийин микдордаги элементлардан ташкил топган синфларни ифодаловчи тушунчалар жамланмаган қилинмайдиган тушунчалар деб аталади. Масалан : сув ҳайвонлари ва осмон jismlari ва б.

4§. Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар.

Тушунчалар ҳажм ва мазмун жиҳатидан таққосланадиган ва таққосланмайдиган муносабатдаги тушунчаларга ажратилади. ТАҚҚОСЛАНАДИГАН ТУШУНЧАЛАР деб баъзи умумий белгиларга эга бўлган ва шунга кўра ўзаро қиёсланадиган тушунчаларга айтилади. Масалан: «қалам» ва «билим» тушунчаларини уларнинг умумий белгиларига эгаллигига кўра бир-бири билан қиёслаш мумкин.


ТАҚҚОСЛАНМАЙДИГАН ТУШУНЧАЛАР деб умумий, ўхшаш белгиларга эга бўлмаган ва қиёсланилмайдиган тушунчаларга айтилади.

Масалан: «қалам» - «қоинот», «мафкура» - «океан» ва бошқалар. Фақат таққосланадиган тушунчалар ўзаро мантиқий муносабатларга киришидиларки, бундай тушунчалар муносабати икки хил бўлади: сиғишадиган ва сиғишмайдиган.

Агар тушунчаларнинг ҳажми тўлиқ ёки қисман мос бўлса, улар сиғишадиган муносабатда бўладилар. Бундай муносабатлар ўз навбатида уч хил бўлади: бир маъноли тушунчалар муносабати (мослик муносабати), бўйсунуш (тур ва жинс), қисман мослик муносабати.

Мослик муносабатидаги тушунчаларнинг ҳажми айнан бир-бири билан тенг бўлади. Чунки бунда икки ёки ундан ортиқ тушунчаларда муайян бир предмет ифодаланади. Масалан: Самарқанд, Ўзбекистоннинг биринчи пойтахти ва б.


Мазкур муносабат типи мантикда Эйлер доираси¹ деб юритиладиган схемада ифодаланади.(1-расм): А - Самарқанд, Б - Ўзбекистоннинг биринчи пойтахти, С - Амир Темур давлатининг пойтахти.



1-расм


БЎЙСУНИШ муносабатидаги икки ёки ундан ортиқ тушунчалар ҳажм жиҳатидан бири иккинчисига бўйсуниб келади. Шунинг учун бу муносабат кўпинча тур ва жинс муносабати деб ҳам юритилади. Чунки жинс тушунчаси ҳажмига кирувчи тур тушунча айти пайтда унинг ҳажмига кирувчи турларга нисбатан жинс бўлиб келади. Масалан: «ҳайвон» «сут эмизувчи ҳайвон» «оқ кит» тушунчалари бири иккинчисига нисбатан бўйсунсалар-да, лекин улар айти пайтда ўзаро тур ва жинс муносабатида бўладилар. (2-расм). А-ҳайвон, Б- сут эмизувчи ҳайвон, С-кит, Д-оқ кит;

2-расм



ҚИСМАН МОСЛИК муносабатидаги тушунчалар ҳажм жиҳатидан бири-бирига тўлиқ эмас, балки қисман киришадилар. Масалан: сут эмизувчи ҳайвон ва сув ҳайвони тушунчаларининг ҳажми бир бирига қисман мосдир, чунки сут эмизувчи ҳайвонларнинг ҳаммаси сув ҳайвони бўлмаганидек, сув ҳайвонларининг ҳаммаси ҳам сут эмизувчилар туркумига кирмайди.(3-расм).

¹ Эйлер доираси - голланд мантиқшуноси ва математики Л.Эйлер (1707-1783) томонидан мантиққа киритилган, тушунчалар ўртасидаги муносабатни кўргазмали ифодаловчи схема.




3-расм

Агар тушунчалар ҳажм жиҳатидан тўлалигича ҳамда қисман мос келмайдиган бўлса улар сиғишмайдиган муносабатдаги тушунчалар деб аталади. Бундай тушунчалар муносабати уч хил типда бўлади: бирга бўйсунуш, қарама-қаршилик ва зидлик.

БИРГА БЎЙСУНИШ МУНОСАБАТИДА ТУШУНЧАЛАР айна бир вақтда ҳам сиғишадиган, ҳам сиғишмайдиган муносабатларда бўлади. Бошқача қилиб айтганда, икки ёки ундан ортиқ тушунчалар муайян жинс тушунчаси ҳажмига тур сифатида кирсалар-да, лекин тур тушунчалар умумий элементга эга бўлмаган, сиғишмайдиган тушунчалар ҳисобланади. Масалан, балиқ (В), кит (С), сув ҳайвонлари (А) бўлса-да, лекин улар яшаш тарзи, насл қолдириши ва бошқа хусусиятларига кўра бир-биридан фарқланадилар. Ушбу муносабат 4-расмда ифодаланган.


4- расм



Бир тушунча муайян белгига эга бўлиб, иккинчи тушунчани унинг бошқа белгиларига ўрин қолдирган ҳолда инкор этса, бундай тушунчалар ўзаро қарама-қаршилик муносабатида бўладилар.


Бунда жинс тушунчасига ҳажман кирувчи, бир-бирини инкор этувчи тушунчаларнинг ҳажми жинс тушунчасининг ҳажмини тўлиқ қамраб ололмайди. Шунга кўра тур тушунчаларининг ҳажми йиғиндиси жинс тушунчасининг ҳажмидан доимо кичик бўлади. Масалан: «бола», «чол»; «оқ», «қора»; «тўрт оёқли ҳайвон» ва «кўп оёқли ҳайвон» (В,С) каби қарама-қаршилик муносабатидаги тушунчаларнинг ҳажми «одам», «ранг», «ҳайвон» (А) тушунчаларининг ҳажмини тўлиқ қамраб ололмайди. Яъни: $A > B + C$ (5-расм).

5-расм.




Агар икки тушунча бир-бирини учинчи бир ўртанча ҳол – тушунчага ўрин қолдирмаган тарзда инкор этишса, унда зидлик муносабатида бўладилар. Масалан, оқ (В)- оқ эмас (B^-); бола (В) – бола эмас (B^-); демократик давлат (В) - нодемократик (B^-). Зидлик муносабатдаги тур тушунчаларининг ҳажми жинс тушунчасининг ҳажмини тўлиқ қамраб олади. Яъни: $A=B+B^-$ эмас. (6-расмга қаранг).

6-расм.



Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар схемаси.



7-расм.

5§. Синфлар (тушунчалар ҳажмлари) устида мантиқий амаллар


Тушунчалар орасидаги муносабатларнинг типларини яхши билиш синфлар устида мантиқий амаллар(операциялар) бажаришда муҳим аҳамиятга эга.

1. Синфлар бўйича мантиқий операциялар бажаришдан мақсад шуки, бунда икки ёки ундан ортиқ синфлардан янги тушунча синфлари ҳосил қилинади.

Мантиқий амаллар қуйидагича бўлади: а) қўшиш; б) қўпайтириш; в) тўлдириш; г) умумлаштириш ва чегаралаш.

Синфлар бўйича мантиқий амалларни бажаришда қуйидаги рамзий белгилардан фойдаланилади: А, В, С.. – ихтиёрий синфларни ифодаловчи ҳарфлар, I-умумий (универсал)синф, О-бўш синф; U-қўшиш белгиси; ∩-қўпайтириш белгиси; $\bar{A}$ инкор белгиси; умумлаштириш ва чегаралаш эса эйлер доираси билан белгиланади.


Қўшишда икки ёки ундан ортиқ синфлар бирлаштирилади ва бунда улар мазкур умумий синфни ташкил этувчи элементлар ҳисобланади. Масалан, «умуртқалилар» синфини «умуртқасизлар» синфи билан қўшиш орқали «ҳайвонлар»(1) деган универсал синф ҳосил қилинади. «Мустақил сўзлар» «ёрдамчи сўзлар», «сўзлар туркуми» деган умумий синфини ҳосил қилади. А – умуртқалилар; В – умуртқасизлар; А-ёрдамчи сўзлар, В- мустақил сўзлар;1-сўзлар туркуми. Яъни: $A \cup B = I$. (8-расм).



8-расм.


Қўпайтириш амали орқали икки ёки ундан ортиқ синфлар учун умумий, ўхшаш элементлар ахтариб топилади. Бунда тушунчалар орасидаги қисман мослик муносабатидан фойдаланилади. Масалан, «сув ҳайвони» (А), «сут

эмизувчи ҳайвон» (В) тушунчаларининг ўзаро кесишиши орқали «сут эмизувчи – сув ҳайвони» (С) ҳосил қилинади. (9-расм). Бу қуйидаги формулада ифодаланади: $A \cap B = C$.



9-расм.

Учта ва ундан ортиқ синфлар ўртасида қисмн мослик муносабатини ўрнатиш билан ҳам янги синфлар ҳосил қилинади. $A \cap B \cap C = D$ Масалан, “филолог”(А), “олий мажлис депутати”(В), “Ўзбекистон қаҳрамони”(С) тушунчаларидан “филолог, Ўзбекистон қаҳрамони бўлган олий мажлис депутати” синфи ҳосил қилинади.(10-расм). Бунинг схемасидаги ифодаси:




10-расм.

Тўлдириш амали орқали берилган универсал синфдан А синфи чиқариб ташланади ва бунда унинг инкори бўлган А эмас синфи ҳосил қилинади. Масалан, универсал “санъат” синфидан “тасвирий санъат” синфини чиқариб ташлаш билан “нотасвирий санъат” деган қўшимча синф ҳосил қилинади.

Тушунчаларни умумлаштириш ва чегаралаш усули орқали универсал синфлар ва айти пайтда муайян синфнинг кичик синфлари, турлари

аниқланилади. Мазкур мантикий усул фикрнинг конкретликдан мавҳумликка ва кейингисидан конкретликка ўтилишини таъминлашга хизмат қилади.

Тушунчаларни умумлаштириш деб ҳажми кичик, аммо мазмуни кенг тушунчадан ҳажми кенг, лекин мазмуни тор тушунчаларга қараб фикран ўтиладиган мантикий усулга айтилади. Умумлаштириш орқали тур тушунчаларининг яқин синф, жинслари изчил, кетма-кетлик билан аниқланиб борилади. Масалан, «формал мантик» (А) тушунчасини умумлаштириш учун унинг энг яқин жинси, яъни «умумий мантик» (В) ва ўз навбатида ва унинг яқин жинси «фалсафий фан» (С), «ижтимоий фан» (Д), «фан» (Е) тарзида давом эттирган ҳолда кўрсатиб борилади. Бунинг схемаси (11-расм):



11- Расм.


Тушунчалар шу тарзда умумлаштирилиб борилиши ниҳояси «онг», «материя», «ҳаракат» ва б. каби фалсафий категориялар ҳосил қилиниши билан якунланади.

Тушунчаларни чегаралаш деб шундай мантикий усулга айтиладики, унинг воситасида синф, жинс тушунчаларининг турлари аниқланилади ва бу уларининг яқка турларини топиш билан якунланади. Тушунчани чегаралаш моҳиятан умумлаштириш мантикий усулининг тескараси бўлиб, бунда ҳажми кенг, аммо мазмунан тор тушунчалардан ҳажми кичик, лекин мазмуни кенг тушунчаларга фикран ўтилади.

Бошқача қилиб айтганда, тушунчаларни чегаралаш учун унинг муҳим тур белгиларини кетма-кет кўрсатиб бориш орқали мазмуни кенгайтирилиб борилади. Дейлик, бизга «тил» (А) тушунчасини чегаралаш берилган бўлсин. Бунинг учун

биз дастлаб унинг энг яқин тури – «табиий тилни» кўрсатамиз. Шундан сўнг мазкур турнинг яна энг яқин турини – «туркий халқлар тили»ни (В) аниқлаймиз. Шу хилдаги турнинг турини аниқлаш ушбу мисолимизда «ҳозирги ўзбек тили» деган якка тур тушунчасини (Е) кўрсатишгача давом этади. (12-рasm):

12-рasm.



А – тил

В – табиий тил

С – туркий тил

Д – ўзбек тили

Е – ҳозирги замон ўзбек тили

Бу ўринда шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, тушунчаларни чегаралашда доимо жинс тушунчасининг энг яқин тури аниқланиши керак. Юқоридаги мисолимизда кўрсатилганидек, «тил»нинг энг яқин тури «туркий тиллар» эмас, балки «табиий тил»дир, чунки тил кишилар ўртасидаги алоқа воситаси, фикрнинг воқе бўлиши, белгилар тизими сифатида олиб қаралганда унинг яқин тури табиий ва сунъий тил бўлади.

6 §. Тушунчаларни таърифлаш(дефиниция)

Кишилар ўзларининг кундалик амалий ҳамда илмий фаолиятларида доимо мантиқий таърифлашга мурожаат қиладилар. Дейлик, нотик миллий мафкура мавзуида маъруза қилмоқчи бўлса, энг аввало ундан ушбу тушунчанинг («миллий мафкура») мазмунини очиб бериш талаб этилади. Бу ўринда ўзим гувоҳ бўлган бир воқеа доимо ёдимга келади. Талабалик йилларим эди. Бизнинг ётоқхонага фалсафа кафедрасининг бир ёш ўқитувчиси келиб «Бахт нима?» деган мавзуида маъруза қилди. Нотик бу борада нима билса ҳаяжонланиб сўзлаб бергач, минбардан тушиб ўтираётган эди, ёнимда ўтирган бир қиз савол берди: «Домла, айтингчи, , бахт деб нимага айтса бўлади?». Қизнинг бундай савол билан

мурожаат қилишга сабаб шунда эдики, нотик ўз маърузасида, гарчи у бахт ҳақида ярим соат зиёдроқ вақт сўзлаган бўлса-да, мазкур тушунчага таъриф бермаган эди.

Ҳар бир фан муайян мезоний тушунчалар (категориялар) тизимидан ташкил топган бўлиб, (масалан, тилшуносликда «келишик», «эга ва кесим», б., биологияда «ассимиляция», «диссимиляция», «оксил», «ирсият» ва б.) улар айтилган пайтда таърифланишни талаб этадилар. Шу маънода айтиш мумкинки, ҳар қандай фан предмети тушунчаларни таърифлаш орқали тадқиқ этилади ва шунга кўра билимлар муайян тушунчалар таърифи тизими ҳисобланади.

Фан тушунчалари таърифлаш усули орқали тадқиқ объектининг моҳияти, қонуниятлари очиқ берилади. Бошқача қилиб айтганда, тушунчалар таърифланилгандан сўнггина категориялар, атамалар мақомини олади ва билишнинг ўзига хос босқичлари бўлиб хизмат қиладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, барча фанлар, гарчи таърифлашсиз иш кўролмасалар-да, лекин уларнинг бирортаси ҳам қандай қилиб тушунчаларга таъриф бериш кераклиги масаласи билан бевосита шуғулланмайди.

Фақат формал мантик таърифлашнинг моҳияти, унинг умумий методологик тамойиллари, қоидаларини аниқлаш, белгилаш масаласи билан шуғулланади.

Шарқ мутафаккирлари тушунчаларни таърифлашга билишнинг муҳим усули (методи) сифатида қараганлар ва ундан кенг равишда фойдаланганлар. Бу жиҳатдан ўрта асрларда яшаб ижод этган машҳур араб файласуфи, мантиқшуноси Ал Киндий (801-866)нинг «Нарсаларни тасвирлаш ва таърифлаш ҳақида трактат» номли рисоласи алоҳида аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, юртдошимиз Абу Али Ибн Сино (980-1037) ўзининг «Мавжуд нарсаларни таснифлаш ҳақида трактат» («Рисолатун тақсим-ул мавжудот») ва «Донишнома» асарларида таърифлаш масаласига алоҳида боблар ажратади.

Тушунчаларнинг мазмунини очиқ берувчи мантикий усул таърифлаш ёки дефиниция деб аталади. Бизга маълумки, тушунчанинг мазмунини унда фикрланаётган предметнинг муҳим белгиларининг мажмуи ташкил этади. Демак, таърифлашда тушунчанинг муҳим белгилари аниқланилади.

Таърифлашнинг таркибий қисмларини билиш мазкур мантикий усулни амалиётда қўллаш, малакасига эга бўлишнинг шартларидан бири ҳисобланади. Таърифлаш икки таркибий қисмдан иборат: таърифланилувчи ва таърифловчи.

Мазмуни очилиши талаб этиладиган тушунча таърифланилувчи (бу мантиқда лотинча дефиниендум – таърифланиш сўзининг қисқартирилган Dfd ҳарфлари билан белгиланади), таърифланилувчининг мазмунини очиб берувчи қисм (бу лотинча дефиниенис – таърифловчи сўзининг қисқартирилган ҳарфлари Dfn билан белгиланади) таърифловчи тушунча деб аталади.

Таърифланилувчи тушунчанинг характериға кўра, яъни унда предмет ёки уни ифодаловчи ном (сўз)ининг мазмунининг очилишиға кўра таърифлаш икки хил бўлади: **номинал ва реал таърифлаш**.

Тушунчани ифодаловчи сўзнинг (номнинг) луғавий маъносини очиб беришға қаратилган ҳамда фанға киритилаётган атаманинг кай маънода қўлланиши талабини ифодаловчи мантикий усулға **номинал таъриф** деб аталади. Масалан: «Грамматика лотинча сўздан олинган бўлиб, тил қурилиши ва унинг қонунлари ҳақидаги фандир». Шунингдек, номинал таъриф воситасида маълум предметни тасвирлаш орқали янги атама (номлар)лар ҳам киритилади. Масалан: «Табиат ва жамият ўртасида юзага келган зиддиятлар ва уларни ҳал этиш муаммоси билан шуғулланувчи фан соҳаси экология деб юритилади».

Реал таърифлашда предметнинг муҳим белгилари кўрсатиб берилади. Бошқача қилиб айтганда, бундай таърифлашда предметнинг муҳим хусусиятлари аниқланиши асосида у муайян синфға кирувчи бошқа турлардан ажратилади. Масалан: «Олмош – бу от, сифат, сон ўрнида келувчи мустақил сўз туркумидир», деган таърифда олмошнинг муҳим белгиси кўрсатилиши билан у бошқа сўз туркумларидан ажратиб олинмокда.

Таърифланувчи ва таърифловчи тушунчаларнинг муносабатига кўра таърифлаш икки хил бўлади: **аниқ ва ноаниқ**.

Аниқ таърифлашда таърифланувчининг мазмуни бевосита унда фикрланаётган предметнинг муҳим белгиларини кўрсатиш орқали очиб берилади. Шунга кўра $Dfd = Dfn$ қисмларининг ҳажми тенг, мослик муносабатида бўлади.

Масалан, «Квадрат- ички бурчаклари – 360° тенг геометрик шакл». Бундай таърифлаш моҳиятан реал таъриф ҳисобланади.

Ноаниқ таърифлашда эса таърифланувчи тушунчанинг мазмуни маълум бир контекстда очилади. Аниқ таърифлашнинг турларидан бири – бу энг яқин жинс ва тур белгиларини кўрсатиш орқали таърифлашдир. Бундай таърифлаш икки босқичда олиб борилади. Биринчи босқичда таърифланувчи тушунчанинг энг яқин жинси топилади, яъни у тур сифатида қандай жинсга киришлиги аниқланилади. Иккинчи босқичда таърифланилувчи тушунчада ифодаланаётган предметнинг (турнинг) шу жинсга кирувчи бошқа турлардан фарқланадиган муҳим белгиси топилади.

§ 3 да тушунчалар орасидаги бўйсунуш муносабатида бўйсиндирувчи тушунча жинс, унга бўйсинувчи тушунчалар тур бўлишлигини кўриб чиқилган эди. Мазкур таърифлашнинг биринчи босқичини амалга оширишда ана шу мантикий муносабатга таянилиш талаб этилади.

Дейлик, бизга «санъат» тушунчасини шу тарзда таърифлаш берилган бўлсин. Бунинг учун, юқорида айтилганидек, биринчи босқичда санъатнинг жинси-ижтимоий онг шакли эканлиги аниқланилади. Ва бунда «Санъат – ижтимоий онг шакли» деган умумий таъриф ҳосил қиламиз. Лекин ушбу таъриф ҳали санъатнинг моҳиятини очиб бера олмайди. Бунинг учун унинг ижтимоий онг (жинсининг) шакллариининг бошқа турларидан (ахлоқ, дин, фан ва б.) ажратиб, фарқлантириб турадиган муҳим белгиларини аниқлаш талаб этилади. Ушбу мантикий амал таърифлашнинг иккинчи босқичида амалга оширилади.

Бунда санъатни бошқа ижтимоий онг шакллари билан ўзаро таққослаш орқали унинг маънавият феномени, воқеликни бадиий-образли инъикос эттириши ва бошқа муҳим белгиларини аниқлаймиз. Шундан сўнг: «Санъат воқеликни бадиий-образли инъикос эттирувчи маънавият феномени сифатидаги ижтимоий онг шаклидир», деган тўлиқ таърифни ҳосил қиламиз. Мазкур таърифлаш тури қуйидагича формула орқали ифодаланади: $D_{fd} = D_{fn}$. Бунда $D_{fd} = D_{fn}$ таърифланувчи тушунчалар бўлиб, $=$ улар орасидаги тенглик, мослик муносабатини ифодаловчи рамзий белгидир.

Бу ерда шу нарсани таъкидлаш керакки, таърифланилаётган тур тушунчанинг баъзи муҳим белгилари шу жинснинг бошқа турларида ҳам бўлиши мумкин. Шунинг учун иложи борича унинг хусусий тарздаги муҳим белгилари аниқланилиши зарур. Юқорида келтирилган мисолимизда санъатнинг маънавий феномени эканлиги фақат унинг муҳим белгиси бўлмасдан, бошқа ижтимоий онг шакллари учун ҳам хосдир. Лекин унда воқеликнинг бадий-образли инъикос эттиришлиги фақат унингхусусий муҳим белгиси ҳисобланадики, мана шу белги орқали уни бошқа ижтимоий онг шаклларида ажратиш оламиз.

Энг яқин жинс ва тур белгиларини кўрсатиш орқали таърифлаш барча фан соҳаларида, хусусан, ижтимоий билишда кенг қўланиладиган мантикий усул ҳисобланади. Бу ўринда Президентимизнинг «мафкура» тушунчасига берган классик таърифини мисол қилиб келтириш мумкин. Бунда «мафкура» тушунчасининг энг яқин жинси сифатида «ғоя» тушунчаси олинади ва унинг муҳим хусусиятлари кўрсатиб берилади:

«Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараш ва менталитетига асосланган, айна вақтда шу халқ шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган... ғояни мен жамият мафкураси деб биламан».¹

Аниқ реал таърифнинг иккинчи тури генетик таърифдир.

Генетик (грекча *genetikos*- сўздан олинган бўлиб, «пайдо бўлиш» деган маънони ифодалайди) таърифлаш деб предметнинг пайдо бўлиши, унинг қандай усулда шаклланиши бўйича бериладиган таърифга айтилади. «Конус – бу учбурчакнинг ўз ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган геометрик шаклдир», «Ўзбекистон Республикаси – бу собиқ иттифоқ барҳам топгандан сўнг 1991 йил 1 сентябрда ўз мустақиллигини Марказий Осиё мамлакатларидан биринчи бўлиб қўлга киритган демократик давлатдир» таърифлари генетик таърифлардир.

¹ И. Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали, 1998 й. №-2, 6-бет.

Генетик таърифлаш жинс ва тур орқали таърифлашнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Чунки предметнинг қандай тарзда пайдо бўлишининг ўзи айтиш пайтда унинг муҳим белгиси эканлигини кўрсатади. Дарҳақиқат, учбурчакнинг ўз ўқи атрофида айланиши натижасида пайдо бўлиши геометрик шакллардан фақат конусга, ўз мустақиллигига биринчи бўлиб эришиш МДХ республикалардан фақат Ўзбекистонга хосдир.

Аниқ таърифлаш бир қатор қоидаларга риоя қилишни талаб этади. Булар:

1. Таърифлаш мутаносиб бўлмоғи керак. Мазкур қоиданинг талабига мувофиқ, таърифланувчи ва таърифловчи тушунчаларнинг ҳажми ўзаро тенг бўлиши керак. Яъни: $D_{fd} = D_{fn}$.

Тушунчалар ҳажмининг тенглигига эса улар орасидаги мослик муносабатини ўрнатиш орқали эришилади. Таърифланувчи ва таърифловчи тушунчалар ҳажмининг тенглигини аниқлаш учун аввало уларнинг муҳокамадаги ўрни алмаштирилиб кўрилади. Масалан, «Давлат – бу сиёсий ташкилотдир» деган таъриф «Сиёсий ташкилот – бу давлатдир»га алмаштирилади. Бунда ўз-ўзидан аниқ бўладик, таърифланувчи («давлат») ва таърифловчи («сиёсий ташкилот») тушунчаларининг ҳажми тенг эмас. Дарҳақиқат, «сиёсий ташкилот» тушунчасининг ҳажми «давлат» тушунчасининг ҳажмидан кенгдир. Чунки биринчисининг ҳажмига сиёсий партиялар, қасаба уюшмалари ва б. қиради. Яъни фақат давлатнинг ўзини сиёсий ташкилот деб бўлмаганидек, кейингисининг ҳажмини фақат давлатнинг ўзи қамраб ололмайди.

Бошқача қилиб айтганда, улар ўзаро мослик муносабатида эмас, балки жинс ва тур муносабатидадирлар. Уларнинг ҳажмини тенглаштириш учун давлатнинг бошқа сиёсий ташкилотлардан фарқлантирувчи муҳим белгилари – қонун чиқарувчи, ижроя ва суд тизими идораларидан иборат олий ҳокимият эканлиги кўрсатилади.

Ушбу қоиданинг бузилиши «ҳаддан ташқари кенг ва тор таърифлаш» деган мантиқдй хатоликларга йўл қўйишга олиб келади.

Ҳаддан ташқари кенг таърифлаш хатолиги таърифловчи тушунчанинг ҳажми таърифланувчи тушунчанинг ҳажмидан кенг бўлган ($D_{fd} < D_{fn}$) пайтда

содир бўлади. Масалан, «Кит сут эмизувчи ҳайвондир». Бунда таърифловчи тушунча «сут эмизувчи»нинг ҳажми кенг бўлиб, бу хусусият фақат кит учунгина хос эмас. Аксинча, таърифловчи тушунчанинг ҳажми таърифланувчи тушунчанинг ҳажмидан кичик ($D_{fd} > D_{fn}$) бўлса, бунда тор таърифлашга йўл қўйилган бўлади. Масалан: «Биология – ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини ўрганувчи фан», дейдиган бўлсак, таърифловчи тушунчанинг ҳажми тор, чунки мазкур фаннинг предметига ўсимлик ва ҳайвонлардан ташқари бошқа тирик организмлар ҳам киради.

2. Таъриф айланма бўлмаслиги керак. Ушбу қоидадан талабига кўра, таърифланувчи тушунча таърифловчи тушунча орқали таърифланилмоғи керак. Агар бунга риоя қилинмаса, яъни иккинчиси биринчиси орқали таърифланилса, таъриф айланма бўлади. Бунга мисол тариқасида қуйидаги таърифни келтириш мумкин. «Мустақиллик мафкураси – бу истиқлол ҳақидаги мафкуралар». Ушбу таърифда берилган тушунчаларнинг мазмуни очилмасдан қолмоқда. Чунки «мустақиллик» ва «истиқлол» тенг мазмунли тушунчалардир.

Айланма таъриф асосан тафталогия шаклида бўлади, яъни бунда таърифловчи тушунча таърифланувчини такрорлайди. Мисол: «Тафаккур қонунлари – бу мантикий фикрлаш қонунларидир».

3. Таъриф аниқ, равшан бўлмоғи зарур. Мазкур қоида таърифловчи тушунчанинг муҳим белгилари аниқ бўлишлигини, яъни унинг ўзи мазмуннинг очилишига муҳтож бўлмаслиги керак. «Давлат дунёвий руҳнинг сиёсий шаклдаги ифодасидир» (Гегель) деган таърифда «дунёвий руҳ» тушунчасининг ўзи таърифлашга муҳтож мавҳум тушунчадир.

Ушбу таърифлаш қоидаси кўпгина ҳолларда таърифловчи тушунчалар ўрнида метафорали, образли иборалар қўлланилгани туфайли бузилади. Масалан: «Шеър – қалб туғёнининг ифодаси», «Шеър – ҳайвонлар подшоси» ва ҳ. Бу ерда шуни таъкидлаш керакки, формал мантиқ талабидаги таърифлаш тамойиллари бадиий ижод соҳасида амал қилмайди. Чунки метафорали, образли фикрлаш санъатнинг табиатини белгилайдиган муҳим хусусиятдир.

4. Таърифлаш инкор шаклида бўлмаслиги керак. Бу қоида предметга тааллуқли бўлган белгиларни тасдиқлаш асосида кўрсатишни талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, предметнинг белгилари истисно (инкор) этилмаган тарзда кўрсатилиши зарур, чунки зидлик муносабатидаги тушунчаларда ноаниқ миқдордаги буюм, ҳодисалар кўлами ифодаладади. Масалан: «Идеалист – бу материалист бўлмаган киши» деган таърифда «материалист бўлмаган» тушунча ҳажм жиҳатидан жуда кенг бўлиб, материализмга муқобил барча фалсафий қарашларни ўзида ифодалайди. Идеализмга тўғри таъриф бериш учун эса унга хос бўлган муҳим белги – онгнинг бирламчилигини эътироф этишлиги кўрсатилиши талаб этилади.

Лекин баъзан инкор шаклидаги таърифлашлар аниқ фанларда, хусусан математикада қўлланилади.

Ноаниқ таърифлаш. Шундай тушунчалар борки, уларнинг мазмунини реал таърифлаш воситасида очиб бериб бўлмайди. Ҳажм жиҳатидан энг кенг тушунчалар (категориялар), математик атамалар ана шулар жумласига киради. Чунки улар мазмунан мавҳум тушунчалар бўлиб, уларнинг жинс ва тур белгиларини аниқлаб бўлмайди. Бундай ҳолларда ноаниқ таърифлашга мурожаат қилинади. Мазкур таърифлаш турли шаклларга эга бўлиб, улар орасида энг кўп қўлланиладиганлари – бу контекстуал ва предметнинг ўзига бўлган қарама-қаршилик муносабатини кўрсатиш орқали таърифлашлардир.

Контекстуал таърифлашда тушунчанинг мазмуни муайян контекстда очиб берилади. Маълумки, контекст (лотинча contextus сўздан олинган бўлиб, «узвий боғлиқ» деган маънони ифодалайди) – бу нисбий тугал фикр бўлиб, уни ифодаलाётган ҳар бир сўз, гапнинг маъноси аниқланилган бўлади.

Масалан: математикадаги кўпгина мавҳум тушунчалар (синус, косинус, ҳосила ва б.) фақат контекстуал, яъни маъноси аниқланган бошқа мавҳум тушунчалар орқали таърифланилади.

Айниқса ушбу таърифлаш тилшунослик соҳасида кенг қўлланилади. Масалан, кўпгина кириш сўлар борки, гапда кўпинча кириш сўз вазифасини

бажариб келади. Шунинг учун уларнинг қандай гап бўлаги ўрнида келиши контекстда англашилади.

Предметнинг ўзига бўлган қарама-қаршилик муносабатини кўрсатиш орқали таърифлаш, асосан, жинс ва тур белгиларини аниқлаб бўлмайдиган фалсафий категорияларни таърифлашда қўлланилади. Масалан, “Шакл мазмуннинг намоён бўлишидир”, “Имконият ҳали рўёбга чиқмаган воқеликдир” ва б.

Тушунчаларни таърифлашда предметнинг барча хусусиятларини кўрсатиб беришнинг имконияти чеклангандир. Шунинг учун муҳокама юритишда таърифлашга ўхшаш усуллар қўлланилади. Булар: тасвирлаш, тавсифлаш, қиёслаш, тафовутлаш, мисоллар ёрдамида тушунтириш.

Аксарият халқ мақоллари, афоризмли ҳикматлардаги фалсафий фикр, теран маънолар таърифлашнинг ана шу шаклида ифода этилганини кўрамиз. Масалан: «Кам гапириб, кўп эшит», «Номус ташқи виждон». (М.Шопенгауэр); «Киши ёруғ пайтда қоронғулик, бахтли дамларда – кулфат, хурсандчилик ҳолатида – ғам-ғусса ҳақида камдан-кам ўйлайди, аксинча қоронғуликда доимо ёруғлик, бошига мусибат тушганда бахт, муҳтожликда бойлик ҳақида ўйлайди» (И.Кант).

Тасвирлашда буюм ва ҳодисаларнинг умумий белгилари аниқланилади. Шунга кўра бундай усулда предмет ҳақида, гарчи зоҳирий бўлсада, тўлиқ маълумот олинади. Мазкур усул, айниқса, ҳуқуқий соҳада кенг қўлланилади. Масалан, жиноят содир этилган жой ва унинг тафсилоти инспектордан бирорта майда деталь, ҳолатни қолдирмасдан тасвирлашни талаб этади. Бу ўринда машҳур изқувар Шерлок Холмснинг кўпинча ана шу усул орқали жиноятларни очиб беришини эсга олиш характерлидир.

Шу нарсани таъкидлаш керакки, мантиқдаги тасвирлаш ва бадиий адабиётдаги тасвирлаш усуллари бир-бири билан алмаштириб юбормаслик керак. Кейингисига хос тасвирлаш образ, характерлар яратиш билан боғлиқ усул бўлиб, бунда муболаға, метафораларга таянилади. Масалан, Садриддин Айний

Кори Ишкамбанинг ўта хасислигини унинг соч олдирганда бошининг кал жойи учун пул тўламаслиги орқали тасвирлайди.


Тавсифлаш – бу якка предметнинг (шахс, жамият, воқеа ва б.) хусусияти, фарқ қиладиган белгиларини кўрсатишдир. Тавсифлашда тасвирлашга таянилади. Масалан, Абу Наср Форобийга тавсиф бериш учун, энг аввало, унинг ўз замондошларидан фарқ қиладиган белгиларини (Шарқ Арастуси эканлиги, ёзган асарлари ва б.) кўрсатиш талаб этилади. Тавсиф барча фанларда кенг қўлланиладиган мантикий усулдир. Масалан, тавсиф бермасдан туриб биологик турлар, кимёвий моддалар, жисмлар ҳақида тўлиқ билимга эга бўлиш мумкин эмас.

Тавсифлаш доимо қиёслаш орқали амалга оширилади. Масалан, суверен Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги мавқеига тавсиф бериш учун, энг аввало, уни бошқа собиқ иттифокдош республикалар билан қиёслаш талаб этилади. Қиёслашда ҳикматли сўзлар, халқ мақолаларидан конкрет-образли ўхшатишлардан кенг қўлланилади. Масалан, Президентимиз Республикамизда туб ўзгаришларни амалга оширишни бино қуриш билан қиёслайди ва бу фикрни «Янги уй қурмасдан туриб эскисини бузманг» деган иборада ифодалайди. Шунингдек, у мураккаб феномен инсон борлигининг моҳиятини ташкил этувчи моддий ва маънавий оламининг бирлигини бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёслайди.¹

Қиёслашдан мақсад тафовутлаштиришдирки, бусиз предметни тўлиқ тавсифлаб бўлмайди. Тафовутлаш – бу қиёслаш натижасида буюм, ҳодисаларнинг хусусий белгиларини ажратиб кўрсатишдир. Шунини қайд этиш керакки, таърифлашга ўхшаш усуллар муҳокама юритиш, таърифлаш жараёнида ўзаро бирликда қўлланилади.

¹ Қаранг: Кармов И.А. Юксак маънавият -енгилмас куч.Т., “Маънавият”, 2008, 67- бет

Тушунчаларни таърифлаш турлари схемаси: (13-расм)



13- расм

7 § Тушунчаларни бўлиш.

Тушунчани бўлиш деб унинг ҳажмини очишга қаратилган мантикий усулга айтилади. Бизга маълумки, тушунчанинг ҳажми – бу унда фикрланаётган предметлар кўлами, турларининг йиғиндисидир. Бошқача қилиб айтганда, тушунчада ифодаланаётган предметнинг муҳим белгиларини ўзида мужассамлаштирган турларнинг мажмуи тушунчанинг ҳажмини ташкил этади. Тушунчани бўлиш унда фикрланаётган предметларни шунчалик турларга ажратиш бўлмасдан, айти пайтда уларнинг муҳим белгилари асосида муайян жинсининг тур (элемент)ларини аниқлашга қаратилган мантикий усул ҳисобланади. Бу эса тушунчаларда акс этган буюм, ҳодисаларни ҳар томонлама билиб олиш учун хизмат қилади.

Айтиш мумкинки, билиш жараёнининг бошланиши тушунчаларни бўлишдан бошланади. Дарҳақиқат, қандай бир фанни олиб қарамайлик, уларни

ўрганиш муайян тушунчалар тизимининг ҳажмини очишдан, яъни бўлишдан бошланади. Бўлиш усулини амалга оширишда бўлинувчи, яъни ҳажми очилиши талаб этиладиган тушунчани, бўлиш аъзолари – қисмларини, яъни бўлишда ҳосил қилинадиган бирга бўйсунувчи тушунчаларни, шунингдек, бўлиш асосини, яъни – бўлиш учун асос қилиб олиннадиган муҳим белгиларни бир-биридан фарқлай билиш зарур. Бўлишда бўлинувчи тушунча жинс, бўлинма аъзолари эса унга бирга бўйсунувчи тушунчалар сифатида олиб қаралади ва бунда жинс тушунчасининг муҳим белгисидан бирибўлиш учун асос қилиб олинади. Масалан, «гап» тушунчасини унинг тузулиши, фикрни ифодалаши белгиларини асос қилиб олиб, содда ва қўшма гап; дарак, сўроқ ундов гапларга бўлинади.

Тушунчани бўлиш икки хил бўлади: белгиларнинг ўзгариб бориши бўйича бўлиш ва дихотомик бўлиш. Тушунчанинг муҳим бир белгиси асос қилиб олиниб, сўнгра бошқа белгиларига ўтиш орқали бўлиш белгиларининг ўзгариб бориши бўйича бўлиш деб аталади.

Масалан, «давлат» тушунчасини унинг тарихий типлари (қулдорлик, феодалистик ва капиталистик давлатлари), бошқариш шакли (тоталитар, монархистик, демократик) бўйича бўлиш мумкин.

Бўлиш асоси қилиб тушунчанинг муҳим белгилари олинади.

Номуҳим белгилар бўйича бўлиш билиш учун ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. Масалан, кишиларни ирқи, таъна ранги бўйича ажратиш инсоннинг ижтимоий моҳиятини билиш учун аҳамиятли томони йўқ. (Кишиларни бундай бўлиш фақат муайян амалий мақсадларни –кўзлаб амалга оширилади, холос).

Белгиларнинг ўзгариб бориши бўйича бўлишда бир қатор қоидаларга риоя қилиш талаб этилади. Булар:

1. Бўлиш тенг ҳажмли, яъни мутаносиб бўлиши керак. Мазкур қоиданинг талаби шундан иборатки, бўлинувчи тушунча ва бўлиш аъзоларининг ҳажми тенг бўлиши лозим. Мазкур қоида бўлинувчи – жинс тушунчаси турларининг бирортасини ҳам қолдирмасдан кўрсатилишини, шунингдек, унинг ҳажмига бошқа бирор жинс турнинг киритилишини ҳам ман этади. Масалан, агар мустақил сўзларни бўлишда фақат от, сифат, сон турлари кўрсатилиб, қолганлари

қайд этилмаса, шунингдек, унга юклама, кўмакчи ва бошқа ёрдамчи сўз турлари киритилса, бўлиш нотўғри бажарилган бўлади. Ва бунда «тўлиқсиз бўлиш» ҳамда «ортиқча аъзолар билан бўлиш» деган мантикий хатоликларга йўл қўйилади. Агар бўлинувчининг ҳамма турлари кўрсатилмасдан, бирортаси қолдириб кетилса, бу тўлиқсиз бўлиш, агар бўлинувчи жинс учун алоқаси бўлмаган бошқа бир тур қўшиб кўрсатилса, ортиқча аъзолар билан бўлиш ҳисобланади.

2. Бўлиш фақат битта асос бўйича олиб борилмоғи керак. Мазкур қоида бўлиш жараёнида асос сифатида олинган белги бошқа иккинчи белги билан ўзгартирилмасликни талаб этади. Фикр юритишда учрайдиган ноаниқлик, ноизчиллик кўпинча бўлишнинг ушбу қоидаси талабига риоя қилмаслик оқибатида юз беради.

Масалан, талабаларни мутахассислиги, қайси бўлимида ўқишлигига, фанларни ўзлаштиришга ва бошқа белгиларига кўра турларга ажратиш мумкин. Лекин бу белгиларни бир пайтнинг ўзида, ажратмасдан асос қилиб олинса, "талабалар" тушунчаси қуйидагича аралаш тарзида бўлинган бўлар эди: филология факультети талабаси, кундузги бўлим талабаси, «аъло» ўқийдиган талаба, сиёсий фаол талаба.

3. Бўлиш аъзолари бир-бирини инкор (истисно) этиши лозим. Ушбу қоиданинг талаби иккинчи қоиданинг талабидан бевосита келиб чиқадики, бунда бўлиш аъзолари ўзаро қисман мослик муносабатида бўладиган бўлса, унда улар бир-бирини инкор этмайдилар. Ушбу қоида эса бунга йўл қўймасликни талаб этади. Масалан, ҳайвонларни сут эмизувчилар, қуруқликда яшовчилар, сувда яшовчилар тарзида бўлсак, бўлиш аъзолари бўлган тур тушунчалар (сут эмизувчилар, қуруқликда яшовчилар, сувда яшовчилар) ўзаро қисман мослик муносабатида бўлади, яъни бир-бирини инкор этмайди. Чунки сувда яшовчилар орасида сут эмизувчилар бўлганидек, сут эмизувчилар синфига қисман қуруқликда яшовчилар ҳам киради.

4. Бўлиш узлуксиз бўлмоғи керак. Мазкур қоида жинс тушунчасини бўлишда унинг энг яқин турларининг кўрсатилишини, шунингдек, ушбу турларнинг ўз навбатида яна қандай турлардан ташкил топганлигини аниқлашни

талаб этади. Масалан, «фан» тушунчасини бўлишдан олдин унинг энг яқин турларидан бирини – «табiiй фан» ва шундан сўнг «табiiй фан»нинг турлари ҳисобланмиш физика, химия, биология ва б. кўрсатилади. Агар бунда энг яқин тур кўрсатилмасдан бўлинганди эди, табiiй фанларнинг турлари (физика, химия, биология) қандай асос бўйича бўлинишлигини билмаслигимиз ва бунда бошқа фан турларини қўшиб юбориш ҳам мумкин бўлган бўлар эди.

Демак, бунда энг яқин тур бўлишнинг асоси қилиб олинади. Бу эса бўлиш жараёнида «бир турнинг туридан бошқа турнинг турига сакраб ўтиш», деган мантиқий хатоликка йўл қўйишдан кишини сақлайди.


Масалан, гапни бирдан дарак, ундов, сўроқ гапларга бўлиб бўлмайди. Бундан олдин содда ва қўшма гапларга шундан сўнг уларнинг барча турлари тўлиқ санаб ўтилиши зарур.

Дихотомик бўлиш (грекча *dicha* ва- *tome* - икки қисмга бўлиш деган маънони ифодалайди) деб бўлинувчи тушунчани бир-бирига зид икки тушунчага ажратишга айтилади.

Аниқроқ қилиб айтганда, бундай бўлишда тушунчанинг муҳим бир белгиси асос сифатида олиниб, у бўйича икки бир-бирига зид бўлинма аъзолари ҳосил қилинади. Масалан, бошқариш белгиси асос қилиб олингани ҳолда «давлат» тушунчаси «демократик» ва «нодемократик», тарихий типига кўра «капиталистик» ва «нокапиталистик» турларга ажратилади.

Дихотомик бўлишда кўпинча бўлинувчи тушунчани икки бир-бирига зид тушунчага ажратиш билан якунланмайди: бўлинма аъзоларидан инкор қилинган қисми ўз навбатида яна турларга (кичик турларга) бўлинади. Бундай бўлиниш хусусийлик ва яккалик даражасидаги турларга бориб етгунча давом эттирилиши мумкин. Масалан, «ҳайвон» (А) тушунчасини «умуртқали»(В) ва «умуртқасиз» (В эмас)га, кейингисини (В эмас) яна ўз навбатида «қуруқликда яшовчи умуртқасиз ҳайвонлар» ва (С) «қуруқликда яшамайдиган умуртқасиз ҳайвонлар» (С эмас)ларга, кейингисини (С эмасни) яна ўз навбатида «денгизда яшовчи умуртқасиз ҳайвонлар» (D) га, «Денгизда яшамайдиган умуртқасиз ҳайвон»га (D эмас), кейингисини (D эмас) яна «дарё ва кўлларда яшовчи умуртқасиз

хайвонлар» (Е) ва «дарё ва кўлларда яшамовчи умуртқасиз ҳайвонлар» (Е эмас)га бўлиш мумкин (14 – расм).



14-расм.

Дихотомик бўлиш умумийликдан хусусийликка ўтиш ва бу орқали фикр предмети аниқлаб олишда муҳим роль ўйнайди. Дихотомик бўлиш айниқса юриспруденция соҳаси, хусусан, қидирув, тергов ишларини олиб боришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бўлишнинг ушбу туридан бўлинувчи тушунчаларнинг барча турларини кўрсатиш имконияти бўлмаган ҳолларда фойдаланилади. Шу жиҳатдан дихотомик бўлиш белгиларнинг ўзгариб бориши бўйича бўлишдан нисбатан баъзи афзалликларга эгадир.

Биринчидан, дихотомик бўлишда жинснинг турлари кўрсатиб ўтирилмайди, иккинчидан, бўлинувчи тушунча билан бўлиш аъзолари тенг ҳажмда бўлади. Учинчидан, бунда бўлиш доимо битта асос бўйича олиб борилади. Аммо дихотомик бўлиш айни вақтда баъзи бир камчиликларга ҳам эгаки, булар қуйидагилар: биринчидан, инкор тушунчаларнинг ҳажми ноаниқ бўлади. Масалан, ҳайвонларни сувда яшовчи ва сувда яшамовчиларга бўлганимизда, кейингисининг ҳажми ниҳоятда кенгайтирилган бўлади. Чунки унинг ҳажмига

курукликда, музликда, тупрокда яшовчиларни киритиш мумкин. Иккинчидан, фақат биринчи ҳосил қилинган икки зид тушунча – бўлинма аъзолари (В-В эмас) аниқ ва изчил характерга эга бўлиб, қолган ҳоллар учун бундай аниқлик ва изчиллик хос бўлмайди. Чунки, таъкидлаганимиздек, зид тушунчанинг (бўлинма аъзосининг) ҳажми жуда кенг бўлади. Бу эса «хаддан ташқари кенг бўлиш» деган мантиқий хатоликнинг йўл қўйилишига олиб келади. Масалан, тилни табиий ва табиий бўлмаган тилларга бўлсак, кейингисига сунъий тиллардан ташқари жаргон ва унга ўхшаган «тиллар» ҳам киритилиши мумкин.


Туркумлаш (классификация) – тушунчаларни бўлишнинг ўзига хос шаклидир. Туркумлаш – бу синф, жинсларни ўз хусусиятига кўра кичик синф, гуруҳларга ажратиш бўлиб, улар нисбатандоимий, барқарорлик мақомига эга бўладилар. Туркумлаш тушунчаларни бўлишдан фарқли тарзда, предметларни фақат хусусий, муҳим белгилари эмас, балки умумий хусусиятлари ҳам ҳисобга олингани ҳолда турларга ажратилади. Масалан, дунё тилларини классификация қилишда (европа, ҳинд-европа, турк, славян ва б.) уларнинг энг умумий хусусиятлари (келишикларнинг сони, сўз ўзакларининг ўхшашлиги ва б.) ҳисобга олинади.

Туркумлаш икки хил бўлади: табиий ва сунъий. Табиий туркумлаш – бу синфларни уларнинг туб хусусиятларига кўра кичик синфларга ажратишдир. Бунга мисол сифатида материяни ноорганик, органик, ижтимоий борлиқ турларга, унинг ҳаракатини механик, физик, химик, биологик, ижтимоий шаклларга ажратиш мумкин. Сунъий туркумлаш – бу билиш жараёни ва амалиётда муайян, мақсад ва вазифани амалга оширишда қўлланиладиган ўзига хос бўлиш усули ҳисобланади. Масалан, олиб қочилган машинани ахтариб топиш учун терговчи – изқувар ишни дастлаб муайян жойдаги ҳамма машиналарни уларнинг ранги, маркасига ва бошқа маркаларига кўра туркумлашдан бошлайди.

Туркумлаш билишнинг ўзига хос усули ҳисобланади. Дарқақиқат, ҳар қандай билимлар тизими – фанлар туркумлаш усулига таянган ҳолда иш кўради. Туркумлаш айниқса, фан асосларини изчил, системали тарзда баён этишнинг мантиқий асоси ҳисобланади. Ва уларни ўзлаштириш ҳам туркумлаш тамойилига

асосланади. Шунга кўра мазкур тамойил фанларни ўқитишнинг муҳим усули ҳисобланади. Бунда ҳам ўқитувчи, ҳам ўқувчи-талаба туркумлашнинг моҳияти, унинг умумий қоидаларини яхши билмоғи керак. Бобокалонимиз Абу Наср Форобий ўз вақтида фанларни классификация қилиш асосида билимларнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтириб берган эди. Унинг «Ихсо ал улум» («Билимлар классификацияси») номли асари бу жиҳатдан ўзининг илмий қимматини то ҳозиргача йўқотмасдан келмоқда.

Тушунчаларни бўлиш схемаси:



15- расм.

Умумий хулосалар: 1. Тушунча тафаккурнинг ўзига хос шакли бўлиб, унда предмет, ҳодисаларнинг муҳим ва умумий белгилари инсон онгида яхлит тарзда акс этади. Шунингдек, тушунча табиати рефлексив характерга эга бўлиб, унинг фикр шакли сифатидаги хусусияти ташқи дунёнигина эмас, айти пайтда инсон рухий субъектив борлиғини ҳам акс эттириши билан шартлангандир.

1. Тушунча сўз билан узвий ўзаро боғлиқдир. Тушунчалар сўз орқали ифодаланади. Тушунчанинг тафаккур шакли сифатидаги реаллиги сўз орқали намоён бўлади. Шу маънода тушунчанинг моддий асоси сўз ҳисобланади. Шунингдек, сўзлар тушунчаларнинг шаклланиш жараёнида муҳим роль ўйнайди.

2. Ҳар бир тушунча ўзининг мантиқий таркибига: мазмунига ва ҳажмига эгадир. Мантиқий фикрлаш малакасини ҳосил қилишнинг дастлабки шarti – бу

тушунчаларнинг муҳим белгилари ва уларда ифодаланаётган предметларнинг кўламини аниқлаш ҳисобланади.

Тушунчаларнинг мазмуни ва ҳажмига кўра улар турларга ажратилади, муносабатлари аниқланилади ҳамда мантикий амал, усуллар қўлланилади.

3. Тушунчалар орасидаги муносабатни ҳамда улар устида мантикий амаллар, усулларни бажариш малакасига эга бўлиш тўғри фикр юритишнинг зарурий шarti ҳисобланади.

4.. Синфлар бўйича мантикий амаллар ўтказиш орқали тушунчалардан янги синфлар ҳосил қилинади. Тушунчани таърифлаш ва бўлиш тушунчаларнинг мазмунини ва ҳажмини очиқ беришга қаратилган мантикий усуллар бўлиб, у кишиларнинг назарий ва амалий фаолиятида муҳим роль ўйнайди.

Машқлар.**1-машқ.** Якка ва умумий тушунчаларни аниқланг. Уларнинг қайси бири жамловчи эканлигини топинг. Мисол. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни. Якка тушунча, жамланмаган. Самарқанд вилояти- якка тушунча, жамланган.

1. Ҳуқуқий шахс.
2. Жиноий ҳаракат.
3. Халқ ноиби.
4. Мустақиллик куни.
5. Сайёра.
6. Зоология.

2-машқ. Конкрет ва мавҳум тушунчаларни аниқланг. 1. Қонун. 2. Ҳуқуқ. 3. Шеърый поэма. 4. Маънавият. 5. Энергия. 6. Ҳушёрлик. 7. Ўзаро алоқадорлик.

3-машқ. Қуйидаги тушунчаларга тўлиқ мантикий тавсиф беринг. Мисол: Ёзувчи- умумий, конкрет, ижобий, нисбатсиз тушунча.

1. Шахс.
2. Дўстлик.
3. Жамият.
4. Давлат.
5. Жазо.
6. Гўзаллик.
7. Ижтмоий адолат.
8. Атом.
9. Масса.

4-машқ. Қуйидаги тушунчалар ўртасидаги муносабатни аниқланг ва уларни Эйлер доираси орқали ифодаланг. Мисол: Фан/А/, фалсафий фан/В/, мантиқ/С/- бўйсунуш муносабати.

1. Ёзувчи, зиёли, химик.
2. Олий ўқув юрти, университет, институт.
3. Ҳуқуқшунос, халқ ноиби, физик.
4. Қонунга хилоф хатти-ҳаракат, жиноят.
5. Зобит, спортсмен, шоир.
6. Ғоя, мафкура.

5-машқ. Қуйидаги тушунчаларга айнан мос тушунчалар топинг. Мисол: Самарқанд- Ўзбекистон Республикасининг бирини пойтахти.

1.Конституция. 2. Мустақил давлат.3.Глобаллашув. 4.Амир Темур. 5.Экология.6.Энг буюк жасорат.

6-машқ. Қуйидаги тушунчалар учун бўйсунувчи ва бўйсундирувчи тушунчалар топинг.

1.Маънавий таҳдид. 2.Демократик давлат. 3. Ёзувчи. 4.Адвокат. 5.Ишбилармон. 6.Оила.7. Эстетик онг.

7-машқ. Қуйидаги тушунчаларга бирга бўйсунувчи тушунчалар топинг. 1.Жинойят. 2.Тил. 3.Мантиқ. 4.Кимёвий модда. 5. Сиёсат. 6 Маънавият.

8- машқ. Қуйидаги тушунчаларни умумлаштиринг ва чегараланг.

1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2.Бадий адабиёт. 3.Давлат. 4.Дарахт. 5.Олмош. 6.Демократик давлат.

9-машқ. Қуйидаги тушунчаларнинг мазмуни ва ҳажмини аниқланг.

1.Хавфсизлик. 2. Барқарорлик. 3. Ривожланиш (И.Каримов "Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида" асари бўйича . Т.;1997.16-33 бетлар). 4.Эстетик дид 5.Қонун. 6.Жинойят. 7. Ислохот.8. Қадрият. 9.Инсон.10.Адолат.

10- машқ. Қуйидаги таърифларнинг қайси бирлари нотўғрива уларда қандай мантикий хатоликларга йўл қўйилган.

1. Олмош- мустақил сўз туркуми. 2.Жинойят- ижтимоий хатти-ҳаракат. 3. Мантиқ-тафаккурнинг асосий шакллари ҳақидаги фан. 4. Шеър- қалб оҳангларининг садоси. 5. Биология- табиий фан. 6. Маънавият- жамият ва шахснинг маънавий ҳаёти.

11-машқ. Қуйидаги бўлишнинг турларини аниқланг ва уларнинг асосларини топинг. 1. Сиёсий режимлар демократик ёки нодемократик шаклда бўлади. 2.Ҳар қандай давлат унитар ва федератив ёки конфедератив бўлади. 3. Ислохот: иқтисодий ва ноиқтисодий.

12-машқ. Қуйидаги тушунчалар тўғри бўлинганми?. Агар нотўғри бўлса, улардв қандай қоидалар бузилганлигини аниқланг 1. Гапнинг иккинчи даражали бўлаклари: Аниқловчи, ҳол. 2. Жинойятлар: бехосдан ва қасддан содир этилган жинойятлар. 3. Тушунчаларнинг турлари: умумий ва конкрет; якка ва мавҳум; жамловчи ва манфий; жамланган ва мусбат; нисбатли ва нисбатсиз.

6-МАВЗУ. ҲУКМ (МУЛОҲАЗА)

1§. Ҳукм тафаккур шакли сифатида.

Ҳукм тафаккурнинг шакли бўлиб, унинг мантикий асосини тушунчалар ташкил этади. Лекин уларни бир-биридан ажратиб қараш мавҳумлаштириш натижаси бўлиб, мазкур ажратиш уларнинг ўзига хос хусусиятларини билиб олишга қаратилгандир. Чунки тафаккур – бу тушунча, ҳукм, хулоса чиқаришларнинг диалектик бирлигида кечувчи мураккаб жараёни бўлиб, уларнинг бири иккинчисининг юзага келиши, амал қилишининг мантикий негизи ҳисобланади.

Ҳукм қуйидаги хусусиятлари билан бошқа фикр шаклидан, хусусан, тушунчадан фарқланади:

1. Ҳукм фикрнинг тасдиқ ёки инкор шаклидир. Чунки у муайян бир белгининг предметга тааллуқли ёки тааллуқли эмаслигини, бир предметнинг бошқа предметга муносабатини ифодалайди. Масалан: «Кит сут эмизувчи сув ҳайвонидир», «Ой планета эмас», «Пўлат темирга нисбатан юқори температурада эрийди». Келтирилган ҳар учта ҳукм таркибида иккитадан тушунчалар бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида олинганда тасдиқ ёки инкорни, яъни тугал бир фикрни ифодаламайди. Мазкур тушунчалар бунда предметнинг тур ва жинс муносабатини умумийлик ва алоҳидалик бирлиги асосида ифодалаш орқали ҳукмни юзага келтирмоқда. Агар биринчи ва иккинчи ҳукмда предметнинг муайян жинсга мансублиги ёки мансуб эмаслиги кўрсатилаётган бўлса, учинчисида ўзаро тур муносабати ифодаланмоқда.

2. Ҳукм учта таркибий қисмдан ташкил топган бўлади: субъект /лотинча-subiektum/, предикат /лотинча-predikatum/, мантикий боғлама.

Ҳукм қуйидаги формулада ифодаланади: S-P дир, S-P эмас. Субъект - бу фикр предмети, яъни нарса, ходисани ифодаловчи ҳукм элементиدير. Предикат фикр предмети-субъектнинг белги, хусусиятларини ифодаляйдиган қисмдир. Субъект ва предикатни бир-бири билан ўзаро муносабатга кириштирувчи қисм мантикий боғлама ҳисобланади. Боғлама у ёки бу белгининг субъектга хос ёки

хос эмаслигини кўрсатади ва шунга кўра у тасдиқ («дир», «ҳисобланади» ва б. сўзларда ифодаланади) ва инкор («эмас», «ҳисобланмайди», «йўқ» ва б. шу каби сўзларда ифодаланади) шаклида бўлади. Шунга кўра ҳар қандай мантикий боғлама фикрнинг тасдиқ ёки инкоридир. Масалан: «Ўзбекистон – БМТ аъзосидир», «Натрий сувдан оғир эмас».

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, муҳокамаларда субъект ва предикатларнинг ўрнини, вазифасини яхши билиш тўғри фикр юритишнинг зарурий шартларидан ҳисобланади.

3. Ҳар қандай ҳукм чин ёки хато бўлади. Мантикка доир кўпчилик дарслик, қўлланмаларда ҳукмнинг чинлиги унинг нарса, ҳодисаларни айнан акс эттиришлиги, яъни фикрнинг унда акс этилаётган предметга мос келишлиги билан белгиланади, деб кўрсатилади. Бизнингча, мазкур қонидани ҳар қандай ҳукмларнинг чинлигини белгиловчи бирдан-бир универсал ўлчов сифатида қабул қилиб бўлмайди. Агар ушбу қоида воқеий ҳукмларга нисбатан тадбиқ этиш мумкин бўлса, (Масалан: «Амударё – Марказий Осиёдаги энг катта дарё», «Симоб электр токи ўтказувчи жисмдир» ва ҳ.к.) модал, баҳовий ҳукмларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Ижтимоий ҳаётни акс эттирувчи ҳукмларнинг чин ва хатолиги тажрибавий амлиёт билан эмас, балки тарих мантиғи мезони билан аниқланилади. Масалан, узоқ йиллар мобайнида «Марксизм-ленинизм энг илмий ва гуманистик таълимотдир», «Дин афюндир» каби ҳукмлар мутлақ ҳақиқат сифатида тарғиб қилиб келинган бўлса-да уларнинг уйдурма эканлигини тарихнинг ўзи кўрсатиб берди.

Ўз пайтида немис файласуфи И.Кант ҳукмларни турли даражадаги билимларни ифодалашига кўра аналитик, синтетик ва эстетик турларга ажратган ва уларнинг чинлиги турлича мезонлар билан ўлчанишлиги ҳақидаги қарашни илгари сурган эди.

Кантнинг фикрича, аналитик ҳукмларда предикат субъектнинг бир қисмини ўз ичига олади. Шунга кўра унинг чинлиги ўз-ўзича аниқ зарурийдир. Масалан: «Ҳамма жисмлар кўламлидир» деган ҳукмни олиб қарайдиган бўлсак, унинг предикати «кўламлидир» субъектнинг ҳажм ва мазмунининг таркибий қисми

ҳисобланади. Шунга кўра «Кўламга эга бўлганлардан бири – бу жисмлардир» дейиш мумкин.

Синтетик ҳукмларда предикат субъект учун хос белги, хусусиятларни ифодаламайди. Масалан: «Баъзи жисмлар оғирдир» ҳукмининг предикати – оғирлик жисм тушунчасининг мазмунига заруран кирмайди. Чунки жисм тушунчаси учун оғирлик муҳим белги ҳисобланмайди. Шунинг учун бундай ҳукмларнинг чинлигини белгилашнинг муҳим шарти – ўлчови тажриба ҳисобланади.¹

4. Ҳукм тушунчадан фарқли равишда гап орқали ифодаланади. Чунки гап тугал фикрни ифодаловчи грамматик шаклдир. Лекин гап фақат ҳукм ифодаланишининг грамматик шакли бўлмасдан, унинг мавжудлик, амал қилишининг усули ҳамдир.

Шуни таъкидлаш керакки, то ҳозиргача мантиқ ва тилшуносликда ҳукм ва гап бир-биридан ажратилган ҳолда ўрганилиб келинади. Шунинг учун гапнинг таҳлили, одатда, унинг грамматик тузилишини белгилашга қаратилган бўладики, бунда унинг семантик /маъновий/ аспекти назардан четда қолади. Мантиқни фикр грамматикаси, грамматикани эса мантиқ бирлигида ўрганиш бугунги куннинг талабидир. Зотан, тафаккур ва нутқ маданиятини шакллантириш кишиларимизнинг маънавий-руҳий тикланишининг муҳим жиҳати ҳисобланади. Гарчи ҳукм ва гап диалектик бирликда бўлса-да, улар қуйидаги хусусиятлари билан улар бир-биридан фарқланади:

1). Ҳар қандай ҳукм гап орқали ифодаланади, аммо ҳар қандай гап ҳукм бўла олмайди. Чунки шундай гап турлари борки, (сўроқ, ундов, буйруқ, атов) буларда ҳукмга хос хусусиятлар (тасиқ ва инкор, чин ёки хато бўлиши ва б.) учрамайди. Мисол учун қуйидаги гапларни олиб қарайлик.

1. Сангзор Ўзбекистондаги энг кичик дарёдир.
2. Мен у билан энди ҳечам учрашмасам керак.
3. Симоб суюқ металдир.

¹ Қаранг: Иммануил Кант. Критика чистого разума. Ростов на Дону, «Феникс», 1999 г., стр. 43-46.

4. Бу шеърни ифодали ўқинг.

5. Тонг.

6. Соат неча бўлди?

Келтирилганларнинг ҳар олтитаси ҳам грамматик жихатидан гап ҳисоблансалар-да, уларнинг 1 ва 3 ларигина ҳукмни ифодалайди. Чунки уларда фикрнинг чин ёки хатолиги маълум бўлиб, тасдиқ ва инкор шаклида иродаланган. Шунингдек, уларда субъект ва предикат муносабати мавжуд. Қолган гапларда бундай хусусият йўқ. Лекин шуни таъкидлаш керакки, сўроқ, ундов, буйруқ гапларда ҳукм бавосит, яширин тарзда ифодаланади. Бундай хусусият кўпроқ сўроқ гапларга хос бўлади. Кўпгина сўроқ гапларда ҳукм шу ҳолда ифодаланади. Масалан, «Ким биринчи бўлиб Американи кашф этган?», деган сўроқ гапда «Маълум бир давргача Америка қитъасидан кишилар беҳабар бўлган, у маълум бир вақтга келиб ким томонидандир кашф этилган», деган фикр яширингандир.

2). Ҳукмнинг субъект, предикат, боғламаси ва гапнинг – эга, кесими ва иккинчи даражали бўлаклари айнан бир хил мақомга эга эмаслар. Чунки улар гап ва ҳукмда синтактик ва семантик вазифаларни ўтайдилар. Масалан: «Республика “Ташаббус” танловида энг тадбиркор касб эгалари иштирок этадилар», деган мулоҳаза гап нуқтаи назаридан татқиқ қилинадиган бўлса, унда “тадбиркор касб эгалари” –эга, “иштирок этадилар” кесим, “Республика “Ташаббус” танловида”- иккинчи даражали бўлак ҳисобланади. Агар ушбу мулоҳаза ҳукм тарзида олиб қараладиган бўлса, «Республика “Ташаббус” танлови- субъект, энг тадбиркор касб эгалари иштирок этадилар”- предикат бўлади. Шунингдек, субъект ва предикат эга ва кесимдан фарқли равишда ўзининг ҳукм таркибида доимий ўрни- мақоматига эга бўлмайди. Унинг ўрни кўпинча мантиқий урғу берилиш билан ўзгариб туради. Шунга мувофиқ бир гап турли маъноларни ифодалаши мумкин. Масалан: «Университетимизда Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишлаб халқаро конференция ўтказилди» ҳукмида урғу бериш билан унинг субъект ва предикатларини ўзгартириш мумкин.

а) Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишлаб ўтказилган халқаро конференция /S/ университетимизда ўтказилди.P/.

б) Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишлаб университетимизда ўтказилган конференция /S/ халқародир (P).

в) Университетимизда ўтказилган халқаро конференция /S / Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейига бағишлангандир /P/.

2§. Оддий(содда) ҳукмлар ва уларнинг турлари.

Ҳукмлар тузилишига кўра иккита турга ажратилади: оддий(содда) ва мураккаб. Бир субъект ва предикатдан ташкил топган ҳукмларга содда ҳукмлар деб аталади. Масалан, ”Биринчи сентябр – Ўзбекистоннинг мустақиллик куни”.

Субъект ва предикатнинг ўзаро муносабатига кўра содда ҳукмлар уч турга ажратилади: атрибутив, мавжудлик, муносабатли. Атрибутив(лотинча – attributia – хусусият, белги) ҳукмда фикр предметиға хос бўлган белги ифодаланади. Агар предикат субъектнинг муҳим белгисини ифодаласа, қатъий, муҳим бўлмаган белгисини ифодаласа, ноқатъий бўлади. Масалан: «Самарқанд – Ўзбекистоннинг биринчи пойтахти» /қатъий/, «Самарқанд – Марказий Осиёдаги қадимий шаҳарлардан бири» /ноқатъий/.

Мавжудлик ҳукмида предикат субъектнинг белги, хусусиятини эмас, балки фикр предметининг муайян макон ва замонда мавжуд ёки мавжуд эмаслиги акс этади. Масалан: «Материя абадий ва чексиздир». «Мафқурасиз сиёсий маданият шаклланмайди».

Муносабат ҳукмларда предметларнинг ўзаро макон, замондаги турли хил муносабатлари ифодаланади. Масалан: «Улуғбек – Амир Темурнинг набираси», «Бобур Лутфийдан кейин яшаган» ва ҳ.к.

Содда ҳукмлар, шунингдек сон ва сифат жиҳатидан ҳам турларга бўлинади. Ҳукмларнинг сонига субъектда ифодаланаётган тушунчанинг ҳажми ифодаланади. Шунга кўра содда ҳукмлар сонига кўра якка, жузъий ва умумий турларга ажратилади. Агар субъектда алоҳида бир предмет, ҳодиса ифодаланса, у якка ҳукм ҳисобланади. Масалан: «Байкал – дунёдаги энг чуқур кўл».

Муайян предметлар синфи, унинг турларининг белгиларни ифодаловчи ҳукмлар умумий ҳисобланади. Масалан: «Фалсафий қонунлар борлиқнинг муҳим, зарурий ва умумий боғланишларидир».

Жузъий ҳукмларда маълум белгининг муайян турларнинг бир қисми учун тааллуқли ёки тааллуқли эмаслиги ифодаланади. Жузъий ҳукмнинг якка ва умумий ҳукмлардан фарқи шундаки, муайян белги унда ифодаланаётган предметлар синфи ва унинг турларининг қайси бирига тааллуқли эканлиги номаълум бўлади. Масалан: «Баъзи ҳайвонлар сувда ва қуруқликда яшайди», «Баъзи кимёвий моддалар реакцияга киришмайди». Жузъийликни «баъзи», «айрим», «кўпчилик» каби сўзлар ифодалайди.

Содда қатъий ҳукмлар сифатига кўра тасдиқ ва инкор ҳукмларга бўлинади. Ҳукмнинг сифати унинг боғламасида ифодаланади. Ҳукмлардаги сон ва сифат доимо ўзаро бирликда бўлади. Чунки ундаги сифат, яъни тасдиқ ва инкор субъектда ифодаланаётган умумийлик, жузъийлик ва яккаликка тегишли бўлади.

Сон ва сифат жиҳатидан бирлашиб келишига кўра содда қатъий ҳукмлар тўртта турга бўлинади: 1). Умумий тасдиқ ҳукм; 2). Якка – жузъий тасдиқ ҳукм; 3). Умумий инкор ҳукм; 4) Якка – жузъий инкор ҳукм.

Бир вақтда сон жиҳатидан умумий, сифат жиҳатидан тасдиқловчи ҳукмлар умумий тасдиқ ҳисобланади. Бундай ҳукмдаги умумийлик «ҳамма», «барча» каби квантор сўзларида ифодаланади. Масалан: «Ҳамма мустақил давлатлар ўз валютасига эгадир». Кўпинча муҳокама юритишда бундай квантор сўзлар тушириб қолдирилади. Лекин бунда умумийлик англашилиб туради. Масалан: «Ўқувчилар сўнгги кўнғирокдан сўнг ўз ўқитувчиларига раҳмат сўзи айтишдилар», «Ғоялар кишиларни сафарбар қилиш кучига эга».

Умумий тасдиқ ҳукм қуйидаги рамзий ишора- А (лотинча affirmo – тасдиқлайман сўзининг биринчи унли ҳарфи) белгиланади ва қуйидаги формулада ифодаланилади:

Ҳамма S – P дир.

Бир вақтда якка, жузъий ва тасдиқ ҳукмлар якка-жузъий тасдиқ деб аталади. Масалан: «Мантиқ фалсафий фандир», «Баъзи илонлар сувда яшайди» рамзий ишораси - j (affirmo – сўзининг иккинчи унли ҳарфи), формуласи: Баъзи $S - P$ дир.

Бир вақтда сон жиҳатидан умумий, сифат жиҳатидан инкор бўлган ҳукм умумий инкор ҳукм деб аталади. Рамзий ишораси E /лотинча Nego – инкор этмок сўзининг биринчи унли ҳарфи/ формуласи: Ҳеч бир $S - P$ эмас. Масалан: «Ҳеч бир ёрдамчи сўз келишиқда турланмайди».

Ҳукм бир вақтда сонига кўра якка ва жузъий, сифатига кўра инкор бўлса, жузъий инкор ҳисобланади. Рамзий ишораси - O /Nego – сўзининг иккинчи унли ҳарфи/, формуласи: Баъзи $S - P$ эмас. Масалан: «Баъзи металллар сувдан оғир эмас», «Баъзи ғоялар бунёдкор эмас».

Символик мантиқда A, E, J, O ҳукмларидаги квантор (сонни ифодаловчи) сўзлар ҳамда субъект ва предикат муносабати алоҳида рамзий ишора-белгилар /алфавитларда/ ифодаланади. Предикатлар мантиғи тилида мазкур ҳукмлар қуйидагича формулаларда ёзилади:

Умумий тасдиқловчи /Ҳамма S - P дир/ ҳукми: $xP(x)$ ва қуйидагича ўқилади: «Ҳар бир x /субъект/ P хусусиятга эгадир».

Умумий инкор /Ҳеч бир S - P эмас/ ҳукми: $xP(x)$ ва қуйидагича ўқилади: «Ҳеч бир X P хусусиятга эга эмас».


Якка-жузъий тасдиқ /Баъзи S - P дир/ ҳукми: $ExP(x)$ ва қуйидагича ўқилади: «Баъзи X лар мавжуд бўлиб, улар P хусусиятга эгадир».

Якка-жузъий инкор /Баъзи S - P эмас/ ҳукми: $ExP(x)$ -Баъзи P хусусиятига эга X лар мавжуд эмас».

A, E, J, O ҳукмларининг хулоса чиқариш жараёнида қўлланишида уларнинг атамалари /субъект, предикат/нинг бўлинган ва бўлинмаганлигини билиш тўғри фикрлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Ҳукм таркибидаги атама-тушунчаларнинг бири иккинчисининг ҳажмига тўлиқ кирса, /бўйсунса/ ёки - тўлиқ ундан /ҳажмидан/ чиқарилган бўлса, унда мазкур тушунча-атама бўлинган ҳисобланади.

Агар атаманинг ҳажми бошқасининг ҳажмига қисман кирса, /қисман мослик муносабатида бўлса/, ёки унинг ҳажмидан чиқариб олинган бўлса /мустасно этилса/, унда мазкур атама бўлинмаган бўлади. Энди айтилганларни А, Е, J, O ҳукм турлари бўйича кўриб чиқамиз.


Умумий тасдиқловчи ҳукмда субъект бўлинган, предикат бўлинмаган бўлади. Мисол учун «Ҳамма металллар электр токи ўтказади» деган ҳукмни олиб қарайлик. Бунда субъектнинг – «ҳамма металллар»нинг ҳажми предикатнинг - «электр токи ўтказади» ҳажмига тўлиқ киради. Чунки предикатни ифодаловчи тушунча субъектга нисбатан жинс ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, электр токи ўтказувчиларга фақат металллар эмас, балки бошқа кимёвий моддалар ҳам киради. Шунга кўра улар бўйсунувчи, яъни жинс ва тур муносабатидаги тушунчалардир. Бунинг схемаси (доиранинг чизикли қисми бўлинганликни ифодалайди) (16-расм):



16 расм

Шундай умумий тасдиқловчи ҳукмлар типи ҳам борки, уларда субъект ва предикат тенг ҳажмли бўлади. Бундай ҳукмларда уларнинг субъекти ва предикати ҳам бўлинган бўлади. Масалан: «Ҳар бир миллат ўзининг тил, урф-одат бирлигига эгадир».


Умумий инкор ҳукмда субъект ва предикатлар бўлинган бўлади. Масалан: «Ҳеч бир материалист илоҳийликни тан олмайди.» ҳукмини таҳлил қиладиган бўлсак, субъектнинг ҳажми тўлиқ предикат ҳажмидан, предикатнинг ҳажми субъектнинг ҳажмидан чиқарилганлигини кўрамыз. Чунки ҳеч бир материалист илоҳийликни тан олувчиларга кирмайди, шунингдек, илоҳийликни тан олувчилар маатриалистлар. Бунинг схмаси: (17- расм):



17-расм


Якка-жузъий тасдиқ ҳукмда субъект ҳам, предикат ҳам бўлинмаган бўлади.

Масалан: «Баъзи сув ҳайвонлари сут эмизувчилар» ҳукмини олиб қарайлик. Бунда субъектнинг ҳажми предикат ҳажмига қисман киришгандир. Чунки баъзи сут эмизувчилар сув ҳайвонлари ҳисобланади. Бунинг схемаси(18- расм):



18-расм


Лекин шундай якка-жузъий тасдиқ ҳукмлар ҳам бўладик, унинг предикати бўлинган ҳисобланади. Масалан: «Баъзи ўсимликлар дуккаклидир» ҳукмида предикат - «дуккакли»нинг ҳажми субъект ҳажмига тўлиқ киради. Бунинг қуйидаги схемаси: (19 расм)



19-расм

Якка-жузъий инкор ҳукмда субъект бўлинмаган, предикат бўлинган бўлади.

Масалан: «Баъзи моддалар сувда эримайди». Ушбу ҳукмнинг субъектида моддаларнинг бир қисми ҳақида фикр юритилади. Предикатда эса сувда эримайдиган кимёвий моддаларнинг ҳаммаси ҳақида сўз юритиладики, уларни субъектда ифодаланаётган кимёвий моддалар ҳажмига киритиб бўлмайди. Бунинг схемаси 20-расми:



20-расм.

А, Е, J, О ҳукмларида субъект ва предикатларнинг бўлинган ва бўлинмаганлигини ёдда қолдириш учун қуйидаги жадвал тавсия этилади. /жадвалдаги «+» бўлинган, «-» ишоралари бўлинмаганликни ифодалайди/.

Ҳукм типлари	S	P
A	+	- баъзан +
E	+	+
J	-	- баъзан +
O	-	+

3§. Мураккаб ҳукмлар.

Мураккаб ҳукмлар содда ҳукмларнинг ўзаро мантиқий боғламалар воситасида бирикишидан ҳосил бўлади. Мантиқий боғламаларнинг ифода шакли грамматик («ва», «билан», «ҳам», «ҳамда», «ёки», «ё», «агар ... унда» ва б.) боғламалардир. Лекин мантиқий ва грамматик боғламалар бир-биридан фарқ қилади. Грамматик боғламалар гапларни уларда фикрнинг тугалланганлигини ифодалашга бўлган муносабатига кўра боғлайди. Ва бунда фикрни мазмунан тўлароқ ифодалашга хизмат қилади. Масалан: «Баҳор келди ва дала ишлари бошланиб кетди».

Мантиқий боғламалар эса ҳар қандай гапларни эмас, балки ҳукмларни бир-бири билан боғлайди. Ва бунда уларнинг мантиқий аҳамияти, яъни чин ва хатолиги ҳисобга олинади. Бунда гапларда ифодаланувчи фикр тугаллиги иккинчи планда қолдирилгани ҳолда, уларнинг чин ёки хато эканлигига эътибор қаратилади.

Шунга кўра мантиқда, хусусан, символик мантиқда бир-бири билан маънодош бўлмаган ҳар қандай ҳукмларнинг чинлигини ҳисобга олган ҳолда, уларни ўзаро боғлаш мумкин деб қаралади. Масалан: «Икки карра икки – тўрт ва қор окдир».

“ Жуфт сонлар тенг иккига бўлинади ва Ой Ернинг табиий йўлдоши”

Мураккаб ҳукмлар асосан қўшма гапларда ифодаланади. Лекин ҳар қандай қўшма гаплар ҳукм ҳисобланмайди. Чунки қўшма гаплар кўпинча грамматик боғламалар билан эмас, балки турли аффикслар, интонациялар орқали ҳам тузилади ва асосий мақсад гапда мазмун бир бутунлигига эришишга қаратилган бўлади. Масалан: «Чолларнинг меҳнати унум бермаса ҳам, маслаҳати унум беради-ку!». /Абдулла Қаҳҳор/.

Шунингдек, мураккаб ҳукмлар уюшиқ бўлакли содда гапларда ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: «Ахлоқий меъёр ва тамойиллар», Олимжон кўк пиёз сепилган ошни иштаҳа билан еди. Мантикий боғламалар характериға кўра мураккаб ҳукмлар тўрт хил бўлади: конъюнктив /бириктирувчи/, дизъюнктив /айирувчи/, шартли /имплекатив/, эквивалент.

Конъюнктив (лотинча – conjugo – бириктирмоқ) ҳукм содда ҳукмларнинг бир-бири билан «ва», «ҳам», «билан» каби мантикий боғламалар воситасида бирикишидан ҳосил бўлади. Кўпинча бундай мантикий боғламалар вазифасини мантикий урғу бажаради. Конъюнкция $\wedge$ рамзий ишораси билан белгиланади.

Конъюнктив ҳукм таркибий қисмларга ажратилади. Масалан: «Ўзбекистон собиқ иттифокдош республикалар ичида биринчи бўлиб президентлик бошқарувига ўтган ўзига хос моделда фуқаролик жамиятини барпо этаётган суверен давлатдир».

1. «Ўзбекистон собиқ иттифокдош республикалар ичида биринчи бўлиб президентлик бошқарувига ўтган суверен давлатдир».

2. «Ўзбекистон ўзига хос моделда фуқаролик жамиятини барпо этаётган суверен давлатдир».

Конъюнктив ҳукм содда ҳукмларнинг ўзаро уч хил шаклда боғлашидан ҳосил бўлади. 1. Бир қанча субъектлар учун битта умумий белги, хусусият хос эканлигини ифодаловчи конъюнктив ҳукм: $S_1 \wedge S_2 \wedge S_3 - P$. Масалан: «Бозор муносабатларининг қарор топиши (S_1) ва мулкдорлар синфининг шаклланиши (S_2) – тараққиётга эришишнинг асосий омилидир» (И.Каримов.).

2. Битта субъектга бир қанча белгилар хос эканлигини ифодаловчи ҳукм: $S - P_1 \wedge P_2 \wedge P_3$ – Масалан: «Мантиқ тафаккур шакллари ва қонунларини ўрганадиган фандир».

3. Бир қанча субъектлар учун бир қанча белгилар хос эканлигини ифодаловчи ҳукм. $S_1 \wedge S_2 \wedge S_n - P_1 \wedge P_2 \wedge P_n$ Масалан: «Халқнинг маънавий руhini мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир».

«Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Берунийлар ҳам файласуф, ҳам табиатшунос, ҳам қомусий олимлардир». Ҳар қандай содда ҳукмларни ўзаро бириктириш билан конъюнктив ҳукмлар ҳосил қилиб бўлмайди. Бунда қуйидаги шартни ҳисобга олиш зарур: келтирилган содда ҳукмлар чин бўлмоғи керак. Уларнинг бири хато бўлган пайтда ҳам ҳосил қилинадиган мураккаб ҳукм хато бўлади.

Мазкур шарт қуйидаги жадвалда ифодаланади:

а	в	ҳосил бўлган конъюнктив ҳукм $A \wedge B$
1-содда ҳукм	2-содда ҳукм	
чин	чин	чин
хато	чин	хато
чин	хато	хато
хато	хато	хато

Масалан: «Ўзбекистон – суверен давлат» - чин, «Ўзбекистон БМТ аъзоси эмас» - хато. Бу икки ҳукм мантиқий аҳамиятга кўра бир-бирини истисно этади, бунга кўра уларни ўзаро қўшиш билан чин ҳукм ҳосил қилиб бўлмайди.

Дизъюнктив (дизъюнктив- *disjunctio*- ажралган) мураккаб ҳукм содда ҳукмларнинг бир-бири билан «ё», «ёки» каби мантиқий боғламалар воситасида бирикишидан ҳосил бўлади. Дизъюнкция V рамзий ишораси билан белгиланади.

Масалан: «Ҳар қандай жиноят ё қасддан, ёки бехосдан содир этилади». Дизъюнктив ҳукм ҳам уч хил шаклда бўлади:

1) $S-P_1 \vee P_2 \vee P_n$; 2/ $S_1 \vee S_2 \vee S_3 \vee S_n - P$: 3/ $S_1 \vee S_2 \vee S_n - P \vee P_2 \vee P_n$, 1) $S - P_1 \vee P_2$ – масалан: «Гулнорнинг ўйлаб юрган охирги чораси ё ўлим, ёки Ёдгор билан қочиб кетиш эди» /Садриддин Айний/.

2) $S_1 \vee S_2 \vee S_n - P$ - масалан: «Салим ёки Карим ёки Аҳмад бу мусобақада биринчиликни қўлга киритади».

3) $S_1 \vee S_2 - P_1 \vee P_2$ – масалан: «Қариндош-уруғчилик ёки этник принциплар асосида давлат тузилмаларида иш кўрадиган уюшмалар ёки умумдавлат, ёки умумхалқ манфаатига зарар келтирадилар».(Ислом Каримов)

Мантикий боғлама характериға кўра дизъюнктив ҳукм икки хил бўлади: қатъий ва ноқатъий дизъюнкция. Ноқатъий дизъюнкцияда «ёки» боғламаси маъно жиҳатидан бириктирувчи аҳамията эға бўлади. Масалан: «Бу спортчи ўта тиришқоқлиги ёки доимий машқ билан шуғулланганлиги сабабли мусобақада ғолиб чиқди» деган ҳукмдаги «ёки» боғламаси «ва» боғламаси маъносида қўлланилмоқда. Дарҳақиқат, спортчининг мусобақада ғолиб чиқишида унинг ўта тиришқоқлиги ҳамда доимий машқ қилганлиги бирдек омил бўлиб хизмат қилган бўлиши мумкин.

Ноқатъий дизъюнкция конъюнктив ҳукм каби фақат бир ҳолатда чин бўлади: мураккаб ҳукм таркибига кирувчи содда ҳукмлар чин бўлганда. Бу қуйидаги жадвалда ифодаланади:

а	б	а v б
чин	чин	чин
чин	хато	хато
хато	чин	хато
хато	хато	хато

Қатъий дизъюнкцияда «ёки» боғламаси содда ҳукмларни ўзаро истисно этиш асосида боғлайди. Шунга кўра улар бирданига чин бўлмайди. Масалан: «Бу кимёвий модда ёки электр токи ўтказди ёки ўтказмайди». Шубҳасиз, агар ушбу

кимёвий модданинг электр ток ўтказиши чин бўлса, уни электр токи ўтказмайди, дейиш хатодир ва аксинча. Бундай типдаги ҳукмлар чин ва хатолигининг шартини қуйидагича жадвалда ифодалаш қабул қилинган:

а	б	а ∨ б
чин	чин	хато
чин	хато	чин
хато	чин	чин
хато	хато	хато

Шартли ҳукм деб содда ҳукмларнинг бир-бири билан «агар ..унда» деган мантиқий боғлама орқали бирикишидан ҳосил бўлган ҳукмга айтилади. Мазкур боғлама → рамзий ишораси билан белгиланади.

Шартли ҳукм бир қанча содда ҳукмлардан иборат бўлса-да, улар икки қисмга ажратилади. Биринчи қисм ҳукм – антецедент (лотинча - *antecedens* - олдинги), иккинчи қисм консеквент (лотинча – *consequens* - кейинги натижа) деб аталади.

Антецедент ҳукмни – асосни А, консеквент ҳукмни - натижани В билан белгилаб, шартли ҳукм формуласи ҳосил қилинади: $A \rightarrow B$, /Агар А бўлса, В дир, деб ўқилади/. Антецедент ва консеквент орасидаги шартлилиқ сабаб ва оқибат, семантик, мантиқий боғланишларда бўлади. Сабаб ва оқибат боғланиши: «Қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши тайин» (Ислом Каримов).

Семантик боғланиш: «Агар К. С. билан яқин бўлса, унда К.нинг ҳам бу жиноий ишда қўли бўлиши мумкин».

Мантиқий боғланиш: «Агар тирик организмлар хужайрали бўлса, унда микроблар ҳам хужайралидир, чунки у ҳам тирик организмдир». Шунини таъкидлаш керакки, мазкур ҳукм туридаги бундай боғланишларни бир-биридан ажратиб қараш шартли бўлиб, унинг асосида мантиқий муҳокама юритиш ётади.

Шундай гаплар ҳам борки, гарчи улар «агар... унда» боғламаси билан бирикса-да, шартли ҳукм ҳисобланмайди, чунки уларда юқорида қайд этилган

сабаб ва оқибат боғланишлари ифодаланмайди. Масалан: «Агар кишилар юртини душмандан ҳимоя қилишни ўйласалар, у ўз жонини сақлаш ташвишида эди». «Агар ғаним томонидан бизнинг кўлимизга ҳар қандай сипоҳий асир бўлиб тушса, уни ўлдирмасинлар. Агар навкарликни қабул қилса, навкар қилсинлар» («Темур тузуклари»дан).

Шартли ҳукмлар антецеденти консеквентта нисбатан асос, кейингиси биринчисига нисбатан натижада муносабатида бўлади. Мазкур ҳукм турининг чинлиги ана шу мантикий муносабат бўйича белгиланади. Асоснинг чинлиги натижани чин деб ҳисоблаш учун етарли далилдир. Масалан: «Агар ёмғир ёғса, ер нам бўлади» ҳукмида асоснинг чинлиги (ёмғир ёғганлиги), натижанинг юз берганлиги (ернинг нам бўлганлиги) шубҳасиздир. Қолган ҳолатларда асос ва натижа муносабати хато бўлади. Бунинг жадвалдаги ифодаси:

А	В	А->В
чин	чин	чин
чин	хато	хато
хато	чин	хато

Баъзи бир шартли ҳукмлар мураккаб тузилишда бўлади: уларда бир асоснинг бир қатор натижалари ва аксинча, натижанинг бир қатор асослари кўрсатилади. Масалан: «Агар жамиятда иқтисодий инқироз юз берса, унда сиёсий зиддиятлар кескинлашади, маънавий айнишлар рўй беради». «Агар талаба дарсларга доимий иштирок этса, ўз устида мустақил ишласа, у назоратларни муваффақиятли топширади».

Импликатив /лотинча – *implied* – чамбарчас боғламок/ ҳукм шартли ҳукм каби содда ҳукмларнинг «агар ...унда», деган боғлама ёрдамида бирикишидан ҳосил бўлади, шартли ҳукмдаги каби антицедент /асос/ ва консеквент /натижа/ қисмлардан ташкил топади. Импликатив боғламанинг рамзий ишораси:

Импликатив ҳукмда шартли ҳукмдаги каби антицедент, консеквентларнинг маъно жиҳатидан боғланиши эмас, балки мантикий аҳамияти /чин ва хатолиги/ эътиборга олинади. Шунга кўра бундай ҳукм фақат қуйидаги бир ҳолатда хато

бўлади: бир вақтда антицедент чин бўлиб, консеквент хато бўлганда. Қолган қуйидаги уч ҳолатда чин бўлади: 1) антецедент ва консеквентнинг ҳар иккаласи чин бўлганда; 2) антецедент хато ва консеквент чин бўлганда; 3) антецедент ва консеквентнинг ҳар иккаласи хато бўлганда.

Айтилган шартларнинг жадвалда ифодаланиши қуйидагича:

А	В	$A \wedge B$
чин	чин	чин
хато	чин	чин
чин	хато	хато
хато	хато	чин

Энди қайд этилган шартларни мисол орқали кўриб чиқайлик. Биринчи қаторда қайд этилган шарт шартли ҳукмдаги каби асоснинг чинлиги натижани чин деб ҳисоблаш учун етарли далил ҳисобланади. Масалан: «Жисм ишқаланса, қизийди» асос /жисмнинг ишқаланганлиги/ чин бўлса, унинг натижаси — қизиганлиги шубҳасиздир.

Иккинчи қаторда кўрсатилган шартга кўра антецедент хатолиги /жисмнинг ишқаланмаганлиги/да консеквент ўзининг чинлиги /қизиганлиги/ аҳамиятни йўқотмайди. Дарҳақиқат, агар антецедент ва консеквентнинг мазмун жиҳатидан ўзаро боғлиқлигини фикран соқит қилиб, уларнинг фақат мантиқий аҳамияти эътиборга олинандиган бўлса, бунда жисм ишқаланмаса-да, қизиши (куёш нурида ва бошқа сабабларга кўра) мумкинлигини инкор этиб бўлмайди.

Тўртинчи қаторда қайд этилган шартга мувофиқ антецедентнинг хатолиги /жисмнинг ишқаланмаганлиги/ аниқ бўлса, консеквентнинг чинлигига ҳам шубҳада бўлмайди. Чунки жисм ишқаланмаган бўлса унинг қизимаслиги аниқ чиндир.

Айтилганлардан мазкур ҳукмнинг фақат бир ҳолатда (учинчи қатордаги шартда) хато эканлиги келиб чиқади, асос чин бўлса, натижани хато деб тасдиклаш хатодир. Дарҳақиқат, жисмнинг ишқаланганлиги аниқ бўлса, уни қизимаган, дейиш хатодир.

Эквивалент /тенг-ҳажмли/ ҳукмлар содда ҳукмларнинг «қачонки . . . шунда», «қачонки . . . шу пайтда» боғламалари воситасида қўшилишидан ҳосил бўладиган ҳукмларга айтилади. Эквивалент мантиқий боғлама рамзий ишораси билан белгиланади ва қуйидаги формулада ёзилади: $\overleftrightarrow{S-P} \quad S^1-P^2$.

Мазкур ҳукм таркибидаги содда ҳукмлар мантиқий аҳамиятига кўра тенг мазмунли бўлади. Шунинг учун уларнинг ўрни ўзгариши билан мазмуни сақланиб қолади. Масалан: «Қачонки давлат ўзининг иқтисодий мустақиллигига эришса, шунда у ривожланган мамлакатлар билан тенг ҳамкорлик қила олади», «Давлат ривожланган мамлакатлар билан тенг ҳамкорлик қилишга эришган пайтдагина у ўзининг иқтисодий мустақиллигига эришган бўлади».

Эквивалент ҳукмларнинг чин ва хатолиги ҳам уларнинг таркибидаги содда ҳукмларнинг мантиқий аҳамиятининг нисбати билан белгиланадики, буни қуйидаги жадвалда кўрсатиш мумкин:

а.	в	$a \overleftrightarrow{b}$
чин	чин	чин
хато	хато	хато

Ҳукмни инкор этиш мантиқий усул бўлиб, унинг ёрдамида мулоҳазаларнинг /содда ҳукмларнинг/ мантиқий аҳамияти ўзаро нисбатида аниқланилади. Шу жиҳатдан мазкур мантиқий усул мураккаб ҳукмлар ҳосил қилиш ва уларнинг чин, хатолигини аниқлашда муҳим роль ўйнайди.

Ҳукмни инкор этишда берилган ҳукмнинг сони ва сифати унга қарама-қарши сифатга айлантирилади ва шу орқали унинг мантиқий аҳамияти аниқланилади.

Умумий ҳукмни /А,Е/ инкор этиш билан якка, жузъий / J, о/ ва аксинча кейингиларни инкор этиш билан умумий ҳукм ҳосил қилинади. Масалан: «Ҳамма балиқлар жабра билан нафас олади», «Баъзи балиқлар жабра билан нафас олмайди». Агар биринчи ҳукм чин бўлса, инкор этилган ҳукм хато бўлади. Бу қуйидаги жадвалда ифодаланади:

АЕ	Ю эмас
Чин	Хато
Хато	Чин

1. А-О «Ҳамма S-P дир» ва «Баъзи S-P эмас»
2. Е-J «Ҳеч бир S-P эмас» ва «Баъзи S-P дир»

4§. Ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар.

Ҳукмлар орасидаги муносабатларни аниқлаш мантикий усул бўлиб, унинг воситасида фикрнинг муҳокама юритиш жараёнидаги чин ёки хатолиги белгиланади. Ҳукмлар орасидаги муносабатларни белгилашда уларнинг мантикий аҳамияти асос қилиб олинади. Гарчи содда ва мураккаб ҳукмлар учун ўзига хос муносабатлар мавжуд бўлса-да, лекин содда ҳукмлар орасидаги мантикий муносабатлар белгиловчи жиҳат ҳисобланади.

Ҳар қандай содда ҳукмлар ўзларининг мазмуни ва ҳажмига кўра таққосланиладиган ва таққосланилмайдиган бўлади. Агар ҳукмларнинг субъекти ёки предикати турлича мазмун ва ҳажмга эга бўлса, унда улар таққосланилмайдиган муносабатда бўлади. Масалан: «Миллий истиқлол ғоясининг бош мақсади эркин ва фаровон ҳаёт қуришдир», «Ҳозирги глобал муаммоларни ҳал қилмасдан туриб мавжуд цивилизация ҳалокати хавфини бартараф қилиб бўлмайди». Келтирилган ҳукмларни (субъект ва предикатлари) мазмун жиҳатидан сиғишмайдиган тушунчалардирки, шунга кўра улар таққосланилмайдиган ҳукмлар ҳисобланади. Шунинг учун бундай ҳукмларнинг орасидаги муносабатни аниқлаб бўлмайди.

Бир хил субъект ва предикатларга эга бўлиб, фақат сифатига кўра фарқланадиган ҳукмлар таққосланилади. Масалан: «Ҳамма мустақил сўз туркумлари келишиқда турланади» – «Баъзи мустақил сўз туркумлари келишиқда турланмайди».

Таққосланиладиган ҳукмлар икки хил бўлади: сиғишадиган ва сиғишмайдиган.

Ўз навбатида сиғашадиган ҳукмлар уч хил муносабатда бўлади: тўлиқ мос келиш /эквивалентлик/, қисман мослик (субконтрарлик), бўйсунуш муносабатларида.

Сиғишмайдиган ҳукмлар эса қарама-қаршилик (контрарлик) ва зидлик (контрадикторлик) муносабатларида бўлади.

Содда ҳукмлар орасида қайд этилган ушбу турдаги муносабатлар «мантикий квадрат» деб аталадиган жадвалда ифодаланади (21-расм).

А қарама – қаршилик Е

(контрарлик)



21- расм

Квадратнинг бурчаклари тўртта содда ҳукм турини /А, Е, Ж, О/, томон ва диаганаллари улар орасидаги муносабат турларини ифодалайди. Сиғишадиган муносабат квадратда узлуксиз чизикда, сиғишмайдиганлари узлукли чизикларда кўрсатилади.

Тўлиқ мослик муносабатида икки ёки ундан ортиқ ҳукмлар турли хил субъект, предикат ва боғламаларга эга бўлса-да, бир маънони ифодалайди. Масалан: «Ҳар қандай жамият ўз мафкураси асосида ривожланади», «Ҳеч бир жамият ўз мафкурасисиз ривожланмайди».

Бўйсунуш муносабати А, Е, -Ж, О ҳукмлари ўртасида бўлиб, бўйсундирувчи ҳукмларнинг (А, Е) чинлиги уларга бўйсунувчи (Ж, О) ҳукмларнинг чинлигини белгилайди, аксинча бўлмайди. Масалан: «Кислоталар металллар билан ўзаро таъсирланишдадир» /А/ деган ҳукмнинг чинлигидан,

шубҳасиз, «Сульфат кислота металллар билан ўзаро таъсирланишдадир», деган ҳукмнинг /J/ чинлиги бевосита келиб чиқди. Аммо «Баъзи ўсимликлар ҳашоратлар билан озиқланади», деган ҳукмнинг чинлигидан «Барча ўсимликлар ҳашоратлар билан озиқланади», деган /A/ ҳукмнинг чинлиги келиб чиқмайди.

Қисман мослик муносабати J-O ҳукмлари орасида мавжуд бўлиб, улар бир вақтда бирданига чин бўлиши мумкин, лекин хато бўлиши мумкин эмас. Масалан: «Баъзи кимёвий моддалар сувда эрийди» (j), «Баъзи кимёвий моддалар сувда эримайди» (O). Ушбу иккала ҳукм чин бўлса-да, бир вақтда хато бўлиши мумкин эмас.

Сиғишмайдиган муносабатлар. Қарама-қаршилик муносабати A-E ҳукмлари орасида мавжуд бўлиб, бундай муносабатдаги икки ҳукм бир вақтда чин бўлиши мумкин эмас: бири чин, иккинчиси албатта хато бўлади. Лекин улар бир вақтда хато бўлиши мумкин. Қарама-қарши ҳукмларнинг бирининг чинлиги иккинчисининг хатолигини белгилайди. Яъни: $A \rightarrow E$, $E \rightarrow A$. Масалан: «Ҳамма тирик организмлар кислород билан яшайди. Ҳеч бир тирик организм кислород билан яшамайди» ҳукмларининг ҳар иккаласи бир вақтда чин эмас, биричиси чин, иккинчиси хатодир. Бундай муносабатдаги ҳукмларнинг инкори /E/ тасдиғининг (A) чинлигини белгилайди. Масалан: «Ҳеч бир кириш сўз гапда вергул билан ажратилмайди», деган хато ҳукмдан «Ҳамма кириш сўзлар гапда вергул билан ажратилади», деган ҳукмнинг чинлиги келиб чиқади.

Агар берилган ҳукм хато бўлиб у инкор этилса, икки қарама-қарши ҳукм бир вақтда хато бўлиши мумкин. Масалан: «Ҳамма гувоҳлар судда тўғри кўрсатма берадилар» – «Ҳеч бир гувоҳ судда тўғри кўрсатма бермайди». Бу икки ҳукм бир вақтда чин бўлиш мумкин эмас, лекин хато бўлиши мумкин.

Зидлик муносабатида бўлган ҳукмларнинг чин, хатолиги қуйидагича белгиланади: уларнинг бирининг чинлигидан иккинчисининг хатолиги ва, аксинча, иккинчисининг хатолигидан биринчисининг чинлиги қатъий равишда келиб чиқади. Масалан: «Ҳамма товарлар ўз истеъмол қиймати ва таннархига эга» (A) ҳукмининг чинлигидан «Баъзи товарлар ўз истеъмол қиймати ва таннархига эга эмас», деган (O) ҳукмининг хатолиги келиб чиқади.

Хукмлар ўртасидаги муносабатларни қуйидагича умумлаштириш мумкин: Агар А чин бўлса, Е хатодир. Агар Е чин бўлса, А хатодир. Агар J чин бўлса, унда А ноаниқдир. Агар О чин бўлса, унда Е ноаниқдир. Агар А хато бўлса, унда Е ноаниқдир. Агар Е хато бўлса, унда А ноаниқдир. Агар J хато бўлса, унда А хатодир. Агар О хато бўлса, А чиндир.

Мураккаб ҳукмлар орасидаги муносабатларни белгилашда улар таркибидаги содда ҳукмларнинг ўзаро мантиқий боғланиши ҳисобга олинади. Агар икки мураккаб ҳукм таркибида ўхшаш содда ҳукмлар бўлса, унда бундай ҳукмлар таққосланиладиган ҳисобланади. Бундай ҳукмлар ҳам содда ҳукмлар каби сиғишадиган ва сиғишмайдиган бўлади ва уларга хос бўлган муносабатга киришади.

5§. Ҳукмларнинг модаллиги

Юқорида кўриб ўтганимиздек, ҳукмлар текширилаётган объект ҳақида билимларни тасдиқ ёки инкор тарзида ифодаловчи фикр шакли ҳисобланади. Лекин объект ҳақидаги билимлар тасдиқ ва инкор этиши билан биргаликда яна қўшимча ахборот усуллари – модаллик /лотинча – *modus* – ўлчов, усул/ тушунчалари (операторлар) орқали ифодаланади. Бундай ахборот усуллари ҳукмнинг семантик маъноси, мантиқий аҳамиятининг бошқа бир ҳукм орқали англашилиши, ундаги билимнинг қай даражада асосланишлиги ва унга турли баҳовий, меъёрий маъно оттенкалари беришлиги билан характерланади. Шунга кўра ҳукм модаллигида унинг чин, хатолиги билан бирга субъект ва предикат муносабати, уларнинг ўзаро боғлиқлигига доир қўшимча ахборот, билимлар ҳам ифодаланади. Ҳукмларнинг бундай хусусияти формал мантиқнинг йўналиши-модал мантиқда ўрганилади

Мазкур мантиқда модал тушунчаларнинг қуйидаги гуруҳлари ажратилиб кўрсатилади:

- мантиқий («мантиқан зарур», «мантиқан келиб чикмайди», «мантиқан мумкин»);

- онтологик («сабаби ҳисобланади», «оқибати ҳисобланади», «сабаби ҳам, оқибати ҳам бўлолмайди»);

- эпистемик-назарий («исботланадиган», «рад этиладиган», «ечилмайдиган», қатъий ишонган», «шубҳаланади», «рад этади», «чин», «хато», «ноаниқ»);

- деонтик («бажариш шарт», «албатта», «тақиқланади», «ижозат берилади»);

- аксиологик («яхши, ёмон»);

- вақт модаллиги («бўлган», «бўлади», «аввал», «кейин»),.

Модаллик ҳукмлари содда ва мураккаб турда бўлади.

Содда модаллик ҳукми деб субъект ва предикат ўртасидаги боғланишнинг характерини модаллик тушунчалари орқали ифодаловчи содда ҳукмларга айтилади.

Мураккаб модаллик ҳукми деб эса содда ҳукмларнинг ўзаро боғланишининг характерини модаллик тушунчалари ёрдамида ифодаловчи мураккаб ҳукмларга айтилади.

Ҳозирги замон модал мантиғида мазкур масаланинг ўрганилишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Шунга кўра деонтик мантиқ, нормалар мантиғи, аксиологик- қадриятлар мантиғи каби йуналишлар, тармоқлар юзага келганки, уларнинг ўрганиш объекти бевосита ҳукмлар модаллиги масаласи ҳисобланади.

Формал мантиқ ҳукмлар модаллигини икки турга ажратиб ўрганади: мантиқий ва фактик (онтологик) модаллик.

Мантиқий модалликда ҳукмларнинг чинлигига, хатолигига, диққат-эътибор қаратилгани ҳолда, бунинг ўлчови субъект ва предикатларнинг ўзаро сабаб-оқибат боғланиши ҳисобланади. Ва бунда мазкур боғлиқлик бўйича қўшимча ахборотлар олинади. Масалан, ўқитувчи ўқувчига 5 сонининг тенг бўлинмаслигини бошқа ҳукм чинлиги – «Ҳамма тоқ сонларнинг тенг иккига бўлинмаслиги» ҳақидаги ҳукм чинлиги орқали ишонтиради.

Мантиқий ва онтологик модаллик ўзаро боғлиқ бўлиб, умумий алетик (юнонча – aletna – зарурий), модаллик ташкил этади. Мазкур модаллик бўйича ҳукмлар қуйидаги уч турга ажратилади: воқеий, зарурий, эхтимолли ҳукмлар.

Воқеий (ассерторик. лот. assero- тасдиқлайман)**ҳукм** у ёки бу муайян белги буюм, ходисанинг реал тарзда мавжудлигини ифодалайди. Масалан: «Самарқанд Марказий Осиёдаги энг қадимий шаҳардир», «Атом марказида мусбат зарядланган зарра – ядро жойлашган».

Зарурий (алетик юнон. aleitnda- зарурий)**ҳукм** деб шундай модаллик даражасини ифодаладиган ҳукмга айтиладики, бунда субъектнинг ҳамма ҳолатларида мавжуд бўладиган энг муҳим белгилари кўрсатилади. Шунга кўра, бундай ҳукмларда қонуният мақоматини олган билимлар ифодаланган. Масалан, «Сув 100 градусда қайнайди ва буғга айланади». «Маънавият жамият тараққиётининг кучидир». Мазкур ҳукмларда “зарур”, “зарурий”, “албатта” каби модал операторлардан фойдаланилади. Шунни таъкидлаш керакки, зарурий ҳукмларнинг мантикий аҳамияти реал мазмунга эга бўлиб, унинг чинлигининг даражасини «албатта», «зарур» каби модал сўзларни қўшиш билан ўзгартириб бўлмайди. Масалан, «У ёзги дам олишда албатта курортга боради», деган ҳукм, гарчи унда қатъийлик ифодаланаётган бўлса-да, у зарурий эмас, эҳтимоллик ҳукм ҳисобланади.

Эҳтимолли ҳукмда предикат субъектнинг белгисини тахминан тасдиқлайди ва инкор этади. Масалан: «Эҳтимол, янги ХХІ асрда бугунги умумбашарий муаммолар узил-кесил ҳал этилади».

Эпистемик (грекча epistemologia – ишончли билим) модаллик ҳукмида муайян билимнинг асосланиш даражаси ифодаланади. Шу маънода мазкур модаллик исботланиши ва инкор этилиши мумкин бўлган тахминлар ҳақидаги ҳукмни ифодалайди. Масалан, «Қуёш системасида Ердан бошқа планеталарнинг яна бирида ҳаёт борлиги ёки йўқлигини исботлаш мумкин».


Деонтик (грекча – deont – бурч, вазифа) модалликда муайян қоида, ахлоқий, социал нормалар даражасидаги билимлар ифодаланади. Масалан: «Яхшилик қилиш қўлингдан келмаса, ёмонлик қилма, шунинг ўзи яхшиликдир» (Ҳадис), «Ўзбекистонда яшовчи давлат ҳокимияти ва бошқа органлари раҳбарлари ўз хизмат вазифаларини бажариш учун Республика давлат тилини етарли даражада билиш шарт» (Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақидаги қонундан).

«Ҳар бир инсон жамиятдаги ўз ўрнини билиши, ўзини жамиятнинг ажралмас қисми деб ҳис этиши даркор» (И.А.Каримов).

Аксиологик (грекча – аксіо – баҳо) модалликда баҳовий (ахлоқий, эстетик, сиёсий) билимлар ҳақидаги ҳукм ифодаланади. Шунинг учун бундай модал ҳукмларда қадриятлар мавқеи-мақомини олган қарашлар, ғоялар акс этади. Масалан: «Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман» (Ислом Каримов).

Шунингдек, бундай модал ҳукмларда жамият ва шахс ҳаётига доир жараёнларнинг қай тарзда кечиши, уларнинг баҳоланиши ифодаланади. Масалан, «Бизнинг беғам, лоқайдлигимиз, ишимиздаги камчиликлар оқибатида баъзи ёшлар жиноий гуруҳлар, экстремистлар диний мутаассиблар таъсирига тушиб қолган» (И.А.Каримов).

Ҳукмнинг туркумланишини қуйидаги схемада кўрсатиш мумкин (22-расм):



22-расм

Умумий хулосалар

1. Ҳукм тафаккурнинг шакли бўлиб, унда буюм, ходисаларнинг белгилари, муносабатлари тасдиқ ва инкор этилади ва бундай фикр чин ёки хато бўлади. Ҳар қандай ҳукм гап орали фодаланади. Лекин гап фақат ҳукм ифодаланишининг грамматик шакли бўлмасдан, айти пайтда мавжудлик усули ҳамдир.
2. Ҳукм таркибини, турларини билиш мантикий тўғри фикр юритишнинг зарурий шартларидан биридир. Оддий (содда) ҳукмлар субъект ва предикат муносабатига кўра унда ифодаланаётган сон ва сифат бирлигига кўра турларга бўлинади.
3. Мураккаб ҳукмлар содда ҳукмларнинг мантикий боғламалар воситасида бирикишидан ҳосил бўлади. Бундай ҳукмлар ифодаланишининг грамматик шакли қўшма гапдир. Лекин ҳар қандай қўшма гаплар ҳам ҳукмни ифодамай олмайдилар. Мантикий боғламалар, асосан, гапнинг бир бутунлигини таъминловчи грамматик боғламалардан фарқли равишда, ҳукмнинг мантикий аҳамиятини (чин ёки хатолигини) ҳисобга олган ҳолда, уларни ўзаро бириктиради ва янги билим берувчи ҳукмлар ҳосил қилади.
4. Ҳукм модаллигида фикрнинг асосланганлиги ҳақидаги қўшича ахборотлар ифодаланади. Модал ҳукмларнинг мантикий аҳамияти фақат чин ва хатолик билан ўлчанмайди. Ва шунга кўра модал ҳукмлар эҳтимолли, эпистемик, деонтик, аксиологик турларга бўлинади.

Машқлар

1-машқ Қуйидаги ҳукмларнинг сон ва сифат жиҳатидан бирлашган туркумланишига кўра турларини аниқланг, ҳамда атамаларининг бўлинган ва бўлинмаганлигини белгиланг.

1. Халқнинг маънавий-руҳий тикланиши-ислоҳотлар биринчи босқичининг энг асосий якунидир. (Ислом Каримов).

2. 1994 йил июль ойида Ўзбекистон НАТОнинг "Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик" дастурига қўшилди.

3. Ҳеч бир жамият мафкурасиз яшай олмайди.

4. Ота-онанинг йиғлаши боладан норози бўлганликларидир. (хадис).

2-машқ. Қуйидаги ҳукмларнинг қайси бирида субъект ва предикат бўлинмаган ва буни изоҳланг.

1. Ҳамма судьялар олий ҳуқуқшунослик маълумотига эгадирлар.

2. Гуруҳимизнинг баъзи талабалари аълочилардир.

3. Ҳеч бир тирик организм кислородсиз яшай олмайди.

4. Баъзи ўсимликлар ҳашаротлар билан озиқланади.

3-машқ. Қуйидаги келтирилган фикрларнинг қайси бири ҳукми ифодаламайди ва уларни ҳукм шаклига келтиринг.

1. Мақсадимиз-кучли ижтимоий кафолотни таъминловчи демократик давлатни қарор топтириш. (Ислом Каримов).

2. Иқтисдий ислохотларнинг изчил бориши.

3. Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи қонунларни яратиш.

4. Гул билан безатилган уй.

5. Амр этдимки: эзма, бекорчи одамларни вилоят ва шаҳарларда қолдирмасинлар. ("Темур тузуклари").

4-машқ. Қуйидаги тушунчаларни субъект сифатида олиб, улардан атрибутив, мавжудлик ва муносабатли ҳукмлар тузинг: дунёқараш, миллий мафкура, маънавият, Ватан, қонун.

5. Қуйидаги содда ҳукмларни асос сифатида олиб шартли ҳукмлар тузинг, чин-хатолигини аниқланг ва уларни формулада ёзинг. а) Ҳосил мўл бўлди.; б) Иқтисодий ислохотлар ўтказилди; в) Жамиятимизда маънавий-руҳий тикланиш жараёни кечмоқда.

6-машқ. Қуйидаги мураккаб ҳукмларнинг турини аниқланг ва уларни формулаларда ёзинг.

а) Маънавият- инсоннинг, халқнинг, давлатнинг куч кудратидир (И.Каримов). б) Маънавиятни мустаҳкамлаш учун меҳнат ва маблағни аяш ўз келажанига болта уриш демакдир. (И.А.Каримов). в) Агар ерга яхши ишлов берилса, об-ҳаво яхши келса ва ҳосил исроф қилинадан йиғим-териб олинса, унда давлат режаси ортиғи билан бажарилади.

7-машқ. Қуйидаги ҳукмларнинг қайси бири бир вақтда чин бўлиши мумкин эмас. (“Мантикий квадрат” бўйича).

1. Баъзи содда гаплар битта эга ва кесимдан иборат бўлади. Баъзи содда гаплар битта эга ва кесимдан иборат бўлмайди. 2. Ҳамма юристлар мантик фанини ўрганадилар. Баъзи юристлар мантик фанини ўрганмайдилар.3. Баъзи журналистлар филологдир. Баъзи журналистлар филологлар эмас. 4. Баъзи сувда яшовчи ҳайвонлар сут эмизувчилардир. Баъзи сувда яшовчи ҳайвонлар сутэмизувчи эмас.

8-машқ Қуйидаги ҳукмларнинг турини, таркибий қисмларини аниқланг ва уларни символлар орқали ёзинг.

1. Агар иқтисодий соҳада эркинлаштириш бўлмаса, тараққиёт омили бўлган рақобат юзага келмайди.(И.А.Каримов)

2.Тарбия- биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир. (А.Авлоний)

3. Ақл юракда, раҳмдиллик жигарда, меҳр-шафқат талокда жойлашгандир. (Ҳадис).

9.-машқ. Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият- енгилмас куч" асари бўйича мураккаб ҳукм турларига мисоллар топинг.

1§. Хулоса чиқаришнинг умумий тавсифи.

Инсон ҳайвонот олаmidан ақлли мавжудот эканлиги, тафаккур қилишлиги билан ажралади. Тафаккур ўз моҳиятига кўра билишнинг мураккаб шакли бўлиб, унда нарса, ҳодисаларнинг хусусиятлари, муносабатлари, боғланишлари умумлаштирилган ва воситали тарзда акс этади. Дарҳақиқат, инсон хулоса чиқариш воситасида вақт ва фазода бевосита муносабатда бўлмаган буюм, ҳодисалар ўртасидаги боғланишни аниқлаб олади. Масалан, археолог қадимий топилмаларнинг хусусиятларини ўрганиш асосида ўтмиш маданияти даражаси ҳақида хулоса чиқаради. Хулоса чиқаришда янги билимлар ҳосил қилинадик, бунда умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик ўртасидаги диалектик бирликка асосланади. Масалан, Ер курраси учун хос барча умумий хусусиятлар галактикамиздаги бошқа сайёралар учун ҳам хос эканлигидан уларнинг бирида ҳам ҳаёт бўлишлиги ҳақида эҳтимолли хулосага келишимиз мумкин. Ижтимоий ҳодисалар ҳақида хулосалар чиқаришда улар ўртасидаги ўзаро умумийлик, хусусийлик боғланишлари билан биргаликда бевосита тадқиқ этиш – тажрибалар таҳлили бўйича умумлаштириш тамойили ҳам муҳим роль ўйнайди.

Бунга мисол қилиб Президентимизнинг мустақиллик йилларида иқтисодиётни ислоҳ қилишда тўпланган тажрибаларни чуқур таҳлил қилиш асосида бугунги кунда Республикамизда демократия, барқарорликни таъминлаш учун хизмат қиладиган бир қатор муҳим хулосаларини келтириш мумкин.¹ Шундай қилиб, *хулоса чиқариш – бу кенг маънода билишнинг усули ва айти пайтда якуни ҳисобланади.* Мантиқда *хулоса чиқариш* деб бир ва ундан ортиқ ҳукмлардан янги билим берувчи ҳукмни келтириб чиқарувчи тафаккур шаклига айтилади.

Хулоса чиқариш малакасига эга бўлиш тўғри фикр юритишнинг зарурий шarti бўлиб, бу орқали киши ўзи ўрганаётган объект ҳақида янги билимлар ҳосил қиладик, чин билим, ҳақиқатларга эришади. Хулоса чиқариш малакасига эга

¹ Қаранг: И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997. 194-211-бетлар.

бўлиш кишидан хулоса чиқаришнинг мантиқий усул сифатидаги тузилишини, унинг қонун-қоидаларини яхши билишни ва уларни муҳокама юритиш жараёнида қўллай билишни талаб этади.

Шунинг учун мантиқ фанида хулоса чиқариш формал, тузилиш жиҳатдан ўрганилади. Лекин бу ҳосил қилинаётган билимга (мазмунга) иккинчи даражали жиҳат деб қаралади, деган сўз эмас. Зотан, хулоса чиқаришнинг йўл-йўриқлари, қоидаларини ўрганишнинг сўнгги мақсади ўрганилаётган объект ҳақида янги билимлар ҳосил қилишдир. Хулоса чиқариш учта таркибий қисмдан иборат:

- 1) асос-хулоса чиқариш учун келтириладиган бошланғич ҳукм;
- 2) натижа-асослардан келтириб чиқариладиган хулоса;
- 3) асослардан хулосага мантиқий ўтиш;

Асосларни мантиқан боғлаш ва улардан чин (тўғри) хулосалар чиқаришнинг қуйидаги иккита шарти мавжуд. Биринчидан, асослар чин ҳукмлар бўлиши, иккинчидан, улар тафаккур қонунларининг талабига риоя қилинган ҳолда боғланиши зарур. Агар бунга риоя қилинмаса, чин асослардан ҳам хато, ноаниқ хулосалар келиб чиқиши мумкин. Масалан: «Вақт материянинг яшаш усулидир.

Вақт – бу пулдир.

Демак, пул материянинг яшаш усулидир.»

Бунда айният қонунининг талаби (фикр предмети муҳокама юритишда ўзгартирилмаслиги керак) бузилганлиги сабабли келтирилган чин асослардан мантиқсиз хулоса келиб чиқмоқда. Дарҳақиқат, мисолдаги «вақт» тушунчаси ҳар икки асосда турлича мазмунда: биринчи асосда фалсафий маънода, иккинчисида иқтисодиёт тушунчаси маъносида қўлланилмоқда.

Натижа чинлигининг даражага кўра хулоса чиқариш икки турга ажратилади: зарурий ва эҳтимолий;

Зарурий хулосада натижанинг чинлиги келтирилган асосларнинг чинлиги ва уларнинг боғланишидан бевосита келиб чиқади. Масалан: «Агар туман қалин бўлса, юриш қийинлашади. Туман қалин тушди, демак юриш қийинлашади». Эҳтимолий хулоса чиқаришда эса натижа асослардан бевосита келиб чиқмайди, балки уларнинг чинлиги билан қисман шартланган бўлади. Масалан, «Агар туман

қалин тушса, юриш қийинлашади. Юриш қийинлашди». Лекин келтирилган асослардан «Туман қалин тушган» деган хулоса айнан келиб чиқмайди. Чунки бошқа сабабларга кўра ҳам юриш қийинлашган бўлиши мумкин.

Асослардан хулосага мантикий ўтишга кўра хулоса чиқариш уч турда бўлади: дедуктив, индуктив ва аналогия (тамсил) бўйича хулоса чиқариш.

2§. Дедуктив хулоса чиқариш.

Бевосита дедуктив хулоса чиқариш.

Дедукция ўз табиатига кўра зарурий хулоса ҳисобланади. «Дедукция» сўзи латинча deductio- келтириб чиқариш деган маънони англатади. Дедуктив хулосада умумийликдан яққалик, жузъийликка фикран ўтиш бўйича натижа келтирилиб чиқарилади. Бунда натижа асослардан заруран келиб чиқади. Чунки бунда хулоса умумийлик учун хос хусусият, белги унинг турлари учун ҳам тааллуқлидир, деган тамойилга асосланган ҳолда чиқарилади. Масалан:

Ҳамма металллар ўзидан электр токи ўтказди.

Темир – металл.

Демак, темир ўзидан электр токи ўтказди.

Дедуктив хулоса чиқариш икки турда бўлади: 1. Ҳукмларнинг субъект ва предикат тузилишига асосланган хулоса чиқариш. 2. Ҳукмларнинг ўзаро мантикий боғланишларига асосланган хулоса чиқариш.

Ҳукмларнинг субъект ва предикат тузилишига асосланган дедуктив хулоса чиқаришда натижа оддий(содда) қатъий ҳукмлардан келтирилиб чиқарилади ва бунда асосларнинг таркибидаги субъект ва предикатларнинг ўзаро ҳажм ва мазмун муносабатлари ҳисобга олинади. Бундай хулоса ўз навбатида икки хил йўл билан чиқарилади: **бевосита** ва **воситали (бавосита)**.

Бевосита хулоса чиқаришда натижа битта асос – қатъий ҳукмнинг шаклини ўзгартириш ва мазмунини сақлаб қолиш орқали чиқарилади. Мазкур хулоса чиқаришда эътибор асослардан бутунлай янги билимлар ҳосил қилишга эмас, балки уларда ифодаланаётган мазмунни (маънони) чуқурроқ очиб беришга қаратилган бўлади. Масалан: «Ҳамма атов гаплар бир таркибли бўлади» деган

хукмнинг шаклини ўзгартириш билан ҳамма бир таркибли гаплар атов гап эмаслиги, бундай тузилишдаги бошқа гаплар ҳам атов гап эмаслиги, бундай тузилишда бошқа гаплар ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақидаги билимга эга бўламиз.

Шу жихатдан бевосита хулоса чиқариш берилган ҳар қандай муҳокамаларнинг чин-хатолиги, мантикий тўғрилигини аниқлашда муҳим роль ўйнайди. Бевосита хулосада натижа тўрт хил усулда чиқарилади:

1. Айлантериш. 2. Алмаштериш. 3. Предикатга қарама-қарши қўйиш.

4. «Мантикий квадрат» бўйича.

1. **Айлантериш** деб берилган асоснинг предикатини қарама-қарши мазмунга, боғламасининг сифатини унга зид маънога ўзгартирилади. Аниқроқ қилиб айтганда, берилган бошланғич ҳукм субъекти хулосада сақланиб қолдирилгани ҳолда, предикатни қарама-қаршилиқ муносабатидаги тушунчага, боғланмаси эса зид сифатга ўзгартирилади. Бунда асос ҳукмнинг миқдори сақланиб қолдирилади, лекин сифати ўзгартирилади. Шунга кўра тасдиқ ҳукм инкорга ва аксинча, инкор тасдиқловчига айлантирилади. Масалан: «Ҳамма кириш сўзлар гапда вергул билан ёзилади», деган бошланғич тасдиқ ҳукм берилган бўлсин. Мавжуд талабга мувофиқ бунда субъект- «ҳамма кириш сўзлар» ўзгаришсиз қолади, предикат - «гапда вергул билан ажратилиб» қарама-қарши мазмундаги тушунчага - «вергул билан ажратилмасдан» ва боғлама «ёзилади» зид маънодаги тушунчага «ёзилмайди»га ўзгартирилади. Ва бундан: «Ҳеч бир кириш сўз гапда вергул билан ажратилмасдан ёзилмайди» деган хулоса келиб чиқади. «Бугунги кунда ғояни, фикрни таъқиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди» (И.А.Каримов) деган инкор ҳукми «Бугунги кунда ғояни, фикрни таъқиқсиз, номаъмурий чоралар билан енгиб бўлади», ёки Президентимиз ибораси билан айтганда»Фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашилади» деб айлантириш мумкин.

Айлантериш бўйича хулоса чиқариш қуйидаги схемада ифодаланилади:

S – P дир

S – P мас эмас

S – P мас эмас

ёки

S – P дир

Энди содда ҳукмларнинг ҳар бирини қай тарзда айлантиришлигини кўриб чиқамиз.

1). Умумий тасдиқловчи ҳукм (А) умумий инкорга (Е) айлантирилади.

Масалан: «Ҳамма балиқлар жабра билан нафас олади. Демак, ҳеч бир балиқ жабрасиз нафас олмайди». Бунинг схемаси: Ҳамма S – P (дир). Ҳеч бир S – P мас эмас.

2). Умумий инкор (Е) умумий тасдиқ ҳукмга (А) айлантирилади. Масалан: «Ҳеч бир ватангадо бахтли эмас. Демак, ҳамма ватангадолар бахтсиздир».

Схемаси: Ҳеч бир S – P эмас. / Ҳамма S – P сиздир.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳар қандай умумий инкор ҳукмлар айлантиришни талаб этавермайди. Шунингдек, шундай типдаги умумий ҳукмлар борки, улар ўз мазмунига (субъект ва предикат муносабатига кўра) инкор шаклидаги атрибутив ҳукмлар бўлиб, мазмунан тасдиқловчилардир. Масалан: «Ҳеч бир ёрдамчи сўз келишиқда турланмайди» ва б.

3) Якка-жузъий тасдиқловчи ҳукмлар (J) якка-жузъий-инкор ҳукм (O) га айлантирилади. Масалан: «Баъзи металллар сувдан енгилдир». «Баъзи металллар сувдан оғир эмас». Схемаси:

Баъзи S – P дир. Баъзи S – P мас эмас.

4) Якка-жузъий инкор (O) ҳукмлар якка жузъий тасдиқ ҳукмларга айлантирилади. Масалан: «Баъзи кимёвий моддалар катализаторсиз реакцияга киришмайди. Демак, баъзи кимёвий моддалар катализатор ёрдамида реакцияга киришади». Схемаси:

Баъзи S — P эмас. Баъзи S – P сиздир.

2. **Алмаштириш** деб бошланғич асоснинг субъект ва предикатлари ўрнининг ўзгартирилиши бўйича чиқариладиган бевосита хулосага айтилади. Бошқача қилиб айтганда, бунда натижа ҳукмнинг субъекти асоснинг предикати, предикати эса субъекти бўлиб келади. Масалан: «Ҳамма мустақил давлатлар БМТ аъзосидир. Ҳамма БМТ аъзолари мустақил давлатлардир». Схемаси:

Ҳамма S – P.


Ҳамма P – S.

Алмаштириш асос берилган ҳукм предикатининг ҳажми ва унинг субъектига бўлган муносабатини аниқлашда қўлланилалди. Шунинг учун мазкур усул тушунчаларни таърифлашда муҳим роль ўйнайди.

Алмаштириш асос – ҳукм терминларининг бўлинган ва бўлинмаганлигига оид қоидаларга риоя қилишни талаб этади. Чунки, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳулоса асослардаги субъект ва предикатларнинг ҳажмий муносабатига асосланилади. Шунга кўра алмаштириш икки турга ажратилади: содда ва чегаралаш бўйича алмаштириш.

Агар берилган асоснинг субъект ва предикатлари ҳажм жиҳатдан ўзаро тенг бўлса, у содда йўл билан алмаштирилади. Масалан: «Олмош от, сифат, сон ўрнида келадиган мустақил сўз туркумидир. Демак, от, сифат, сон ўрнида келадиган мустақил сўз туркуми олмошдир». Бунда субъект ва предикатларнинг ҳажми тенг, яъни мослик муносабатидадир. Схемаси: $S = P$.

Агар асоснинг субъект ва предикатлари ҳажман бир-бирига тенг бўлмаса, (бўйсунмиш муносабатида бўлса), унда у чегаралаш бўйича алмаштирилади. Масалан: «Мантиқ тафаккур ҳақидаги фандир» деган ҳукмни "Тафаккур ҳақидаги фан – бу мантиқдир" деб алмаштириб бўлмайди. Чунки субъект-«мантиқ» ва предикат- «тафаккур ҳақидаги фан» тушунчалари турлича ҳажмда бўлиб, предикат субъектни ҳажман ўзига бўйсундириб келаётир (23-расм).



23– расм

Сон ва сифат жиҳатдан бирлашиб келувчи содда ҳукмлар қуйидагича алмаштирилади:

1) Умумий тасдиқ ҳукм (А) жузъий (J) тасдиқ ҳукмларга алмаштирилади. Агар, юқорида таъкидлаганимиздек, асос атамалари тенг ҳажмда олинмаган


бўлса, бошланғич ҳукм чегараланиш бўйича, яъни А-Ј тарзида алмаштирилади. Ва бундан асосларда бўлинмаган атама хулосада ҳам бўлинмайди, деган қоида келиб чиқади. Масалан: «Ҳамма бақалар сувда ва қуруқликда яшайди» деган ҳукм «Баъзи сувда ва қуруқликда яшовчи ҳайвонлардан бири бақалардир», деб алмаштирилади. Чунки бунда асоснинг предикати бўлинмаган бўлиб, уни хулосада ҳам тўлиқ ҳажмда олиб бўлмайди. Шунинг учун у чегаралашни талаб этади. Бунинг схемаси: Ҳамма S – P дир. Баъзи P – S дир.

Субъект ва предикатларининг ҳажми тенг умумий тасдиқ ҳукмлар А – А тарзида ўзгаришсиз алмаштирилади. Масалан: «Ҳамма ижтимоий фанлар дунёқараш характериға эгадир» – «Ҳамма дунёқараш характериға эга фанлар ижтимоий фанлардир». Схемаси:

Ҳамма S – P дир, ҳамма P – S дир.

2) Якка – жузъий тасдиқ ҳукм худди шундай ҳукмга алмаштирилади. Масалан: «Баъзи талабалар аълочидир. Аълочиларнинг баъзилари талабалардир». Бунинг схемаси: Баъзи S - Pдир, Баъзи S - Pдир

24-расм



3) Умумий инкор ҳукм (E) яна умумий инкорга алмаштирилади. Масалан: «Ҳеч бир ёрдамчи сўз келишиқда турланмайди». Демак, «Келишиқда турланадиган сўзлар ёрдамчи сўзлар эмас».

Қўш инкорли умумий ҳукмнинг предикати хулосада ҳам айнан шундай, сифат жиҳатдан ўзгартирилмасдан алмаштирилади. Масалан: «Гуруҳимизнинг ҳамма талабалари ўзлаштирмовчилар эмас. Демак, ўзлаштирмовчиларнинг ҳеч бири гуруҳимиз талабалари эмас».

4) Якка-жузъий (O) инкор ҳукм алмаштирилмайди. Чунки бундай ҳукмнинг предикати бўлинмаган бўлиб, қоида бўйича ухулосада ҳам шундай ҳажмда бўлиши керак. Мазкур қоидаға риоя қилинмасдан жузъий ҳукм

алмаштириладиган бўлса, умумий инкор келиб чиқадики, у маъно жиҳатдан мавҳум бўлади. Мисол тариқасида қуйидаги жузъий инкор ҳукмини алмаштириб кўрайлик: «Баъзи металллар сувдан оғир эмас» деган ҳукм алмаштирилса, ундан «Ҳеч бир сувдан оғир бўлмаган моддалар металл эмас» деган нотўғри хулоса келиб чиқади.

3. **Предикатга қарама-қарши қўйишда** ҳукм бир пайтнинг ўзида ҳам айлантирилади, ҳам алмаштирилади. Ва бунда унинг предикати хулосанинг субъектига, субъекти эса предикатига сифати ўзгартирилган тарзда алмаштирилади. Бунда асос ҳукм олдин айлантирилиб (S нинг Р эмасга муносабати аниқланиб), сўнгра алмаштирилади (Р эмаснинг S га муносабати белгиланади). Масалан: «Ҳамма гуллар ўсимликлар оиласига киради. Демак, ҳеч бир ўсимликлар оиласига кирмаганлар гул эмас». Бунинг схемаси: Ҳамма S – Рдир. Ҳеч бир Р эмас S эмас.

Предикатга қарама-қаршиқўйишда: 1) Умумий тасдиқ ҳукм (А) умумий инкорга (Е) ўзгартирилади. Масалан: «Ҳамма демократик давлатлар парламент йўли билан бошқарилади. Демак, парламент йўли билан бошқарилмайдиган давлат демократик эмас». Яъни: Ҳамма S – Р эмас. Ҳеч бир Р мас S эмас.

2) Якка-жузъий тасдиқ ҳукм (J) ўзгартирилмайди.

3) Умумий инкор ҳукм (Е) якка-жузъий тасдиққа (J) ўзгартирилади. Масалан: «Ҳеч бир давлат фармони Президент имзосисиз кучга кирмайди. Демак, баъзи бир Президент имзосисиз кучга кирмайдиган фармонлар давлат фармонларидир». Бунинг схемаси: Ҳеч бир S – Р эмас. Баъзи Р эмаслар S дир.

4) Якка-жузъий инкор ҳукм (О) якка-жузъий тасдиқ ҳукмга (J) ўзгартирилади. Масалан: «Баъзи гувоҳлар балоғат ёшига етмаганлардир. Демак, баъзи балоғат ёшига етмаганлар гувоҳлардир». Бунинг схемаси: Баъзи S-Р эмас, баъзи Р-S дир.

Предикатга қарама-қарши қўйиш (ПҚК-қисқартирилган шаклда ёзилиши) унинг акси-субъектга қарама-қарши(СҚК-қисқартирилган шаклда) қўйиш шаклида бўлиши мумкин. Агар биринчиси (ПҚК) асос берилган ҳукмни олдин айлантириш сўнгра алмаштириш бўйича чиқарилса, кейингисиди (СҚК) аксинча,

асос дастлаб алмаштирилади, кейин айлантирилади. Масалан: «Ҳамма S-P» ППҚ бўйича айлантирилади. Асос: «Ҳамма товарлар ўз қийматига эга». 1. «Ҳеч бир товар қийматсиз бўлмайди. Ҳеч бир қийматсиз бўлмаганлар товар эмас». Субъектга қарама-қаршиқўйиш (СҚҚ) қуйидагича амалга оширилади: асос: «Ҳамма S-P дир». 1. Алмаштирилади: «Баъзи P-S дир». 2. Айлантирилади: «Баъзи P мас-S эмас». Масалан: «Ҳамма суверен давлатлардир ўз конституциясига эга», «Ўз конституциясига эга бўлган баъзи мамлакатлар суверен давлатлардир». 2. «Ўз конституциясига эга бўлмаган баъзи мамлакатлар суверен ҳисобланмайди».

4. «Мантикий квадрат» бўйича хулоса чиқариш.

Ҳукм ҳақидаги мавзуда «мантикий квадрат» (§4. 21-расмга қаранг) муҳокамалар орасидаги муносабатни ва шу асосда уларнинг чин ва хатолигини аниқлаш учун қўлланиладиган мантикий восита эканлигини таъкидланган эди. «Мантикий квадрат» бўйича хулосалар ҳукмларнинг ўзаро муносабатига кўра чиқарилади.

1. Зидлик муносабатидан чиқариладиган хулосалар: А-О, Е-Ж. Бизга маълумки, ҳукмлар орасидаги зидлик муносабати учинчисини мустасно қонуни талабига бўйсунди: бир-бирига зид бўлган икки ҳукмнинг бири доимо чин, иккинчиси хато, учинчисига ўрин бўлмайди. Шунга кўра бир ҳукмнинг чинлигидан унга зид бўлган ҳукмнинг хатолиги бевосита келиб чиқади. Масалан: «Ҳамма мустақил давлатларнинг ўз валютаси бор», деган умумий тасдиқ (А) ҳукмдан «Баъзи мустақил давлатлар ўз валютасига эга эмас», деган жузъий инкор (О) ҳукмнинг хатолиги заруран келиб чиқади. Ва аксинча, кейингисининг, жузъий инкор ҳукмнинг чинлигидан умумий тасдиқловчи ҳукмнинг хатолиги келиб чиқади. А-О умумий тасдиқловчининг хатолигидан жузъий инкорнинг чинлиги келиб чиқади. Жузъий тасдиқ (Ж) ҳукмнинг чинлигидан умумий инкор (Е) ҳукмнинг хатолиги келиб чиқади ва аксинча, умумий инкор ҳукмнинг чинлигидан жузъий тасдиқловчининг хатолиги келиб чиқади. Масалан: «Баъзи ўсимликлар ҳашоратлар билан озикланадилар», деган ҳукмнинг чинлигидан «Ҳеч бир ўсимлик ҳашоратлар билан озикланмайди», деган умумий инкор ҳукмнинг хатолиги келиб чиқади. Бунда хулоса қуйидаги схема бўйича чиқарилади:

$A \rightarrow O$

$E \rightarrow J$

А нинг чинлигидан О нинг хатолиги келиб чиқади; умумий инкорнинг чинлигидан жузъий тасдиқ ҳукмининг хатолиги келиб чиқади, умумий инкорнинг хатолигидан жузъий тасдиқнинг чинлиги келиб чиқади. Масалан: «Ҳеч бир ўсимлик ҳашаротлар билан озикланмайди» деган ҳукмининг хатолигидан "Баъзи ўсимликлар ҳашаротлар билан озикланадилар" деган ҳукмининг чинлиги келиб чиқади.

2. Қарама-қаршилик муносабатидан чиқариладиган хулоса: $A \leftrightarrow E$. Мазкур муносабат талабига кўра, бир ҳукмининг чинлигидан унга қарама-қарши ҳукмининг хатолиги келиб чиқди. Лекин уларнинг бирининг хатолигидан иккинчисининг чинлиги келиб чиқмайди. Масалан: «Ҳамма президентлар халқ томонидан сайланади» (А) деган ҳукмининг чинлигидан «Ҳеч бир президент халқ томонидан сайланмайди» (Е) деган ҳукмининг хатолиги келиб чиқади. Аммо умумий тасдиқловчи ҳукмининг хатолигидан («Ҳамма ёрдамчи сўзлар келишиқда турланади»), унга қарама-қарши ҳукмининг («Ҳеч бир ёрдамчи сўз келишиқда турланмайди»)чинлиги келиб чиқмайди.. Ҳукмлар орасидаги қарама-қаршилик муносабати нозидлиқ қонунига бўйсунди. Бунда хулоса қуйидаги схема бўйича чиқарилади: $A \rightarrow E$ (А-чин бўлса, Е-хато), $E \rightarrow$ (Е чин бўлса, А-хато); А ва Е нинг хатолигидан унга қарама-қарши ҳукмларнинг чинлиги келиб чиқмайди:

$A \rightarrow ? \quad E \rightarrow ?$

3. Қисман мослик муносабатидаги ҳукмлардан чиқариладиган хулоса: $J - O$. Бунда бир ҳукмининг хатолигидан унга қарама – қарши иккинчисининг хатолиги келиб чиқади, лекин уларнинг бирининг чинлигидан айни пайтда иккинчисининг ҳам хатолигини, ҳам чинлигини келтириб чиқариш мумкин. Шунга кўра уларнинг ҳар иккаласи ҳам чин бўлиши мумкин. Бунда хулоса қуйидаги схема бўйича чиқарилади: $\tilde{J} \rightarrow O$; $\tilde{O} \rightarrow J$ (яъни жузъий тасдиқ ҳукм хатолигидан жузъий инкор ҳукмининг чинлиги ва жузъий инкор ҳукмининг хатолигидан жузъий тасдиқ ҳукмининг чинлиги келиб чиқади. Лекин $J \rightarrow ? \quad O \rightarrow ?$ (яъни: жузъий тасдиқ ва жузъий инкор ҳукм чинлигидан уларга қарама-қарши ҳукмининг чинлиги ва

хатолиги келиб чиқмайди). Масалан: «Баъзи планеталар Қуёш атрофида айланмайди» деган ҳукмнинг хатолигидан «Баъзи планеталар қуёш атрофида айланади» деган ҳукмнинг чинлиги келиб чиқади. (Лекин «Баъзи сув ҳайвонлари тухум қўйиш билан урчийдилар» деган ҳукмнинг чинлигидан унга қарама-қарши «Баъзи сув ҳайвонлари тухум қўйиш билан урчимайдилар», деган ҳукм айтилиши ҳам чин, ҳам хато бўлиши мумкин.

4. Бўйсунуш муносабатида бўлган ҳукмлардан чиқариладиган ҳулоса. ($A \rightarrow J$, $E \rightarrow 0$). Бунда бўйсундирувчи (A , E) ҳукмларнинг чинлигидан бўйсунувчи ($J, 0$) ҳукмларнинг чинлиги келиб чиқади, лекин аксинча бўлмайди. Масалан: «Ҳамма миллатлар ўзининг тил ва маданият бирлигига эга» деган бўйсундирувчи ҳукмнинг чинлигидан «Ўзбек миллати ўзининг тил ва маданият бирлигига эга» деган бўйсунувчи –ҳукм-ҳулоса келиб чиқадики, унинг чинлигига шубҳа йўқ. Лекин «Баъзи фермер хўжаликлари маҳсулот ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка эриша олмаётирлар», деган бўйсунувчи ҳукмдан «Ҳамма фермер хўжаликлари маҳсулот ишлаб чиқаришда юқори самарадорликка эриша олмаётирлар» деган ҳулоса чиқариб бўлмайди. Бунинг схемаси: $A \rightarrow J$; $E \rightarrow O$ (Умумий тасдиқ ва умумий инкор ҳукмлардан жузъий тасдиқ ва жузъий инкор ҳукмларнинг чинлиги келиб чиқади, аксинча бўлмайди).

Бўйсунувчи ҳукмнинг хатолигидан бўйсундирувчи ҳукмнинг хатолиги келиб чиқади, аксинча бўлмайди, яъни бўйсундирувчи ҳукмнинг хатолигидан бўйсунувчи ҳукмнинг хатолиги заруран келиб чиқмайди: у чин ҳам, хато ҳам бўлиши мумкин. Масалан: «Баъзи суверен давлатлар ўз валютасига эга эмас» деган ҳукмнинг хатолигидан «Ҳеч бир суверен давлат ўз валютасига эга эмас», деган ҳукмнинг хатолиги келиб чиқади.

Лекин «Ҳамма гувоҳлар тўғри кўрсатма беради», деган ҳукмнинг хатолигидан унга бўйсунувчи «Баъзи гувоҳлар тўғри кўрсатма беради» деган ҳукм чин ҳам, хато ҳам бўлиши мумкин. Бунинг схемаси: $\tilde{J}-\tilde{A}$ (жузъий тасдиқловчи (J) - бўйсунувчи ҳукмнинг хатолигидан бўйсундирувчи ҳукмнинг (A) хатолиги келиб чиқади); $\tilde{O} \rightarrow \tilde{E}$ (бўйсунувчи жузъий инкор ҳукмнинг хатолигидан бўйсундирувчи ҳукмнинг (E) хатолиги келиб чиқади). $A \rightarrow ?$, $E \rightarrow ?$ (Бўйсундирувчи

ҳукмларнинг хатолигидан бўйсунувчи ҳукмларнинг чин ва хатолиги заруран келиб чиқмайди).

«Мантиқий квадрат» бўйича чиқариладиган хулоса қўйидаги схемада ифодаланади: (26-расм)



26-расм

А – О; Е- J - зидлик муносабатидан: $A \rightarrow \tilde{O}$; $\tilde{A} \rightarrow O$, $E \rightarrow \tilde{J}$; $\tilde{E} \rightarrow J$

А – Е - Қарама-қаршилик муносабатидан: $E \rightarrow \tilde{A}$; $\tilde{A} \rightarrow ?$ $E \rightarrow ?$

J – О - қисман мослик муносабатидан: $\tilde{J} \rightarrow O$; $\tilde{O} \rightarrow J$; $J \rightarrow ?$, $O \rightarrow ?$

А - J, Е – О - бўйсунуш муносабатидан: $A \rightarrow J$; $E \rightarrow O$; $J \rightarrow ?$, $O \rightarrow ?$

Умумий хулосалар.

1. Хулоса чиқариш тафаккурнинг мураккаб шакли бўлиб, унинг воситасида янги билимлар берувчи ҳукмлар келтириб чиқарилади. Хулосалар ҳукмларни ўзаро мантиқан боғлаш асосида келтириб чиқарилади.

2. Ҳукмларнинг ўзаро қатъий қоидалар бўйича боғланиши ва ҳосил қилинган, натижа – ҳукмлар чинлигининг даражасига кўра хулоса чиқариш икки турга ажратилади: зарурий ва эҳтимолий. Зарурий хулоса чиқариш дедукция ва тўлиқ индукция шаклларида бўлади. Тўлиқсиз индукция ва аналогия (тамсил) эҳтимолий хулоса чиқаришнинг шакллари дидир.

3. Дедуктив хулоса чиқариш умумийликнинг хусусият, белгиларини ўрганиш асосида унинг таркибий қисмлари – якка, алоҳидалик ҳақида хулоса чиқарилади. Бунда муайян қоидаларга, мантиқий келтириб чиқаришнинг қатъий

талабларига риоя қилинади. Дедуктив хулоса чиқаришда субъект ва предикат муносабатлари ва уларнинг мантикий боғламлари ҳисобга олинади. Бунда хулоса битта асос ҳукмдан чиқариладиган бўлса, у бевосита, агар икки ва ундан ортиқ ҳукмлардан келтирилиб чиқарилса, воситали дедуктив хулоса ҳисобланади.

3§ Катъий силлогизм

Икки ва ундан ортиқ, оддий ва мураккаб ҳукмларнинг ўзаро мантикий боғланишидан келтириб чиқариладиган хулоса воситали дедуктив хулоса ҳисобланади. Воситали дедуктив хулоса чиқаришнинг алоҳида тури силлогизм (юнон. syllogismos- ҳисоблаш) деб юритилади. Гарчи силлогизмнинг мураккаб фикр юритиш шакли сифатидаги моҳияти дастлаб юнон мутафаккири Аристотель томонидан очиб берилган бўлса-да, мазкур атамани биринчи бўлиб фанга олиб кирган киши юнон файласуфи Платон (эрамизгача 427-347) ҳисобланади. У ўзининг «Теэтет» номли рисоласида «Билим руҳий тасаввурларда эмас, балки у ҳақидаги хулосаларда (силлогизмда) мужассамлашган бўлади», деб ёзади. Шунга кўра Платоннинг мантикий ҳарашлари, хусусан, хулоса чиқариш ҳақидаги фикрлари Аристотельнинг силлогистик таълимотининг яратилишида муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Аристотель ўзининг «Биринчи аналитика», «Иккинчи аналитика», «Топика» деган мантиқ илмига оид асарларида силлогизмнинг муайян қонунларга бўйсунувчи фикрлаш, хулоса чиқариш шакли эканлигини очиб беради ¹.

Силлогизм таркибида учта ҳукм бўлиб, улардан икkitаси катта ва кичик асослар ва бири хулоса деб юритилади. Асослар учта тушунча (атама)дан иборат бўлади. Силлогизмнинг биринчи асоси одатда умумий (А, Е) ҳукм бўлганлиги сабабли катта асос, иккинчи асос яқка ёки жузъий бўлганлиги сабабли кичик асос деб юритилади.

¹ Қаранг: Аристотель. Соч. в 4 томах, Т. 2, -М.: «Мисль», 1978, стр. 117-533.

Асосларнинг таркибидаги тушунча (атама)ларнинг ҳажми ва асосларда тутган ўрни, вазифаси ҳар хил бўлиб, улар катта, кичик ва ўрта атамалар деб юритилади.

Катта атама «Р» ҳарфи (лотинча *predikat* кесим), кичик атама «S» ҳарфи (лотинча *subekt* -эга) ва ўрта атама «М» ҳарфи билан (лотинча *medius*-ўрта) белгиланади. Мазкур атамалар фақат ҳажмий нисбатларига қараб эмас, балки айна пайтда хулоса чиқаришда бажарадиган вазифалари билан ҳам бир-биридан фарқланади.

Ўрта атама (М)- бу ҳар икки асосда иштирок этиб, уларни ўзаро мантиқан боғлаб, хулосада тушиб қолувчи тушунчадир. Кичик атама (S)-деб доимо хулосанинг субъекти ўрнида келиб, кичик асосда эга (субъект) ёки кесим (предикат) вазифасини ўтайдиган тушунчага айтилади.

Катта атама (Р)- доимо хулосанинг предикати ўрнида келиб, катта асосда эга (субъект) ёки кесим (предикат) вазифасини бажариб келади. Масалан: «Ҳамма планеталар ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланади».

Сатурн – планета

Демак, Сатурн ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланади».

Мисолимизда ўрта атама: «планета», кичик атама: «Сатурн», катта атама: "Ўз ўқи ва Қуёш атрофида айланади". Атама тушунчадан фарқ қилиб, муҳокамада силлогизмда бир маънода қўлланилади.

Силлогизмда ўрта атама мантиқий келтириб чиқариш вазифасини ўтайди, чунки унинг воситасида асослар ўзаро боғланади ва янги билим берувчи учинчи ҳукм келтирилиб чиқарилади.

Масалан: «Ҳамма мустақил давлатларнинг ўз валютаси бор. Ўзбекистон мустақил давлатдир.

Ўзбекистон ўз валютасига эга».

Ушбу мисолда асосларни ўзаро боғловчи тушунча-ўрта атама «мустақил давлат»дир. Агар мазкур атама биринчи ва иккинчи асосларда такрорланиб келмаганда эди, уларнинг ўзаро боғланиши ва хулосаларнинг келиб чиқиши мумкин бўлмаган бўлар эди.

4§ Силлогизм аксиомаси


Ўрта атама орқали ҳукмларнинг ўзаро боғланишида уларда акс этаётган буюм, ходисалар ўртасидаги яккалик, хусусийлик ва умумийлик муносабатлари ифодаланди. Мазкур муносабатнинг мантикий ифодаланиши силлогизм аксиомаси(юнон.-исбот талаб қилинмайдиган қоида) деб аталади. Бунга кўра: агар маълум бир белги, хусусият муайян жинс (умумийлик) учун хос бўлса, улар мазкур жинснинг ҳамма турлари учун ҳам тааллуқлидир. Шунингдек, белги, хусусият муайян жинс учун хос бўлмаса, улар шу жинс турлари учун ҳам тааллуқли эмасдир. Масалан, хужайрали тузилиш тирик организм (умумийлик) учун хос хусусият экан, мазкур хусусият унинг барча турлари учун ҳам тааллуқлидир. Шунга кўра айтиш мумкинки, силлогизм аксиомаси асосларнинг зарурий, яъни қонуниятли боғланишини ифодалайдики, бу атрибутив ва ҳажмий тамойил бирлигида ифодаланди. Ушбу тамойилга кўра, нарсa белгисининг белгиси шу нарсанинг белгисидир, нарсанинг белгисига зид белги шу нарсa учун ҳам зиддир. Агар Р белги М нарсa учун хос бўлса, М ўз навбатида S предметнинг белгиси бўлса, унда у Р S нинг ҳам белгисидир. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, белгининг белгиси бўлган Р нарсанинг S белгисидир.

Масалан, юқори температурада эриш (Р) металлларнинг (М), металл эса темирнинг (S) хусусияти эканлигидан юқори температурада эриш темирнинг ҳам хусусияти, белгисидир, деб хулоса чиқарилади.

Яъни: «Ҳамма металллар юқори температурада эрийди.

Темир – металл. Демак, темир юқори температурада эрийди».

Бунинг схемадаги ифодаси (27-расм:.



27-расм

Агар муайян (S) предмети M белгисига эга бўлса, лекин P белгиси M га зид бўлса, унда P белгиси S га ҳам зиддир. Масалан, физика фанининг (S) муҳим белгиси аниқ фан эканлиги (M), аниқ фанлар эса мафкуравий функцияга эга эмаслигидан мазкур фан (S) мафкуравий функцияни бажармайди, деган хулоса келиб чиқарилади. Яъни:

«Ҳеч бир аниқ фанлар мафкуравий функцияга эга эмас.

Физика-аниқ фан.

Демак, физика мафкуравий функцияга эга эмас».

Силлогизм аксиомасининг ҳажмий тамойилига кўра, муайян жинсининг тасдиқ ёки инкори унинг барча турларига ҳам тааллуқлидир. Буни юқорида келтирилган ҳар икки мисолда кўриш мумкин.

Силлогизмда хулоса асослари оддий(содда) катъий ҳукмнинг қандай тури (A, E, I, O) эканлиги ва уларда атамаларнинг субъект ва предикат ўрни - вазифасида келишлигига кўра чиқарилади ва бу муайян қоидаларига риоя қилишни талаб этади. Акс ҳолда чиқариладиган хулосалар хато, ноаниқ бўлади. Ушбу қоидалар икки турга ажратилади: силлогизмнинг умумий қоидалари ва силлогизм фигураларининг махсус қоидалари.

5§ Силлогизмнинг умумий қоидалари

1. Силлогизмда доимо учта (катта, кичик, ўрта) атама (тушунча) бўлиши керак. Мазкур қоида талаби шундан иборатки, ўрта атама (M) асосларда ўзининг муайян мазмунини ўзгартирмаслиги керак. Бошқача қилиб айтганда, асослар ўзаро айният қонунининг талаби бўйича боғланиши зарур. Ушбу қонун бузилса, асосларда атамаларнинг маъноси ўзгариб ноаниқ, мажҳул хулосалар келиб чиқади. Масалан: «Организм оқсил моддалардан ташкил топгандир. Жамият организмдир», деган асослардан «Жамият оқсил моддалардаг ташкил топган», деган мантиқсиз хулоса келиб чиқади. Чунки бунда биринчи ҳукм асосидаги "организм"-биология фани тушунчаси тарзида, иккинчи-асосда эса "тизим", яъни фалсафий маънода қўлланилмоқца.

2. Ўрта атама ҳеч бўлмаганда асосларнинг бирида бўлинган, яъни тулик ҳажмда олинган бўлиши керак. Масалан:

«Баъзи ҳуқуқшунослар прокурорлардир.

Каримов-ҳуқуқшунос.

Демак, у-прокурор».

Бунда чиқарилган хулоса нотўғри, чунки ўрта атама «ҳуқуқшунослар» ҳар икки асосда ҳам бўлинмаган. Маълумки, жузъий ҳукмда субъект ва предикатларнинг ҳажми тўлиқ олинмаган – бўлинмаган бўлади. («Ҳукм» мавзусининг §2 га қаранг).

Агар ўрта атама асосларнинг ҳар иккаласида ҳам бўлинмаган бўлса, у ҳолда биринчи асосда ўрта атама – субъект ҳажмининг бир қисми, иккинчи асосда – предикат ўрнида келиб, бошқа қисми ҳақида фикр юритилади ва натижада у мантикий боғловчи вазифасини ўтай олмайди.

3. Агар силлогизмнинг субъект ва предикатлари асосларда бўлинмаган бўлса, хулосада ҳам бўлинмаган бўлиши керак.

Масалан: «Ҳарорати юқори киши касал ҳисобланади.

Бу кишининг ҳарорати йуқ.

Демак, бу киши касал эмас».

Бунда хулоса заруран келиб чиқмайди. Чунки киши юқори ҳароратли бўлмаса-да, касал бўлиши мумкин, бунда хулоса ноаниқлигининг сабаби шундаки, катта ва кичик асосларнинг субъект ва предикатлари («касал», «бу киши») бўлинмаган (жузъий тасдиқ ҳукмларда S, P ҳажмлари бўлинмаган бўлади). Хулосада эса уларнинг бири «касал» атамаси бўлинган тарзда олинаётир. (О-ҳукмида P бўлинган бўлади).

4. Агар силлогизм асосларининг бири инкор ҳукм булса, унда чиқарилган хулоса ҳам инкор бўлади. Масалан: «Ҳеч бир турдош от катта ҳарф билан ёзилмайди, «Маънавият» сўзи – турдош от. Демак, «Маънавият» сўзи катта ҳарф билан ёзилмайди.

5. Асосларнинг бири жузъий ҳукм бўлса, хулоса ҳам жузъий бўлади.

Масалан: «Ҳамма металллар электр токи ўтказди. Баъзи қотишмалар металлдир. Демак, баъзи қотишмалар металлдир.

6. Иккита инкор ҳукмдан хулоса чиқариб бўлмайди-асосларнинг бири доимо тасдиқ ҳукм бўлиши зарур. Чунки бунда силлогизм аксиомасига риоя қилинмаган бўлади.

6 § Силлогизм фигуралари ва модуслари

Силлогизмда хулоса унинг турли фигуралари бўйича чиқарилади. Бунда ҳукм асосларнинг таркибидаги атама (тушунча)ларнинг ҳажмий муносабати, уларнинг сон ва сифат жиҳатидан турлари ва муайян қоидалари бўйича боғланиши ҳисобга олинади. **Силлогизм фигуралари (шакллари)** деб ўрта атаманинг асосларда субъект предикат ўрнида жой алмаштириб келиши бўйича чиқариладиган хулоса турларига айтилади. Шунга кўра силлогизмнинг тўртта фигураси мавжуд.

Хулосаларнинг муайян силлогизмда фигуралар бўйича чиқарилишининг қонуниятини биринчи бўлиб Аристотель очиб берган эди. У ўзининг «Биринчи аналитика» ва «Иккинчи аналитика» асарларида силлогизмнинг учта фигураси хусусида батафсил фикр юритади.

Силлогизм фигуралари инсон мантикий фикр юритишининг атрибутив хусусияти бўлиб, уларга, одатда, кишилар муҳокама юритишда ўзлари англамаган тарзда амал қиладилар. Уларнинг тамойилларини яхши билиш ва қўллай билиш мантикий муҳокама юритишнинг зарурий шартидир. Шунинг учун ҳам силлогизм фигуралари илмий билишнинг ўзига хос усуллари вазифасини ўтайди.

Ҳар бир силлогизмнинг фигураси ўзига хос модусларига (лотинча-modus-ўлчов, усул)га эга. Силлогизм модуслари деб асослар, яъни сон ва сифат жиҳатидан турлича фарқланадиган содда ҳукмларнинг (А, J, Е, О) силлогизмнинг умумий ва фигураларига тааллуқли махсус қоидалари бўйича ўзаро боғланиши бўйича чиқариладиган хулосалари билан фарқланадиган силлогизм турларига айтилади. **Силлогизм модуслари** асосларнинг муайян усуллар бўйича боғланишларидан чиқариладиган хулосаларнинг турларидир. Силлогизмнинг барча фигураларида асослар фақат қуйидаги 19 хил усулдаги боғланишда чин бўлади:

1-фигурада-AAA, EAE, AJJ, EJ0

2-фигурада - EAE, AEE, EJO, AOO

3-фигурада-AAJ, JAJ, AJJ, EAO, OAO, EJJ

4-фигурада-AAJ , AEE, JAJ, EAO, EJO.

Силлогизм фигураларининг модусларини бир-биридан фарқлаш ва эсда қолдириш мақсадида (анъанавий мантикда) уларнинг ҳар бирини махсус ном билан аташ қабул қилинган.

1-фигураники: Barbara, Celarent, Dari, Feriko


2-фигураники: Cesare, Camestres, Festino, Barokko;

3-фигураники: Darapti, Disamis, Datisti, Felapton, Bocardo, Ferison

4-фигураники: Bramalip, Camenes, Dimaris, Fesapo, Fresion.

Ушбу номлардаги унли ҳарфлар силлогизм таркибидаги асослар ва хулосани ифодалайди. Масалан, «Barbara» даги 1- ва 2- А-ҳарфлари асосларни, 3- А эса хулосани англатади. Энди силлогизм фигуралари ва уларнинг модусларининг ҳар бири устида алоҳида тўхталамиз.

Силлогизмнинг биринчи фигурасида ўрта атама (М) катта асоснинг субъекти, кичик асоснинг предикати ўрнида келади. Бу қуйидаги схемада ифодаланилади:



Ўрта атаманинг асосларда бундай ўрин олиши уларнинг ўзаро . модусларда боғланишини белгилайди: AAA; EAE; AJJ; EJO.

Бундан мазкур фигуранинг қуйидаги махсус қондаси келиб чиқади:

Катта асос умумий (А, Е), кичик асос тасдиқ (J, А) ҳукмлар бўлиши зарур. Масалан: «Ҳамма сут эмизувчи ҳайвонлар (М) умуртқалидир (Р).

Кит (Р) сут эмизувчидир (М)

Кит (S) умуртқалидир (Р)».

Мазкур қонданинг бузилиши нотўғри хулоса чиқаришга олиб келади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун ушбу қоида талабига ҳилоф фикр юритиб кўрайлик. Масалан: «Баъзи сут эмизувчи ҳайвонлар сувда яшайди.

Балиқ сут эмизувчи эмас.

Демак, балиқ сувда яшамайди».

Ушбу мисолда силлогизм фигурасининг махсус қондаси бузилаётир: катта асос жузъий, кичик асос инкор тарзида келтирилмоқца. Агар кичик асос инкор ҳукм бўладиган бўлса, хулоса ҳам инкор бўлади. (силлогизмнинг умумий қондасига мувофиқ). Бу ҳолда унинг предикати («сувда яшамайди») ҳам бўлинган бўладики, (силлогизмнинг умумий қондасига мувофиқ), у ҳолда предикат (катта атама) нинг ҳажми асосда ҳам бўлинган бўлиши зарур. Лекин мисолимизда катта асос жузъий бўлиб, унинг предикати бўлинмагандир (маълумки, жузъий тасдиқ ҳукмда предикат доимо бўлинмаган бўлади). Бу эса силлогизмнинг «асосларда бўлинмаган атама хулосада ҳам бўлинмаган бўлиши керак», деган умумий қондасига зиддир.

Ушбу фигурада хулосалар қуйидаги модуслар бўйича чиқарилганда чин бўлади: **ААА, ЕАЕ, АЈЈ, ЕЈ0**.

Ушбу модуслардаги асосларнинг ўрни алмаштирилганида эса хулосалар нотўғри ёки ноаниқ бўлади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун ААА модусини АЕА гарзида ўзгартириб кўрайлик. Бу ҳолда биринчи фигуранинг «Кичик асос тасдиқловчи ҳукм бўлиши керак», деган махсус қондасини бузган бўламиз ва ундан чиқариладиган хулоса хато бўлади. Масалан:

А Ҳамма материалистлар (М) илоҳийликни инкор этадилар (Р)

А Дуалистлар (S) материалист (М)- эмас.

А Демак, дуалистлар (S) илоҳийликни инкор этадилар (Р).

Бунда хулоса нотўғри, чунки дуалистлар илоҳийликни инкор этмайдилар. Энди силлогизм биринчи фигурасининг қолган модусларини ҳам мисоллар бўйича кўриб чиқайлик.

ЕАЕ- Селagent модуси.

Е – Ҳеч бир ёрдамчи сўзлар (М) келишида турланмайди (Р).

А – Кўмакчилар (S) ёрдамчи сўзлардир (M).

Е Демак, кўмакчилар (S) келишида турланмайди (P).

AJJ –Darī модуси.

А – Барча ахлоқий тамойиллар (M) умуминсоний аҳамиятга эга (P).

Ј – Баъзи эстетик категориялар мазмуни (S) ахлоқий тамойиллар орқали англашилади (M).

Демак, баъзи эстетик категориялар мазмуни умуминсоний аҳамиятга эга .

EJO – Feriо модуси.

Е «Ҳозирги даврнинг ҳеч бир глобал муаммолари (M) жаҳон ҳамжамияти ҳамкорлигисиз ҳал бўлмайди (P).

Ј Баъзи минтақавий муаммолар (S) ҳозирги даврнинг глобал муаммоси ҳисобланади (P).

О Демак, баъзи минтақавий муаммолар (S) жаҳрн ҳамжамиятининг. ҳамкорлигисиз ҳал бўлмайди (P).

Юқорида кўриб чиқилган биринчи фигура модусларининг схемаси:

MAP MAP MEP MEP

SAM SJM SAM SJM

SAP SJP SEP SOP

Силлогизмнинг иккинчи фигурасида ўрта атама катта ва кичик асосларнинг предикати ўрнида келади. Яъни:

P----- M
S----- M

S - P эмас.

Мазкур фигуранинг қуйидаги иккита қоидаси мавжуд: 1) катта асос умумий ҳукмлар (А, Е); 2) асосларнинг бири инкор (Е, О) ҳукм бўлиши керак. Масалан:

«А- Ҳамма табиат қонунлари (P) стихияли амал қилади (M).

О – Қиймат қонуни (S) стихияли амал қилмайди (M).

О – Қиймат қонуни (S) табиат қонуни эмас» (P).

Мазкур қонуннинг бири бузилса, хулоса хато ёки ноаниқ бўлади. Масалан:

А – «Металлар электр токи ўтказди.

J - Сув металлди

J- Сув электр токи ўтказди.

Кўриниб турибдики, бунда асосларнинг бири инкор ҳукм бўлиши керак, деган қоида бузилиб, катта ва кичик асослар тасдиқловчи ҳукмлар сифатида олинмоқдаки, улардан чиқарилаётган хулоса ҳам хатодир.

Иккинчи фигуранинг қуйидаги тўртта модуси бор: **ЕАЕ АЕЕ ЕЈО**
АОО

РЕМ РАМ РЕМ РАМ

SAM SEM SJM SOM

SEP SEP SOP SOP

Энди ушбу модусларга мисоллар келтирамиз.

АОО – Barokko модуси.

А – «Умуминсоний олий қадриятларни ўзида мужассамлаштирган ғояларгина(Р) кишиларнинг эътиқодига айланади (М).

О – Коммунистик мафкура (S) етмиш йил давомида кишиларнинг эътиқодига айланмади (М)

О --- Демак, коммунистик мафкура (S) умуминсоний олий ва қадриятларни мужассамлаштирамаган ғоядир (Р).

ЕАЕ – Cesare модуси.

Е – Ҳеч бир тоталитар давлат (Р) фуқаролик жамиятига кўтарила олмайди (М). А – Фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш тамойилига амал қиладиган давлатлар (S) фуқаролик жамиятига кўтарила оладилар (М).

Е – Демак, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш тамойилига амал қиладиган давлатлар тоталитар давлат эмас.

АЕЕ – Camestres модуси.

А- Ҳамма товарлар (Р) ўз қиймати ва баҳосига эга (М).

Е – Меҳнат сарфланмаган ҳеч бир нарсалар(S) ўз қиймати ва баҳосига эга эмас (М).

А – Демак, меҳнат сарфланмаган ҳеч бир нарса (S) товар ҳисобланмайди (М).

ЕЮ- Festino модуси.

Е – Ҳеч бир агностиклар (Р) дунёни билишни тан олмайди (М).

Ј - Баъзи идеалистлар (S) дунёни билишни тан оладилар (М).

О – Демак, баъзи идеалистлар агностик эмас.

Силлогизмнинг учинчи фигурасида ўрта атама катта ва кичик асосларнинг субъекти ўрнида келади.

Яъни:
$$\begin{array}{c} \text{М} \text{-----} \text{Р} \\ | \\ \text{М} \text{-----} \text{S} \\ \hline \text{S} - \text{Р} \end{array}$$

Унинг махсус қоидаси қуйидагича: кичик асос тасдиқ (А,Ј), хулоса жузъий ҳукм (О, Ј) бўлиши керак.

Масалан: А – Санъат (М) ижтимоий онг шаклидир.(Р)

А- Санъат (М) эстетик тарбия воситасидир(S).

Ј- Демак, баъзи эстетик тарбия воситаси (S)ижтимоий онг шаклидир.(Р).

Силлогизмнинг учинчи фигураси қуйидаги олти та модусга эга: **AAJ JAJ AJJ EAO OAE EJO.**

MAP M1P MAP MEP MOP MEP

MAS MAS MJS MAS MAS MJS

SJP SJP SJP SOP SOP SOP

Силлогизмнинг учинчи фигурасининг ушбу модуслари бошқа фигуралардаги каби силлогизмнинг умумий ва махсус қоидаларига риоя қилинган ҳолда юзага келади.

Бунга ишонч ҳосил қилиш учун мазкур фигуранинг махсус қоидасини бузган ҳолда хулоса чиқариб кўрайлик. Масалан:

А – “Ҳукм тафаккур шаклидир.

О – Ҳукм тушунча эмас.

О – Тушунча тафаккур шакли эмас”.

Бу ерда чиқарилаётган хулоса нотўғри, чунки кичик асос қоидага хилоф тарзда тасдиқ эмас, балки сифат жиҳатдан инкор ҳукмдир.

Энди ушбу фигура модусларини мисолларда кўриб чиқамиз.

AA J – Darapti модуси.

A – “Ҳамма материалистлар (M) даҳрийлардир (P).

A – Ҳамма материалистлар (M) оламнинг субстанциясини моддийлик
ташқил этади деб ҳисоблайдилар (S)

J – Демак, баъзи оламнинг субстанциясини моддийлик ташқил этади, деб
ҳисобловчилар (S) даҳрийлардир (P)”.

JA J – Disamis модуси.

J – “Баъзи сут эмизувчи ҳайвонлар (M) сувда яшайди.

A – Ҳамма сут эмизувчи ҳайвонлар (M) умуртқалидир.

J – Демак, баъзи умуртқали ҳайвонлар (S) сувда яшайди (P).”

A J J – Datisti модуси.

A – “Барча санъат турлари(M) эстетик тарбия воситаси ҳисобланади (P). J –
Баъзи санъат турлари (M) мафкуравий вазифани ўтайди (S).

J – Демак, баъзи мафкуравий вазифани ўтовчи санъат турлари (S) эстетик
тарбия воситаси ҳисобланади (P)”.

ЕАО – Felapton модуси.

E – “Ҳеч бир ёрдамчи сўзлар (M) келишиқда турланмайди (P).

A- Ҳамма ёрдамчи сўзлар (M) гапда боғловчи, кўмақчи вазифасини
бажаради (S)”

O- Демак, гапда боғловчи, кўмақчи вазифасини бажарувчи баъзи сўзлар (S)
келишиқда турланмайди (P)”.

ОАО – Bocardo модуси.

O- "Баъзи ахлоқий меъёрлар (M) ҳуқуқий қонун – қоидалар тарзида амал
қилади(P).

A- Барча ахлоқий меъёрлар (M) ахлоқий маданиятнинг таркибий
қисмларидир(S).

О- Демак, баъзи ахлоқий маданиятнинг таркибий қисмлари(S) ҳуқуқий қонун – қоидалар турзида амал қилади(P)".

Силлогизмнинг тўртинчи фигурасида ўрта атама катта асоснинг предикати, кичик асоснинг субъекти ўрнида келади. Бунинг схемаси:

P----- M
|
M----- S
S-----P

Мисол: Мантиқ (P) фалсафий фандир (M)

«Фалсафа (M) дунёқараш характериға эға бўлган фан (S).

Дунёқараш характериға эға бўлган фанлардан (S)бири мантиқдир (P)».

Ушбу фигуранинг қоидаси: Агар катта асос тасдиқловчи бўлса, унда кичик асос умумий бўлиши керак. Агар асосларнинг бири инкор бўлса, катта асос умумий бўлади. (Лекин буларни қатъий қоида деб бўлмайти).

Тўртинчи фигуранинг қуйидаги бешта модуси мавжуд: **AAJ AEE JAJ EAO EJO.**

РАМ РАМ Р J M PEM PEM

MAS MES MAS MAS MJS

SJP SEP SJP SOP SOP

Кўриниб турибдики, мазкур фигуранинг асос ва хулосалари боғланиши қатъий қоидадини кўрсатиш қийин. Шунинг учун тўртинчи фигура муҳокама юритишда кам қўлланилади. Чунки ушбу фигура аслида биринчи фигуранинг ўзгартирилган шакли ҳисобланади. Буни келтирилган ушбу мисолда яққол кўришимиз мумкин.

А- «Хамма фалсафий фанлар (M) дунёқараш характериға эға (P).

А- Мантиқий (S) фалсафий фандир (M).

Ј- Демак, мантиқ (S) дунёқараш характериға эға бўлган фандир (P).

Мазкур фигуранинг модусларини мисолларда кўриб чиқамиз.

AA J – Bramalip модуси.

A – «Фалсафанинг барча йўналишлари (P), дунёқараш характериға эгадир (M).

A – Дунёқараш характериға эга бўлган фанлар (M) методологик аҳамиятға эгадир(S)

J – Демак, баъзи методологик аҳамиятға эга бўлган фанлардан бири (S) фалсафадир» (P).

АЕЕ – Сатенес модуси

A -"Ҳамма донишмандлар файласуфлардир (M).

Е- Ҳеч бир файласуф (M) худбин эмас (S).

Демак, ҳеч бир худбин (S) донишманд эмас (P)".

IAJ- Dimaris модуси.

J – Баъзи сўроқ гаплар (P) ҳукмни ифодалайди (M).

A- Ҳамма ҳукмлар(M) тасдиқловчи ва инкор этувчи фикр шаклидир(S).

J- Демак, баъзи тасдиқловчи ёки инкор этувчи фикр шакли (S) сўроқ гаплардир (P)».

ЕАО – Гезаго модуси.

Е – Ҳеч бир жисм (P) ҳаракатсиз эмас (M).

A – Ҳар қандай ҳаракат (M) ўзгаришдир (S).

О - Демак, баъзи ўзгаришдагилар (S) жисм эмас (P)».

EJ0 – Гезион модуси.

Е- «Ҳеч бир диндор (P) эътиқодсиз эмас (M).

J - Баъзи эътиқодсизлар (M) экстремистлардир (S)

О- Демак, баъзи экстремистлар (S) диндор эмас (P)»

Силлогизмнинг фигураларини яхши билиш ва уларнинг модуслари бўйича фикрлаш мантикий муҳокама юритишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Дарҳақиқат, тафаккур маданияти – фикрни аниқ, исбот этилган ҳолда ифодалаш силлогистик тамойиллар асосида муҳокама юритишни тақозо этади.

Бу айниқса бугунги кунда жамиятимизнинг барча соҳаларида кечаётган туб ўзгаришларнинг моҳиятини теран англаб, баҳолай олишда, хулосалар чиқаришда муҳим аҳамият касб этади. Масалан: «Умуминсоний маданият, илм-

фан тараққиётига катта ҳисса қўша оладиган халқнинг келажаги буюқдир. Ўзбекистонда ана шундай халқ яшайди. Демак, унинг келажаги буюқдир». «Маънавият-инсон, халқ, жамиятнинг куч-қудратидир.

Маънавиятимизнинг негизини маданий меросимиз, қадриятларимиз ташкил этади. Демак, булар халқимиз, жамиятимизнинг куч-қудратидир», деган муҳокамалар моҳиятан Президентимиз томонидан илгари сурилган, жамиятимиз тараққиётининг концепциялари бўлиб, уларнинг мазмун, моҳиятини силлогистик шаклларда теран англаб олиш мумкин..

7§. Қисқартирилган силлогизм(энтимема)

Силлогизм фикрлаш жараёнида қисқартирилган ва мураккаб шаклларда қўлланилади. Қисқартирилган силлогизмда асосларнинг бири ва хулоса тушиб қолдирилади, лекин уларнинг маъноси муҳокама юритишда англишилиб туради.

Бу ўринда Президентимизнинг жамиятимизда кечаётган ислохотларнинг собитқадамлиги ва барқарорлигини таъминлашга оид хулосасини мисол қилиб келтириш мумкин: «Биз ҳуқуқий давлат қураёмиз, – деб таъкидлайди Юртбошимиз. Демак, иқтисодиёт ҳам мустаҳкам қонунчилик ва норматив базага асосланиши, унинг негизига ислох қилиниши лозим. Ислох қилиш жараёнлари мустаҳкам ҳуқуқий негизга асослангандагина улар барқарор ва собитқадам бўлади».¹ Ушбу муҳокама қисқартирилган силлогизм шаклида бўлиб, унда катта асос – «Ҳуқуқий давлатнинг ҳамма соҳаси, хусусан, иқтисодиёти қонунчилик ва норматив базага асосланилади», гарчи келтирилмаган бўлса-да, фикран англишилиб турибди.

Мазкур силлогизм тури мантиқда энтимема (юнонча entemem -ёдимда) деб юритилади. Энтимема кундалик фикр юритишда қўлланилади. Қисқартирилган

¹ Ислом Каримов. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1997 йил, 200-бет.

силлогизм уч турда бўлади: 1) катта асоси тушириб қолдирилган; 2) кичик асоси тушириб қолдирилган; 3) хулосаси тушириб қолдирилган энтимемалар.

Қуйидаги тўлиқ силлогизмни қисқартирилган ана шу уч шаклда ифодалаш мумкин:

«Кислота ва ишқорларнинг эритмалари таъсирида ўз рангини ўзгартирадиган кимёвий моддалар индикаторлик вазифасини ўтайди.

Лакмус – кислота ва ишқорларнинг таъсирларида ўз рангини ўзгартирадиган кимёвий модда. _____

Демак, лакмус индикаторлик вазифасини ўтайдиган кимёвий моддадир».

1) Катта асоси тушириб қолдирилган шакли:

«Лакмус кислота ва ишқорларнинг эритмалари таъсирида ўз рангини ўзгартирадиган кимёвий моддадир. Демак, лакмус индикаторлар вазифасини "ўтайдиган кимёвий моддадир".

2) Кичик асоси туширилиб қолдирилган шакли:

«Кислота ва ишқорларнинг эритмалари таъсирида ўз рангини ўзгартирадиган кимёвий моддалар индикаторлик вазифасини ўтайди. Демак, лакмус индикаторлик вазифасини ўтайдиган кимёвий моддадир».

3). Хулосаси туширилиб қолдирилган шакли:

«Кислота ва ишқорларнинг эритмалари таъсирида ўз рангини ўзгартирадиган кимёвий моддалар индикаторлик вазифасини ўтайди.

Лакмус кислота ва ишқорларнинг таъсирида ўз рангини ўзгартирадиган кимёвий моддадир».

Қисқартирилган силлогизмда нарсa, ҳодисалар ўртасидаги умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик муносабатлари ҳамда сабаб ва оқибат боғланишларига таянилади. Мураккаб объектларни ўрганишда ва улар ҳақида тўлароқ билим олиш муҳокама юритишнинг шакли - мураккаб силлогизмларга мурожаат қилишни талаб этади.

8§ Мураккаб ва қисқартирилган мураккаб силлогизмлар

Бир нечта содда силлогизмларнинг ўзаро бирикуви асосида янги хулосалар келтириб чиқаришга мураккаб силлогизм (полисиллогизм) деб аталади.

Бунда биринчи силлогизмнинг хулосаси иккинчи силлогизм учун асос қилиб олинади. Мураккаб силлогизм икки турда бўлади: прогрессив ва регрессив.

Агар биринчи силлогизмнинг хулосаси иккинчи силлогизм учун катта асос қилиб олинса, у прогрессив, аксинча, кичик асос сифатида олинса, регрессив силлогизм деб аталади.

Прогрессив силлогизм қуйидагича схемада ифодаланилади:

M-----P

N-----M

N-----P

N-----P

O-----N

O-----P

O-----P

S-----O

S - P

Бунга мисол: Қонунга хилоф ҳатти-ҳаракат (М) жиноят кодекси бўйича жазоланади (Р). Жамоат тартибини бузиш (N) қонунга хилоф ҳатти-ҳаракатдир (М). Жамоат тартибини бузиш (N) жиноят кодекси бўйича жазоланади (Р). Безорилик (О) жамоат тартибини бузишдир (N). Безорилик (О) жазоланади (Р). Жамоат тартибини бузиш қоидаларга риоя қилмаслик (S) безориликнинг бир кўринишидир (О). Демак, жамоат тартибига риоя қилмаслик (S) жиноят кодекси бўйича жазоланади (Р).

Регрессив мураккаб силлогизмда олдинги (просиллогизм) силлогизмнинг хулосаси кейинги силлогизмнинг кичик асоси бўлиб келади. Масалан,

«Ҳамма ижтимоий фанлар (А) дунёқараш характериға эгадир (В), Фалсафа (С) ижтимоий фандир (А)

Фалсафа (С) дунёқараш характериға эга (В)

Ҳамма дунёқараш характерға эга фанлар (В) назарий - методологик функцияни бажаради (Д)..

Фалсафа (С) дунёқараш характериға эга (В)

Фалсафа (С) назарий - методологик функцияни бажаради (Д)».

Бунинг схемаси: А - В

С - А

С - В

В - Д

С - В

С - Д

Мураккаб силлогизм муҳокама юритиш жараёнида қисқартирилган шаклларда қўлланиладики, улар мантиқда **сорит** ва **эпихейрема** деб юритилади.

Эпихейрема (юнонча еpiheirema- хулоса қиқариш) -бу асослари қисқартирилган энтимемалардан ташкил топган мураккаб силлогизмдир. Бунинг схемаси: М - Р дир, чунки у N дир (эмас). S - М дир, чунки у О дир (эмас) Демак, S - Р дир (эмас).

Мисол: «Ҳеч бир юклама (М) келишиқда турланмайди(Р), чунки улар мустақил сўзлар ҳисобланмайди(N).

«Наҳотки» сўзи(S) юкламадир(М), чунки у гапда маъно ўзгартириш хусусияти бўлмаган сўздир.(О)

Демак, «наҳотки» (S)келишиқда турланмайди».(Р)

Ушбу эпихейрема асосларини тўлиқ силлогизм шаклиға келтирсак, қуйидагича бўлади:

1) «Келишикда турланадиган сўзлар мустақил сўзлар ҳисобланади. Юкламалар мустақил сўзлар ҳисобланмайди. Демак, юкламалар келишикда турланмайди».

2) “Юкламалар гапда маъно ўзгартириш хусусиятига эга бўлмаган сўзлардир. «Нахотки» сўзи гапда маъно ўзгартириш хусусиятига эга эмас. Демак, «нахотки»- сўзи келишикда турланмайди”

Соритлар (юнон. soros - тўплам) шундай мураккаб қисқартирилган ^ силлогизм турики, бунда содда силлогизмнинг хулосаси бўлган асослар тушириб қолдирилади. Соритлар икки турда бўлади: регрессив (аристотелча) ва прогрессив (гоклениевча, немис мантиқшуноси Рудолф Гокления (1547-1628) томонидан ишлаб чиқарилган) соритлар.

Регрессив сорит - регрессив мураккаб силлогизм (полисиллогизм)дан ҳрсил қилинади. Бунда олдинги силлогизмнинг (просиллогизмнинг) хулосаси ва кейинги силлогизмнинг (эписиллогизмнинг) кичик асоси тушириб қолдирилади.

Мазкур сорит хулосанинг субъектини ўз ичига олувчи асосдан бошланиб, хулосанинг предикатини ўз ичига олувчи асос билан яқунланади. Масалан: « Дин (А) - ижтимоий онг шакли (В).

Ижтимоий онг шакли (В) - жамиятнинг маънавий ҳаёти (С).

Жамиятнинг маънавий ҳаёти (С) ижтимоий тараққиёт омилидир (Д).

Демак, дин (А) ижтимоий тараққиётнинг омилидир (Д)".

Регрессив соритнинг схемаси:

А-В

В-С

С – Д.

А-Д

Гоклениевча соритда хулоса прогрессив мураккаб силлогизм бўйича ҳосил қилинади. Бунда биринчи- олдинги силлогизмнинг хулосаси ва иккинчи -кейинги силлогизмнинг(эписиллогизм) катта асоси тушириб қолдирилади. Масалан, қуйидаги прогрессив полисиллогизм берилган бўлсин:

«Ҳар қандай қонунга хилоф хатти-ҳаракат (А) жазоланади (В).

Жинойт (С) – қонунга хилоф ҳатти-ҳаракат (А).

Жинойт (С) жазоланади (В). Тухмат-(Д) жиноят (С).

Тухмат (Д) жазоланади (В)

Энди ушбу прогрессив полисиллогизмни соритга айлантирамиз. Бунинг учун биринчи (просиллогизм) силлогизмнинг хулосаси ва кейинги силлогизмнинг (эписиллогизмнинг) катта асоси тушириб қолдирилади.

Прогрессив сорит хулосанинг предикатини ўз ичига оловчи асосдан бошланиб хулосанинг субъектини ўз ичига оловчи асос билан якунланади.

«Қонунга хилоф ҳар қандай ҳатти – ҳаракат (А) жазоланади (В). Жинойт (С) – қонунга хилоф ҳатти – ҳаракат (А)

Тухмат Ш) жиноят (С)

Тухмат (Д) жазоланади (В)»

Бунда биринчи силлогизмнинг хулосаси:

«Жинойт жазоланади (С– В) ва иккинчи силлогизмнинг (эписиллогизм) катта асоси бўлиб келаётган ўша биринчи силлогизмнинг хулосаси (С – В) тушириб қолдирилмоқда».

Прогрессив соритнинг схемаси:

А - В

С - А

Д -С

Д -В

9§. Мураккаб ҳукмларга асосланган силлогистик хулосалар

Мураккаб ҳукмлардан чиқариладиган дедуктив хулосалар шартли ва айирувчи шаклларда бўлади. Шартли хулоса деб шартли (имплекатив) ҳукмлардан (бундай ҳукмлар ҳақида қаранг: «Ҳукм» мавзуи §3.) чиқариладиган хулосага айтилади. Бунда асосларнинг бири ёки ҳар иккаласи ҳам шартли бўлади. Шунга кўра мазкур хулоса икки хил бўлади: соф шартли ва шартли-қатъий.

1. Соф шартли хулоса чиқаришининг ҳар икки асоси ҳам шартли ҳукмлардан ташкил топган бўлади. Мазкур хулосанинг хусусияти шундаки, биринчи асос шартли ҳукмнинг натижа қисми иккинчи шартли ҳукмнинг асоси бўлиб келади. Схемаси:

Агар А (асос) бўлса, унда В (натижа) бўлади.

Агар В (асос) бўлса унда С бўлади.

Агар А бўлса, унда С бўлади.

Мисол: «Агар фақат бозор муносабатларига ўтилгандагина (А), ҳар бир оила, одам бой бўлади (В).

Агар ҳар бир оила, одам бой бўлса (В), давлат ҳам бой бўлади (С).

Демак, фақат бозор муносабатларига ўтилса (А) давлат бой бўлади (С)».

Соф шартли хулоса чиқаришининг инкор шакли ҳам борки, у уч хил бўлади:

1) Агар А бўлса, В бўлади.

Агар А бўлмаса, С бўлмайди.

Агар В бўлмаса, С бўлмайди.

Мисол: «Агар тинчлик бўлса (А), жамиятда барқарорлик бўлади (В).

Агар тинчлик бўлмаса (А), жамиятда иқтисодий ривожланиш бўлмайди (С).

Демак, агар жамиятда барқарорлик бўлмаса (В), унда иқтисодий ривожланиш бўлмайди (С).

2) Агар А бўлса, унда В бўлади.

Агар С бўлса, В бўлмайди.

Агар А бўлса, унда С бўлмайди.

Мисол: «Агар киши имон, эътиқодли бўлса(А), унда Ватанга фидоий бўлади (В).

Агар киши худбин (С) бўлса, унда Ватанга фидоий бўла олмайди (В).

Демак, киши имон, эътиқодли бўлса (А), унда у худбин бўлмайди (С)».

3) «Агар А бўлмаса, унда В бўлмайди.

Агар В бўлмаса, унда С бўлмайди.

Агар А бўлмаса, унда С бўлмайди.

Мисол: «Агар зарур шарт-шароитлар яратилмаса (А), инсон манфаатларини руёбга чиқариб бўлмайди (В).

Агар бу манфаатлар фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида олинмаса (В), биз янгилашиш ва тараққиёт йўлидан аниқ мақсадни кўзланган ҳолда илгарилаб бора олмаймиз (С)» (И.А. Каримов).

Демак, агар зарур шарт-шароитлар яратилмаса (А), биз янгилашиш ва тараққиёт йўлидан аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда илгарилаб бораолмаймиз (С)».

Соф шартли хулоса чиқариш мураккаб тузилишда, яъни асослари иккитадан кўп бўлиши мумкин. Яъни:

$A \rightarrow B$

$B \rightarrow C$

$C \rightarrow D$

$A \rightarrow D$

Масалан: «Киши қанча кўп ўқиса (А), шунча билимли бўлади (В). Қанча билимли бўлса (В), шунча кўп билади (С).

Қанча кўп билса (С), дунёқараши шунча кенг бўлади (Д).

Демак, киши қанча кўп ўқиса (А) дунёқараши шунча кенг бўлади (Д)».

2. Шартли – қатъий хулосанинг катта асоси – шартли, кичик асоси қатъий ҳукмлардан ташкил топган бўлади. Бунда асослардан икки модус – турда чин хулоса чиқарилади.

1) конструктив – тасдиқловчи (ponens) модус.

2) деструктив – инкор (tollens) модус.

Конструктив модус схемаси:

Агар А бўлса, унда В дир.

Адир._____

В дир.

Мисол: Агар жисм қиздирилса (А), унда у кенгайди (В).

Жисм қиздирилди (А).

Демак, жисм кенгайди (В).

Деструктив модус схемаси:

Агар А бўлса, унда В дир.

В эмас.

А эмас.

Мисол: Агар жисм қиздирилса, унда кенгаяди. Жисм кенгаймади. Демак, у қизимаган.

А) Икки ҳолда чиқарилган хулоса нотўғри ёки эҳтимолий бўлади:

а) шартли ҳукм асосини инкор этишдан унинг натижасини инкор этишда: а)

Агар А бўлса, В дир.

А эмас.

В эмас.

Мисол: «Агар киши диндор бўлса (А), унда у виждонли бўлади (В).

Бу киши диндор эмас (А эмас).

Бу киши виждонли эмас (В)».

Бу ерда чиқарилган хулоса эҳтимолийдир, чунки киши диндор бўлмаса ҳам виждонли бўлиши мумкин.

б) Шартли ҳукмнинг натижасини тасдиқлашдан унинг асосини тасдиқлашга ўтишда.

Агар А бўлса, унда В дир.

В дир.

А дир.

Мисол: «Агар киши «мантиқ» фанини ўрганган бўлса (А), унда у тўғри фикр юритиш малакасига эга бўлади (В).

Бу киши тўғри фикр юритиш малакасига эга (В)»

Демак, бу киши "Мантиқ" фанини ўрганган.

Чиқарилган ушбу хулоса эҳтимолийдир. Чунки киши, гарчи «Мантиқ»ни ўрганмаган бўлса-да, тўғри фикр юритиш малакасига эга бўлиши мумкин.

Айирувчи хулоса чиқариш икки ёки ундан ортиқ асослардан ташкил топган бўлиб, уларнинг бири айирувчи ҳукм (ушбу ҳукм ҳақида қаранг «Ҳукм» мавзуси

§3) бўлади. Бундай хулоса асосан икки хил бўлади: айирувчи – қатъий ва шартли – айирувчи.

1) Айирувчи-қатъий турда хулоса айирувчи ва қатъий ҳукмлардан чиқарилади. Бунда айирувчи ҳукм субъектига алоқадор бўлмаган предикатлар инкор этилади.

$S - \text{ёки } P \text{ ёки } P_1 \text{ ёки } P_2$

S-Pдир.

Демак, $S - P_1$ ҳам P_2 ҳам эмас.

Мисол: Тушунчалар (S) мазмунига кўра конкрет (P_1) ёки мавҳум бўлади (P_2).

Бу тушунча (S) – мавҳум тушунча (P_2).

Демак, бу тушунча (S) конкрет тушунча эмас (P).

Айирувчи-қатъий хулосанинг икки хил модуси мавжуд:

а) тасдиқловчи (tollens):

$A \text{ ёки } B \text{ ёки } C \text{ дир.}$

A дир.

$B \text{ ёки } C \text{ эмас.}$

Мисол:

“Ҳар қандай ғоялар (A) ёки бунёдкор (B) ёки вайронкор (C) бўлади.

Бу ғоя бунёдкор ғоядир(A).

Демак, бу ғоя вайронкор ғоя эмас. “

б) инкор этувчи (ponens):

$A \text{ ёки } B \text{ ёки } C \text{ дир.}$

A эмас

$B \text{ ёки } C \text{ дир.}$

Мисол. “Ҳар бир киши (A) ёки материалистик ёки идеалистик (C) ёки диний дунёқарашга (D) эга бўлади.

Бу киши материалистик дунёқарашга эга эмас (A эмас).

Демак, бу киши (A) ёки идеалистик (C) ёки диний дунёқарашга эгадир(D)”

2) Шартли - айирувчи хулоса чиқаришнинг асоси учта ва ундан ортиқ ҳукмлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг бир нечтаси шартли ва биттаси айирувчи ҳукм бўлади. Иккита шартли ҳукм -асоси бўлган хулоса дилемма (юнон. *dis .* - икки қарра, *lemma* - тахмин) деб аталади. Бундай хулосанинг тасдиқловчи (конструктив) ва инкор (деструктив) этувчи тури бўлиб, улар содда ва мураккаб шаклларда бўлади.

Тасдиқловчи дилеммадаги икки асос турли хил бўлиб, улардан бир хил натижалар келиб чиқади. Хулосада эса ана шу натижа тасдиқланади.

Бунинг схемаси:

$A \rightarrow B$ (Агар А бўлса, В бўлади)

$C \rightarrow B$ (Агар С бўлса, В бўлади)

А ёки С дир
В дир

ёки:

$a \rightarrow b, c \rightarrow b, a \vee c$
В
 $b \vee c$
В

Мисол:

«Агар баҳорда серёгин бўлиб, ер қизимаса, (А) ҳосилдорлик кам бўлади (В).

Агар баҳорда ёмғир кам бўлиб, ерда намлик етишмаса, (С) - унда ҳосилдорлик кам бўлади (В).

Бу йил баҳор серёгин (А) ёки қурғоқчилик бўлиши мумкин (С).

Бу йил ҳосилдорлик кам бўлиши мумкин (В)».

Мураккаб тасдиқловчи дилеммада асосларнинг натижалари турли хил бўлиб, хулосада улар тасдиқланади. Бунинг схемаси:

$A \rightarrow B$ ёки: $a \rightarrow b, c \rightarrow d, a \vee c$
 $b \vee d$

$C \rightarrow D$
 $A \vee C$
 $B \vee D$

Мисол: «Агар жамият демократик йўлдан борса (А), унда ҳуқуқий қонунлар амал қилади (В).

Агар жамият тоталитар йўлдан борса (С), унда инсон ҳуқуқлари паймол қилинади (Д).

Бу жамият ёки демократик (А) ёки тоталитар йўлдан боради (С).

Демак, бу жамиятда ёки ҳуқуқий қонунлар амал қилади (В) ёки инсон ҳуқуқлари паймол қилинади (Д).

Оддий (содда) инкор (деструктив) дилеммада бир хил асосга эга бўлган ҳукмлардан икки хил натижа келиб чиқарилади ва улар кейинги асосда инкор этилади. Хулосада асос инкор этилади. Схемаси:

$A \rightarrow B$
 $A \rightarrow C$ ёки: $a \rightarrow b, a \rightarrow c, b \vee c$
 $\tilde{B} \vee \tilde{C}$ эмас a
 $\tilde{A}$ (эмас)

Мисол. «Агар экологик муаммолар зудлик билан ҳал этилса (А), ер юзида ҳарорат даражаси кескин ошиб бориши тўхтайди. (В).

Агар экологик муаммо зудлик билан ҳал этилса (А) азон қатламининг емирилиши барҳам топади. (С)

Ер юзида ҳарорат даражасининг кескин ошиб бориши тўхтаган (В) ёки азон қатлами емирилиши барҳам топган эмас.

Экологик муаммолар зудлик билан ҳал этилаётган эмас (А).

Мураккаб инкор дилемма оддийидан фақат асосларнинг турли хиллиги билан фарқ қилади. Бунинг схемаси:

$A \rightarrow B$
 $C \rightarrow D$ ёки: $a \rightarrow b, c \rightarrow d, b \vee d$
 $\underline{B \vee D}$. avc
 $A \vee C$

Бунга мисол тариқасида Ҳасан Кайфий (Ғафур Ғуломнинг шу номли ҳикоясининг қаҳрамони) подшонинг қаҳрига учраган одил вазирнинг жонини дилеммали шарт қўйиш билан сақлаб қолганлигини келтириш мумкин.

«Ҳасан Кайфий кўкка юзини тутди, кўлини муножотга кўтарди:

- Эй бор худоё! Ўзинг кўриб турибсан, ҳукм сенинг ҳукминг. Мен ҳозир вазирнинг бошини чопишим керак. Агар подшо ҳақ бўлса, қиличим қиличлигича қолсин. Агар вазир ҳақ бўлса, қиличимнинг тиғини пўлат эмас, тахта қилиб қўй! Облоху акбар, - деб қилич суғурди. Қиличнинг тиғи тахтага айланиб қолганди.

(Ҳасан Кайфий уни бир кун олдин тахта билан алмаштириб қўяди - изоҳ бизники)
Ҳасан Кайфий қилични кўтариб:

- «Адолатли худойимдан айланай, вазир ҳақ экан, мана подшоҳим, ўзингиз кўринг. (Ғафур Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. Т., «Фан», 1986, 182-183-бетлар).

Ҳикояда тасвирланган ҳолатни дилемма схемаси бўйича қуйидагича ифодалаш мумкин:

Агар подшо ҳақ бўлса (А), унда Худо қилични қиличлигича қолдиради (В).

Агар вазир ҳақ бўлса (С), тиғини Худо тахтага айлантиради. (Д)

Худо қилични қиличлигича қолдирмади (В) ёки қиличнинг тиғи пўлат холида қолмади (Д).

Демак, подшо ҳақ эмас (А) ёки вазир ноҳақ эмас (С).

Ушбу мураккаб хулоса чиқариш фақат дилемма тарзида эмас, балки трилемма (учта асосли) ҳамда полилемма (кўп асосли) шаклларида ҳам бўлади.

Трилемма учта асос - шартли ҳукм ва хулосадан ташкил топган бўлиб, аввало уч хил турдаги асослардан бир хил оқибат келиб чиқишлиги қайд этилади; сўнгра ана шу уч асослар дизъюнкцияси кўрсатилади; хулосада эса оқибат тасдиқланади.

Масалан. «Агар жамият иқтисодий инқирозга юз тутса(А), унда беқарорлик юзага келади(В); агар жамиятда мафкуравий бўшлиқ вужудга келса(С), беқарорлик юзага келади(В); агар жамиятда қонун устиворлик қилмаса(Д), унда беқарорлик юзага келади(В). Бу жамият ёки иқтисодий инқирозга юз тутган(А) ёки у ерда мафкуравий бўшлиқ мавжуд ёки қонунлар устиворлиги йўқ(Д)

Демак, бу жамиятда албатта беқарорлик юзага келади». (В)

Мураккаб ҳукмлар ёрдамида чиқариладиган барча силлогистик хулоса турлари илмий билишда ҳамда кундалик муқокама юритиш, мулоқот жараенида қисқартирилган шаклларда қўлланилади. Бунда, асосан, катта асослар туширилиб қолдирилади. Масалан: «Бу файласуф оламнинг негизида иккита ибтидо асос (субстанция) ётади деб қисоблайди, демак, у дуалистдир» деган хулосада катта асос – «Агар файласуфлар оламнинг негизида иккита ибтидо асос ётади деб

тушунтирсалар, унда улар дуалистлар оқимига мансубдирлар» тушириб қолдирилган.

Мураккаб ҳукмлардан чиқариладиган хулосанинг турлари (соф шартли. айирувчи қатъий – шартли айирувчи) бўйича талабаларга илмий ва бадий адабиётлардан мисоллар топишни юклатиш мақсадга мувофиқдир.

Мураккаб ҳукмлардан чиқариладиган қисқартирилган силлогистик хулосанинг контрапозиция (битта ҳукмдан чиқариладиган) тури ҳам борки, у икки шаклда бўлади: оддий ва мураккаб.

1. Оддий контрапозиция. Унинг схемаси:

$$a \rightarrow b$$

$$b \rightarrow a$$

Ушбу схема: «Агар а асос b натижани келтириб чиқарса, унда b нинг инкори а нинг инкорини келтириб чиқаради», деб ўқилади.

Мисол: «Агар жисм қиздирилса (a), унда у кенгаяди (b).

Бу жисм кенгаймаган бўлса (b), унда у киздирилмагандир(a).

2. Мураккаб контрапозиция. Унинг схемаси:

$$(a \wedge b) \rightarrow c$$

$$(a \wedge c) \rightarrow b$$

Мисол: «Агар дарсларга доимий қатнашиб (a) ва ўз устимда мустақил ишлаб борсам (b), унда назоратлардан юқори балл оламан (c).

Агар мен дарсларга қатнашиб (a), назоратлардан юқори балл олмасам (c), унда мен ўз устимда мустақил ишламаган бўламан (b)».

Мураккаб ҳукмлардан чиқариладиган силлогистик хулоса турларининг баъзи бир қонун-қоидалари мулоҳазалар мантиғи ва предикатлар мантиғида қўлланилади..

10§. МУЛОҲАЗАЛАР МАНТИҒИ

Мулоҳазалар мантиғи символик мантиқ йўналиши бўлиб, мулоҳазаларнинг белги-символлар билан боғланиши бўйича бажариладиган мантиқий усул (опрация)ларни ўрганади.

Бундай мантикий усуллар мулоҳазалардан уларнинг чин ва хатолигига асосланган ҳолда хулосалар чиқарувчи ўзига хос усуллари сифатида талқин қилинади. Мазкур мантиқда мулоҳазаларнинг таркибий қисмлари – субъект, предикат ва мантикий боғламалари инобатга олинмайди. Аниқроқ қилиб айтганда, бунда мулоҳазалар мантикий қиймати чин ёки хато деб баҳоланиладиган гаплар тарзида олиб қаралади. Бундай гаплар ўзгарувчи пропозиционал мулоҳазалар деб юритилади.

Мулоҳазалар мантиғида импликациявий – инкор шартига қатъий риоя қилинадиган, мулоҳазаларнинг чин ёки хатолиги бўйича тузиладиган формулалар муҳим роль ўйнайди. Формулалар (лат. Formula – қоида, шакл) – бу мулоҳазаларни ифодаладиган символлар алфавитининг¹ қатъий изчиллиги бўлиб, улар муайян қоидалар асосида тузилади.

Мулоҳазалар мантиғида формулалар ва уларнинг ихтиёрий формулаларнинг қайси бирига тегишли эканлиги ўзгарувчи пропозиционал мулоҳазаларнинг мантикий қиймати (чин ёки хатолиги) ҳамда уларни ўзаро боғлайдиган функторларнинг (конъюнкция, дизъюнкция, импликация, эквиваленция) маънолари бўйича аниқланилади. Бунда муҳокамаларни таҳлил қилишнинг мантикий келиб чиқиш тамойилига асосланадиган жадвал усулидан фойдаланилади.

Мантикий келиб чиқиш – бу умумий қабул қилинган қоидалар бўйича мулоҳазаларнинг изчил боғланиши бўлиб, тўғри муҳокама юритишнинг асосини ташкил этади. Унинг тамойили қуйидагича: Агар $A \dots A_n$ мулоҳазалари чин бўлганда, В мулоҳазаси ҳам чин бўлса, демак $A \dots A_n$ дан В мулоҳазаси келиб чиқади.

Буни қуйидаги муҳокама бўйича таҳлил қилиб кўрайлик. Агар бу жамиятга ҳеч қандай экстремистик-террористик кучлар таъсир кўрсатмаса ёки муҳолифат кучлар ўз қаршилик ҳаракатларини тўхтатган бўлса, унда у барқарор ривожланади.

¹ Мулоҳазалар мантиғи тили алфавити «Мантиқ илми ва тил» мавзuida берилган.

Ушбу жамият барқарор ривожланаётган эмас, демак, унга экстремистик-террористик кучлар таъсир кўрсатмоқдаки, муҳолифат кучлар ўз ҳаракатини тўхтатган эмас. Энди ушбу муҳокаманинг чин ёки хатолигини аниқлаб кўрайлик. Бунинг учун унинг таркибий қисмларини мулоҳазалар мантиғи тили алфавити бўйича белгилаб чиқамиз. Ва «бу жамиятга қандайдир экстремистик-террористик кучлар таъсир кўрсатаётган эмас» мулоҳазасини P , «муҳолифат кучлар ўз қаршилиқ ҳаракатини тўхтаган»ни – q , «ушбу жамият барқарор ривожланади»ни – r билан белгилаймиз. Бунда мазкур муҳокама мулоҳазалар мантиғи тили алфавитида қуйидагича ёзилади: $(PVq) \rightarrow r, r \neq q$.

Ушбу муҳокамани унинг таркибидаги мулоҳазаларнинг мантиқан келиб чиқиш тамойилига мувофиқ ўзаро боғланганлигига асосланиб қаралса, унинг тўғрилиги аён бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, мантиқий келиб чиқиш тамойили мулоҳазаларни ҳосил қилувчи мантиқий боғламаларнинг (конъюнкция, дизъюнкция, импликация, эквиваленция) пропозиционал функцияси, яъни мулоҳазаларнинг чин ва хатолик муносабатидаги боғланиши билан белгиланади.

Конъюнкция функцияси қуйидагича:

A	B	A∧B
Чин	Чин	Чин
R	Хато	X
X	R	X
X	x	X

Ушбу жадвал устунларида мураккаб конъюнктив мулоҳазани ($A \wedge B$) ҳосил қилувчи A ва B ўзгарувчи мулоҳазалар мантиқий қийматларининг (чин ва хатолик) тақсимланиши мумкин бўлган ҳолатлари кўрсатилган. Қаторларда эса A ва B нинг чин ва хатолиги муносабати билан белгиланадиган $A \wedge B$ нинг мантиқий қиймати кўрсатилган. Бунда унинг фақат бир ҳолатда – A ва B ларнинг чин бўлгандагина чин бўлишлигини кўрамиз. Бошқа мураккаб мулоҳазаларнинг ҳам формулалар тарзида ҳосил қилиниши ва уларнинг мантиқий қийматлари ҳам боғламаларнинг пропозиционал функцияси бўйича аниқланилади ва бунда жадвал

усулидан фойдаланилади. Бундай жадвал тузишда қаторлар ва устунлар миқдорига эътибор бериледи. Жадвал қаторларининг миқдори пропозиционал ўзгарувчиларнинг (P, q, r) сонини ифодаловчи 2^n формуласи бўйича аниқланилади. Шунга кўра улар 8 та бўлади, чунки ўзгарувчилар сони 3 та $(2 \times 2 \times 2) = 8$.

Жадвалнинг кўриниши қуйидагича бўлади:

P	q	r	$(p \vee q)$	r	q
ч	ч	ч	хчч	х	х
ч	ч	х	хчх	ч	х
ч	х	ч	ххч	х	ч
ч	х	х	ххч	ч	ч
х	ч	ч	ччч	х	х
х	г	х	ччх	ч	х
х	х	г	ччч	х	ч
х	х	х	ччх	ч	ч

11§. Предикатлар мантиғи

Предикатлар мантиғи муҳокама юритишда мулоҳазаларни субъект ва предикатга ажратиш бўйича таҳлил қиладиган символик мантиқ йўналишидир. Бунда ўзига хос тил алфавити¹ билан биргаликда мулоҳазалар мантиғи тили алфавитига ҳам таянилади.

Мазкур мантиқда «предикат» тушунчаси, анъанавий мантиқдан фарқли равишда муайян хусусиятни (лат. Р ҳарфи билан белгиланади) ва муносабатни (лат. R ҳарфи билан белгиланади) ифодалайди.

Предикат алоҳида битта объект хусусиятини ифодаласа бир ўринли хусусият предикати, деб юритилади ва $P(\alpha)$ деб ёзилади («Р хусусият α предметга тегишлидир» деб ўқилади).

¹ Ушбу тил алфавити «мантиқ илми ва тил» мавзуида берлиган.

Масалан, «ўзбек мумтоз классик адабиётининг асосчиси» хусусияти (P) Алишер Навоийга (a) тегишлидир.

Агар предикат объектларнинг муносабатини ифодаласа муносабат предикати деб аталади ва у объектларнинг микдорига кўра икки ўринли, уч ўринли предикат турларга ажратилади. Бундай предикат турлари ифодаси қуйидагича ёзилади: $R(a,b)$ (a b га нисбатан R муносабатидадир» деб ўқилади). Масалан, «Аристотель Платоннинг шогирдидир» икки ўринли, «Платон ва Аристотель – Платоннинг шогирдлари» уч ўринли предикатга эга мулоҳазалардир.

Предикатлар мантиғида ўрганилаётган объектларнинг муносабатларини аниқлашда улар ҳақидаги мулоҳазалар чин ёки хатолиги бўйича таҳлил қилинади. Юқорида келтирилган мулоҳазаларни ана шу тарзда таҳлил қилиш мумкин.

Лекин предикатлар мантиғида чин ва хатолик қиймати мулоҳазалар мантиғидаги каби конкрет мазмундан мавҳумлаштирилган мулоҳазаларга эмас, балки конкрет предмет, предметлар тўплами ҳақидаги мулоҳазаларга нисбатан тегишли бўлади.

Предикатлар мантиғи тили алфавити мулоҳазалар мантиғи тили алфавити билан бирга қўшиб ишлатилади ва бу бўйича турли формулавий мулоҳазалар ҳосил қилинади. Масалан, $H(x)$; $xP(x)$; $V x A$; $\exists x A$ в б.

Улардан $x P(x)$ («x P хоссага эга, деган фикр барча x га тааллуқлигидир» деб ўқилади) «Муайян синфга мансуб барча предметлар P хусусиятга эга», деган маънони англатади. Бунда x ўрнига «жуфт сонлар» (x) ўрнига «8» сонини, P ўрнига «тенг иккига бўлиниш» сўзини қўйиш билан «Жуфт сонларга мансуб бўлган 8 тенг иккига бўлинади», деган мулоҳаза ҳосил бўлади («Баъзи x лар мавжудки, улар A ўринга эга» деб ўқилади) Баъзи предметлар мавжудки, улар A ўринга эга» деган маънони ифодалайди.

Умумий хулосалар.

1. Силлогизм дедуктив хулоса чиқаришнинг ўзига хос тури бўлиб, бунда натижа асосларнинг ўзаро ўрта атамага бўлган муносабатини белгилаш орқали келтириб чиқарилади.

2. Нарса, ҳодисалар орасидаги умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик муносабатлари силлогизм бўйича хулоса чиқаришнинг мантикий асоси ҳисобланади ва бу унинг ўзига хос аксиома, фигураларида ифодаланади. .

3. Силлогизм фигуралари мантикий билишнинг умумий усуллари ҳисобланадики, улар илмий билиш учун ўзига хос методологик функцияни бажаради.

4. Силлогизм тўлиқ ва қисқартирилган шаклларда бўлади. Муҳокама юритиш, фанда қисқартирилган силлогизм кенг қўлланилади. Мураккаб ҳукмларёрдамида чиқариладиган силлогистик хулосаларда улардаги мантикий боғламаларга асосланилади.

5.Мулоҳазалар мантиғи символик мантиқнинг йўналиши бўлиб, бунда хулосалар мулоҳазаларнинг чин ва хатолигига асосланган формулалар бўйича чиқарилади. Предикатлар мантиғида эса мулоҳазалар субъект ва предикат муносабати бўйича таҳлил қилинади ва муҳокама юритилади.

Машқлар

1-машқ. Қуйидаги ҳукмлар тўғри алмаштирилганми? Агар нотўғри бўлса, тўғирланг. а) Ҳамма идеалистлар илоҳийликни тан оладилар. Илоҳийликни тан олувчиларнинг ҳаммаси идеалистлардир. б) Ҳар қандай ўзгариш ҳаракатдир. Ҳар қандай ҳаракат ўзгаришдир.

2-машқ. Қуйидаги ҳукмлардан алмаштириш, айлантириш, предикатга қарама-қарши қўйиш бўйича хулосалар чиқаринг.

а) Ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлади. (И.Каримов).

б) Ҳеч бир тирик организм кислородсиз яшай олмайди.

в) Баъзи файласуфлар даҳрий эмас.

3-машқ. Қуйидаги хулосаларнинг турини ва тўғрилигини аниқланг.

а) «Оила, ҳар бир одам бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади. Давлат бой бўлса, оила, ҳар бир одам бой бўлади».

б) Университетнинг ҳамма ўқитувчилари олий маълумотлидир. Ҳеч бир олий маълумоти бўлмаган киши университет ўқитувчиси бўла олмайди.

4- машқ. Мантикий квадрат бўйича хулоса чиқаринг. а) «Ҳеч бир жамият ўз мафкурасисиз яшай олмайди», ҳукмини асос қилиб олиб, қарама-қаршилик, зидлик муносабатлари бўйича хулоса чиқаринг.

б) «Бўйсунувчи ҳукмнинг хатолигидан бўйсундирувчи ҳукмнинг хатолиги келиб чиқарилади, лекин аксинча бўлмайди» қоидаси бўйича хулоса чиқаринг.

5-машқ. Қуйидаги хулосалар силлогизмнинг қайси фигуралари бўйича чиқарилганлиги ва бунда уларнинг қандай қоидалари бузилганлигини аниқланг ҳамда улардан тўғри хулосалар чиқаринг.

А) Баъзи металллар сувдан енгил. Темир – металл. Демак, темир сувдан енгил.

Б) Ҳамма мустақил давлатларнинг ўз ижроия ва суд тизими бор.

Қорақалпоғистоннинг ўз ижроия ва суд тизими бор.

Қорақалпоғистон – мустақил давлат.

В) Ҳуқуқшунослик факультетининг ҳамма талабалари мантиқ фанини ўрганадилар.

Аҳмад мантиқ фанини ўрганаётир.

Демак, Аҳмад – ҳуқуқшунослик факультетининг талабаси.

6-машқ. Қуйидаги ҳукмларни катта асос қилиб олиб силлогизмнинг биринчи, иккинчи, учинчи фигуралари бўйича хулосалар чиқаринг ва модусларини белгиланг.

«Миллий ғоя – халқимизнинг олий мақсадидир»; «Халқимизнинг азалий анъаналари миллий ғоянинг асосий таянчидир» (И.А.Каримов). «Миллатнинг, келажакнинг кўзлаган, унинг дунёдаги ўрнини белгилаб берадиган ғоя-жамиятимизнинг мафкурасидир» (И.А.Каримов).

7-машқ. Қуйидаги силлогизмларда унинг қандай умумий қоидаларига риоя қилинмаган?

А) Ҳамма планеталар Қуёш атрофида айланади.

Ой планета эмас.

Демак, Ой Қуёш атрофида айланмайди.

Б) Баъзи XV111 асрда Туркистонда яшаган зиёлилар маърифатпарвардир.

Фитрат XIX асрда яшамаган.

Демак, Фитрат маърифатпарвар эмас.

8-машқ. Қуйидаги энтимемаларни тўлиқ қатъий силлогизм тарзида тикланг.

А) Ватанпарварлик – умуминсоний ахлоқий тамойил бўлиб, унда жамият томонидан шахсга қўйиладиган талаблар ифодаланади. В) Гўзаллик эстетиканинг асосий мезоний тушунчасики, шунга кўра у кадриятлилиқ характериға эға.

9-машқ. Қуйидаги халқ мақоллари асосида шартли-қатъий хулосалар тузинг.

Агар яхши тутса ҳар ким ўз хулқини, ҳам ўзини севинтирар, ҳам халқини.

Агар ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан.

Сихат тиласанг кам е, иззат тиласанг кам де. Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.

10-машқ. Қуйидаги мураккаб ҳукмларни катта асос қилиб олиб шартли, шартли – қатъий хулосалар чиқаринг.

«Агар мафкура бўлмаса, одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади», «Агар қаерда мафкуравий бўшлиқ вужудға келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилади» (И.А.Каримов).

11-машқ. «Калила ва Димна» пандномасидан келтирилган қуйидаги масаладаги муҳокама мураккаб ҳукмлардан чиқариладиган силлогистик хулосанинг қайси туриға тааллуқлилигини аниқланг ва уни схемада ёзинг.

«Бир катта дарахт остида бир каламушнинг ини бор эди. Унинг яқинида бир мушук яшарди. Кунлардан бир кун бир овчи дарахт яқиниға дом қўйиб учига бир парча гўшт илиб кетди. Мушук келиб домға илинди. Шу орада каламуш ҳам овқат излаб келиб қолди ва мушукни тузоқда кўриб қувониб кетди. Ногоҳ кўзи уни тутишға пайт пойлаб турган латчаға тушди, дарахтға қараса, бир бойкуш ҳам ҳужумға ростланиб турибди. У кўрқиб кетиб, ўзига-ўзи деди: «Агар орқаға қайтсам, латча мени парчалаб ташлайди, турган жойимда қолсам, бойкуш устимға ўзини отади, олдинға юрсам мушукка йўлиқаман.. Ўз ҳаётимни қутқаришим керак. Энди мен учун ягона нажот йўли менинг ёрдамимға муҳтож бўлган мушук

билан келишиб, уни домдан қутқариб дўстлашмоқдир». («Калила ва Димна». Т., 1977, 171-бет).

12-машқ. Қуйидаги силлогизм хулосалари қайси фигуралар бўйича чиқарилганлигини ва уларнинг чин ва хатолигини аниқланг. Агар хулосалар нотўғри чиқарилган бўлса, унда силлогизм фигураларининг қандай қоидалари бузилганлигини кўрсатинг.

а) Бунёдкорлик ғоялари кишиларни муайян мақсад сари сафарбар қилади. Бу ғоя кишиларни муайян мақсад сари сафарбар қилади.

Демак, бу ғоя бунёдкорлик ғоясидир.

б) Санъат воқеликнинг бадиий-образли инъикосидир.

Санъат маънавий-ахлоқий тарбия воситасидир.

Демак, маънавий— ахлоқий тарбия воситаси воқеликнинг бадиий-образли инъикосидир .

13-машқ. Қуйидаги муқоама мураккаб қисқартирилган силлогизм(сорит)нинг қайси турига мансуб ва буни изоҳланг:

«Ишонч йўқолса, орзу йўқолади.

Орзу йўқолса, умид, илинж қолади.

Илинж йўқолса... Ҳеч нима қолмайди» (Ўткир Ҳошимов. Дафтар ҳошиясидаги битиклар, Т.2006, 13-бет)

14-машқ. Ёзувчи Ўткир Ҳошимовнинг "Дафтар ҳошиясидаги битиклар" (13-бет) китобидаги қуйидаги муқоамалар мураккаб шартли ҳукмлардан хулоса чиқаринг ва уларни формулада ёзинг. «Одам қанча кўп қизиқса, шунча кўп ўқийди. Қанча кўп ўқиса, шунча кўп билади. Қанча кўп билса, яшаши шунча қийин бўлади».

15-машқ. Қуйидаги муқоама соритнинг қайси турига мансуб ва ундаги тушиб қолган хулосани аниқланг.

Одамлар ёлғизланиб қолган, чунки ўзаро мулоқот қилмайдилар, мулоқотда бўлмагани учун бир-бирини яхши билмайди, билмагани учун бир-биридан ҳадиксирайди, ҳадиксирагани учун бир-бирига нафрат билан қарайди. (Мартин Лютер Кинг).

16. Қуйидаги мулоҳазалар мантиғи формулаларининг тўғри ёки нотўғрилигини аниқланг ва уларни изоҳланг?

1. $A \wedge B$ (чин A хато)
2. $A \wedge B$ (чин A чин)
3. $A \wedge B$ (хато A хато)

17. Қуйидаги ифодаларнинг қайси бири формула ёки формула эмаслигини аниқланг.

1. $(A \wedge B)$
2. $(A \supset B)$
3. $q \neg q$

18. Қуйидаги предикатлар мантиғи ифодаларини мулоҳазаларда ифодаланг.

1. $x P(x)$
2. $A(x)$
3. $\forall x A$

19. Символлар ўрнига ном (сўз)лар қўйинг ва мулоҳазалар предикатининг неча ўринли эканлигини аниқланг

1. Файласуф x , y файласуфнинг замондоши
2. x , y – миллий ғоянинг асосий тамойиллари
3. x – тасаввуф таълимотининг асосий ғояси



8-МАВЗУ. ИНДУКТИВ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ ВА АНАЛОГИЯ

Зарурий (дедуктив) хулоса чиқаришдан фарқ қиладиган хулоса чиқаришнинг эҳтимолий – индукция ва анология турлари мавжуд. Индуктив хулоса чиқариш ва анологиянинг хусусиятларини кўриб чиқишдан олдин мантикий эҳтимоллик хусусида қисқача тўхталамиз.

Эҳтимоллик – бу у ёки бу воқеа, ҳодисалар тизимида такрорланувчи, муайян шароитларда юз бериш имкониятларининг даражасидир. Эҳтимоллик тушунчасида такрорланиб турувчи шароитлар ва ана шу шароитларда юзага келувчи ҳодиса ўртасидаги боғланиш ифодаланади. Масалан, куз фаслида серёмғир, рутубатли кунлардан сўнг кечки уфқнинг алвон тусга кирганини кўрган кишиларнинг «эҳтимол, эртага осмон очик, ҳаво илиқ бўлади», деган ҳулосаси ана шундай боғланишга асосланилган ҳолда келтириб чиқарилади. Чунки кишилар аксарият кўпчилик ҳолларда кечки уфқнинг қизаришидан сўнг кунларнинг булутсиз, ҳавонинг такроран илиқ келишини кузатишганлар.

«Эҳтимоллик» тушунчаси икки маънода қўлланилади: кундалик, оддий ва илмий (математик) маъноларда. Биринчи маънодаги эҳтимоллик такрорланиб турувчи ҳодисаларни кузатиш ва умумлаштириш бўйича муҳокама юритиш, ҳулосалар чиқаришни англатади. Математик эҳтимолликда такрорланиб турувчи шароитлар ва юз берувчи ҳодиса ўртасидаги боғланишнинг сон билан ифодаланган аҳамияти ҳисобга олинади. Бунда муайян ҳодисанинг рўй бериш, содир бўлиш имконияти даражаси такрорланиб туриши мумкин бўлган, берилган шароитларнинг сон билан ифодаланган миқдорий аҳамияти бўйича белгиланади.

Бошқача қилиб айтганда, сон билан ифодаланадиган миқдорий аҳамият бўйича эҳтимоллик муайян ҳодисанинг юз беришига имкон туғдирувчи ҳодисалар сонининг содир бўлиши мумкин бўлган ҳодисалар умумий сонига бўлган нисбатига тенгдир деб белгиланади.

Бундай эҳтимоллик қуйидаги формулада ифодаланади. $P=m/n$

Бунда P – эҳтимоллик; m – шарт – шароит, имкон туғдирувчи ҳодисалар сони; n – юз бериши мумкин бўлган ҳодисалар сони .

Масалан, агар маълум бир минтақада 100 йилда 10 марта кучли (6 баллдан юқори) зилзила юз берганлиги кузатилган бўлса, унда бундай зилзиланинг такрорланиш эҳтимоллик даражасини қуйидагича белгилаш мумкин. P (зилзила такрорланиш эҳтимоллиги) = $m - 20/n - 100 = 1/5$.

Демак, ушбу минтақада зилзиланинг такрорланиш даражаси $1/5$ тенгдир.

Ўтган мавзуда дедуктив хулоса чиқаришнинг муҳим хусусияти умумийликдан яккалик, жузъийликка бориш асосида янги билимлар ҳосил қилиш эканлиги кўриб ўтилган эди. Лекин бунда хулоса чиқариш учун келтирилган асослар – умумийликларнинг ўзи якка буюм, ҳодисаларнинг хусусиятларини, яъни индуктив хулоса чиқаришнинг натижаси ўлароқ юзага келишини алоҳида таъкидлаш зарур. Масалан: «Ҳамма металллар электр токи ўтказди», деган умумий хулоса барча металл турларининг ҳар бири алоҳида, алоҳида тажрибада ўрганилиш бўйича чиқарилгандир. Демак, дедукция умумийликдан яккаликка ва индукция – яккаликдан умумийликка фикран ўтиш ўзаро чамбарчас биргаликда қўлланиладиган билиш усуллари дир.

Якка буюм, ҳодисаларни тажрибавий ўрганишда уларнинг туб хусусий белгилари билан биргаликда муайян синф (жинс)га тааллуқли умумий хусусиятларининг сабабий боғланишлари ҳам аниқланади. Шунга кўра индуктив хулоса чиқариш орқали табиат, жамият ҳодисаларининг умумий қонуниятлари очиб берилади. Масалан, жисмлар қиздирилганда улар ҳажмининг кенгайиши қонуниятини олиб қарайдиган бўлсак, унинг шубҳасиз, индуктив хулоса чиқариш йўли билан очилганига ишонч ҳосил қиламиз.

Дарҳақиқат, кишилар ўз амалий фаолиятлари жараёнида газ, суюқлик ва қаттиқ моддалар қиздирилганда, доимо уларнинг ҳажмининг кенгайишини кузатганлар ва бундан: «Ҳамма жисмлар, кимёвий моддалар қиздирилганда, ҳажми кенгайди», деган умумий хулосага келганлар.

Индуктив хулоса чиқаришда асосан тажриба, экспериментал текширишлар натижасига таянилади. Шунинг учун ҳам бунда ҳосил қилинган билимлар нисбий ҳақиқатлар даражасида бўлади.

Лекин, индукция бўйича чиқариладган аксарият хулосалар эҳтимолий характерга эгадир. Чунки, кўпгина ҳолларда, текширилаётган синфнинг барча турларини тажриба йўли билан ўрганиб чиқишнинг имкони бўлмайди.

Индуктив хулоса чиқариш деб якка нарсга, ҳодисаларнинг хусусият белгилари тажриба йўли билан ўрганилиб, улар муайян синф-жинс учун тааллуқлидир, деб чиқариладиган хулосага айтилади. Мазкур хулоса фикрнинг яккаликдан умумийликка ўтишидаги қуйидаги икки тамойил бўйича чиқарилади.

Биринчидан, якка предмет, ҳодисаларнинг хусусий ва муҳим белгилари аниқланилади. Иккинчидан, умумлаштириш асосида уларнинг синфи, жинси аниқланилиб, мазкур белгилар ана шу синфга тааллуқли эканлиги кўрсатилади.

Масалан:

«Инсонпарварлик жамият томонидан шахсга қўйиладиган талабдир.
Эркпарварлик – шахс томонидан жамиятга қўйиладиган талабдир.
Ватанпарварлик – жамият томонидан шахсга қўйиладиган талабдир.

Инсонпарварлик, эркпарварлик, ватанпарварлик ахлоқий тамойиллардир.

Демак, ахлоқий тамойиллар жамият томонидан шахсга ва шахс томонидан жамият қўйиладиган талаблардир».

Мисолда яккаликларнинг: инсонпарварлик, ватанпарварлик, эркпарварликларнинг муҳим белгилари кўрсатилиб, бу белгилар шу яккаликларнинг синфи – жинсига (ахлоқий тамойилларга) тааллуқли эканлиги кўрсатилмоқда.

Шунга кўра индуктив хулоса чиқариш билишнинг муҳим жиҳати-конкретликдан мавҳумликка ўтишнинг мантиқий асоси ҳисобланади.

Индуктив хулосанинг тамойиллари ижтимоий билишда ўтмишдан ҳозирга ва ундан келажакка фикран ўтиш усули тарзида қўлланилади. Бунинг классик мисоли тарзида Президентимизнинг миллий ғоя, мафкура ҳақидаги ҳамда бугунги кунда ислохотларни демократлаштириш жамиятимизда барқарорликни

таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилишлиги ҳақидаги хулосаларини келтириш мумкин.¹

Ўрганилаётган синф элементларининг қай миқдорда тажрибада текширилиши ва чиқарилган хулосалар эҳтимоллилиги даражасига кўра индуктив хулоса тўлиқ ва тўлиқсиз индукцияга ажратилади.

1§. Тўлиқ индукция

Тўлиқ индукция тур элементларининг сони аниқ ва уларнинг ҳар бирини тажриба йўли билан ўрганиб чиқиш имконияти бўлган синфларни ўрганишда қўлланилади. Шунинг учун бунда чиқарилган хулосанинг чин, хатолиги аниқ бўлади. Масалан:

Олмош келишиқда турланади.

Сон келишиқда турланади.

Сифат келишиқда турланади.

От келишиқда турланади.

Феъл келишиқда турланади.

Олмош, сон, сифат, от, феъл мустақил сўз туркумлариқдир.

Демақ, ҳамма мустақил сўз туркумлари келишиқда турланади.

Бунда хулосанинг чинлигига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ, чунки у муайян жинсинг (мустақил сўз туркумларининг) бирорта тури қолдирилмасдан ўрганилиб чиқиш асосида чиқарилгандир. Тўлиқ индукция схемаси:

Асослар:

$S_1 - P$ белгига эга.

$S_2 - P$ белгига эга.

$S_3 - P$ белгига эга.

S_1, S_2, S_3 турлари K синфни ташкил этади.

¹ Ушбу хулосалар ҳақида батафсил қаранг: Ислон Каримов. Ўзбекистон XX1 аср бўсағасида. Хафвсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. “Ўзбекистон”, 1997, . 194-200-бетлар.

Демак, К синфи Р белгига эга.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, тўлиқ индукция айрим буюм, ҳодисаларнинг белгиларини умумий синфга ёйиш- бу шунчалик яккаликларнинг белги, хусусиятини умумийликка механик тарзда кўчириш эмас. Индукция бўйича чиқарилган хулосалар якка, жузъийликка хос бўлмаган умумий билимларни ҳам ифодалайди.

Бошқача қилиб айтганда, тўлиқ индукция бўйича чиқарилган умумий хулосаларда текширилатган нарса, ҳодисаларнинг моҳиятли, қонуниятли жиҳатлари очиб берилади. Масалан, файласуфлар конкрет индивидларнинг онги, унинг амал қилишининг хусусиятларини ўрганиш ва уларни умумлаштириш асосида ижтимоий онг феномени ҳақида фикр юритадилар.

Лекин ижтимоий онг жамият маънавий ҳаётининг ифодаланиш шакли бўлиб, унинг моҳиятини конкрет индивидлар онгининг шунчалик механик йиғиндисининг хусусияти тарда изоҳлаб бўлмайди.

Буни инобатга олмаслик оқибатида тўлиқ индукцияда баъзан хатоликка йўл қўйилади. Ушбу хатоликнинг моҳияти шундан иборатки, якка асосларда турлар (элементлар)нинг хусусий белгилари умумлаштирилгани ҳолда, жузъий хулосалар чиқарилади ва бунда тадқиқ этилаётган синфнинг моҳиятли жиҳати назардан четда қолдирилади.

Шунинг учун тўлиқ индукциянинг фан, илмий билиш соҳасида қўлланилишини кундалик, оддий муҳокама юритиш жараёнида яккаликдан умумийликка ўтишдан фарқлай билмоқ керак. Кейингисида тўлиқ индукцияга кўпинча у ёки бу муҳокамаларнинг чин ёки хатолигини алоҳида қайд этиш, таъкидлаш, шунингдек, уларни текшириб кўриш мақсадини кўзлаб мурожаат қилинади. Масалан, «Гуруҳимизнинг ҳамма талабалари рейтинг назоратларини муваффақиятли топширдилар», деган муҳокаманинг ҳақиқатга қай даражада мослигини кўрсатиш ва уни алоҳида таъкидлаб ўтиш учун ўқув предметлари қайдномаларини кўриб чиқиш етарли.

Ижтимоий фикрни ўрганиш, референдум, сайловлар тўлиқ индукция тамойили асосида ўтказилади.

2§. Тўлиқсиз индукция

Шундай нарса, ходисалар синфи мавжудки, уларнинг барча турларини бирма-бир ўрганиб чиқишнинг ҳар доим ҳам имконияти ва зарурияти бўлмайди. Бундай пайтда тўлиқсиз индукцияга мурожаат қилинади. Мазкур индукцияда айрим нарса, ходисаларнинг такрорланиб турувчи белгиларини ўрганиш асосида улар муайян синфга хосдир, деб хулоса чиқарилади.

Аниқроқ қилиб айтганда, тўлиқсиз индукцияда муайян синф турларининг бир қисмини ўрганиб, уларнинг белгисини ҳали ўрганилмаган (ўрганиб чиқиш имконияти бўлмаган) турлари учун ҳам тааллуқли, деб хулоса чиқарилади. Шунинг учун бундай хулоса чиқариш натижаси, юқорида таъкидлаганимиздек, эҳтимолий характерга эга бўлади. Масалан:

Гелий ноль валентликка эга

Неон ҳам, аргон ҳам.

Гелий, неон, аргон инерт газлар синфига киради.

Ҳамма инерт газлар ноль валентликка эга.

Ушбу хулоса инерт газлари турининг бир қисмининг ўрганилиши асосида чиқарилмоқда. Шунга кўра бундай хулосада ифодаланилаётган билимнинг даражаси эҳтимоллидир. Чунки ҳали ўрганилмаган, фанга номаълум шундай инерт газлар турлари ҳам бўлиши мумкинки, уларнинг валентлиги бирликлар билан ўлчаниши мумкиндир. Тўлиқсиз индукциянинг схемаси:

S_1 -Р белгига эга.

S_2 -Р белгигаэга.

S_3 – Р белгига эга.

S_1, S_2, S_3 ўрганилган турлар К синфга мансубдир.

Демак, эҳтимол, К синфининг барча турлари Р белгига эга.

Тўлиқсиз индукция билиш жараёнида илмий гипотезаларни илгари сўришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Билимларимизнинг нисбийликдан мутлақ ҳақиқатга қараб боришида тўлиқсиз индукция, айниқса, муҳим роль ўйнайди. Тўлиқсиз индукция бўйича чиқарилган билим, хулосалар эҳтимоллигини камайтиришнинг бир қатор

шартлари бўлиб, уларга риоя қилиш орқали нисбий ҳақиқатлар даражасдаги билимларга эриши мумкин бўлади. Булар: 1) текшириладиган предметлар синфи (жинси) турларининг ўхшаш, умумий белгилари билан бирга фарқ қиладиган хусусий белгилари ҳам ҳисобга олиниши зарур. Масалан, Ўзбекистон Республикаси бугунги тараққиёт йўналишини, стратегиясини белгилашда дунёдаги тараққий қилган мамлакатлар тажрибаси билан биргаликда унинг ўзига хос хусусиятлари (миллий урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи ва б.) ҳисобга олинган; 2) текшириладиган тур белгилари муайян синф (жинс) учун муҳим ва хусусий белгиларни ифодаламоғи керак; 3) хулоса чиқаришга асос қилиб олинган далиллар тадқиқ қилинадиган объектлар кўлами учун бирдек тааллуқли бўлиши керак. Масалан, ой сатҳининг биргина жойидан келтирилган тупроқнинг кимёвий таркибини аниқлаш бўйича унинг бутун сатҳи шу таркибга эга, деган қатъий хулоса чиқариб бўлмайди. Шунингдек, баъзи ёшларимизнинг Ғарб эстрадаси, модаси шинавандаси эканлиги бўйича уларнинг барчаси ҳақида шундай хулоса чиқариб бўлмайди.

Тўлиқсиз индукция фактларни умумлаштириш усули ва ҳосил қилинган хулосаларнинг эҳтимоллиги даражасига кўра уч хил бўлади: **1) оммавий индукция, 2) илмий индукция, 3) статистик умумлаштириш.**

Оммавий индукция – бу айрим ҳодисалар белгисининг такрорланишидаги изчилликни оддий санаш, кузатиш йўли билан аниқлаш ва шу асосда умумлаштиришдир. Шунга кўра мантиқда тўлиқсиз индукция оддий санаш бўйича чиқариладиган хулоса деб ҳам аталади. Оммавий индукция бўйича хулоса чиқаришнинг мантикий асоси нарса, ҳодисалар орасидаги сабабий боғланиш, уларнинг изчил тарзда такрорланиб туришлиги ҳисобланади.

Кишилар амалий фаолиятларида табиат ва жамият ҳодисаларидаги такрорланиб турувчи даврийликка дуч келганлари, кузатганлари ва уларни умумлаштирганлари ҳолда башоратли хулосалар чиқаришга муваффақ бўлганлар. Масалан, улар турналарнинг кузда шимолдан жанубга барвақт қайтишлари, дарахт баргларининг қайси томондан сарғая бошланиши бўйича қишнинг қандай келишлиги ҳақида шундай хулоса чиқаришганлар.

Шунингдек, кишилар йилларнинг серҳосил ёки курғоқчил келишлигини ҳам ана шу йўл билан аниқлашга ҳаракат қилганлар.

Оммавий индукция бўйича хулоса чиқариш кишидан муайян назарий билим, мураккаб ҳисоблашлар, тажрибалар ўтказишни талаб этмайди. Бундай хулоса чиқариш фақат айрим ҳодисаларнинг такрорланиб турувчи белгиларини кузатиш, санаш йўли билан умумлаштиришни талаб этади. Ва бундай малака, айниқса, халқ таъбири, деҳқончилик соҳасида муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун кўпинча оддий табиб ёки ишбилармон деҳқон маълумотга эга нўноқ агроном, врачга нисбатан ўз касбининг устаси ҳисобланади.

Оммавий индукция қанчалик тарзда кишиларнинг кундалик турмушида муҳим билиш усули вазифасини ўтамасин, нарса, ҳодисаларнинг моҳияти, қонуниятларини очиқ бераолмайди. Мазкур вазифани илмий индукция бажарадики, шунга кўра у ўзига хос билиш усули вазифасини ўтайди.


3§. Илмий индукция ва унинг методлари

Илмий индукция деб асосларида айрим ҳодисалар белгисининг такрорланиши билан биргаликда, мазкур белгининг бошқа ҳодисалар хусусияти билан бевосита боғлиқлигини аниқлаш бўйича чиқариладиган индуктив хулоса турига айтилади. Шунга кўра илмий индукцияда ўрганилаётган ҳодисаларнинг бошқа ҳодисалар билан сабаб ва оқибат муносабатидаги боғланишини аниқлаш асосида хулоса чиқарилади. Агар оммавий индукцияда хулосалар ҳодисаларни оддий кузатиш, белгиларидаги такрорланишни санаш йўли билан чиқариладиган бўлса, илмий индукцияда хулоса уларнинг ўзаро сабаб ва оқибат боғланишларини аниқлаш орқали чиқарилади.

Фалсафада сабабий боғланиш деб ҳодисалар ўртасидаги шундай муҳим боғланишга айтиладики, уларнинг бири иккинчисини келтириб чиқаради, яъни улар сабаб ва оқибат муносабатида бўлади. Шунга кўра сабабий боғланиш қуйидаги хусусиятларда намоён бўлади: энг умумийлик хислатига эга эканлигида; рўй бериш жиҳатидан вақт изчиллигида, яъни сабабнинг вақтдан олдин келишлиги; натижа юз беришининг зарурийлигида. Сабабий боғланишнинг энг умумий характерга эга эканлиги реал воқеликдаги ҳодисалар бир-бири билан

ўзаро бевосита ва воситали тарзда боғланишда эканлиги ва бунда уларнинг бири иккинчисига нисбатан сабаб ва оқибат муносабатида бўлишлиги билан изоҳланилади.

Шунингдек, бунда бир ҳодиса сабаб сифатида бир қанча ҳодисаларни ва кейингилари ўз навбатида бошқа бир оқибат ҳодисани келтириб чиқарувчи сабаб бўлиб келиши мумкин. Буни қуйидаги схемада ифодалаш мумкин.(26-расм)



Масалан, иқтисодий кризис пулнинг қадрсизланиши, қимматчилик, маънавий инкироз каби оқибатларни келтириб чиқарадики, булар ўз навбатида бошқа ҳодисалар учун сабаб бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Сабабнинг доимо рўй бериш жиҳатидан оқибатдан олдин келишлиги сабабий боғланишнинг навбатдаги муҳим хусусиятидир. Бундай кетма-кетлик, изчилликда вақт нисбий характерга эга бўлиб, баъзи оқибатлар сабаб юз берган заҳотиёқ (масалан, зилзиладан сўнгги талофатлар) ёки узоқ муддат ўтгандан сўнг рўй беради. Масалан, уч юз йил муқаддам бошланган илмий – техника инқилоби оқибатда ҳозирги давр экологик муаммоларини юзага келтирди.

Сабабий боғланишлар кетма-кетлигини юзаки тушуниш рўй берган оқибатнинг эса асл сабабини кўра билмаслик «шундан сўнг, демак, шу сабабли (post nos, ergo propterpos) деган мантикий хатоликнинг йўл қўйилишига олиб келади. Масалан, собиқ иттифоқ тузумининг барҳам топиш сабабини Горбачевнинг давлат тепасига келишида деб билиш ва бошқалар.

САБАБИЙ БОҒЛАНИШЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ ИНДУКТИВ МЕТОДЛАРИ

Ходисалар орасидаги сабабий боғланишни аниқлашнинг бир қатор индуктив методлари мавжудки, булар қуйидагилардир: ўхшашлик, тафовут, йўлдош ўзгаришлар ва қолдиқлар методлари. Мазкур индуктив методлар дастлаб инглиз файласуфи Френсис Бекон (1561-1626) томонидан ишлаб чиқилади ва кейинчалик унинг ҳамюртлари Жон Фредерик Гершель (1792-1873) ва Жон Стюарт Милль (1806-1873) лар томонидан янада такомиллаштирилади. Ҳар уччала мутафаккир ҳам билиш жараёнида индуктив хулоса чиқаришнинг ролини бўрттириб кўрсатганлари ҳолда, ўзларининг ишлаб чиққан методларини билишнинг энг универсал усуллари дир деб даъво қиладилар. Масалан, С.Миллнинг фикрича, дедукция-силлогизм ҳеч қандай янги билим бермайди, бунга фақат индукция билан эришилади.

Лекин Бекон, Гершель ва Милларнинг индукция ва дедукция бирлигига бўлган қарашлари чекланган, бирёқлама бўлишига қарамасдан, уларнинг индуктив методлари то ҳозиргача ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, фанда илмий билиш жараёнида қўлланиб келинади.

Ўхшатиш методи бўйича оқибат ходисанинг (а) сабаби қуйидагича аниқланидади. Агар бир қатор ходисалардан (ABC) фақат бирининг бошқа ҳолатларда ўзгармасдан такрорланиб келишлиги кузатилса, ана шу ходиса сабаб деб кўрсатилади.

Дейлик, а оқибатни берилган ABC ходисаларнинг қайси бири келтириб чиқарганлиги, сабаби эканлигини аниқлаш берилган бўлсин. Бунинг учун мазкур учта сабаб деб тахмин қилинаётган ходисалардан бирининг оқибат ходиса (а) билан бўлган муносабатини белгилаш талаб этилади.

Агар барча ҳолатларда берилган, сабаб деб тахмин қилинаётган ходисаларнинг (ABC) бирининг такрорланиб, ўзгармасдан келиши билан оқибат ходисанинг рўй беришлиги кузатилса, худди ана ходиса (А) сабаб деб белгиланади.

Бунинг схемадаги ифодаси:

1-ҳолат ABC-а

2-ҳолат AMH -а

3-ҳолат AEG -а

Демак, эҳтимол, А ҳодиса а нинг сабабидир.

Дарҳақиқат, схемадан кўриниб турибдики, оқибатни В ва С ҳодисалари келтириб чиқараётган эмас. Чунки улар 2 ва 3-ҳолатларда ўзгариб келмоқдаки, фақат А ҳодисанинг ўзгармасдан такрорланиб келиши билан а ҳодисанинг рўй бераётганлиги кузатилмоқда. Масалан, дейлик, кишилиқ жамияти тараққиётнинг муайян босқичида юзага келган бозор муносабатининг сабабини (а) аниқлаш берилган бўлсин. Бунинг учун энг аввало ижтимоий-иқтисодий тузумларнинг биридан бошқасига ўтиши ва уларнинг ижтимоий таркибининг сифат жиҳатидан ўзгариб бориши билан туб ўзгаришга учрамасдан такрорланиб келувчи умумий бир ўхшаш ҳодисани аниқлаш талаб этилади. Бундай ҳодисалардан энг муҳими деб товар айрибошлаш муносабатини кўрсатиш мумкин. Чунки товар ишлаб чиқариш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар (А) доимий ўзгаришда бўлган кишилиқ жамиятининг барча босқичлар учун умумий хусусият ҳисобланади.

Ўхшатиш методида оқибатнинг сабабини аниқлаш айирувчи-қатъий хулоса чиқариш тамойили бўйича амалга оширилади. Бунда, биринчидан, оқибатни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳодисалар туркуми аниқланилади. Иккинчидан, мазкур ҳодисалар ичидан оқибат ҳодиса учун сабабий муносабатда бўлмаганлари истисно этилади.

Бунинг схемаси:

Эҳтимол, А ёки В ёки С- а нинг сабабидир.

В ҳам С ҳам – а нинг сабаби эмас.

Демак, А – а нинг сабаби.

Схеманинг ўқилиши:

А ёки В ёки С а-оқибатни келтириб чиқараётган бўлиши мумкин. В ҳам С ҳам а нинг сабаби эмас эканлиги аниқланди. Демак, эҳтимол, А ҳодиса а ҳодисанинг сабабидир.

Тафовут методи бўйича оқибатнинг (а) сабаби қуйидагича аниқланилади: берилган ҳодисалар (ABC) бошқа, иккинчи ҳолатда олиб қаралади ва улар ўзаро таққосланиб, уларнинг ўхшашлиги ва тафовути аниқланилади. Бунда улардан бирининг иккинчи ҳолатда иштирок этмаслиги билан текширилувчи, яъни оқибат деб тахмин қилинаётган ҳодисанинг (а) юз бермаслиги кузатилса, худди ана шу иштирок этмаётган ҳодиса сабаб деб белгиланади. Бунинг схемадаги ифодаси:

1-ҳолат. A B C-а.

2-ҳолат. A C- -

Демак, эҳтимол, B ҳодиса а ҳодисанинг сабабидир.

Мисол: табобатда дастлаб организм учун энг зарур модда бу оксил ва туз деб қаралган. Бундай қарашнинг ҳатолигини 1880 йилда рус врачлари Луний асослаб беради. У бир қанча сичқонларни икки гуруҳга ажратиб, уларнинг бирини оддий емишлар, иккинчисини оксил ва тузлар билан озиклантиради. Иккинчи гуруҳдаги сичқонларнинг ҳаммаси маълум муддат ўтганидан сўнг ўладилар, биринчисидakilар эса тирик қоладилар. Луний бундан организм учун оксил ва тузлардан ташқари бошқа модда ҳам зурур, деган хулосага келади ва шу асосда кейинчалик дармондори-витами́нлар кашф этилади.

Тафовут методида экспериментларга таянилади ва шунга кўра у табиатшунослик фанларида кенг қўлланилади. Мазкур метод билишнинг барча соҳаларида, хусусан, ижтимоий ҳодисаларни тадқиқ этишда кенг қўлланилади. Масалан, агар Ўзбекистондаги ҳозирги ижтимоий барқарорлик тадрижий ривожланишнинг сабабаларини чуқурроқ очмоқчи бўлсак, энг аввало, унинг бошқа МДХ давлатлари билан таққослаймиз ва бунда уларнинг сиёсий ташкилотлари, бошқариш тизимидаги тамойиллардаги тафовутни аниқлаймиз.

Лекин ижтимоий ҳодисалар тадқиқида чиқариладиган хулосалар кўпинча эҳтимолий характерга эга бўлади. Чунки бунда сабаб деб тахмин қилинувчи ҳодисаларнинг ўзи бошқа умумий сабабнинг оқибати бўлиши мумкин. Масалан, бугунги кунда баъзи собиқ иттифокдош республикалардаги «бахмал инқилоб»ларининг содир бўлиши, турли шаклдаги уюшган жиноятлар сонининг ошиб боришини олиб қарайдиган бўлсак, мазкур ҳодисаларнинг бирини

иккинчисига нисбатан сабаб деб кўрсатиб бўлмайди. Чунки уларнинг ҳар бири умумий битта сабабнинг - мамлакатда ҳукм сураётган иқтисодий ва сиёсий беқарорлик оқибати ҳисобланади.

Тафовут методида ҳам сабабнинг оқибати айирувчи-катъий хулоса чиқариш тамойили бўйича аниқланилади.

Схемаси:

Эҳтимол, А ёки В ёки С -а ҳодисанинг сабаби.

А ҳам, С ҳам а нинг сабаби эмас, эканлиги аниқланди.

Демак, В-а ҳодисанинг сабабидир.

Баъзи ҳодисалар туркуми тадқиқи **ўхшатиш ва тафовут** методларини биргаликда қўллашни тақозо этади. Чунки кўпинча ўхшатиш орқали тафовут ва аксинча, тафовут орқали ўхшаш белгиларни аниқламасдан туриб сабаб ҳодисани белгилаб бўлмайди.

Ўхшатиш-тафовут методи:

А В С-а ҳодисани келтириб чиқаради.

А М Н-а ҳодисани келтириб чиқаради

А Е Г-а ҳодисани келтириб чиқаради

В С- а ҳодисани келтириб чиқармайди

М Н- а ҳодисани келтириб чиқармайди

Е Г- а ҳодисани келтириб чиқармайди

Демак, эҳтимол, А ҳодиса а нинг сабабидир.

Мисол: Дуккакли ўсимликлар азот ўғитига муҳтож бўлмасликдан ташқари, уларнинг ўзлари ерни шундай ўғит билан озиклантирадилар. Дуккаксиз ўсимликлар эса азот ўғитини талаб этадилар. Дуккакли ўсимликларнинг бундай хусусиятга эга эканлиги қуйидагича, яъни уларнинг ўхшашлиги бўйича тафовутини топиш орқали аниқланилади. Дастлаб барча дуккакли ўсимликлар учун хос умумий бир ўхшаш белги-илдизларида оқ ўсимталар борлиги, дуккаксизлар ўсимликларда бунинг йўқлиги аниқланган. Кейинчалик

илдизлардаги оқ ўсимталар таркибида ўзидан азот моддаси ишлаб чиқариладиган бактериялар яшашлиги тажрибавий йўл билан исботланади.

Бошқа бир мисол: агар биз бунёдкор ғояларнинг кишилик жамияти тараққиётининг муҳим омили эканлигини кўрсатиб бермоқчи бўлсак, уларнинг бузғунчи - вайронакор ғоялардан тафовутини жиҳатларини аниқлаб олишимиз талаб этилади.

Бунинг учун Шарқ ва Ғарб мамлакатлари Уйғониш даврларидаги ижтимоий тараққиётнинг юксак тамаддун босқичига кўтарилганлиги илғор, инсонпарварлик ғоялари негизда юз берганлиги, инсоният бошига чексиз кулфатлар келтирган ногуманистик - вайронакор ғоялар (буюк давлатчилик, шовинистик ва бошқа) билан таққосланилади. Ва бунда ғояларни қиёсий ўхшатиш орқали уларнинг тафовути аниқланилиб хулоса чиқарилади.

Йўлдош ўзгаришлар методида хулоса қуйидаги мантиқий гамойил бўйича чиқарилади. Агар берилган, яъни сабаб деб тахмин қилинаётган ҳодисалар (ABC) ичидан бирининг (B) ўзгариши билан (ўзгариш 1, 2, 3 сонлари билан ишораланади) бошқа бир ҳодиса ҳам ўзгарса, уларнинг биринчиси иккинчиси учун сабаб бўлиши мумкин. Бунинг схемадаги ифодаланиши:

$A \ B_1 \ C - a_1$

$A \ B_2 \ C - a_2$

$A \ B_3 \ C - a$

Демак, эҳтимол, B ҳодиса a нинг сабабидир.

Мазкур метод, асосан, сабабини тафовут методи бўйича аниқлаб бўлмайдиган ҳодисаларни ўрганишда қўлланилади. Шундай ҳодисалар туркуми борки, (айниқса ижтимоий соҳада) улар орасида сабаб ва оқибат муносабатларини белгилаш жуда қийиндир. Бундай пайтда уларнинг ўзгаришидаги миқдорий жиҳат ҳисобга олинади. Масалан, жамиятда рўй берадиган маънавий инқирознинг ва унинг чуқуртлашиб боришининг жуда кўплаб сабаблари борки, (ўз навбатида маънавий инқирознинг ўзи улар учун сабаб бўлиши мумкин) уларнинг қайси бирида ўзгариш коэффиценти кўп, юқори эканлиги кузатилса, ана шу ҳодиса

асосий сабаб деб белгиланади, бунда бошқа жиҳат, омилар фақат мавҳумлаштирилган ҳолда сабаб деб топилган ҳодисалардан ажратилади.

Масалан, бугунги кунда таълим - тарбия тизими қанчалик яхши ишга тушса, кишиларда миллий мафкура, ғоя шунчалик изчил шаклланади. Ўз навбатида кейингиси таълим-тарбия ишининг мазмунини, самарадорлигини -оширишнинг муҳим омили, сабаби ҳисобланади.

Қолдиклар методида оқибатнинг сабаби берилган бир қатор, ҳодисаларнинг ўзаро сабаб ва оқибат боғланишнинг маълумлиги бўйича аниқланади. Дейлик, бизга учта оқибат ҳодисанинг-а, в, с-сабаби маълум, яъни: а нинг сабаби-А, в нинг сабаби-В, с ники С ҳодисаларидир. Бундан а, в, с ҳодисалари туркумидаги текширилаётган д оқибат ҳодисанинг сабаби қолдик Д ҳодисасидир, деб хулосага келиш мумкин.

Қолдиклар методи

Бунинг схемаси: АВС - авсд.

А-ҳодиса а нинг сабабидир.

В-ҳодиса в нинг сабабидир.

С-ҳодиса с нинг сабабидир.

Демак, эҳтимол, Д ҳодиса д нинг сабабидир.

Қолдиклар методида сабаб берилган ҳодисаларнинг аксарият қисмининг сабаб ва оқибат боғланишларининг маълумлиги бўйича аниқланади. Берилган AVSD ҳодисанинг 3 тасининг оқибатлари маълум бўлса (a,b,s), унда сабаби ахтарилаётган d ҳодисанинг ҳам сабаби шу хилда белгиланади, яъни унинг сабаби D ҳодисасидир, деб хулоса чиқарилади.

Бунинг схемадаги ифодаси:

AVSD-a,v, s (d-x)

A-a

V-v

S-s

Демак, d-х ҳодиса ҳам шундай сабаб (D) бўйича юз беради.

Қолдиклар методи аниқ фанлар соҳасида кенг қўлланилади. Кўпчилик илмий кашфиётлар мазкур метод тамойилига асосланган ҳолда қилинган. Масалан, 1846 йилда немис астрономи И.Галле томонидан Нептун планетасининг кашф этилиши, гелий, рубидий, полоний, радий каби кимёвий элементларнинг топилишида қолдиклар методига таянилган.

4§ Статистик умумлаштириш

Статистик умумлаштириш тўлиқсиз индукциянинг ўзига хос тури бўлиб, унинг хулосасида предмет, ҳодисаларнинг частотаси, яъни уларнинг белгилари, содир бўлиш даражаси тасдиқланади. Бундай хулоса тўлиқсиз индукция тамойили - муайян синф, тўпламни ташкил этувчи элементларнинг бир қисмининг белги, хусусиятларини ўрганиб, унинг натижасини ана шу синф, тўпламга бирдек ёйиш бўйича чиқарилади. Бунда объект сифатида олинган синф, тўплам элементларининг барча муҳим белги, хусусиятларини ўзида яхлит қамраб олувчи кичик танлов тўплами тузилади. Ва аниқланаётган ҳодиса частотаси, предмет белгиси ана шу танлов тўплами доирасида аниқланиб, унинг натижаси тадқиқ объекти сифатида олинган синфга бирдек ёйилади. Масалан, агар социолог мустақиллик даврида Ўзбекистон фуқароларининг дунёқарашининг қай даражада ўзгарганлигини ўрганмоқчи бўлса, у ана шу даврда уларнинг маънавий-ахлоқий, сиёсий, ҳуқуқий қарашларини ўзида қамраб -олган кичик танлов тўпламини тузиб олади. Ва у тадқиқот ишини ана шу тўплам доирасида олиб боради, сўнгра унинг натижаси - кишилар дунёқарашидаги туб ўзгариш даражаси - частотасини барча Ўзбекистон фуқаролари учуи ҳам хосдир, деб кўрсатади.

Статистик умумлаштиришда тадқиқ этилаётган объектларнинг қуйидаги жиҳатлари ва уларнинг муносабат ва нисбатлари ҳисобга олинади. Ва булар бўйича мазкур умумлаштиришнинг схемасини тузишда шартли белгилардан фойдаланилади. Булар: S- ўрганилаётган объект намунаси; P - аниқланилаётган хусусият, белги; m - кузатилаётган нусха қисмлари ҳоллари (ҳолатлари) нинг умумий сони; n - P белгисига эга бўлган пайтдаги ҳолатларининг сон, f(P)- p

белгисининг такрорланиш, содир бўлиш частотаси (даражаси), Р белгисининг содир бўлиш частотаси ёйиладиган ҳодисалар тўплами (синфи) - К.

Бунда S намунасига тобе Р белгисининг содир бўлиш частотаси Р белгисига эга бўлган ҳодиса ҳолат (ҳол) ларининг (n) кузатилаётган намуна қисмларининг ҳолатига (m) бўлган муносабатини ифодалайди. Яъни:

$$f(P)=n/m$$

Статистик умумлаштиришнинг тамойили социологик тадқиқотларни ўтказишнинг мантикий усули бўлиб хизмат қилади. Масалан, оилаларнинг - бузилиш даражаси (частотаси)ни аниқлашда уларнинг бузилиш ҳолларидан 100 тасидан 20 таси фарзандсизлик сабабли эканлиги аниқланилса, унда бу ҳолатдаги оила бузилиш даражаси ($f(p)$) 20/100, яъни 20 фоизни ташкил этишлиги маълум бўлади.

Статистик умумлаштириш бўйича хулоса чиқариш қуйидаги схемада ифодаланади:

Асослар:

NS $f(p)$ га эга

NCK

$K > N$

Хулоса: $K f(p)$ га эга. .

Ушбу схема қуйидагича ўқилади: р белги, хусусият N ўрганилаётган объект нусхасида пайдо бўлади, N нусхаси миқдорий жиҳатидан ўзидан катта бўлган К тўпамининг кичик қисми ҳисобланади. Демак, р белгиси К тўламида f частотаси билан учрайди. Статистик умумлаштириш асосан кенг миқёсдаги ижтимоий ҳодисаларни, сиёсий ва мафкуравий масалалар билан боғлиқ ўзгаришлар, экологик муаммоларни ўрганишда қўлланилади. Текширилаётган жинс турлари белгисига хос миқдорий ахборот, маълумотларни тўплаш ва уларни умумлаштириш орқали мазкур жинсга бирдек ёйиш статистик умумлаштиришнинг муҳим тамойили ҳисобланади. Шунга кўра мазкур умумлаштиришнинг хулосаси эҳтимоллий бўлади. Лекин бундай эҳтимоллик

муайян қонуниятни ифодалайди. Шунга кўра у ёки бу соҳа бўйича тегишли қарор, фармонларни қабул қилишдан олдин кўпинча ижтимоий фикрни фуқароларнинг ушбу соҳа масаласига бўлган муносабатлари аниқланилиши зарур деб ҳисобланади. Шунинг учун мазкур вазифани амалга оширишда умумий сўровлар ўтказилади ва уларнинг натижалари умумлаштирилади.

5§. Аналогия ва унинг турлари

Ўрганилаётган объектлар ҳақида янги билимлар дедукция ва индукция билан биргаликда, аналогия (тамсил) воситасида ҳам ҳосил қилинади.

«Аналогия» (юнон. *analogia* - ўхшаш, мувофиқ) атамаси дастлаб қадимги юнон математиклари томонидан сонлар ўртасидаги мослик муносабатини ифодаловчи тушунча сифатида қўлланилган.

Мазкур атама кейинчалик кенг маънода - нарса, ҳодисалар орасидаги ўхшашлик, мувофиқлик ва уларнинг муносабатидаги мосликни ифодаловчи тушунча сифатида қўлланила бошланади. Шу маънода оддий ва илмий тафаккурда аналогиядан фойдаланиш фикр аниқлигини, унинг конкрет, образли идрок этилишини -таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, жамиятнинг муайян соҳалар, таркибий қисмлар бирлигидан ташкил топган ўзига хос тизим-система эканлиги ва унинг тараққиётини тушунтириш учун у жонли организмга ўхшатилади.

Мантиқ фанида аналогия хулоса чиқаришнинг шакли сифатида олиб қаралади.

Аналогия - бу муайян белгининг бир предметга тааллуқлилиги мазкур предметнинг бошқа бир предмет билан муҳим белгиларига кўра ўхшашлигини аниқлаш бўйича чиқариладиган хулосадир.

Дейлик, В предметнинг д белгисига эга ёки эга эмаслигини аниқламоқчимиз. Лекин буни индуктив ва дедуктив хулоса чиқариш йўли билан аниқлашнинг имконияти йўқ. Шунинг учун, энг аввало, унга (В предметиға) бир қатор белгилар билан ўхшаш иккинчи бир предметни (А) ахтариб топиш талаб

этилади. Ва ушбу предмет (А) атрофлича тадқиқ этилган объект ва у ҳақидаги билим эҳтимолликдан холи бўлмоғи керак.

Агар такқосланиш учун топилган (А) предметида- В предметидагига ўхшаш бир қатор белгиларнинг борлиги ва улар айни пайтда унинг ўрганилаётган д белгиси билан у ёки бу тарзда сабаб ва оқибат боғланишида эканлиги аниқланилса, мазкур д белги - В предмети учун ҳам хосдир деб хулоса чиқарилади.

Бошқача қилиб айтганда, аналогияда хулоса икки предмет, ҳодисанинг ўхшашлигидан уларнинг бирининг бошқа номаълум белгиси ҳақида хулоса чиқарилади. Ва бунда объект сифатида тадқиқ этилган предметнинг белгиси иккинчи, ўрганилаётган (В) предметга кўчирилади. Шунга кўра аналогия хулосаси кўпинча эҳтимолий характерга эга бўлади. Аналогия бўйича хулоса чиқаришнинг схемаси кўйидагича:

А - а, в, с, д

В - а, в, с, х

В - д (Демак, эҳтимол, В предметида ҳам д белгиси хосдир)

В - муайян (д) белгига эга ёки эга эмаслиги текширилаётган предметни, а, в, с - лар улар учун хос ўхшаш умумий белгиларни ифодалайди. Бундан А ва В предметлари қайд этилган ўхшаш (а, в, с) белгаларга, д белгисининг эса ушбу белгилар билан ўзаро сабабий боғланишдалиги маълум бўлса, демак, эҳтимол, В предмети ҳам д белгисига эгадир, деган хулосага келинади. Масалан, зоолог аналогия бўйича маълум бир денгизнинг ҳайвонот дунёси ҳақида ҳали уни тадқиқ этишга киришмасдан туриб ҳам хулоса чиқариш мумкин. Бунинг учун унга мазкур денгизнинг тадқиқотчилар томонидан тўлиқ ўрганилган денгизни топишни ва унинг ўзи ўрганмоқчи бўлаётган денгиз билан бир хил умумий ўхшаш белгиларга эга эканлигини аниқлаши кифоядир.

Фаннинг кўп соҳаларида қилинган кашфиётлар (Ерда гелий моддасининг топилиши, ЭҲМ нинг яратилиши, ёруғликнинг тарқалиши назарияси ва бошқалар) ва гипотезалар (бошқа планеталарда ҳаёт, цивилизациянинг борлиги,

муқобил (анти) дунёнинг мавжудлиги ва бошқалар) аналогия бўйича хулоса чиқаришнинг натижаси ҳисобланади.

Аналогиянинг мантикий асосини реал воқеликдаги предмет, ҳодисаларнинг ўзаро сабабий боғланишлари, макон ва замондаги муносабатлари ташкил этади. Бу эса аналогиянинг қуйидаги тамойилини белгилайди: агар текширилаётган белги муайян предметнинг муҳим белгиси эканлиги ва мазкур предмет иккинчи бир предмет билан сабабий боғланишдалиги аниқланса, унда текширилаётган белги иккинчи предмет учун ҳосдир.

Таққосланилаётган объектларнинг характериға кўра аналогия икки турға бўлинади: хусусият ва муносабат аналогияси.

Хусусият аналогиясида икки предмет, ҳодиса таққосланилади ва уларнинг хусусиятларининг муҳим белгиси бири иккинчисига кўчирилиши бўйича хулоса чиқарилади. Бунга мисол қилиб, товушнинг тўлқинсимон тарқалиши назариясининг (XVIII аср голланд математик-физиги Гюгенц томонидан) яратилишини келтириш мумкин.

Физика тарихидан маълумки, товушнинг тарқалиш ҳаракати суюқликнинг тўлқинсимон ҳаракати билан таққосланиб, товушнинг тўлқинсимон тарқалиши назарияси кашф қилинади. Бунда товуш ва суюқликнинг ҳаракатларидаги умумий ўхшашлик асосида суюқликка ҳос тўлқинсимон хусусият товушға кўчирилади.

Барча фан соҳаларида тадқиқот ишлари олиб борувчилар мазкур аналогия туриға мурожаат қиладилар. Масалан, табобат олимлари у ёки бу дорини тайёрлаш ёки жарроҳлик тажрибаларини дастлаб ҳайвонлар устида ўтказганларидан сўнг инсон организмға кўчирадилар.

Ёкутистондаги дунёға машҳур олмос кони ҳақидаги дастлабки тахмин аналогия бўйича хулоса чиқариш асосида илғари сурилади. Энг бой олмос захирасиға эға Жанубий Африка ясси тоғларининг геологик таркиби Шарқий Сибирь - Ёкутистон тоғларининг геологик таркиби билан кўп жиҳатдан ўхшаш эканлиги аниқланади. Энг муҳими-Жанубий Африка олмос конидан қазиб олинадиган руда - жинс таркибидаги зангори рангли минерални Ёкутистондаги дарёларнинг қуйилиши жойидан топадилар. Бундан: эҳтимол Ёкутистоннинг

бундай жойларида олмос кони бор, деган хулосага келинадики, шу асосда кейинчалик у ерда энг кўп захирали олмос кони очилади.

Хусусият аналогияси, айниқса, жиноят - қидирув ишларини олиб боришда кенг қўлланиладиган версия (гумон, тахмин) ларни илгари суришда муҳим роль ўйнайди. Масалан, 1996 йили 11 ва 12 июнь кунлари Москва шаҳрида куппа - кундуз йўловчилар билан лик тўла автобуслар портлатилади. Мазкур жиноят бўйича қидирув ишлари бир қатор версия бўйича олиб борилади.

Бу иш Чеченистонлик «жангари»лар томонидан уюштирилган, деган гумон мазкур версиялар ичида энг ишончлиси деб ҳисобланилади. Ушбу версия қуйидаги мантикий асосларга таянилган ҳолда илгари сурилади. Москва шаҳридаги каби автобуслар портлатилиши, унинг барча белгилари бўйича, Ингушистон Республикасининг кичик бир шаҳарчасида кейинроқ содир этилади. Ва бу ерда жиноятчилар тезкор ички ишлар томонидан жойда қўлга олинади. Қўлга олинганларнинг шахси аниқланилади: улар Чеченистонликлар экан.

Муносабат аналогияси таққосланилаётган предмет, ҳодисанинг муносабати уларнинг бирдан иккинчисига белги сифатида кўчирилади ва хулоса чиқарилади. Мазкур аналогия турида муносабатли ҳукмлар асос қилиб олинади ва чиқариладиган хулоса ҳам муносабатли бўлади. Бунинг схемаси:

1. XRY.
2. MR₁ h.
3. R - а, в, с, д хусусиятларга эга.

R₁ - а, в, с хусусиятларга эга.

Демак, эҳтимол, R₁- д хусусиятга эгадир.

Схемани конкрет мисолда ифодалаймиз.

1. Америка (X) дунёдаги энг ривожланган еттилик мамлакатларига (R) нисбатан (Y) четга кўп сармоя чиқаради.

2. Япония (M) еттилик мамлакатларига нисбатан (R₁) электрон технологияси саноати бўйича (h) юқори ўринни эгаллайди.

3. Америка ва Япония давлатлари дунёдаги энг ривожланган еттилик мамлакатлари орасида тутадиган мавқеларига кўра ўхшашдирлар (R ва R₁

муносабатиди). Лекин Америка Японияга нисбатан бир қатор соҳаларда устунликларига эгаки, (а, в, с, д). унинг бундай устунликлари қисман Японияга ҳам хос бўлиши мумкин.

Бундан: эҳтимол, келажакда Япония ҳам чет эл мамлакатларига сармоя чиқаришда еттилик мамлакатлари ичида етакчи ўринни эгаллаши мумкин, деган хулоса чиқарилади.

Хулосаларнинг эҳтимоллигининг даражасига кўра аналогия қатъий ва ноқатъий аналогия турларига ажратилади.

Қатъий аналогия хулосаси икки хил йўл билан келтириб чиқарилади. Биринчисида предметнинг кўчириладиган белгиси (д) унинг бошқа белгилари (а, в, с) билан сабабий боғланиш, муносабатда эканлиги аниқланилади. Бунда моделлаштириш ва илмий индукция усуллари қўлланилади. Масалан, Президентимиз Ўзбекистоннинг ўзига хос тараққиёт йўлини белгилашда унинг ўзининг ички имкониятларидан келиб чиққани ва айни пайтда дунёдаги ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянилади ва шу асосда унинг келажаги буюқдир, деган қатъий хулосага келади. Бунда, асосан, ривожланган мамлакатларнинг юксак тараққиёт даражасига етишганлиги йўли-бозор иқтисодиёти (д) сиёсати қабул қилинади (кўчирилади).

Мазкур сиёсатнинг эсабошқа ижтимоий омиллар билан (а, в, с) сабабий боғланиши, айтиш мумкинки, рдунёдаги мутараққий мамлакатлар тажрибасида узил кесил исботлангани аниқдир.

Президентимиз бир қатор китобларида, хусусан, «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» (1992) рисоласида Республикамизда бозор иқтисодининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий омиллари ва уни амалга оширишнинг йўл-йўриқларини кўрсатиб берадики бу қатъий аналогиядан фойдаланишнинг мумтоз намунаси.

Қатъий аналогияда моделлаштириш усули кенг қўлланилади. Моделлаштириш (лотинча *modus* - ўлчов, французча *modele* нусха) - бу текшириладиган объектни сунъий равишда яратилган намуна - нусха (проект, схема, қурилма ва бошқалар) асосида ва унга аналогия тамойилини қўллаш

бўйича тадқиқ этиш усулидир. Мазкур усул текширилаётган объектни табиий шароитда ўрганиш қийин ҳамда бунга имконият бўлмаган ҳолларда, шунингдек, тадқиқот ишини осонлаштириш мақсадида қўлланилади. Моделлаштиришнинг муҳим тамойили - бу модел ва оригиналнинг (нусхаси кўчириладиган объект) ўхшашлиги ва тафовутини ҳисобга олишдир. Чунки оригиналнинг барча хусусиятларини моделда айнан акс эттириб бўлмаганидек, моделда яратилган нусхани оригиналига тўлиқ кўчиришнинг ҳам имконияти бўлмайди. Масалан, ЭХМ лар инсон миясининг ишлаш тамойили бўйича яратилган бўлса-да, лекин унинг барча мураккаб функцияларини унга кўчиришнинг имконияти йўқ.

Моделлаштириш оригинал ва модел муносабатига кўра предметли, математик, физикавий кўринишларда бўлади. Лекин уларнинг барчасида аналогия бўйича иш кўрилади. Шунинг учун моделлаштириш фан, билиш жараёнида муҳим мантиқий усул вазифасини ўтайди.

Қатъий аналогиянинг иккинчи хилида хулоса, қайд этилган унга хос тамойил билан биргаликда, яна куйидаги шартларга асосланган ҳолда чиқарилади.

1) Таққосланаётган предметларнинг умумий белгилари (а, в, с) бир-бирига айнан ўхшаш бўлиши зарур.

2) Умумий белгиларнинг (а, в, с) кўчириладиган белги (д) билан сабабий боғланиши таққосланиладиган предметларнинг ўзига хос хусусиятларига тобе бўлмаслиги керак.

Ноқатъий аналогия хулосаси доимо эҳтимолий бўлади. Чунки бунда аналогияга хос барча талаб ва тамойиллар ҳисобга олинмайди. Ва энг муҳими предметнинг кўчириладиган белгисининг бошқа умумий белгилари билан сабабий боғланиши номаълум бўлади. Масалан, бизга маълумки, мис болғаланувчан, электр ва иссиқлик ўтказувчан элементдир. Дейлик, бериллийни ўрганиш жараёнида унинг ҳам шундай хусусиятлари аниқланади. Шунга асосланиб бериллий ҳам иссиқлик ўтказувчандир, деган эҳтимоли хулосага келиш мумкин. Чунки бериллийнинг иссиқлик ўтказувчанлиги бевосита унинг қайд этилган белгилари билан бевосита боғланишда эмас.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, баъзи дарслик, ўқув қўлланмаларида ноқатъий аналогия ноилмий деб талқин қилингани ҳолда, у бўйича чиқариладиган хулосалар билиш аҳамиятига эга эмас, деб қаралади. Бизнингча, бундай қарашга қўшилиб бўлмайди. Чунки ноқатъий аналогия фақат формал мантиқий билиш усули бўлмасдан, санъат, бадиий билиш жараёнида, маънавий қадриятларни қарор топтириш жараёнида қўлланиладиган ўзига хос усул вазифасини ҳам ўтайди. Ноқатъий аналогиянинг бундай мақоматга амал қилинишида такқосланилаётган предметларнинг билиш объекти сифатидаги реаллиги улар ҳақидаги хулосаларнинг формал мантиқ талабидаги чин ёки хатолиги билан эмас, балки олий онг (тафаккур, онгнинг бадиий ижод даражасида амал қилиши) ўлчови билан баҳоланиладиган қадриятлилиги инобатга олинади.

Буни Чўлпоннинг «Гўзал» сарлавҳали шеъри мисолида кўриш мумкин.

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,

Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.

Ул юлдуз уялиб, бошини букиб,

Айтадир: мен уни тушда кўрамен.

Тушумда кўрамен- шунчалар гўзал,

Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!

Кўзимни оламан ой чиққан ёкқа,

Бошлайман ойдан-да сени сўрмоққа

Ул-да айтадир: бир қизил ёноққа

Учрадим тушумда, қўшилган оққа

Оққа қўшилганда шунчалар гўзал,

Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!¹

Ушбу шеърда қўлланилган бадиий ўхшатишни формал мантиқ усули - аналогия тамойили нуқтаи назаридан туриб изоҳлаб бўлмайди. Чунки, қиз юлдуз,

¹ Чўлпон. Яна олдим созимни - Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 381 -бет.

ой ва қуёш билан таққосланиладики, уларни аналогик- бир жинсдаги объектлар сифатида олиб қараш мумкин эмас. Ва шунингдек, уларнинг бирининг белгиси иккинчисига кўчирилиб хулоса чиқарилаётгани йўқ. Учинчидан юлдуз, ой ва қуёшларнинг киши (лирик қахрамон) билан суҳбатлашиши хаёл - фантазия маҳсулидир. Лекин ушбу шеърда қўлланилган бадиий ўхшатиш (истиора) моҳиятан ноқатъий аналогияга асосланган бўлиб, унда «Инсон табиатининг энг мукаммал хилқатидир», деган фалсафий фикр ўзининг поэтик ифодасини топгандир.

Биз юқорида аналогия хулосаси эҳтимолий характерга эга бўлишлигини таъкидлаган эдик. Лекин буни мутлақлаштириш мумкин эмас. Чунки аналогия бўйича ишонарли, чинлиги асосланган билимлар ҳам ҳосил қилинади. Бунга эришишнинг бир қатор шартлари мавжудки, энди улар ҳақида қисқача тўхталамиз. Булар:

1. Ўхшаш умумий белгиларга эга предмет, ҳодисалар объект сифатида олинмоғи ва таққосланмоғи керак. Мазкур шарт ҳар қандай нарса, ҳодисаларни эмас, балки муайян ички боғланишда бўлган тизимлар ва уларнинг элементларини ўзаро таққослашни талаб этади. Ушбу талабнинг ҳисобга олинмаслиги, айниқса, ижтимоий ҳодисаларни тадқиқ этишда жиддий хатоликларга йўл қўйилишга олиб келади.

2. Аналогиянинг ишончилигини таъминлашга хизмаг қиладиган муҳим шартларидан яна бири - бу таққосланилаётган предмет, ҳодисаларнинг фарқ қиладиган хусусий муҳим белгиларини ҳисобга олишдир. Мисол: Президент И.А.Каримов дунёдаги ривожланган мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда Республикамизнинг истиқлол ва тараққиёт йўналишининг тамойилларини белгилаб берар экан, бунда фақат ўзига хос хусусиятларини ҳам ҳисобга олади. Буларнинг энг муҳимлари:

1. Аҳолининг миллий - тарихий турмуш ва тафаккур тарзи., маданияти.

2. Демографик вазият, миллий таркибнинг ўзига хослиги, урф-одатлари¹ 3. Имконияти борича таққосланилаётган объектларнинг умумий, ўхшаш белгиларини кўпроқ топиш зарур. Чунки қанчалик бундай белгилар кўп бўлса, кўчирилаётган белгининг объект учун унинг моҳиятини ифолалашлиги аниқроқ бўлади.

4. Таққосланаётган умумий, ўхшаш белгилар сабаб ва оқибат боғланишлари ҳамда уларнинг ўзаро зарурий ички муносабатда бўлиши ёки бўлмаслиги аниқланиши керак.

Аналогиянинг илмий билиш ва амалиётдаги аҳамияти унинг бажарадиган қуйидаги *асосий функциялари* билан белгиланади:

1. Эвристик функцияси. Мазкур функция аналогиянинг фан соҳасида янги кашфиётлар қилишда, гипотезаларни илгари суришда ўзига хос усул вазифасини ўташлиги билан изоҳланилади. Бу ҳақида юқорида фикр юритилган эди.

2. Аналогия мураккаб объектларни конкрет, образли тарзда изоҳлашда муҳим роль ўйнайди. Бунда кўпроқ моделлаштиришга мурожаат килинади. Масалан, макроолам тузилишини атомнинг планетар модели бўйича изоҳланиши ва бошқалар.

Аналогиянинг бундай функцияси кундалик муҳокама юритишда ҳам кенг қўлланилади. Масалан, кўплаб халқ мақоллари, афоризмлар, топишмоқлар предмет, ҳодисаларни уларнинг шакли, муносабатларидаги ўхшашликларга кўра таққосланиш асосида яратилгандир. Масалан: «Эри-хотин - қўш хўкиз», «Илм олиш - игна билан қудуқ қазиш», «Юрган- дарё, ўтирган- бўйра» ва бошқалар. Бундай образли ўхшатишлар, айниқса, шеърятда кенг қўлланилади. Масалан, кўз ёшининг дарёга, киприкнинг наштарга қиёсланиши ва бошқалар.

¹ Бу ҳақида батафсил қаранг: И.А.Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992, 11-14 бетлар).

Шундай қилиб, аналогиянинг изоҳлаш, тавсифлаш билан боғлиқ, ушбу функцияси тадқиқ этилаётган объектларнинг моҳиятини чуқурроқ очиб бериш учун ёрдам беради.

3. Билиш (гносеологик) функцияси унинг илмий тадқиқот ишларини олиб боришда билиш усули вазифасини ўташлиги билан изоҳланади. Фаннинг барча соҳаларида мазкур усул бирдек қўлланилади ва унинг ёрдамида кашфиётлар қилинади. Масалан, моддаларнинг табиий тарздаги бирикмалари модели асосида янги, кимёвий моддалар ҳосил қилинади. Форобий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби буюк олимларимиз тамсиллаштиришни билишнинг муҳим усули деб билганлар ва ундан самарали фойдаланганлар.

Аналогия фақат илмий билиш, фанда эмас, билишнинг бошқа барча соҳаларида ҳам (бадий, илоҳий, ижтимоий) кенг қўлланилади.

Хусусан, бугунги кунда халқимизнинг маънавий - руҳий тикланиши ўз-ўзини англашни, ўтмиш меросимиз, кадриятларимизни чуқур ўрганишни тақозо этадики, бунда тарихий аналогия (параллел)ларсиз иш кўриб бўлмайди. Тарихий аналогияда ижтимоий ҳодисалар, воқеалар ўхшаш жиҳатлари бўйича таққосланилади ва ижобий, прогрессив томонлариг сақланиб йўл қўйилган хатоликларни такрорламаслик нуктаи назаридан хулосалар чиқарилади. Бу ўринда Президентимизнинг буюк соҳибқирон Амир Темурнинг давлатни бошқариш ва бу билан боғлиқ бошқа масалаларга доир фикрларининг бугунги кун муаммоларини ҳал қилишда нечоғлиқ аҳамиятли эканлиги ҳақидаги сўзларини келтириш ўринлидир. «Амир Темурнинг даврини бошқатдан ўрганиш лозим, - деб ёзади Ислон Каримов, - нега деганда, Амир Темур тузукларини ўқисам, бугунги замоннинг катта муаммоларига жавоб топгандек бўламан».

4. Тарбиявий - амалий функцияси. Аналогия таълим-тарбия ишларини амалга оширишда, хусусан, унинг самарали воситаларини аниқлашда ва амалиётда қўллашда муҳим роль ўйнайди. Маълумки, оила, мактаб тарбияси кўпроқ ибрат, ўрнак олиш тамойилларига асосланган бўладик, унинг мантикий негизини аналогия ташкил этади.

Аналогиянинг амалий аҳамияти, унинг, айниқса, юриспруденция ишларида, хусусан, версиялар тузиш ва бунинг ёрдамида содир этилган у ёки бу жиноятларнинг айбдорларини топишда намоён бўлади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР


1. Индуктив-хулоса чиқаришда хулоса якка нарса, ҳодисаларнинг белгилари умумлаштирилиб, мазкур белги муайян синф (жинс) учун хосдир, деган тамойил бўйича чиқарилади. Нарса, ҳодисалар орасидаги яккалик ва умумийлик ўртасидаги сабабий боғланиш индуктив хулоса чиқаришнинг мантикий асоси ҳисобланади. Индуктив хулоса чиқариш икки турда бўлади: тўлиқ ва тўлиқсиз индукция.

2. Тўлиқ индукцияда текширилаётган синфнинг барча турлари қолдирилмасдан ўрганилиб чиқилади ва улар мазкур синфнинг барча турларига бирдек ёйилади. Шунинг учун мазкур индукция хулосаси эҳтимолиликдан холи бўлади. Тўлиқсиз индукция текширилаётган предметлар синфининг бир қисм турларининг белгилари ўрганилиб, улар мазкур синфнинг барча турларига бирдек ёйилади. Шунга кўра мазкур индукция хулосаси эҳтимолий характерга эга бўлади.

3. Аналогияда хулоса яккаликдан яккаликка, жузъийликдан жузъийликка фикран ўтиш орқали чиқарилади. Бунда предмет, ҳодисалар ўхшаш белгиларига кўра таққосланилади ва текширилаётган предметнинг бошқа номаълум белгилари ҳақида хулосалар чиқарилади.

4. Аналогиянинг хулосаси эҳтимолий бўлади. Чунки бундай хулоса тўлиқсиз индукция тамойилига асосланилган ҳолда чиқарилади. Хулосаларнинг эҳтимоллиги (чин ёки хатолиги) даражасига кўра аналогия қатъий ва ноқатъий турларга ажратилади. Қатъий аналогия хулосасининг чин, хатолиги аниқ бўлади ва шунга кўра у илмий аналогия деб ҳам юритилади. Ноқатъий аналогия хулосаси эҳтимолий, кўпгина ҳолларда хато бўлади.

ИНДУКТИВ ХУЛОСА ЧИҚАРИШ ТУРЛАРИНИНГ СХЕМАСИ



27-расм

МАШҚЛАР

1-машқ. Қуйидаги хулосалар индукциянинг қайси турлари бўйича чиқарилганлигини аниқланг ва уларнинг асосларини келтиринг.

- 1) Маънавият жамият тараққиётининг асосий омилидир.
- 2) Тафаккур шакллари буюм, ҳодисаларнинг муносабати, хусусиятларини акс эттиради.
- 3) Европадаги кўпчилик давлатлар БМТ аъзосидир.
- 4) Ҳар қандай механик ҳаракат ишқаланиш натижасида иссиқликка айланади.

2-машқ. Қуйидаги хулосалар қайси индуктив метод тамойили бўйича чиқарилган дейиш мумкин ва буни изоҳланг.

- 1) Марказий Осиё мамлакатлари интеграцияси ўз моҳиятига кўра ҳамиша халқ интеграцияси бўлиб келган ва шундай қолмоқда (Ислом Каримов).
- 2) Санъаткор ҳаётни қанчалик яхши билса ва уни бадиий-эстетик акс эттира олса, унинг яратган асари халқ томонидан шунчалик севиб ўқилади.

3-машқ. Қуйидаги тажрибада қайси индуктив метод қўлланилган ва ундан қандай хулоса чиқарилади?

Тўртта пробиркага магний бўлаги, иккинчисига рух бўлаги, учинчисига темир бўлаги, тўртинчисига мис бўлаги солинади. Бунда кислоталар билан магний тез-тез реакцияга киришишини, рух бундан секинроқ темир янада секинроқ, мисли пробиркада ҳеч қандай ўзгариш кузатилмайди (водород ажралиб чиқмайди).

4-машқ. Ислон Каримов асарларидан аналогия бўйича чиқарилган хулосаларни топинг ва изоҳланг.

5-машқ. Қуйидаги келтирилган мисолларнинг қайси бирига аналогия хос ва унинг қандай турига мансуб.

1) «Муҳаббат иситмага ўхшаш нарсаси, у ирода измисиз пайдо бўлади ва сўнади». (Стендаль).

2) Дастлабки даврларда магнетонинг (двигателда электр учқуни ҳосил қиладиган асбоб) ишдан чиқиши сабабли кўпчилик самолётлар ҳалокатга учрар эди. Рус авиатори А.А. Микулин бир куни ишдан қайтар экан, бир кўзи лат еган маст кишига дуч келади. Маст киши унга соғлом кўзини қисиб ҳазил қиладди. Шу заҳоти унда фикр туғилади: кўзларнинг бири кўрмаса иккинчиси унинг ўрниини босади. Демак, самолёт двигателида битта магнето етарли эмас, иккита қўйиш керак. Бири ишдан чиқса, иккинчиси ишга туширилади (Самарин Ю. Очерки психологии ума. М., 1982, 93-бет).

3) Д.И. Менделеев 1887 йилда аэростатда бир ўзи қуёш тутилишини кузатиш учун булутлардан юқорига кўтарилади, лекин кўтарилиш жойидан анча узоқ бўлган бошқа губернияга кўнади. Динга ишонувчи кишилар буни кўриб, осмондан ерга худо тушди, деб ўйлайдилар (Анорганик химия. Ўрта мактабнинг 8-синфи учун дарслик. Тошкент, Ўқитувчи, 1990 йил, 140-бет).

9-МАВЗУ. ДАЛИЛЛАШНИНГ МАНТИҚИЙ АСОСЛАРИ

1§. Далиллаштириш ва ишонч-эътиқоднинг шаклланиш жараёни

Мантиқ фани тўғри фикр юритиш қонун-қоидалари, шакллари билан биргаликда фикрнинг асосланилган бўлишлиги масаласи билан ҳам шуғулланади. Шунга кўра мантиқ фанида фикрнинг асосланилиши далиллаш махсус мавзуи ҳисобланилади.

Далиллаш тўғри фикр юритиш ва шу орқали чин билим, ҳақиқатга эришишнинг муҳим қонуниятидир. Оддий муҳокома юритишдан тортиб илмий - назарий билимларга эришиш мана шу қонуният, тамойилларга риоя қилишни талаб этади. Далиллаш қуйидаги бир-бири билан боғлиқ вазифаларни бажаради:

- 1) фикрнинг хато ва чинлигини асослаш ;
- 2) ҳақиқатга эришиш;
- 3) эътиқодни шакллантириш;
- 4) кишиларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш.

Далиллаш чин билимларга эришиш, илмий назарияларни шакллантиришнинг усули бўлиш билан биргаликда муайян қараш, гояларни кишилар эътиқоди, фаолиятлари мотивига айлантиришнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра далиллаш жараёнида ижтимоий, психологик лингвистик омиллар муҳим роль ўйнайди.

Далиллашда тафаккурнинг қонун-қоидалари ва шакллари билан тамойиллари ўзаро бирликда қўлланилади ва бу асосан фикрнинг чин ёки хатолигини асослашга қаратилган бўлади.

Далиллаш деб муҳокама, илмий тахмин қарашларни бевосита ва воситали асословчи мантиқий усулга айтилади.

Далиллашнинг янги назарий билимларнинг ҳосил қилиниши ҳамда кишиларда иймон-эътиқод, дунёқарашнинг шаклланишида муҳим роль ўйнайди. Дарҳақиқат, ҳар қандай илмий назариялар асосланилган билимлар

тизимидир.Шунингдек, ҳеч бир эътиқод, дунёқараш йўқки, у далиллашни тақозо этмаган бўлсин.

Маълумки, ҳар қандай назарий билимлар тизими-фанлар текширилатган нарсалар, ҳодисанинг сабабини аниқлаш орқали юзага келади. Абу Наср Форобий ўзининг «Ихсо ал-улум» («Илмларнинг келиб чиқиши») номли рисоласида ҳар бир фан соҳаси, илмий билимлар оламдаги субстанция (жавҳар) ва (ораз) сабабларини далиллаш эҳтиёжи юзага келгандан кейин шаклланишлигини таъкидлайди.¹

Далиллаш, айниқса, кишиларда иймон-эътиқод, дунёқарашини шакллантиришда белгиловчи роль ўйнайди. Эътиқод -бу кишиларнинг у ёки бу ғоя, қарашлар ҳақидаги тасаввурлари, фаолиятларининг ички мотивига, туйғусига айланган, ботинлашган билимларидир. .

Эътиқод кишиларнинг ор-номуси, иймони билан боғлиқдир. Шунинг учун кўплаб кишилар ўз эътиқодлари йўлида қурбон бўлишни шараф деб биладилар.Эътиқод асосини ташкил этувчи қараш, ғоялар шунчалик чин ва ҳаттолик мезони билан ўлчанмайди, чунки улар кишилар учун қадриятли аҳамиятга молик бўлади. Шунга кўра улар кишилар томонидан ҳиссий билиш ҳамда онги, тафаккури ўз-ўзига қаратилиши даражасида идрок этилади. Эътиқод ҳар қандай дунёқарашнинг негизи ҳисобланади. Шунга кўра у диний, фалсафий ва назарий эътиқодларга ажралади. Лекин эътиқод қандай шакл, кўринишда бўлмасин, унинг шаклланиши бевосита мантиқий омил билан шартланган бўлади.

Коммунистик мафкура ҳомийлари узоқ йиллар мобайнида диний эътиқодга қарши кураш олиб бордилар ва бунда унга фан, илмни қарши қўйдилар. Аниқроғи, фандан худонинг йўқлигини асословчи восита сифатида фойдаланишга уринадилар.

Лекин кишилик тарихида фан динга зид бўлмаган, балки ўзаро диалектик бирликда ривожланган, шаклланган.

¹ Қаранг: «Форобий Абу Наср илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида. Фозил одамлар шахри.Тошкент, Абдулла Қодирий номли халқ мероси нашриёти. 1993, 175-бет.

Германиялик олим Динард охирги IV асрда яшаб, инсоният маданиятига улкан ҳисса қўшган 290 нафар олимнинг фикрини ўрганиб чиқиб, қуйидагини аниқлаган: 290 кишидан 20 киши ҳеч бир аниқ эътиқодга эришмаган, 242 киши худога ишонувчи, фақат уларнинг 20 таси дин билан қизиқмаганлар.

Ҳозирги замон фани микро ва макроолам сарҳадига қанчалик чуқур кириб борар экан, унинг мўъжизаларига янада кўпроқ дуч келмоқда. Баъзи илм ақллари бундай мўъжизалар олдида лол қолганлари ҳолда, ўзларининг эътиқодларини ҳам ўзгартирадилар-даҳрийликдан қайтиб Худонинг бараҳақлигига иймон келтирадилар. Бу ўринда инсоният тарихида биринчи бўлиб Ой сатҳига кадам қўйган америкалик астронавт Нейл Армстронгнинг насронийликдан кечиб мусулмонликни қабул қилганини кўрсатиш характерлидир. (Бу ҳақида батафсил қаранг; "Илоҳий мўъжизалар". Тошкент, "Чўлпон", 1995, 26 -бет.)

Кишиларимизда, хусусан, ёшларда миллий ғояни иймон-эътиқод даражасида шакллантириш талаб этиладики, бу мураккаб вазифанинг бажарилишида далиллаш мантиқий усули энг муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Бугунги кунда миллий ғоя, мафкура ҳар бир жамият аъзосининг қалби ва онгига сингдириш, дунёқарашига айлантириш вазифаларининг вазифаси ҳисобланади.

И.А Каримов «Туркистон» газетасининг муҳбири саволларига берган жавобида мафкура, маънавиятнинг моҳиятини изоҳлаб берар экан, бунда энг муҳими мустақиллик ғоясини кишилар онги ва қалбига сингдириш эканлигини алоҳида таъкидлайди. Зотан, деб кўрсатади Президентимиз, мустақиллик ғояси асосида иймон-эътиқодли, мустақил фикрловчи, фидокор комил инсон маънавиятини шакллантириш муаммоси ётади.¹

Мазкур вазифа барча ижтимоий институтлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари ўрта ва олий мактаб ва бошқа тизимлар фаолиятининг ўзаро ҳамкорлигида амалга ошириладики, бунда далиллаш тамойилига асосланиш талаб этилади. Чунки ҳар қандай ғоя, қарашларнинг чин, ҳақиқатлиги далиллаб

¹ Қаранг: «Туркистон» газетаси, 1999, 2-феврал, 1-бет.

берилгандагина улар кишиларнинг ишонч, эътиқодига, фаолиятининг мотиви, мақсадига айланадилар.

Исботлаш ва рад этиш далиллашнинг мантиқий асосини ташкил этади. Бунда фақат мантиқий жиҳат ҳисобга олингани ҳолда далиллашнинг бошқа (ижтимоий, психологик, лингвистик) омиллари фикран соқит қилинади. Шунинг учун у ёки бу караш, ғоялар, гарчи мантиқдан асосланиб берилса-да, кишиларнинг эътиқодларига айланмаслиги мумкин ва, аксинча, мантиқан асосланмаган билимлар кишилар амалий фаолиятлари учун дастуриламал сифатида амал қилиш мумкин.

2§. Исботлаш, унинг таркиби ва турлари.

Исботлаш деб берилган ҳукмнинг чинлиги бошқа чин ҳукмлар ёрдамида асосланувчи мантиқий усулга айтилади. Бунда берилган ҳукмнинг чинлиги келтирилган далил- ҳукмларнинг чинлигидан мантиқан келтириб чиқарилади.

Исбот уч таркибий элементдан ташкил топган бўлади: **тезис, асослар (аргументлар) намойиш этиш** -исботлаш усули.

Тезис (грекча thesis- қоида, фикр) -бу чинлиги асосланишиши талаб этиладиган муҳокамадир. Тезис сифатида назарий ва амалий аҳамиятга молик муаммовий ҳукмлар олинади. Бундай аҳамиятга эга бўлмаган, шунингдек, аксиоматик тарздаги муҳокамаларни исботлашнинг кераги бўлмайди. Масалан: "Балиқ сувда яшайди", «Амударё-Марказий Осиёдаги дарё» ҳукмларини тезис сифатида қабул қилиб бўлмайди. Агар уларни "Окун балиғи чучук сувда яшайди», «Амударёнинг суви йил сайин камайиб бормоқда» ҳукмларига айлантирсак, улар тезис мақоматини олади.

Тезис исбот этишнинг бош элементи ҳисобланади, чунки исботлашнинг сўнгги мақсади- берилган тезиснинг чинлигини асослашга қаратилган бўлади. Тезисни аниқ ифодалаш, илгари суриш, ва уни асослай билиш мантиқий фикр юритишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Муҳокама юритишдаги ноаниқлик, мавҳумлик, зиддиятчилик кўпгина ҳолларда ана шу шартнинг бузилиши натижаси

ўлароқ содир бўлади. Ифодаланётган фикр мазмуни ва муҳокама тизимида тутган мавқеига кўра тезис бош ва иккинчи даражали бўлади.

Бош тезис — бу муҳокама тизимидаги исбот этилиши талаб этиладиган асосий фикр бўлиб, унинг мазмуни иккинчи даражали тезисларнинг асосланиши орқали очилади. Иккинчи даражали тезис деб бош тезисга бўйсунувчи ва чинлиги мустақил тарзда асосланиши талаб этадиган муҳокамага айтилади. Иккинчи даражли тезислар муайян, концепция, нуқтаи-назарларнинг асосланишида илгари сурилади. Ва бунда улар бош тезисни асослаш учун хизмат қилади. Мисол тариқасида И.Каримовнинг 25 июль 1996 йил вазирлар маҳкамасида сўзлаган нутқини олиб қарайлик. Мазкур нутқда илгари сурилган бош тезис: "Ўзбекистон Республикасида туб бурилиш юз берди ва унинг иқтисодиётида жадал ўсиш даври бошланди" қуйидаги иккинчи даражали тезисларнинг асосланиши орқали исбот этилади.

1. Иқтисодиётимизни муваффақиятли ислоҳ этишнинг энг муҳим натижаси бўлмиш мустаҳкам макроиқтисодий барқарорликка эришилди.

2. Миллий валютаимиз, сўмимиз мустақкамланди.

3. Хусусийлаштириш жараёни чуқурлашди ва кенгайди.

4. Мўлжалланган инвестиция лойиҳаларининг амалга ошириш натижасида иқтисодиётда тартибий ўзгаришлар юз берди.¹

Муҳокама юритишда бош тезисни белгилаш ва ундан иккинчи даражали тезисларни келтириб чиқариш исбот этиш жараёнининг зарурий шартидир.

Далил (лотинча *argumentum*) мантикий асос тезиснинг чинлигини асословчи муҳокамалардир. Далилда тезисда ифодаланётган натижа оқибатни мантикий асоси кўрсатилади. Масалан: "Аристотель-дуалист файласуф" (тезис), "Чунки у моддий ва рухий субстанция (жавҳаларни) тенг аҳамиятга эга бўлган ибтидолар деб ҳисоблайди". (аргумент).

¹ Қаранг: "Халқ сўзи" газетаси, 26 июль, 1996 йил, 1-бет.

Исботлашда аргумент вазифасини амалиётда аниқланган билимлар ўтайди. Шунга кўра фактлар, тарифлар, қоидалар, аксиома, постулатлар, илмий назариялар аргументлар сифатида келтирилади.

Фактлар-бу чинлигига ҳеч қандай шак-шубҳа бўлмаган билимлардир. Рус физиолог П.П.Павлов фактларнинг илмий билишдаги роли ҳақида шундай деб ёзган: "Фактлар олим учун ҳаводир. Усиз парвоз қилиш мумкин эмас". Фактлар ашъёвий, рақамли (статистик маълумотлар) ва бошқа шаклларда бўлади.

Фактлар инкор этишда ҳам муҳим далил ҳисобланади. Исботда берилган тезиснинг чинлиги кўпинча инкор - рад орқали кўрсатиладики, бунда асосан фактларга мурожат этилади. Бу ҳақида кейинроқ тўхталамиз.

Исбот этиш ўз моҳиятига кўра муҳокамалардан янги муҳокамаларга мантиқан ўтиш ҳисобланадики, бунда уларнинг таъриф-қоидалар тарзидаги ҳукмлар бўлишлиги талаб этилади. Масалан: "Вертикал бурчаклар тенг" деган теорема (тезисни) исботлашда биринчи галда "Вертикал бурчак" тушунчасининг таърифига: "Агар икки бурчакдан бирининг томонлари иккинчи томонларининг тўлдирувчи ярим тўғри чизиқлари билан бўлса, бу икки бурчак вертикал бурчак дейилади" таянилади.

Аксимома (грекча *axioma*-шухбасиз), постулат (лотинча *postulatum* талаб даражаси) ўзгармас ҳақиқат даражасидаги билимлардир. Шунинг учун улардан исбот этишда асосий далиллар сифатида қўлланилади. Аксиома, постулатлар амалиётда қайта-қайта синаб кўрилган, умумий қоида сифатида қабул қилинган билимлардир. Ҳар бир фан ўз аксиома, постулатларига эга бўлиб, (масалан, математикада аксиомалар вазифасини чинлиги исботланган формулалар, геометрияда теоремалар ўтайди) улар воситасида яна янги формула ва теоремалар ҳосил қилинади.


Ижтимоий фанлар соҳасида кишилик тарихи тараққиётининг барча этапларида синалган ва умумий қонуният мақоматини олган тамойиллар аксиомалар сифатида қабул қилинади. Масалан: "Бозор иқтисоди-жамият тараққиётининг бош омили", деган тамойил аксиоматик характериға эга бўлиб, у

бугунги кунда собиқ социалистик мамлакатлар ўзларининг тараққиётини мазкур тамойил асосида амалга оширмоқдалар.

Назария (грекча theorema- тадқиқот) тажрибалар, кишиларни ижгимоий ишлаб чиқариш ва илмий фаолиятларининг тизимлашган тарздаги якуни ҳисобланади. Улар исбот этишда муҳим далиллар вазифасини ўтайди. Масалаи, вақт, фазо, ҳаракатнинг ўзаро бирлигини фалсафий асослашда Эйнштейннинг нисбийлик назариясига таянилади.

Исботлаш усули деб далиллардан тезисга фикран ўтиш, яъни далилларни тезис билан мантиқан боғлашга айтилади. Бундай мантиқий боғланиш хулоса чиқариш шаклларида (дедуктив, индуктив, аналогия) бўлади. Шу маънода исбот этиш ўзига хос хулоса чиқаришдир. Лекин хулоса чиқаришни исботлаш деб бўлмайди. Чунки хулоса чиқаришда у ёки бу ҳукмнинг чинлиги асосланилмайди, балки янги билимлар ҳосил қилинади.

Тезиснинг далиллар билан ўзаро боғланиши қуйидаги схемада ифодалаш мумкин. Бунда тезис Т ҳарфи, далиллар- a_1 , a_2 , a_n ҳарфлари, намоёниш этиш $\rightarrow$ ишораси билан белгиланади.



Энди далилларнинг тезис билан дедуктив хулоса чиқариш шаклида боғланишини кўриб чиқайлик. Дейлик, "Абу Али Ибн Сино тиббиёт илми билан биргаликда фалсафа билан ҳам шуғулланган" деган тезис берилган бўлсин. Бунда унга қуйидаги далиллар келтирилади ва улардан тезиснинг чинлиги заруран келиб чиқади.

a1) "Ўрта асрлар, Уйғониш даври Марказий Осиёнинг барча мутафаккирлари, олимлари фалсафа илми билан шуғулланганлар".

a2) "Ибн Сино Ўрта асрлар, Уйғониш даврида яшаб ўтган Марказий Осиёлик мутафаккир, тиббиёт олимидир"

Мазкур тезисни индуктив хулоса чиқариш тарзида ҳам исбот этиш мумкин. Бунда у қуйидагича далилланилади:

а1) "Китоб-ал шифо" («Рухни шифолаш китоби»), "Китоб ул нажот" («Нажот топиш китоби»), "Китоб-ул ишорат ва табиҳат" («Панд-насиҳатлар китоби»), "Донишнома" («Илмлар китоби») Ибн Сино томонидан ёзилган фалсафий асрлардир.

а2) Ушбу асарларда ҳам илмий-назарий, ҳам фалсафий-ахлоқий масалалар таҳлил қилинади.

Шартли- катъий дедуктив хулоса чиқариш орқали исботлашга мисол. Тезис: "Ушбу археологик ашёё тош асрига мансубдир".

а1) Агар ишлаб чиқариш қуроллари тошдан ясалган бўлиб, пардозланмаган шаклда бўлса.ю улар тош асрига мансуб бўлади.

а2) Мазкур археологик ашёё-топилма тошдан ясалган ва пардозланмагандир. Шартли дедуктив хулоса шаклидаги исботлашга мисол. Тезис: Таълим- тарбия онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир"(И.А.Каримов)

а1) "Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди".

а2) «Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса кўзлаган олий мақсад- озов ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди».¹

Тезиснинг далилланиш усулига кура исботлаш икки турга ажратилади: бевосита ва воситали. Бевосита исботлаш деб тезиснинг чинлиги далиллар чинлигидан заруран келтириб чиқариладиган исботга айтилади. Бундаи исботлаш тезисни асослаш учун етарли далиллар келтириш имконияти бўлган ҳолларда қўлланилади. Бевосита исботлаш асосан, дедуктив ва индуктив хулоса чиқариш орқали амалга оширилади.

¹ Ислом Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. "Тафаккур" журнали, 1998 №2, 10 -бет.

Бевосита индуктив исбот деб тезиснинг якка, жузъий ҳодисалар ҳақидаги ахборот, маълумотларни ифодаловчи далиллар воситасида асосланишига айтилади. Бунда тезис муайян жинс ҳақидаги ҳукм бўлиб, далилларда ушбу жинс турларининг хусусиятлари кўрсатилади. Мазкур исботлаш барча фан соҳаларида кенг қўлланилади. Масалан, геометриядаги "Ҳамма учбурчаклар ички бурчакларининг йиғиндиси икки тўғри бурчакка тенг", деган теорема (тезис) индуктив йўл билан исботланилади.

а1) Ўтқир бурчакли уч бурчакнинг ички бурчаклари икки тўғри бурчакка тенг.

а2) Тўғри бурчакли уч бурчакларнинг ички икки тўғри бурчакка тенг.

а3) Ўтмас бурчакли уч бурчакларнинг ички бурчаклари йиғиндиси икки тўғри бурчакка тенг.

Ўтқир тўғри, ўтмас бурчакли учбурчаклардан бошқа учбурчаклар йўқ. Демак, уч бурчакларнинг ички бурчакларининг йиғиндиси икки тўғри бурчакка тенг.

Индуктив исботлаш, шунингдек, фактлар асосида амалга оширилади. Масалан, "Республикамиз ҳаётида 1996 йилдан бошлаб юксалиш даври бошланди" деган тезис унинг барча соҳаларида бошланган ўзгаришга оид фактларни келтириш орқали исботланилади.

а1) Жорий 1996 йилда энергетика саноати барқарор ривожланди. Нефть 230 минг тонна, табиий газ 130 минг куб метр, кўмир- 44 минг тоннага ошди.

а2) Халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йил даражасига нисбатан 6,3 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари 3,6 фоиз, нооziқ- овқат товарлари - 5,8 фоиз ўсди.

а3) 1995 йилда саноатнинг барча соҳаларида 400 дан ошиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, биринчи ярим йилликда эса уларнинг яна 120 тури ўзлаштирилди.¹

Саноат, энергетика, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқиш ҳар қандай жамият ҳаётининг негизини ташкил этади. Демак, Республикамиз ҳаётида юксалиш даври бошланди.

Воситали (билвосита) исботлашда тезиснинг чинлиги унга зид бўлган ҳукм-антитезиснинг ҳатолигини кўрсатиш орқали асосланилади. Мазкур исбот турига тезисни асослаш учун тегишли далиллар топиш қийин бўлган ҳолларда мурожаат этилади.

Воситали исбот этишда дастлаб антитезис илгари сурилади. Антитезис (юнон. *apagoge*- карама-қарши, зид) -бу берилган тезисга нисбатан зид ҳукмдир. Антитезис берилган тезиснинг инкори (Т эмас), ҳамда айрувчи ҳукм (А ёки В ёки С) тарзда илгари сурилади. Тезис ва антитезис орасидаги муносабатлар қуйдагича ҳукм шаклларида бўлади:

1. Умумий тасдиқловчи ҳукмнинг антитезиси унинг инкори (А эмас) ва якка - жузъий инкор (О) ҳукм бўлади. Масалан: "Кислоталарнинг муҳим хоссаси-металлар билан ўзаро таъсирланишидир"- "Кислоталарнинг муҳим-хоссаси унинг металлар билан ўзаро таъсирда бўлмаслигидир", (А эмас), "Баъзи кислотлар металлар билан ўзаро таъсирланишда эмас" (О).

2. Умумий инкор ҳукмнинг (Е) антитезиси унинг инкор шаклидаги тасдиғи ёки якка-жузъий тасдиқ ҳукм (J) бўлади. Масалан: "Ҳеч бир ҳодиса сабабсиз юз бермайди"- "Ҳеч бир ҳодиса сабабали юз бермайди" (Е эмас), "Баъзи жиноятлар сабабсиз юз беради" (J).

Агар тезис мураккаб ҳукм, масалан, дизъюнктив ҳукм шаклида бўлса, унинг антитезиси инкор ёки эквивалент тарздаги конъюнктив ҳукм бўлади.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 25 июль Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган нутқи, "Халқ сўзи" газетаси, 26 июль, 1996 йил, 2- бет.

Масалан: "Ҳозирги давр глобаллашув жараёни инсоният тамаддуни тарққиётининг омили ёки таназулнинг сабабчиси бўлиши мумкин"-“Ҳозирги давр глобаллашув жараёни инсоният тамаддуни тараққиётининг омили ҳам, унинг таназулнинг сабабчиси ҳам бўлмайди” .

Антитезиснинг характериға кўра воситали исботлаш икки турда бўлади:
апагогик ва айрувчи.

Апагогик (грекча -apagoge- хулоса) исботлаш деб антитезиснинг хатолигини кўрсатиш йўли билан амалға ошириладиган исботлашға айтилади. Бундай исбот уч этапда олиб борилади. Биринчи этапда бсрилгап тезисға зид ҳукм илгари сурилади ва у вақтинча чин (Д) деб қабул қилинади. Ва бундан антиезисни чин деб қабул қилишдан) натижа (О) келтириб чиқарилади. Буни $D \rightarrow O$ деб белгилаймиз. Иккинчи этапда келтириб чиқарилган натижа (О) мавжуд асослар (аксиома, назария ва б.) билан солиштирилади. Бунда хулосанинг зиддиятли, яроқсиз эканлиги аниқланса, натижа(О) хато деб топилади. Учинчиси истисно қонунига кўра икки бир-бирига зид бўлган ҳукмларнинг бири чин, иккинчиси хато, учинчисига ўрин бўлмайди. Шунга кўра натижанинг хатолигидан антитезиснинг вақтинча чинлиги ҳақидаги фикрнинг (Д) хатолиги келтириб чиқарилади. Бунда муҳокама шартли-қатъий хулосанинг инкор модуси бўйича юритилади. Яъни:

$D \rightarrow O$

О эмас

Демак, Д эмас

Сўнгги этапда учинчиси истисно қонуни талабига кўра тезиснинг чилиги антитезиснинг хатолигидан келтириб чиқарилади. Бунинг схемаси:

Т ёки Д ёки Д эмас.

Д эмас

Демак, Т чиндир

Айтилганларни мисолда кўриб чиқайлик.

Дейлик, "Икки перпендикуляр тўғри чизик ҳар қанча давом эттирилгани билан ўзаро кесишмайди" тезис берилган бўлсин. Бунга аввало зид ҳукм - антитезис илгари сурилади: "Икки перпендикуляр тўғри чизик давом эттирилганда ўзаро кесишади". Ва бу фикр вақтинча чин деб қабул қилинади (Д.) Бундан бир нуқтада икки перпендикуляр тўғри чизик ўтади деган натижа (О) хулоса келиб чиқади. Лекин мазкур хулоса "Тўғри чизикнинг ҳар бир нуқтасидан унга перпендикуляр тўғри чизик ўтказиш мумкин ва фақат биргина", деган исботланган теоремага зиддир. Демак, натижа хато бўлиб, Д нинг хатолиги бундан ўз - ўзидан келиб чиқади. Демак, антитезис хато бўлиб, берилган тезис (Т) чиндир.

Берилган тезис ва унинг антитезиси зидлик муносабатида (А -О, Е.- Ј) бўлган ҳолатлардагина апагогик исботлашга мурожаат этилади.

Айирувчи воситали исбот этишда тезисни истисно этувчи дизъюнктив ҳукмлар илгари сурилади ва уларнинг биридан бошқа ҳаммасининг хатолиги аникланади. Ва шу асосда берилган тезиснинг чинлиги кўрсатилади. Бунда муҳокама юритиш айирувчи - қатъий хулоса чиқаришнинг инкор -тасдиқлаш модуси (tollendo pohens) тарзида кечади. Бунинг схемаси :

Т ёки В ёки С

В ҳам С ҳам эмас

Демак, Т

Маълумки, айирувчи - қатъий хулоса чиқаришнинг хусусияти шундаки, унинг катта асосида мумкин бўлган барча муқобил имкониятлар қолдирилмасдан кўрсатилади. Бошқача қилиб айтганда, катта асос тўлиқ дизъюнктив ҳукм бўлади. Масалан: "Ушбу археологик асотир тош(мезеолит)асрига тааллуқлидир", деган тезис "Ушбу археологик асотир бронза даврига ҳам, темир асрига ҳам тааллуқли эмас", деган далилнинг чинлиги бўйича исботланади. Мазкур исбот тури, айниқса, ҳуқуқий соҳада кенг қўлланилади. Масалан, жиноий ишларни очишда дастлаб муқобил версиялар айирувчи ҳукм тарзида илгари сурилади ва бунда бир қисм муқобил версиялариинг хатолигини аниқлашга асосий эътибор қаратилади. Дейлик, инспектор хонада ёнғиннинг қайси сабабларга кўра юз берганини

аниқламоқчи бўлса, энг аввало уни юзага келтирувчи барча муқобил омилларни қолдирмасдан кўрсатиши ва шундан сўнг ҳар бири бўйича текширув ишлари олиб борилиши талаб этилади. Бунда муҳокама юритиш қуйидаги шаклда олиб борилади "Ёнғин ёки эҳтиётсизлик ёки сақланаётган нарсаларнинг қизиши ёки қасддан ўт қўйиш оқибатида юз берган. Текширишлар натижасида ёнғиннинг эҳтиётсизлик ва нарсаларнинг қизишиши натижасида рўй бермаганлиги аниқланди. Демак, ёнғин қасддан ўт қўйиш натижасида юз берган”.

Яна бир мисол: 1996 йил июнь ойида Америка авиакомпаниясига қарашли "БОИНГ" самолёти Атлантика океани устидан учиб ўтаётганда портлайди. Ушбу фожеа бўйича муқобил версиялар илгари сурилади: "Портлаш ёки двигителнинг ишдан чиқиши ёки яширинча жойлаштирилган бомба ёки ташқи таъсир кучи сабабли рўй берган". Кейинчалик океан тубидан топилган "Қора кути" топилгач, портлаш двигителнинг ишдан чиқмаганлиги ҳамда ташқи куч таъсирида рўй бермаганлиги аниқланилади. Бунда самолётга яширинча жойлаштирилган бомба туфайли портлаган деган хулоса келинади.

3§. Рад этиш, унинг усуллари.

Рад этиш(инкор) деб у ёки бу муҳокаманинг хатолигини асослаб берувчи мантиқий усулга айтилади. Рад этиш моҳиятан исботнинг ўзига хос шаклидир. Чунки бунда муайян фикрнинг хатолигини асослаш орқали унга зид.фикрнинг чинлиги кўрсатилади. Масалан, "Ҳар бир жамият ўз мафкурасисиз яшай олади", деган ҳукмнинг хатолигини аниқлаш билан унга қарама-қарши - "Ҳеч бир жамият ўз мафкурасисиз яшай олмайди", деган ҳукмнинг чинлиги асосланилади.

Рад этиш махсус мантиқий усул сифатида баҳс, илмий мунозараларда кенг қўлланлади. У ёки бу тезисни баҳс, мунозара жараёнида ёқлаб чиқувчи муайян қараш, нуқтаи назарни илгари сурувчи киши пропонент (лот. Prononens -фикр билдирувчи) унга эътироз билдирувчини оппонент (лот. Oppones -муҳолиф) , деб аталади.

Рад этиш уч усулда амалга оширилади: 1) тезиснинг хатолигини кўрсатиш, яъни тезисни рад этиш. 2) асосларнинг яроқсизлигини аниқлаш; 3) Рад этиш усулининг пучлигини кўрсатиш

Биринчи усулда пропонент томонидан илгари сурилган тезиснинг ёлғон, хатолиги асосланади. Мазкур усул икки хил йўл билан олиб борилади: бевосита(тўғридан тўғри) ва воситали. Бевосита рад этиш қуйидагича амалга оширилади: Дастлаб илгари сурилган тезис шартли равишда чин деб фараз қилинади. Шундан сўнг ундан шартли қатъий хулоса чиқариш бўйича мантикий натижалар келтириб чиқарилади. Ниҳоят келтириб чиқарилган натижалар фактик ҳолат, аниқ маълумотлар, реаллик билан таққосланилади ва уларнинг яроқсизлиги аниқланилади. Бунда тезиснинг хатолиги натижанинг хатолиги унинг асосининг хатолигини кўрсатади, деган тамойил бўйича аниқланилади.

Айтилганларни конкрет мисолда кўриб чиқамиз. Маълумки, “европамарказчилик” деб аталадиган оқим намояндалари: "Ҳақиқий кадриятга эга бўлган фан, маданият, санъат, фалсафа Европада юзага келган" деган концепцияни (тезисни) илгари сурадилар ва уни асослашга ҳаракат қиладилар. Мазкур тезисни шартли равишда чин деб қабул қиламиз. Бундан қуйидаги бир қатор мантикий натижалар келиб чиқади:

1) "Осиёликлар умумжаҳон маданияти, фалсафий фикр тараққиёти, фанга ҳеч қандай ҳисса қўшмаганлар".

2) "Жаҳон халқлари маданияти, фалсафий фикри тараққиётида умумийлик йўқ ва б.

Ушбу натижаларни мавжуд реаллик, фактик ҳолатлар билан (Уйғониш даври Европадан тўрт аср олдин Марказий Осиёда бошланганлиги ва бу минтақамизнинг Форобий, Ал Хоразмий, Беруний, Абу Али Ибн Сино ва б. мутафаккирлари жаҳон илм-фанига қўшган ҳиссалари) солиштириб кўриладиган бўлса, европамарказчиларнинг даъво-тезисининг хатолиги ўз-ўзидан маълум бўлиб қолади.

Бевосита рад этишда фактлар, аксиомалар пропонент томонидан илгари сурилган тезисдан келиб чиқадиган натижаларнинг яроқсиз, бемаънилигини

кўрсатишда асосий далиллар ҳисобланади. Шунинг учун фактлар ёрдамида рад этиш энг ишончли усул ҳисобланади.

Тезисни воситали рад этишда антитезиснинг чинлигини асослаш орқали рад этилади. Бунда аввало тезисга зид ҳукм - антитезис илгари сурилади ва унинг чинлиги индуктив, дедуктив хулоса чиқариш шаклида асосланилади. Шундан сўнг учинчиси мустасно қонуни талабига мувофиқ (икки зид ҳукмнинг бири чин, иккинчиси хато бўлиб, учинчи фикрга ўрин йўқ) антитезиснинг чинлигидан тезиснинг хатолиги келтириб чиқарилади. Дейлик, "Ҳамма сут эмизувчи ҳайвонлар қуруқликда яшайди", деган тезиснинг хатолигини асослаш берилган бўлсин. Бунинг учун унга "Баъзи сут эмизувчилар қуруқликда яшамайди", деган антитезис илгари сурилади. Шундан сўнг ушбу антитезиснинг чинлиги далилланади: "Кит сув ҳайвонидир, Кит сут эмизувчидир". Далиллардан "Баъзи сут эмизувчилар сув ҳайвонларидир", деган хулоса келиб чиқадики, бу "Баъзи сут эмизувчилар қуруқликда яшамайди" деган антитезиснинг чинлигини кўрсагиш учун етарли асос ҳисобланади. Учунчиси мустасно қонунига мувофиқ антитезис чин бўлса, унда тезис "Ҳамма сут эмизувчилар қуруқликда яшайди" хатодир.

Далилларнинг хатолигини, яроқсизлигини кўрсатиш усулида пропонент томондан келтириладиган далилларнинг хатолиги, эҳтимоллиги асосланилади. Бунда фактлар, статистик маълумотларнинг нотўғри талқин, изоҳланишлигига диққат эътибор қаратилади. Далиллар сифатида келтирилган фактик ҳолатлар реал воқеаликка қай даражада мос келишлиги, уларнинг бир ёқлама, догматик тарзда талқин қилинган ёки қилинмаганлиги аниқланади. Бу ўринда Президентимизнинг Россия Давлат Думасида қабул қилинган суверен республикалар тузиш ҳақидаги қарорнинг сўнгги мақсади бу маъмурий буйруқбозлик тизимига асосланган собиқ иттифоққа ўхшаб кетадиган иттифоқ барпо этиш эканлигини кўрсатиб берганлигини (танқид қилганлигини) мисол қилиб келтириш мумкин.

Юртбошимиз Думанинг бундай иттифоқ тузиш зарурлигини исботлаш учун келтирилган "Ҳозирги даврда интеграция ер юзининг кўпгина мамлакатлари учун

хос бўлган жараён бўлиб, бунга Европа Иттифоқи мисолдир” деган далилининг яроқсизлигини қуйидагича рад этади.

Биринчидан, Европа Иттифоқини шакллантириш узок тарихга эга.

Иккинчидан, Европа Иттифоқига барқарор, мустаҳкам демократик ижтимоий давлат тузилмаларига эга бўлган, пухта бозор ва ҳуқуқий қонунчилик нормаларини, уларни рўёбга чиқариш механизмлари ва инфраструктурасини шакллантирган мамлакатлар бирлашган.

Учинчидан, демократик тартиблар ва кадриятлар бу мамлакатлар аҳолиси мутлақ кўпчилигининг ижтимоий онгида мустаҳкам ўрнашиб қолган.

Тўртинчидан, Европа иттифоқидаги мамлакатларнинг кўпчилиги тахминан тенг, анча юқори иқтисодий имкониятларга эга .

Бешинчидан, агар бизнинг техникавий ва иқтисодий қолоклигимизни ғоят эскирган ...технология ва асосий фондларимизни ҳисобга олсак, собиқ СССР чегараларида аллақандай Иттифоқларга биқиниб олишўзимизни жаҳон иқтисодиёти назаридан четда қашшоқ ҳаёт кечиришга маҳкум этишдан бошқа нарсасиз эмас".¹

Рад этиш усулининг пуч, яроқсизлигини кўрсатишда хулоса чиқаришнинг қонун, қоидаларига риоя қилинган, қилинмаганлигини аниқлаш талаб этилади. Хусусан, қуйидагиларга: 1. Тезис ва аргумент ўзаро мантиқан тўғри боғланганми, агар боғланмаган бўлса унинг қандай қоидага бузилган. 2.Тезиснинг асоссизлиги -далиллардан келиб чиқадими, агар келиб чиқмаса нима учун? Исботлаш ва рад этишда тезисни етарли даражада, ишончли тарзда асослашнинг муҳим шarti - бу муайян қоидаларига риоя қилишдир. Улар тезисга далилга ва намоёиш этишга таъллуқли бўлади.

¹ Ислон Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида. Т . Ўзбекистон, 1997, 319 - 320 бетлар.

4§. Исботлаш ва рад этиш қоидалари, уларнинг бузилишида учрайдиган хатоликлар

Тезисга доир қоидалар. 1. Тезис ўз мазмунига кўра аниқ, равшан ҳукм бўлиши зарур. 2. Тезис исботлаш ва рад этиш этиш жараёнида ўзгартирилмаслиги керак. Ушбу қоидалар айният қонунининг талабларидан келиб чиқадиган шартлардир.

Биринчи қоида шартига мувофиқ, тезис - ҳукм атамалари ҳажм ва мазмун жиҳатидан аниқланган бўлиши зарур. Бу шу билан изоҳланадики, кўпгина тушунчалар ҳар бир фан соҳасида ва кундалик муҳокама юритишида турли хил ҳажм ва мазмунда олинган бўлади.

Масалан, "қонун" тушунчасини оладиган бўлсак, у аниқ фанлар соҳасида, фалсафада ва ҳуқуқшуносликда турлича маъноларга эга бўлган атамалар сифатида қўлланилади. Шунинг учун, масалан, "Собир қонунни яхши билади", деган ҳукмни тезис сифатида қабул қилиб бўлмайди. Чунки бунда "қонун" тушунчасининг мазмуни ноаниқдир. Президентимиз Россия Давлат Думаси томонидан илгари сурилган собиқ иттифокдош республикаларнинг ўзаро интеграциясини тузиш ҳақидаги қарорига нисбатан фикр билдирар экан, бунда "интеграция" тушунчасининг маъноси мавҳум, ноаниқ эканлигини кўрсатади. Шунинг учун, - деб таъкидлайди Ислом Каромов,- у ҳақида бирон нарса дейиш қийин.¹

Тезиснинг аниқ, равшанлигига эришишда, шунингдек, унинг таркибини мантиқий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай таҳлил тезиснинг субъект ва предикати муносабати ва унинг сон ва сифат жиҳатидан қандай ҳукм типи эканлигини аниқлашни талаб этади. Масалан, "Организм - бу муайян элементлар бирлигидан ташкил топган тизимдир", деган ҳукмни тезис сифатида олиб бўлмайди. Чунки бунда субъект-“организм” тушунчасининг предметга муносабати аниқ эмас. Тезисга доир қайд этилган қоидаларнинг бузилиши “тезисни алмаштириш”(лот.-ignoratio elenchi) деб аталадиган мантиқий

¹(Қаранг: Ўзбекистон ўз йўлидан қайтмайди. "Халқ сўзи" газетаси, 1996 йил, 17 апрель, 2- бет.

хатоликка йўл қўйишга олиб келади ва ҳиссиётга таъсир қилишга ҳаракат қилиш" деб аталадиган хатоликка кўпроқ йўл қўйилади. (Айбланувчининг оилавий аҳволи, ҳуқуқ атвори ва бошқа маълумотлар келтирилиши орқали тегишли модда бўйича ҳукм чиқарилмайди).

Далилларга доир қоидалар етарли асос қонунининг талаблари билан белгиланади. Бу шу билан изох/ганадқи, исбот ва рад этиш бу берилган муҳокаманинг чин ёки хатолигини асослашдир.

1. Далиллар чинлиги амалиётда аниқланган билимлар бўлиши зарур. Хато далиллар билан тезисни исбот ва рад этиб бўлмайди. Мазкур қоида билан бузилиши иккита мантикий хатоликка олиб келади: "асосий янглишиш" ва "асосни олдиндан пайқаш".

"Асосий янглишиш" (лот: *eggoг tundamentaeis*) хатолигининг моҳияти шундаки, келтириладиган далиллар хато, нотўғри бўлади. Масалан, Клавдий Птоломей (эрализгача 90-160 йиллар) дунёнинг тузилиши ҳақидаги

қарашларини "Қуёш Ер атрофида айланади", "Ер ҳаракатсиздир", деган далиллар билан асослайди.

"Асосни олдиндан пайқаш " (лотинча *petitio principii*) шундай мантикий хатоликки, унда айрим шахсларнинг (авторитетларнинг) фикрлари, ҳали тўласинча тасдиқланмаган фактлар, кишилар орасида юрган миш-миш гаплар далиллар сифатида келирилади.

2. Далиллар тезисни етарли даражада асослай олмоғи зарур. Мазкур қоида билан бузилиши "келиб чиқмайди", деган (лот. *pop sequiur*) деган мантикий хатоликка олиб келади. Бунда келтириладиган далиллар муайян даражадаги чин билимлар бўлади, лекин улар тезисни тўлиқ асослаб бераолмайди. Масалан: Ҳозирги пайтда кечаётган жаҳон- иқтисодий инқирознинг сабабларини айрим Ғарб мутахассис, экспертлари асосан молия-банк тизимида йўл қўйиладиган нуқсон, камчиликлардир, деб асослашга ҳаракат қилмоқдалар. Лекин мазкур

инкирозни кетириб чиқарган бошқа бир қанча омиллари борлигини Президентимиз кўрсатиб беради.¹

3. Далилларнинг чинлиги мустақил, тезисга боғлиқ бўлмаган ҳолда исбот этиладиган бўлиши керак. Ушбу қонданинг бузилиши натижасида "фикрнинг бир доирада айланиши" (лот. *circulus itjosus*) деган мантиқий хатолик юзага келади. Ушбу хатоликнинг моҳияти тезиснинг далиллардан, далилларнинг эса тезисдан келтириб чиқаришлиги билан изоҳланади Масалан, "Фейеребах- материалист" деган тезис "Материализм идеализмга муқобил фалсафий оқим. Фейербах ана шу оқим вакилидир" тарзида асосланиладиган бўлса фикрнинг бир доирада айланишига йўл қўйилган бўлади.

Материализмнинг фалсафий оқим сифатидаги тамойиллари кўрсатилган пайтдагина мазкур тезис мустақил исбот этилган бўлади.

Исботлаш усулига(Намойиш этишга) оид қоидалар. Юқорида кўриб ўтганимиздек, исботлаш усули этиш далилларнинг тезис билан мантиқий боғланиши усули бўлиб, мазкур боғланиш хулоса чиқариш шаклида бўлади. Шунга кўра хулоса чиқаришнинг умумий ва хусусий қоидалари намойиш этишга ҳам оид қоидалар ҳисобланади. Масалан, "Эҳтимол" сўзи мустақил сўздир", деган тезисни: "Агар сўзлар мустақил бўлса, унда гап бўлаги бўлиб келади. "Эҳтимол" сўзи гап бўлаги ўрнида келади", деган далиллар бўйича исбот этиб бўлмайди. Чунки бунда шартли-қатъий хулоса чиқаришнинг "натижани тасдиқлашнинг асосни тасдиқлашга ўтиш мумкин эмас" деган қоидаси бузилган.

Исботлаш усули да хулоса чиқариш қоидаларига амал қилмаслик асосан икки хил мантиқий хатоликка йўл қўйишга олиб келади. 1. Жузъийликнинг хусусиятини умумийликка кўчириш, яъни асослардан шошилиб хулоса чиқариш. 2. Асосдаги атамаларнинг кенгайтирилиши (лот.: *quaternio terminorum*).

Биринчи хил хатолик "мантиқий квадрат" бўйича чиқариладиган хулоса қоидаси, яъни бўйсунувчи жузъий ҳукмларнинг чинлигидан бўйсундирувчи

¹ Қаранг: Ислон Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т., "Ўзбекистон", 2009, 5-6- бетлар

умумий ҳукмларнинг чинлиги келтириб чиқармаслик керак, деган қоида бузилганда, шунингдек, тўлиқсиз индукция қўлланилганда рўй беради. Бунга мисол қилиб Гидлян ва Иванов деган кимсаларнинг 80-йилларнинг охирларида Республикамиздаги баъзи туманлардаги пахта тайёрлаш давлат режасини тўлдириш масаласи билан боғлиқ камчиликларни аниқлаш асосида "Ўзбеклар иши" деган тухмат билан халқимизнинг номини қора қилмоқчи бўлганликларини келтириш мумкин. Бунда улар баъзи раҳбарларнинг бу борадаги айбини бутун бир халқнинг айби сифатида кўрсатишга ҳаракат қилган эдилар.

Намойиш этишдаги иккинчи ҳатоликка асослардаги атамаларнинг ҳажман кенгайтирилиши ёки торайтирилиши, турли маънода қўлланиши натижасида йўл қўйилади. Масалан, "фан" тушунчаси шу тарзда қўлланилганда муҳокама юритишда шундай ҳатолик келиб чиқади. Бунда муҳокама юритиш қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Фан ижтимоий онг шаклидир. Космология- фандир. Демак, космология ижтимоий онг шаклидир.

2. Фан-ижтимоий онг шакли. Санъат- ижтимоий онг шакли. Демак, санъат фандир.

Ушбу муҳокама хулосалари ҳатодир, чунки космология ижтимоий ҳаётга алоқаси бўлмаган илм соҳасидир. Шунингдек, санъат фандан фарқ қиладиган ижтимоий онг шаклидир.

Исботлаш ва инкор этиш жараёнида у ёки бу мантикий ҳатоликка билмаган ҳолда ва қасддан, англашилган тарзда йўл қўйилади.

Паралогизм. (юнон. paralogismos- нотўғри мулоҳаза) муҳокама юритишда англамасдан, беҳосдан йўл қўйиладиган ҳатоликдир. Бундай ҳатолик мантикий қонун-қоидаларнинг бузилиши туфайли рўй беради. Халқимиз аввал-азалдан сермулоҳазалик, теран мушоҳада юритишни кишининг энг муҳим фазилати сифатида баҳолаб келганлар. "Олдин ўйла, кейин сўйла", "Етти ўлчаб бир кес", "Ўйламай гапирган оғримасдан ўлади", "Овсар дўстдан зийрак душман афзал" каби халқ мақоллари шу боис яратилгандир.

Софизм (юнон. sophisa-айёрлик) мантикий хийла бўлиб, бунда уйдурма, ёлғонлар чин, ҳақиқат тарзида кўрсатилади. Бунда софистлар мантикнинг қонун, қоидалари ва усулларида устакорлик билан фойдаланадилар. Бундан кўзда тутилган мақсад- ўз муҳолифларини қасддан мантикий хатоликка, зиддиятли фикр юритишга- йўл қўйдиришдир.

Бу ўринда қадимги грек софистларининг мулоҳазаларидан айрим намуналар келтирамиз. "Бу кучукнинг болалари бор, демак, у ота. Аммо бу сенинг кучугинг, Демак, у сенинг отанг. Сен уни ураётирсан, демак, сен ўз отангни ураётирсан".

"Ўғри ёмон (кераксиз) нарсани олишни истамайди. Яхши нарсани олиш яхшидир. Демак, ўғри яхшилик истайди." ва ҳакозо.

Софизмнинг асосий тамойиллари дастлаб қадимги Грециядаги "диалектик мактаб" вакиллари- Протагор, Георгий, Продик ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилади. Улар фалсафанинг асосий мақсади ҳақиқатни англаш, бунга эса баҳс-диалог асосида эришилади, деган принципга таянадилар. Лекин бу принцип кейинчалик унтилади ва "баҳс баҳс учун", деган тамойилга айланади. Софизмнинг асосий тамойиллари кейинчалик догматизм (грекча -*gídogma*-ақида, қарор), эклектика (грекча *eklektikos* -танламоқ) деб аталадиган оқимларнинг юзага келишида асос бўлиб хизмат қилади.

Парадокс (грекча *para* -қарши ва *doxa*-фикр) зиддиятли мулоҳаза бўлиб, у бир пайтнинг ўзида ҳам чин, ҳам хато фикр сифатида англашилади. Мазкур зиддиятни формал мантиқ воситалари билан ҳал қилиб бўлмайди. Масалан, мантиқ илмида эрализгача IV асрда яшаган қадимги грек. файласуфи, милетлик Евбулид томонидан илгари сурилган "Ёлғончи" номи билан аталадиган парадоксни олиб қарайлик.

Бир киши шундай дейди: "Мен ёлғон гапираётирман". Хўш у ёлғон гапираётирми, ёки рост? "У ҳам рост, ҳам ёлғон гапирди", деб айтиш мумкин. Дарҳақиқат, у агар алдаётган, ёлғон гапираётган бўлса, демак, у ёлғончи. Агар у алдамаётган бўлса, яъни ёлғон гапираётганлигини тан олаётган бўлса, унинг гапи ростдир.

Шунингдек , "бу ҳукм хатодир", десак, агар у ҳақиқатдан хато бўлса, хато, хатолиги чин бўлса чиндир.

Парадоксларнинг сабаби шуки, муҳокамалардаги атама (субъект ва предикат) ларнинг ҳажм ва мазмуни ноаниқ бўлади.

"Мен ёлғон гапираётирман" муҳокамасини олиб карайлик. Бунда "ёлғон гапириш" тушунчасининг мазмуни ноаниқдир. Чунки у кишининг нима ҳақида ёлғон гапираётганлиги номаълумдир.

Агар бу аниқ кўрсатиладиган, конкретлаштириладиган бўлса, мазкур муҳокаманинг ҳеч қандай парадокслиги қолмайди.

Масалан, кимдир: "Мен Ой Ернинг табиий йўлдоши десам, хато (ёлғон) гапирган бўламан" деса, ҳақиқатдан мавжуд нарсани инкор этаётганлигини эътироф этиши маъносида унинг фикри чиндир.

Лекин у: "Мен Ой Ернинг табиий йўлдоши, деб ёлғон гапираётирман", деб айтса, унинг фикри хатодир. Чунки у мавжуд реалликни инкор этмоқда.

"Бу ҳукм хатодир", деган мулоҳазани ҳам худди шу тарзда- унинг атамаларини ҳажм ва мазмун жиҳатидан конкретлаштирилса, у ҳолда парадокслилик бўлмайди.

Шуни таъкидлаш керакки, қадимданоқ файласуфлар парадоксларнинг сабабини аниқлашга ва уларни ҳал этишнинг мантикий усуллари устида бош қотирганлар. Масалан, стоиклик мантиқшунос Хрисипп (эрамизгача 281-208 йиллар) "Ёлғончи" парадоксига бағишлаб учта рисола ёзади. Ривоятларга кўра қадимги грек мантиқшунослари Диодор Кронос ва Филет Косскийлар ушбу парадокс ечими билан бутун умр шуғулланадилар ва бунга эриша олмагач, ҳаётларини ўз жонларига қасд қилиш билан тугатадилар.

Ҳорзирги пайтда парадоксларни ечишнинг баъзи усуллари топилган бўлиб, улар асосан диалектик мантиқ тамойилларига таянилади.

Парадокслар фан соҳасидаги антиномияларни (грекча anti-қарама-қарши, homos- қонун) ҳал этишга йўналтиради ва шу жиҳатдан билишда муҳим роль ўйнайди. Маълумки антиномиялар фикр юритишдаги зиддиятлар бўлиб, унинг ечими билиш жараёни таракқиётининг муҳим омили ҳисобланади. Мазкур

зиддиятлар эса диалектик мантиқ тамойиллари асосида ҳал этилади. Масалан, қуйидаги антиномияларни формал мантиқнинг нозидлик ва учинчиси мустасно қонунининг талаблари бўйича ҳал этиб бўлмайди.

1) Оламнинг вақтда бошланиши бор ва у фазода чегараланган. Оламнинг вақтда бошланиши йўқ ва у фазода чегараланмаган.

2) Нарса, ҳодисалар доимий ўзгаришда. Нарса, ҳодисалар нисбий барқарорликда, ўзгаришсиз мажуд.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Далиллаш мантикий усул бўлиб муҳокама, фикр тизимлари (гипотеза | концепция, қарашлар) ижтимоий эмоционал-психологик, лингвистик жиҳатлар билан асосланадики, бунда мантикийлик белгиловчи роль ўйнайди.

2. Исботлаш ва рад этиш далиллашнинг мантикий асосини ташкил этади. Исботлашда берилган муҳокаманинг чинлиги, рад этишда хатолиги асосланиб берилади. Исботлаш ва рад этиш муайян қоидаларга риоя этилишни талаб этадики, бунда фикр шакллари ҳамда тўғри фикр юритишнинг барча қонун-қоидаларига таянилишни тақозо этади.

3. Исботлаш ва рад этиш мантикий фикрларнинг муҳим шарт ҳисобланади.

Машқлар.

1. Президентимиз Ислом Каримовнинг " Ижтимоий-сиёсий барқарорлик - жамиятимизни ислоҳ қилиш асоси", "Мафкура-келажак пойдевори" хулосалари-тезисларнинг қандай усулда исбот этилганлигини кўрсатинг. (Қаранг: Ислом Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Т."Ўзбекистон", 1997. 290-295-бетлар: "Фидокор" газетаси, 2004 йил, 8-апрель 1-бет.)

2. Қуйидаги фикрларнинг қайси бири тезис сифатида исбот этишни талаб этади? 1) Чўлпон эрк ва мустақиллик ҳақида.

2) "Шайтанат" асосида уюшган жиноятчиликнинг сабаб ва оқибатлари бадиий тадқиқ этилади

3) Виждон азоби-олий жазо.

4) "Эй бандалар, пешона тери билан топган маблағларингиздан садақа айлаб турингиз" (Оят).

5) Дилимизда яшайдиган қонун виждон деб аталади. (И. Кант)

3. Қуйидаги тезисларни дедуктив хулоса чиқариш йўли билан исботланг.

1) Санъат-эстетик тарбия воситаси.

2) Собиров мантиқ фани бўйича якуний назорат топширади.

3) Ўзбекистон умумфуқаровий, демократик давлатчилик тамойилларига асосланган Республикадир.

4. Қуйидаги тезисларни индуктив хулоса чиқариш йўли билан исботланг.

1) Ўзбекистон қадимдан суғорма декқончилик мамлакати бўлиб келган.

2) Газ-иссиқликдан кенгайди.

3) Ёрдамчи сўзлар гап бўлагига вазифасини бажармайди.

4) Ҳеч бир давлат ўзининг ҳуқуқий ташкилотларисиз яшай олмайди.

5. Ислом Каримов асарларида рад этишнинг қандай усуллари қўлланилганлигини аниқланг ва уларни изоҳланг. (Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида. Т.1997. Ҳар қандай муҳолиф билан баҳслашишга тайёрман. Асарлар тўплами. 1-жилд Т.1996; Ўтмишсиз келажак ҳамкорликсиз тараққиёт бўлмайди. Асарлар тўплами. 4-жилд. Т.1996.)

6. Қуйидаги муҳокамада қандай ҳатоликка йўл қўйилган? Прокурор айбдор Н. эгоист, чунки у ўз манфаатини ҳаммадан юқори қўяди. Адвокат: Йўқ, айбланувчи эгоист эмас. У фақат ўз манфаатини кўпроқ ўйлайдиган шахс, холос.

7. Қуйидаги муҳокамалар қандай усулда рад этишлигини аниқланг ва амалга оширинг.

1) Ўз валютасига эга бўлиш- ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигига эришишнинг ҳал қилувчи омилдир.

2) Баъзи жиноий ишлар давлат учун хавфли эмас

3) Жаҳон молиявий- иқтисодий инқрози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди.

10-МАВЗУ. МУАММО. ФАРАЗ(ГИПОТЕЗА). НАЗАРИЯ.

1§. Муаммо ва унинг билишдаги аҳамияти.

Мантиқ билиш жараёнининг шакллари бўлган муаммо, фараз ва назарияларни ўрганиш билан ҳам шуғулланади. Билишнинг муҳим шакли муаммодир. Билиш моҳиятан муаммоларнинг қўйилиши ва ҳал этилишидир.

МУАММО- бу ижтимоий эҳтиёж натижаси ўлароқ юзага келадиган масалалар кўлами бўлиб, уларнинг ечими муайян соҳа учун назарий ва амалий аҳамиятга молик бўлади. Муаммо шунга кўра қуйидаги хусусиятларга эга бўлган масаладир.

1. Мавжуд қоида, усуллар билан бевосита ҳал қилиб бўлмайди.
2. Ҳал этилиши баъзи назария ва қарашларни (концепцияларни) янгича талқин этиш, ўзгартириш, аниқлик киритишни тақозо этади.
3. Ҳал этилиши фан-техника, ижтимоий ҳаёт соҳасида туб ўзгаришларни ва шунга мувофиқ янги муаммоларни юзага келтиради.

Муаммолар бирданига англаб олинмайди, уларнинг назарий масала сифатида шаклланиши муайян вақт - даврни ўз ичига олади. Бу пировардида мавжуд баъзи назария, концепцияларни ўзгартиришни тақозо этади. Масалан, кишилар сабабчиси бўлган ҳозирги экологик муаммолар ўтган аср охирларидан бошланган бўлиб, фақат асримизнинг иккинчи ярмидан бошлаб унинг ҳал этилиши зарурлиги англаб олинди. Бу эса «Биз табиатдан хайр-эҳсон кутиб ўтирмаймиз, уни ўз хоҳишимиз билан ўзгартираммиз», деган моддийунчилик қарашни бекор қилишга олиб келди.

Муаммоларнинг муайян масалалар-тизими сифатида ифодаланиш шакли савол ҳисобланади. Дарҳақиқат, муаммолар ўз моҳиятига кўра у ёки бу тарзда қўйилган саволлар бўлиб, улар заруран ўз жавобини, ечимини талаб этади.

Мантикда савол деб ҳал этилиши зарур бўлган масалага доир фикрга айтилади. Савол сўроқ гапларда ифодаланади, лекин ҳар қандай сўроқ гаплар мантиқий саволни ифодаламайди.

Барча муайян назарий ва амалий аҳамиятга молик муаммога жавоб топишга қаратилган сўроқ гапларгина мантиқий савол ҳисобланади. Савол муаммони

ифодалаш ва уни ҳал этишга қаратилган билишнинг шакли бўлиб, методологик аҳамиятга эгадир.

Барча фанлар билимлар тизими сифатида ўз муаммоларини кўйиш орқали ривожланадики, улар мантикий саволлар тарзида ифодаланади. Масалан, фалсафанинг азалий муаммолари «Оламнинг асосида нима ётади?», «Вақт ва фазо нима?», «Инсон ким, унинг моҳиятини нима ташкил этади?» деган саволлар тарзида тузилади. Ва ана шу саволларга берилган жавобларга кўра фалсафий оқим, таълимотлар юзага келади.

Президентимиз Республикамиз келажагига доир асосий муаммоларни назарий ва амалий аҳамиятга молик масалалар ечимига доир саволлар тарзида ифодалайди. «Ўтган йилларнинг мантики бизни ҳозирги кунда учта асосий саволга (таъкид бизники- М.О) мурожаат қилишга ундамоқда, деб кўрсатади И.А.Каримов. Ўзбекистонинг келажаги ана шундай саволларга қандай жавоб беришимизга боғлиқ. Булар қуйидагилардир: хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим?, Барқарорликни қандай таъминлаш даркор? Тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишига нималар ҳисобига эришиш мумкин?. Булар стратегик муаммолар бўлиб ҳар қандай мустақил давлат энг аввало, ана шу муаммоларга эътибор бериб келган ва бундан буён ҳам эътибор беражак».¹

Савол билиш жараёнида муаммо, гипотезаларни илгари суришда муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун оддий муҳокама юритиш ҳамда илмий тадқиқот ишларида мантикий саволга мурожаат этилади.

Мантикий савол – бу инсон билимидаги иккиланиш, ноаниқликларни бартараф этишга ҳамда тадқиқ этилаётган объектлар ҳақида тўлиқ билим олишга қаратилган фикрдир. Саволлар тузулишига кўра икки хил бўлади: ечимга доир ва тўлдиришга доир саволлар. Қўйилган муаммоларнинг ҳал этилиш йўллари аниқлашга қаратилган савол ечимга доир савол ҳисобланади. Масалан, «Мафкуравий таъсирлар салбий оқибатларга олиб келмаслиги учун нима қилиш

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1997, 7-8 бетлар

керак?» (Ислом Каримов). Тўлдиришга доир савол – бу берилган муқобил /альтернатив/ ҳукмлар гуруҳига тўғри /чин/ жавоб топишга қаратилган саволдир.

Савол мантикий таркибга эга, яъни у ўзида муайян билимни ифодалайди. Масалан, «Ким биринчи бўлиб Американи кашф этган?», деган саволдан «Маълум бир давргача Америка қитъаси кишиларга номаълум бўлган, ушбу қитъа бирор кишининг саъйи- ҳаракати билан кашф этилган», деган фикр англашилади.

Савол мантикий таркибига кўра икки хил бўлади: ечимга ва тўлдиришга доир савол. Ечимга доир саволда муайян муаммони ҳал этиш имкониятларининг бир-бирини истисно этувчи ҳолат, вариантлари илгари сурилади. Масалан: "Инсоният ер юзида ўзи бунёд этган цивилизацияни келажакда сақлаб қола оладими ёки йўқми?".

Тўлдиришга доир саволда муаммонинг ечими учун энг муҳим омилни аниқлаб олишга диққат эътибор қаратилади. Бунга мисол қилиб Президентимизнинг юқорида зикр қилинган асарида мамлакатимиз таракқиётининг- стратегик йўналиши, унинг қафолатларини мантикий саволларни қўйиш - билан белгиланади ва уларнинг омиллари тинчлик барқарорлик ва жуғрофий -сиёсий мувозанатни сақлаб қолиш, унга эришиш ана шундай омиллардан бири эканлиги кўрсатиб берилади.¹

Саволларнинг мантикий таркибини аниқлаш ва уларни грамматик шаклда ифодалай билиш муаммоларни илгари суриш ва уларнинг ечимини топишда муҳим роль ўйнайди.

Муаммолар ўз миқёси ва аҳамиятига кўра турли даражаларда бўлиб, ҳар хил усул, йўллар орқали ечилади, шулардан уч хилини кўрсатиш мумкин:

1. Мавжуд назария, ғоя, қарашлар доирасида ечиладиган муаммолар. Мазкур муаммо тури ечими ижтимоий ҳодисаларни ҳал этишда кенг қўлланилади. Масалан, бугунги кунда миллий истиқлол ғоясини кишиларимизнинг қалби ва онгига сингдириш муаммоси кун тартибидаги долзарб

¹ Қаранг: Ўша жойда, 9- бет.

вазифа ҳисобланади. Буни амалга ошириш учун эса, энг аввало, «Ғоя нима, унинг қандай турлари бор?», «Ғоянинг киши қалби ва онгига таъсир кўрсатиш, сингдиришнинг қандай восита, усуллари бор?» деган саволларни кўндаланг қўйишни ва уларга батафсил, илмий жавоблар топиш талаб этилади.

2.Бир қатор назариялар орқали амалга ошириладиган муаммолар ечими. Масалан, мамлакатимизда ўзига хос моделдаги фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш муаммосининг ечими шу ҳақидаги мавжуд таълимотлар доирасида талқин қилинади, чунки бунда фуқаролик жамияти ҳақидаги қарашлар, таълимотларга таянилгандир.

3.Янги назариялар яратилиши тақозо этадиган муаммолар ечими Масалан, мустақилликни сақлаш ва мустақкамлашга қаратилган «Миллий истиқлол ғояси» таълимоти-назарияси ана шундай муаммо ечими таҳлилининг натижасидир.

Муайян қоидаларга амал қилинадиган пайтдагина муаммолар ечими усули, билиш шакли вазифасини ўтайди. Булар:

1. Савол одоб доирасида ифвогарликсиз, тўғри қўйилиши керак.
2. Аниқловчи саволларнинг альтернатив жавобларни назарга олиш лозим.
3. Савол қисқа, лўнда ва аниқ бўлиши керак.
4. Мураккаб айирувчи саволларда барча альтернативалар кўрсатиб ўтилиши лозим.
5. Савол риторик тарзда тузилмаслиги зарур. Чунки риторик саволлар фикр предметининг хусусиятини ўзига хос тасдиқ тарзида ифодаловчи фикр шаклидир

Мантиқий саволлар, айниқса, таълим-тарбия жараёнида муҳим роль ўйнайди. Чунки ўқувчи, талабаларни фан асосларини ўрганишга жалб этиш, қизиқтиришнинг зарур шарти бўлган дарсларда муаммовий вазиятларни юзага келтириши мантиқий саволларни тузиш орқали амалга оширилади.

2§ Фараз(гипотеза) ва унинг турлари

Муаммоларнинг ечими қандай усулда бўлмасин, фараз-гипотезаларни илгари суришни талаб этади. **Гипотеза** (юнонча *hipothesis*-фараз, тахмин) билиш жараёни, муаммоларни ҳал этишда юзага келадиган илмий аҳамиятга эга бўлган

эҳтимолли фикр бўлиб, тадқиқ этилаётган ҳодисанинг сабаби, хусусиятларини аниқлашга қаратилган бўлади. **Фараз** фикр шакли сифатида қуйидаги белгиларга эга:

1. Билиш тараққиётнинг шакли эканлиги. Барча фанлар соҳасида билмасликдан (нисбий билимдан) билишга, мутлақ ҳақиқатга ўтиш жараёни фаразларни илгари суриш ва уларнинг чин ёки хатолигини асослаш тарзида кечади.

2. Ҳодисаларнинг сабаб ва оқибат боғланишларини аниқлаш, мавжуд фактик материалларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш бўйича илгари сурилишлиги, шу маънода фараз- бу ҳар қандай тахмин бўлмасдан, муайян илмий асосга эга бўлган эҳтимолли билимлардир.

3. Фаразларнинг амалиётда тасдиқланиши янги билимларни ҳосил қилади ва унинг негизида яна бошқа илмий тахминлар илгари сурилади.

4. Фаразларни илгари суришнинг мантиқий асосини аналогия бўйича хулоса чиқариш ташкил этади.

Тадқиқ объектига кўра фараз икки турга ажратилади: умумий ва хусусий.

Умумий фараз деб муаммо даражасидаги табиий ва ижтимоий ҳодисаларнинг сабаб ва оқибат боғланишларини аниқлашга қаратилган илмий тахминга атилади. Академик А.Г.Опарин (1894-1980) томонидан илгари сурилган Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги, шунингдек, Қуёш тизимидаги планеталарнинг келиб чиқиши, Ердан бошқа планеталарда органик материянинг борлиги ва бошқа шу каби илмий тахминлар умумий фаразлар ҳисобланади.

Хусусий фараз айрим нарса-ҳодисаларнинг юзага келиши, хусусиятлари ҳақидаги илмий тахминдир. Ҳар бир фан соҳасида тадқиқ этилаётган объект бўйича у ёки бу тарздаги тахминлар қилинадик, улар ўз кўлами ва аҳамиятига кўра хусусий фаразлар саналади. Масалан, медиклар бедаво касалликларнинг сабабини аниқлаш бўйича фаразларни олға сурадилар ва шу бўйича тадқиқот ишлари олиб борадилар. Суд-текширув ишларида кенг қўлланиладиган версия-тахминлар тузишда ҳам мантиқий фараз тамойилларига таянилади. Фаразларнинг ишончли илмий назарияларга айланишида мантиқий тасдиқлаш (исботлаш) усули

муҳим роль ўйнайди. Фаразнинг мантикий тасдиқлаш усули-бу унинг асосий мазмунини натижа сифатида дедуктив йўл билан келтириб чиқариш ва уни кейинчалик фактлар билан солиштириш, тажриба, экспериментлар ўтказиш, яъни индуктив методлар воситасида асослашдир.

Бунга мисол килиб Қуёш системасида Нептун планетасининг кашф этилишини келтириш мумкин. Номалум планета ҳақидаги гипотеза И.Кеплернинг планеталар ҳаракати орбитаси ва бутун дунё тортилиш қонуни асосида илгари сурилади ва кейинчалик тадқиқотчилар томонидан ушбу планетанинг Қуёш тизимидаги ўрни (Қуёшдан 4500 млн. км узоқликдалиги, диаметри- 30100 км, атмосфера таркиби CH_4 H_2) аниқланилди.

Назарий тадқиқотларнинг мақсади эмпирик тадқиқот давомида ўрнатилган фактларни тушунтириш, башорат қилиш ва системалаштиришга имкон берадиган қонун ва принципларни аниқлашдан иборат.

Методологияда "фараз"- "гипотеза" атамаси икки маънода ишлатилади: 1) Билимнинг мавжудлик шакли сифатида муаммолилиқ, ишончсизликни ифодалаши; 2) Ҳолатларни тушунтириб берувчи, шакллантирувчи ва асословчи метод сифатида қонун, назарияларни ўрнатишга элтувчи йўл

Гипотеза структураси билан танишиш бу метод тўғрисида яхши тасаввур беради. Фараз билиш методи сифатида бир қанча босқичлардан иборат бўлади.

1) илгари сурилган тахминга тааллуқли фактлар, эмпирик далиллар билан танишиш;

2) ўрганилаётган ҳодисалар сабабларини индуктив методлар билан аниқлаш;

3) илгари сурилган фаразни унга дахлдор бошқа фаразлар билан таққослаш ва эҳтимолга яқинини танлаш;

4) илгари сурилган фаразни тажрибада, экспериментал эмпирик текшириб кўриш ва индуктив ва дедуктив методлар ёрдамида унинг чин ёки хатолигини кўрсатиш.

Фанлардаги, айниқса, аниқ фанлардаги илмий назариялар, кашфиётлар гипотеза босқичларининг якуний хулосалари ҳисобланади.

Гипотеза услубининг умумий тузилиши тамойилларини яхши билиш фан ривожига хизмат қиладиган фаразларни илгари суриш ва уларнинг чин хатолигини аниқлашга ёрдам беради.

Ижтимоий ҳаёт соҳасида фаразлар муайян муаммолар ва уларни келтириб чиқарувчи сабаблар ҳамда ҳал этилишининг йўл-йўриklarини чуқур таҳлил этилиши асосида илгари сурилади. Бу орқали жамият тараққиёти йўналиши ҳақида башоратлар қилинади.. Бунга мисол тариқасида Президентимиз Республикамизнинг ҳозирги кундаги ички имкониятларини, салоҳиятларини, халқаро нуфузини чуқур таҳлил қилиши асосида унинг келажаги ҳақидаги илгари сурган илмий фаразни келтириш мумкин. Аминманки, деб башорат қилади у, мамлакатимиз ХХІ асрда жаҳон иқтисодиёти, маданияти ва сиёсатида муносиб ўрин олади.¹

3§. Назария. Илмий назариянинг турлари

Назария илмий билимлар тизими бўлиб, фараз-гипотезалар негизида шаклланади. Назария- бу чинлиги, ҳақиқатлиги илмий жиҳатдан тўлиқ асосланган ва амалиётда текширилган, тасдиқланган, тизимлаштирилган билимлар мажмуидир. Ҳар қандай фанлар назарияларга таянади. Назарияда тадқиқ этиладиган объектлар, моделлар, яъни идеаллаштирилган тарзда акс эттирилади.

Бунда мавҳум атама, тушунча, формулалар ҳосил қилинади. Объектларни идеаллаштириш ижтимоий фанларда ҳам қўлланилади. Масалан, фалсафа, иқтисодий назария фанлари энг умумий тушунча- категориялар билан иш кўрадилар. Масалан: «макон», «замон», «борлик», «ҳаракат», «қиймат», «товар» ва бошқалар. Назариялар ўзида билимларни қай даражада, усулда умумлаштириш, идеаллаштириш характериға кўра дедуктив ва нодедуктив (индуктив) турларға ажратилади. Дедуктив назариялар мавжуд назария, аксиома, қоидалар асосида шаклланадиган илмий билимлар тизимидир. Масалан, И.Кеплер

¹ Қаранг: И.Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: «Ўзбекистон», 1997, 15-бет.

(1571-1630) планеталар ҳаракати(орбитаси)га доир қонунларини бутун дунё тортилиш "қонунига таянган, ундан келиб чиққан ҳолда кашф этади.

Президентимизнинг мустақил Ўзбекистон Республикаси тараққиёти масаласига оид назарий -методологик аҳамиятга молик “Ўзбек модели”тамойиллари жамият тараққиёти қонуниятларига асосланган тарзда ишлаб чиқилгандир.

Индуктив назариялар бевосита эмпирик тажриба, экспериментлар асосида шаклланади. Бунда индуктив методлардан фойдаланилади ва нарсалар ҳодисаларнинг аниқланилган энг муҳим белги, хусусиятлари умумлаштирилади ва қонуниятлари очиқ берилди. Аниқ фанлар, хусусан, физика, химия, биология каби фанларнинг қонунлари моҳиятан индуктив назариялар ҳисобланади. Масалан, Ом қонунини олиб қарайдиган бўлсак, у эмпирик тадқиқотларнинг натижаси ўлароқ кашф этилгандир. Дарҳақиқат, занжирнинг бир қисмидаги ток учун шу қисм кучланишига тескари пропорционал, деган хулосани дедуктив йўл билан чиқариб бўлмайди.

Мантиқ билимларни тизимлаштиришда метод вазифасини ўтайди. Билимларнинг тизимлилиги - бу энг аввало уларнинг ғоят аниқ, лўнда таърифларда ифодаланиши билан изоҳланиладики, бу тафаккурнинг қонун, шакллари ва барча мантикий усулларга қатъий риоя қилишни талаб этади.

Ҳар бир назария, қонун моҳиятан хулоса чиқаришнинг якуни бўлиб, улар илмий таърифларда ифодаланади. Мантиқ фанининг билиш жараёнида тутган йўли, назарий-методологик функцияси бугунги фан-техника даврида янада ошиб бормоқда. Энг муҳими - мантиқ илми ҳозирги глобаллашув даврида фан, техника ютуқларини гуманистик мақсадлар учун йўналтиришга, маънавиятни англаб олишига хизмат қиладиган фан мақоматини олмоқда.

Хулосалар.

1. Муаммо - бу ечими назарий ва амалий аҳамиятга молик масала бўлиб, илмий тахмин, фаразларни илгари суриш учун асос бўлиб хизмат қилади.

2. Фаразлар ҳар қандай илмий билиш тараққиётнинг шаклидир. Илмий билиш маҳсули бўлган назариялар дастлаб фараз- гипотезалар, даражасида бўлади.

3. Назария мутлақ ҳақиқатлар даражасидаги билимлар тизими бўлиб, фан, техника тараққиёти, инсон билимларининг ошиб бориши жараёнида нисбий ҳақиқатларга айланиб боради.

МАШҚЛАР.

1-машқ. И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” (Т.«Ўзбекистон», 1997) , “Юксак мъनावият-енгилмас куч” (Т., “Маънавият”2008) асарларида илгари сурилган муаммо, фараз, назарияларни аниқланг ва уларни таҳлил этинг.

2-машқ. Ҳозирги даврнинг умумбашарий ва минтақавий муаммоларига мисоллар келтиринг ва уларни изоҳланг.

3-машқ. Қуйидаги саволларнинг қайси бири муаммони ифодалайди ва бунга изоҳ беринг.

а). Алишер Навоийнинг қайси асари тасаввуф масаласига бағишланган?

б). Ўзбекистон Республикаси қайси йили БМТ аъзолигига қабул қилинган?

в). Ҳозирги даврнинг экологик муаммоларини қандай ҳал этиш мумкин?

г). «Ўтган кунлар» романининг муаллифи ким?

4-машқ. Табиат ва ижтимоий фан соҳаларида назарияга айланган ва айланмасдан қолган фаразларга мисоллар келтиринг.

МАНТИҚНИНГ ФАЛСАФИЙ ФАНЛАРНИ ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА ЎҚИТИШДАГИ РОЛИ.

Сўнгги йилларда педагогик технология масаласи мутахассислар томонидан алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмоқда. Ва бунда у таълим, ўқитиш жараёни мақсадига ва шахс баркамоллигига эриштиришга йўналтирилган педагогик фаолият самарадорлигини оширишнинг тизимлаштирилган, лойиҳалаштирилган восита ва усуллари сифатида талқин қилинади.¹

Педагогик технологиялар ижтимоий, хусусан, фалсафий фанларни бугунги кун талаблари даражасида ўқитишда алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур фанларни ўзлаштириш учун талабалар уларнинг мавҳумий (абстракт) мезоний тушунчалари (категориялари) нинг мазмун, моҳиятини теран англаб етиши, бунга эса ўқитувчи, энг аввало, педагогик технологияларни мантикий усуллардан моҳирлик билан фойдалангани ҳолда қўллай билиш орқали эришади.

Педагогик технология усул, воситаларининг бир бутун яхлит система тарзида амал қилишининг назарий методологик асосини мантикий қонун, қоидалар, тамойиллар ташкил этишлиги билан белгиланади. Барча педагогик технология усулларининг таълим жараёнида қўлланилиши тафаккур шакллари ва қонун-қоидаларига таянилишни тақозо этади.

Шу боис ҳозирги пайтда бевосита мантикийлик тамойилига асосланган, «танқидий тафаккур» деб аталадиган интерактив усулларни ўқув жараёнида қўллаш дастури² мутахассислар томонидан энг самарали ва истикболли дастур деб эътироф этилган. Ва мазкур дастур деярли аксарият кўпчилик мамлакатлар таълим тизимида қўлланилиб келинмоқда.

¹ Қаранг: Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Изд. им. Чулпан, 2005. С-16-18.

² Ушбу дастур ўтган асрнинг 90- йилларида Женни Стил, Керт Мереж. Чарльз Темпл каби педагоглар томонидан ишлаб чиқилган.

Танқидий тафаккур - бу англашилган, аналитик-таҳлилий фикрлаш жараёни бўлиб, бунда ахборотлар ва концепциялар қайта мушоҳада қилинади, қайта тузилади ва баҳоланади.¹ Шунга кўра танқидий тафаккур - бу мантикий қонун-қоидалар, усулларнинг талаблари доирасида кечадиган интерактив билиш жараёнидир. Шунга кўра танқидий тафаккур педагогик технология усулларини ўқув жараёнига тадбиқ этиш, қўллашнинг стратегик йўналиши ҳисобланади.

Эстес, Жиллет, Темпл, Дишнер каби тадқиқотчилар танқидий тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришнинг уч босқичли моделини ишлаб чиқадилар. Булар:

1. чақириқ босқичи; 2. англаш босқичи; 3. мулоҳаза қилиш (фикрлаш) босқичи.

Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур моделнинг ҳар учала босқичида ҳам интерактив методлар мантикий қонун-қоида, усуллар ва тамойилларга таянилган ҳолда қўлланилади.

Моделнинг биринчи - чақириқ босқичининг мақсади талаба (ўқувчи)нинг ўтиладиган мавзунини ўзлаштиришига қаратилган фаоллигини ошириш бўлиб, бу мантикий саволлар (бу ҳақида қаранг «Ҳукм» мавзуи §-4) қўйиш тамойилига асосланган «ақлий ҳужум» усули орқали амалга оширилади. Ўқитувчи мазкур усулни қўллай билиш малакасига эга бўлиши учун мантикий саволларни тўғри қўйиш, тузиш шартлари ва уларнинг қоидаларини яхши билиши зарур. Ушбу талаб биринчи галда ижтимоий, хусусан, фалсафий фанларнинг ўқитувчиларига тааллуқлидир. Чунки фалсафий билимлар тизимидаги фанларнинг (онтология, гносеология, мантиқ, этика, эстетика) баҳс мавзуини олам ва одам, жамият ва шахс муносабатлари билан боғлиқ муаммолар ташкил этадики, улар муайян мантикий саволларга бериладиган жавоблар таҳлили орқали ёритилишни тақозо этади.

¹ Қаранг: Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. Т., Изд. им. Чулпан, 2005, С-124.

Масалан, фалсафанинг ўзига хос фан сифатидаги хусусиятини белгиловчи дунёқараш масаласининг моҳияти қуйидаги учта гуруҳдаги асосий саволларга бериладиган жавоблар орқали аниқланилади.

Ўқитувчи биринчи ва иккинчи мавзу масалаларини- фалсафанинг баҳс мавзуи ва муаммолари, дунёқараш, унинг хусусиятлари, шакллари таҳлил қилишга киришишдан олдин талабаларга қарата қуйидагича саволлар билан мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир: «Фалсафа фани нима ҳақида баҳс юритади, деб ўйлайсизлар?», «Унинг ўзингиз учун аҳамиятини қандай тасаввур қиласизлар?», «Дунё деганда нимани тушунасиз?», «Инсон деганда-чи?». Ушбу чақириқ босқичи саволлари талабаларда фалсафа ҳақидаги умумий тасаввурни ва уларда уни ўрганишга бўлган фаоллик, қизиқишни ҳосил қилдиришга қаратилган дастлабки психологик йўналтиришни юзага келтириш, шакллантириш учун хизмат қилади.

Моделнинг иккинчи - «англаш» босқичи ўтилатган мавзу мазмунини тушуниш, ўзлаштиришга қаратилган бўлиб, бунда «инсерт», «мини маъруза», «концептуал жадвал» каби усуллар қўлланилади. «Инсерт» усулига кўра мавзуга доир матн шартли белгилар қўйиш бўйича ўқилади ва таҳлил қилинади. Ўқитувчи мавзуга доир матнни бир қисм талабаларга тарқатиб бергач, уни саҳифа ҳошиясига қуйидаги шартли белгиларни қўйиш бўйича ўқиб чиқишни топширади:

«Т» - матнда илгари сурилган асосий фикр - тезис;

«V» - ўқиётган матндаги фикр билан танишман, биламан;

«-» - матндаги фикр менинг бу ҳақида билганларимга зид;

«+» - матндаги фикр мен учун янгилик;

«?» - ўқиётганларим мен учун тушунарсиз, бу бўйича аниқ, батафсил маълумот олишни хоҳлайман;

Матннинг ўқилиши тугагач, унинг талабалар томонидан қай даражада бажарилганлиги тўрт-беш дақиқа давомида муҳокама қилинади ва баҳоланади. Бунда ўқитувчи, айниқса, мазкур усулнинг мантиқий жиҳати, яъни матнда илгари

сурилган тезиснинг қанчалик тўғри белгиланганлигига алоҳида эътибор бермоғи зарур.

Чунки талабанинг ўтилатган мавзу мазмунини қай даражада англаб олиши, энг аввало, мавзуга тааллуқли матннинг тезисини тўғри аниқлай олганлиги билан белгиланади.

Ўқувчи фалсафанинг баҳс мавзуи, олам, борлик, субстанция масалаларини «инсерт» усули бўйича баён этишда қуйидаги матндан фойдаланиши мумкин:

“Билки, (оламда) субстанция (жавҳар) ва акциденция (жавҳар бўлмаган, ораз) ҳамда субстанция, акциденцияни яратувчи марҳаматли ижодкордан бошқа ҳеч нарса йўқдир.

Акциденцияни беш сезги ҳис этади, улар ўртасида ҳеч қандай восита йўқдир, масалан, кўриш ўзича рангни ҳис этади, шу билан у оқ ва қорани бир-биридан фарқ қилади: эшитиш ўзича баланд ҳамда паст овозларнинг фарқини сезади; таъм-маза сезгиси турли таъмларни қабул қилади.

Субстанцияни фақат ақл қабул қилади ва бунда акциденция ақл учун воситачи бўлиб хизмат қилади. Ақл ранглар остида шу рангга эга бўлган нарса борлигини, овоз кетида овози келаётган нарса мавжудлигини билади, ақлнинг бошқа сезгилар билан муносабати ҳам шунинг кабидир.¹

Ўқитувчи фалсафанинг бошқа мавзуларини мустақил ўрганиш учун талабаларга ишчи дастурда кўрсатилган зарурий адабиётларни «инсерт» усулидан фойдаланган ҳолда ўрганиши, конспект қилишни уйга вазифа қилиб бериши мумкин. Мавзунинг «Дунёқараш, унинг шакллари» масаласини моделининг «англаш» босқичида таҳлил қилиш, ёритишда яна «концептуал жадвал» усулидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Ушбу усул учта ва ундан ортиқ тур йўналишлардан ташкил топган жинс (синф)ларни ўрганишда қўлланиладики, бу мантиқнинг тушунчани таърифлаш ва бўлиш каби усуллариға таянишни тақозо этади.

¹ Абу Наср Форобий. Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида // Фозил одамлар шахри.Т., “Абдула Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти”, 1993,174-б

Маълумки, таърифлашда тушунчада ифодаланаётган предмет, ҳодисанинг муҳим белги,--хусусиятлари кўрсатиб берилади. Бўлишда эса ана шундай белгиларга кўра унинг турлари аниқланади.

«Дунёқараш, унинг шакллари» масаласини мазкур мантиқий усулларни қўллаган ҳолда қуйидаги «концептуал жадвал» бўйича таҳлил қилиш мумкин.

№	Дунёқарашнинг муҳим хусусиятлари	Дунёқарашнинг муҳим хусусиятларига кўра турлари (шакллари)	Дунёқараш шакллариининг тамойиллари
1	Дунё ва инсон муносабати ва унинг индивидуал ва ижтимоий онг даражасида амал қилиши.	индивидуал дунёқараш	Инсоннинг дунёга «Мен» - «Мен эмас» тарзидаги муносабати, қарашлари.
		ижтимоий дунёқараш	жамиятнинг маънавий ҳаёти тизими қисмлари тарзида амал қилиши.
2	Муайян тарихий даврда шаклланиши ва ижтимоий моҳиятга эгаллиги.	Мифологик дунёқараш	афсонавий кучлар, мифларга ишониш, эътиқод.
		диний дунёқараш	Худо ва инсон муносабати; илоҳий қудрат -Худого эътиқод.
		фалсафий дунёқараш	илмийлик; тарихийлик; мантиқийлик; ғоявийлик; назария ва амалиётнинг бирлиги.

Ушбу жадвалда «дунёқараш» тушунчасининг муҳим белгилари мантиқий реал таърифлаш усули талаблари бўйича кўрсатилган. Тушунчани бўлиш мантиқий усули талаби, яъни предметини муҳим белгиларш;а кўра турларга ажратиш талаби бўйича эса дунёқарашнинг шакллари аниқланган.

Моделнинг учинчи - «мулоҳаза юритиш» («фикрлаш») босқичи «чақирик», «англаш» босқичларининг якунланиши бўлиб, унинг асосий мақсади - бу ўтилаётган мавзу материаллари, янги ахборотларнинг талабалар томонидан билим, кадрият даражасида ўзлаштирилишига эришишдир.

Ушбу босқичда ўқитувчидан дарсни, талабаларни бирдек фикрлаш, мулоҳаза юритишга жалб қилиш, йўналтириш орқали, билим олишга қаратилган жараёнга айлантирилиши талаб этилади.

Бунга у, энг аввало, уларда мантикий қонун-қоидалар, тамойилларга асосланган танқидий тафаккур, фикрлаш малакасини шакллантириш, ривожлантириш билан эриша олади.

«Такриз», «синквэйн», «кластер», «венн диаграммаси», «далилланган эссе», «тоифали шарҳ» «мантикий чалкаш занжирлар» каби интерактив усуллар талабаларда ана шундай малакани ҳосил қилдиришнинг энг самарали усуллари ҳисобланади.

«Такриз» усулининг бажарилиши: дарсда талабаларнинг бир қисмига мавзуга оид матнлар (мақолалар, ҳикматлар ва б.) тарқатилади.

Такриз ўқилган матннинг баёни бўлиб қолмасдан, балки унда талабанинг масалага муносабати, унга берган баҳоси ва шахсан ўзи учун аҳамиятли жиҳати нимада эканлиги ифодаланмоғи керак.

Ўқитувчи фалсафанинг биринчи мавзусини ўтишда (семинар дарсида) қуйидаги мулоҳазаларни такриз учун бериш мумкин:

* * *

Фалсафанинг икки қудратли қаноти бор: бири - руҳият ва бадиият, иккинчиси - амалиёт ва ақлият. Руҳият ва бадииятдан узоқ курумсоқ ақл ўткинчи амалиётга банди бўлади; амалиёт ва ақлиятга бегона - руҳият ва бадииятга ҳам бегона. Шунинг учун деб маслаҳат беради Альберт Камю: «Файласуф бўлишни истасангиз романлар ёзинг». Руҳият билан ақлиятни, бадиият билан амалиётни уйғунлаштирмай эса роман ёзиш душвор.

* * *

«Фалсафа фан эмас ва фан бўлмаслиги ҳам керак... Фан заруриятга итоаткорликдир. Фалсафа эса заруриятга инсон руҳи бандилигининг аксидир. Ҳақиқий файласуф - донишмандлар ҳеч қачон заруриятга банди бўлмаганлар» (Н.Бердяев). Э-ҳе, ушбу ҳикматлар моҳиятига етиш учун бир кун, ҳеч бўлмаса бир соат серғалва ва серғавғо ҳаёт заруриятларидан холи яшаб кўриш керак”.

* * *

«Фалсафанинг бош муаммоси «Материя бирламчими ёки онгми?» деган саволда эмас. Муаммо «Фалсафа кимнинг манфаатларига хизмат қилади: комилликка даъвогаргами ёки қабихликка даъватқорми?» деган саволдадир».¹

«Мулоҳаза юритиш» («фикрлаш») босқичида қўлланиладиган усуллардан яна бири «синквэйн» (французча - «беш қатор») бўлиб, бунда ўзлаштириладиган маълумотлар мантикий анализ ва синтез, таърифлаш бўйича мухтасар битта хулосада ифода қилинади.

Ушбу усул қуйидагича бажарилади:

- 1) мазмун-моҳияти аниқланаётган тушунча келтирилади;
- 2) иккинчи ва учинчи қаторлардаги жумлада мазкур тушунчанинг муҳим белгилари кўрсатилади;
- 3) тўртинчи қаторда унинг таърифи берилади;
- 4) бешинчи қаторда тушунчанинг моҳиятини ўзида мухтасар ифодаловчи хулосавий тушунча (синоним сўз) келтирилади.

«Фалсафа» тушунчасини «синквэйн» усулида қуйидагича ифодалаш мумкин:

1. Фалсафа;
2. Борлиқни яхлитликда умумий акс эттириш;
3. Маданий ютуқларни синтезлаштириши, дунёқарашни шакллантириши, методологик вазифани ўташлиги;
4. Борлиқни яхлитликда, умумий тарзда акс эттирувчи, маданият ютуқларини синтезлаштирувчи, дунёқарашни шакллантирувчи методологик вазифани ўтовчи фан;
5. Донишмандлик илми.;

¹ Виктор Алимасов. Фалсафа ёхуд фикрлаш лаззати. Т.: «Маънавият», 2001. 103-105-бет.


Кластер (инглизча - «шингил») мулоҳаза юритиш, фикрлашга йўналтирувчи муҳим педагогик стратегия бўлиб, у мавзуга оид таянч тушунчанинг мазмунини чизиқсиз (қатъий изчилликка риоя қилинмайдиган нотекис тарзда) муҳокама юритиш орқали очиб берилади. Мазкур усулнинг мақсади талабаларнинг фикрлаш фаолияти мавзунинг моҳиятини теран англаб, тушуниб олишга йўналтириш ва бу бўйича уларда мустаҳкам билим ҳосил қолишдир.

Кластер усули маъруза дарсида қуйидаги тарзда амалга оширилади:

1. Мавзуга доир таянч тушунча (сўз) доскага ёзиб қўйилади;
2. Талабалардан ушбу тушунча билан боғлиқ нимаики (сўз, гап) билишса, айтишлари сўралади ва улар қолдирилмасдан доскага ёзиб борилади;
3. Қайд этилган тушунчалар (сўзлар) ўртасидаги боғланиш, муносабатлар аниқланиб, умумлаштирилади ва бу бўйича таянч тушунчага мантикий реал таъриф берилади, сўнгра тавсифланади.

Ўқитувчи «Эстетиканинг мезоний тушунчалари» мавзуини ўтишда уларнинг мазмунини кластер усулини қўллаган ҳолда ёритиб бериши мумкин.

Бунда, «гўзаллик» тушунчасининг кластери қуйидаги схема тарзида бўлиши мумкин.



Ўқитувчи «гўзаллик» тушунчаси ҳақида талабалар томонидан айтилган барча фикр, мулоҳазаларни умумлаштириб, унинг мантикий реал таърифини беради: «Гўзаллик - эстетик категориялар тизимидаги марказий тушунча бўлиб, унда борлиқдаги нарса, ҳодисаларнинг шакл ва мазмун уйғунлиги, маънавий-рухий лаззантирувчилик, завқлантирувчилик қимматига эга бўлган мукамаллиги ва инсоннинг уларга бўлган қадриятлилик мезонидан бўлган муносабати ифодаланади».

Шундан сўнг мазкур тушунча таърифи айрим мутафаккирларнинг гўзаллик ҳақидаги фикрлари бўйича тавсифланади.

«Гўзаллик ҳар ерда орзу қилинган меҳмондир» (Гёте).

«Дунёни гўзаллик кутқаради» (Ф.Достоевский).

«Гўзаллик ҳаётдир» (Чернишевский).

«Маърифати аъфолнинг (гўзал хулқнинг) калити одам ўзлигини танимоғидир» (Абу Ҳомид Ғаззолий).

«Гўзаллик мутлақ ғоянинг ҳиссий зухриётидир» (Гегель).

Шуни таъкидлаш керакки, «чақирик», «англаш», босқичларида ишлатиладиган интерактив усуллар ўрганилаётган фан, мавзуларнинг характериға қараб уларни «мулоҳаза юритиш» («фикрлаш») босқичида ўзаро бирликда, бир вақтда қўллаш мумкин. Ва бу мантикий усул ва тамойилларға асосланишни тақозо этади.

Мазкур услубни, айниқса, этика, эстетика фанларини ўқитишда инобатға олиш талаб этилади. Чунки ушбу фанлар категориялари, мавзуларининг таянч тушунчалари мазмунида ҳиссий-эмоционал жиҳат устувор мавқени эгаллайди.

Эстетикадан маъруза дарсида «эстетик онг» масаласи таҳлилини «мулоҳаза юритиш» («фикрлаш») босқичида «ақлий ҳужум», «концептуал жадвал», «кластер», «синквэйи» усулларини ўзаро бирликда муаммовий саволлар қўйиш, тушунчалар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш, тушунчаларни таърифлаш ва бўлиш каби мантикий усуллардан фойдаланилган ҳолда амалға ошириш мумкин.


Бунда ўқитувчи ушбу саволни таҳлил қилишни «ақлий ҳужум»ни қўллаш, яъни талабаларға «Онг ҳамма кишиларға бирдек хос бўлган хусусиятдир. Бундан

келиб чиқиб уларга эстетик онг ҳам худди шундай бирдек хосдир, дейиш мумкинми?», «Агар хос бўлмаса, уни қандай изоҳлайсизлар?» деган ечимга доир муаммовий вазият юзага келтирувчи саволлар билан мурожаат қилишдан бошлайди. Бу саволлар талабаларнинг диққат марказида туриши мақсадида доскага кўринарли қилиб ёзиб қўйилади ва уларга талабалар томонидан бериладиган барча жавоблар «кластер» усули талаблари бўйича қайд этиб борилади. Сўнгра «венн диаграммаси» ва «концептуал жадвал»дан фойдаланиб, онг ва эстетик онгнинг умумий ва фарқ қилувчи хусусиятлари қуйидагича схема ҳамда жадвалда кўрсатиладики, уларни тузишда тушунчалар ўртасидаги қисман мосликни аниқлаш ва кўпайтириш мантикий усулларга таянилади.

А — онг

В - эстетик онг

С - уларнинг умумий
хусусиятларида



А-онгнинг хусусиятлари	В - эстетик онгнинг хусусиятлари	С - онг ва эстетик онгнинг умумий хусуси ятлари
объектив борлиқнинг инсон миясидаги инъикоси.	объектив борлиқнинг инсон миясида унинг субъектив, руҳий олами орқали инъикос этиши.	дунёга «Мен» - «Мен эмас» тизимида муносабатда бўлиш.
ақлий билиш шакллари (тушунча, хукм, хулоса) устуворлиги.	Ҳиссий билиш шакллари (сезги, идрок, тасаввур) нинг устуворлиги.	дунёни билиш ва ўзлаштириш.
чин билимларга, ҳақиқатга эришига; ўз-ўзини англаш.	гўзалликни маънавий қадрият сифатида баҳолаш; ўзини ҳис қилиш асосида руҳий лаззатланиш.	дунёқарашнинг ақлий ва ҳиссий жиҳатларига эга эканлиги.


Эстетик онг масаласининг «мулоҳаза юритиш» босқичидаги таҳлили тушунчани реал таърифлаш мантиқий усули тамойилига асосланган «синквэйн» интерактив усулини қўллаш билан яқунланади. Яъни, эстетик онг:

1. Инсон онгининг юксак шакли.
2. Об'ектив борлиқнинг субъектив, эмоционал - рухий инъикоси.
3. Гўзалликни англаш, маънавий-эстетик қадрият сифатида баҳолаш.
4. Борлиқни ҳиссий-эмоционал инъикос эттирувчи, уни маънавий-
эстетик қадрият сифатида баҳоловчи онг шакли.
5. олий онг эстетик онг шаклидир.

Мураккаб шахс ва жамият эстетик онги масаласини «венн диаграммаси» ва «тоифали шарҳ» усуллари биргаликда қўллаш билан ўқитувчи уни содда, тушунарлироқ ҳолда изоҳлаб бераолади. Бунинг учун у аввало “жамият эстетик онги» ва «шахс эстетик онги» тушунчалари мантиқан тур ва жинс, яъни бўйсунувчи муносабатда эканлигини қуйидаги схемада доскага ёзиб кўрсатиши ва улар ўртасида мантиқий қонун - тескари нисбат қонуни (жинс тушунчасига нисбатан ҳажми кичик, тур тушунчанинг мазмуни кенг бўлишлиги) амал қилишлигини изоҳлаб бериши керак.

А - жамият эстетик онги


В- шахс эстетик онги.



Бунда у шахс эстетик онги (В) жамият эстетик онгининг (А) тури сифатида (схемада ифодаланганидек) унга нисбатан ҳажман кичик, тор, лекин мазмунан катта (кенг) эканлигини қуйидагича схемада чизиб изоҳлаб беради.

В - шахс эстетик онги.

А-жамият онги.



Изоҳи: шахс эстетик онгига жамият эстетик онгининг барча хусусиятлари (назария, қарашлар тизими, жамият маънавий ҳаёти эканлиги ва б.) хос бўлса-да, лекин жамият эстетик онгига бевосита тааллуқли бўлмаган, фақат унинг ўзигагина хос бўлган бошқа муҳим хусусиятларига (конкрет шахснинг эҳтиёжи, ҳис-туйғуси, диди, идеали тарзда амал қилиши) ҳам эгадир. Аниқроқ қилиб айтганда, шахс эстетик онги жамият эстетик онгига нисбатан кўпроқ муҳим белгиларга эга ва шу маънода у кейингисига нисбатан мазмунан кенг тушунча ҳисобланади. Мазкур таҳлилий изоҳ талабаларнинг диққатини мавзу масалаларининг моҳияти, аҳамиятини англаб олишга ва уларнинг ечимини топиш устида мустақил муҳокама юритишга йўналтиради.

Фалсафа, этика, эстетика фанларини олий таълим стандартларига жавоб берадиган даражада ўқитишнинг энг самарадор педагогик технология усулларида бири муаммовий ўқитиш ҳисобланади. Мазкур ўқитиш моҳиятан мантикий усулларни қўллашга асосланган қоидалар тизими бўлиб, у талабаларда билим олишга бўлган қизиқишни фаоллаштиради, уларда ижодкорлик, танқидий ва мустақил фикрлаш қобилиятларини шакллантиради.

Муаммовий ўқитиш асосида ўрганилаётган мавзунини ўзлаштириш мақсадига қаратилган муаммовий вазиятларни ташкил қилиш ва шу йўналишда ўқув жараёнини бошқариш тамойили ётади. Мазкур вазият талабаларнинг диққатини мавзу масалаларининг моҳияти, аҳамиятини англаб олишга ва уларнинг ечимини топиш устида мустақил муҳокама юритишга йўналтиради. Муаммовий вазиятни юзага келтириш талабаларда фанга бўлган қизиқишни ҳосил қилишнинг зарурий шарти ҳисобланади. Педагогикага оид адабиётларда муаммовий вазиятни юзага келтиришнинг бир қатор шартлари, усуллари кўрсатилади. Хусусан:

-ўрганилаётган мавзу таянч тушунчаларининг моҳият, мазмунини изоҳлашга қаратилган муаммовий вазифаларни қўйиш;

- ўзлаштирилган билимларни амалиётда қўллашни аниқлашга қаратилган вазифаларни қўйиш;

-ўқувчи, талабаларни реал воқелик (фактлар) ва ҳодисалар ўртасидаги номувофиқлик ва вазиятларни таҳлил қилишга йўналтириш.¹

Қайд этилган ушбу шартларни бажариш, усулларни қўллаш ўқитувчидан мантиқ фанида билишнинг шакли сифатида талқин қилинадиган муаммонинг моҳияти, унинг тузилиши, турларини ҳамда ҳал этилиши йўллари яхши билишни талаб этади.

Мантиқ илмида савол муаммоларини қўйишнинг, баҳс, мунозара эса уларни ҳал қилишнинг зарурий шарти тарзида талқин қилинади.²

Эстетика, этика фанлари асосларини муаммоларини қўйиш ва ҳал этиш бирлиги тамойили бўйича ўқитиш - муаммовий ўқитиш зарурати мазкур фанларнинг амалий, яъни ҳам назарий-баёний, ҳам меъёрий-деонтологик (юнонча «deon» - талаб этиладиган, «logos» - таълимот) табиатга эга эканликлари билан белгиланади. Бу эса мазкур фан асосларини меъёрий талаб, тамойиллар даражасида ўзлаштириш, уларни амалиёт мотивларига айлантириш мақсадини кўзлаган ҳолда ўқитилишни талаб этади. Ушбу мақсадни амалга оширишнинг самарали йўлларида бири -бу, юқорида таъкидлаганимиздек, мантиқий саволлар тузиш билан ўрганилаётган мавзуга доир муаммолар қўйиш ва уларни баҳс, мунозара воситасида ҳал қилиш, яъни уларга таҳлилий жавоблар беришдир. Бу ўқитувчидан маъруза материалларини, ахборотларни муаммовий баён этиш, изоҳлаш, семинар дарсларини таҳлилий-тадқиқий усуллар бўйича ўқитишни тақозо этади.

Анъанавий ўқитиш тамойилига кўра, одатда, фалсафа, этика ва эстетика фанлари маъруза мавзуларининг режалари изоҳли-баёний тарзида тузилади. Масалан, эстетиканинг биринчи мавзуи режаси тахминан қуйидагича тузилган бўлади:

1. Эстетика фани предмети, тадқиқот доираси, унинг кўпёқламалиги;

¹ Қаранг: Н.Н. Азизходжаева. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. С. -88

² Қаранг: Хайруллаев М, Ҳақбердиев. М. Мантиқ. Т.: «Ўқитувчи», 1993. 286-287-бетлар.

2. Эстетиканинг бошқа замонавий фанлар билан алоқаси;
3. Эстетиканинг вазифалари ва аҳамияти.

Мавзу масалаларини муаммовий баён этиш усули уларни ечимга доир мантикий саволлар қўйиш билан конкретлаштиришни ва уларга жавоб бериш билан изоҳланишни талаб этади. Масалан, эстетиканинг биринчи мавзуи масалалари қуйидагича саволларни қўйиш билан ёритилиши мумкин.

1. Нима учун эстетика фани амалий фалсафа ҳисобланади?
2. Нима учун эстетиканинг тадқиқот доираси кўпёқламали?
3. Эстетиканинг назарий-баёний ва меъёрий-деонтологик фан эканлиги нима билан изоҳланади?
4. Эстетиканинг методологик вазифаси нимада?

Мавзу масалалари таҳлилининг бу тарзда қўйилиши ва маърузанинг шу йўналишда ўтилиши, биринчидан, бутун дарс мобайнида сақланиб турадиган муаммовий вазиятни юзага келтиради ва бу талабаларнинг материални англаб олишга бўлган диққати, қизиқишини оширади. Иккинчидан, уларни мавзунини мустақил фикрлаш, мулоҳаза қилиш босқичида ўзлаштиришга йўналтиради.

Ўқитувчи мавзу масалалари ечимини турлича қараш, нуқтаи назарларни келтириб чиқарувчи саволларни аниқлаш, уларга тўғри жавоблар топишнинг муҳим воситаси бўлган баҳс, мунозара усулларини қўллаш орқали амалга ошириши лозим. Бунинг учун у албатта мазкур усулларнинг тамойил, қоидаларини яхши билиш ва уларни амалда қўллай билиш керак.

Формал мантиқ қонунларининг талаблари ҳамда исботлаш ва рад этиш мантикий усулларининг қоидалари баҳс, мунозаранинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

Масалан, ўқитувчи семинар машғулотида «гўзаллик» категориясининг моҳиятини «Гўзаллик нима, сиз уни қандай тушунасиз?», «Гўзаллиكنинг меъёри нима?» каби саволларини қўйиши ва бу бўйича баҳс, мунозара уюштириши мумкин. Буни у баҳснинг қайд этилган тамойилларни, хусусан, айният қонуни талабини инобатга олмасдан амалга оширолмайди. Чунки ҳали эстетик билимга эга бўлмаган талабалар «гўзаллик» тушунчасини юзаки, асосан, инсон ҳусни,

чиройига нисбатан берган ҳолда тушунадилар. Шунинг учун ўқитувчи баҳсни уюштиришдан олдин эстетикада «гўзаллик» борлиқнинг барча соҳалари (табиат, жамият, инсон) учун бирдек хос умумий ва муҳим хусусиятни ифодаловчи фалсафий мезоний тушунча (категория) эканлигини ва баҳсдан мақсад унинг турли шаклларда (табиатдаги, жамиятдаги, инсондаги, санъатдаги) намоён бўлишидаги хусусиятларини аниқлаш эканлигини таъкидламоғи керак.

Бунинг учун баҳс айният қонуни талаби асосида, яъни гўзаллик борлиқнинг қар соҳасида ўзига хос тарзда намоён бўлишлигини ва мазкур соҳаларни бир-бири билан аралаштирмасдан, алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш асосида олиб борилмоғи лозим.

Дейлик, агар инсон гўзаллиги хусусида баҳс юритилганда, унинг моҳияти, борлиқнинг бошқа соҳаларидагидан фарқли равишда, ахлоқий мезоний тушунча, меъёр ва тамойиллар мазмуни орқали англашилишлигини инобатга олиш зарур. Бунинг учун ушбу мавзуга доир баҳсни «Гўзаллик ва муҳаббат ўртаси қандай муштараклик бор?», «Инсон гўзаллиги унинг хулқи-одоби, ахлоқида намоён бўлади, лекин кишини унинг ахлоқчилигига кўра гўзал дейиш мумкинми?» каби саволларни қўйиш бўйича ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Бундай мавзудаги баҳслар «инсерт» ва «венн диаграммаси» усулларида фойдаланилган қолда ўтказилиши мумкинки, бу қуйидаги тарзда амалга оширилади. Олдин мавзуга доир танланилган матн (қуйида шундай бир матн илова қилинмоқда)¹ тарқатилади

¹ “Биз қалбимизда муҳаббат билан дунёга келамиз. Ақл-идрокимиз такомиллашгани сайин меҳр-муҳаббатимиз шаклланиб, жозибатор гўзаллик-нафосат асли қандай эканини ҳеч қачон ўқирмаганларидан қатъи назар, ўзимиз жозибатор - гўзаллик ҳисобловчи сиймони севишга ундайди, даъват этади. Бинобарин, ёлғиз муҳаббат учун дунёга келганимизга ким ҳам шубҳа қилади? Ўзимиздан яширин бемаънилик: биз ҳамиша севамир, ҳатто ишқ-муҳаббатдан нафратлангандай бўлсак ҳам, аслида муҳаббат қалбимизнинг қаърида юзага чиқиш учун пайт пойлайди. Илло, муҳаббатсиз бир лаҳза ҳам яшай олмаймиз.

Инсон ёлғизлик юкини кўтара олмайди; бинобарин у севади, - демак, меҳр-муҳаббатини баҳшида этадиган манба - сиймо топиши зарур. Фақат жозибатор гўзаллик соҳиб-соҳибаси шундай манба бўла олади; унинг ўзи -барча илоҳий нарса-ашё - мавжудотларнинг гултожи


ва талабалардан уни “инсерт” талаби бўйича таҳлил қилиш, сўнгра «гўзаллик» ва «муҳаббат» тушунчалари учун умумий ва уларнинг ҳар бирига хос хусусий белгиларини «венн диаграммаси» бўйича аниқлаш топширилади.

А- гўзаллик;

В - муҳаббат;

С - гўзаллик ва муҳаббат

учун умумий бўлган белгилар.



“Умумий жозибатор гўзаллик гоё тушунчаси калбимизга теран муҳрланганидан катъи назар гўзаллик - нафосатга оид тасаввурларимиз афсуски, бир хил эмас, лекин бунинг ёлғиз сабаби майл-иштиёқларимизга бориб тақалади”.¹

Шунингдек, этика фанини ўқитилишда ҳам ахлоқий тушунча, меъёр, тамойилларнинг мазмуни эстетиканинг мезоний тушунча, тамойиллари орқали талқин этилишни ва бу йўналишдаги муаммовий саволлар қўйиш – баҳс, мунозара уюштириш бўйича олиб борилишни талаб этади. Бунда баҳс – “Комил инсонни шакллантиришда эстетик онг ва ахлоқий онг қандай роль ўйнайди?”.

-“Эзгулик ва гўзаллик ўртасида қандай муштараклик бор?”

-“Эстетик онг ва ахлоқий онгнинг умумий ва фарқ қилувчи хусусиятлари нимада?”.

бўлгани боис ён-атрофда қидираётган жозибатор - гўзаллик намунасини ўз қалбидан топиши керак. Унинг нишонларини хоҳиш-истак бўлса бас, ҳар ким ўз қалбидан топади.

¹ Б.Паскал. Муҳаббат- олий саодат. II, “Жаҳон адабиёти” журналы, 2007 йил, октябр., 152-бет

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.Т.: "Ўзбекистон", 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура.Т.1.-Т.: "Ўзбекистон", 1996.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3.-Т.: "Ўзбекистон", 1996.
4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т.5. -Т: "Ўзбекистон", 1997
5. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ Т."Мулоқот", 1998, №5:
6. Каримов И.А.Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.Т.8.-Т.: "Ўзбекистон", 2000
7. Каримов И.А. Юксак маънавият- энгилмас куч.- Т.: Маънавият", 2008
8. Бочаров В.А., Маркин В.И.Основы логики.-М.1994
9. Войшвилло Е.К., Дегтярев М.Г. Логика. Учебник для вузов.-М.: "Владос", 1998.
10. Гетманова А.Д. Логика. Учебник для вузов. -М."Омега-л", 2006
11. Гетманова А.Д. Логика для юристов. Учебное пособие. -М."Омега-л", 2006.
12. Ивлёв Ю.В. Логика. Учебник для вузов. -М."Логос", 1998.
13. Ивин А.А., Никифоров. Словарь по логике.-М.: "Владос", 1998.
14. Кириллов В.И., Старченко А.А. Логика. -М.: "Логос", 1997.
15. Кондаков Н.И. Логический словарь-справочник.-М.: "Наука", 1976
16. Курбатов В.И. Логика. Ростов-на Дону. "Феникс", 1997.
17. Рахимов И. Логикадан амалий машғулотлар ва методик тавсиялар. -Т: "Ўзбекисон", 1998.
18. Хайруллаев М., Хакбердиев М. Мантиқ. -Т: "Ўқитувчи", 1993.
19. Шарипов М., Файзихўжаева Д. Мантиқ. Ўқув қўлланма. Т.,2004
20. Оллоёров М. Мантиқ. Маърузалар матни.,Самарқанд, 2000

Қўшимча адабиётлар

1. Абдуллаев А.Дақиқа қадри. Заковат интеллутуал ўйинлари 1001 савол ва жавоб.Т.: "Davr Press", 2008.
2. Алексеев А.П. Аргументация. Познание. Общение. М.:1991.
3. Айзенк Г.Ю. Проверьте свои интеллектуальные способности //Пер.с англ. Рига, 1992.
4. Азизходжаева Н.Н. Педагогические технологии и педагогическое мастерство.-Т.: "Чулпон", 2005.
5. Бочарев В.А.Аристотель и традиционная силлогистика. М.: 1984.
6. Ал Бухорий. Ҳадис. 1-4 томлар.-Т.: "Мерос", 1990-1992.
7. Войшвилло Е.К. Понятие как форма мышления.-М.: изд.МГУ,1989.
8. Ивин А.А. Искусство правильно мыслить. М., 1990.
9. Кэрролл. Логическая игра. -М.: "Наука", 1991.
10. Логико-гносологические идеи мыслителей Средней Азии. Т."Фан",1981.

11. Маковельский А.О. История логики.-М."Наука", 1967.
12. Мустақиллик: илмий, изоҳли оммабоп луғат.-Т."Шарқ", 1999.
13. Мўминов И.М. Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккури тарихидан.-Т.: Фан",1994.
14. Оллоёров М. Мантиқ фанидан тест саволлари. Самарқанд, 1995.
15. Петров Ю.А. Азбука логического мышления. Изд.МГУ, 1991.
16. Попов П.С. История логики нового времени.М., 1967.
17. Смирнова Е.Д. Основы логической семантики.-М.: 1989
18. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. Т.: “Ўзбекистон”, 1981.
19. Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар-Т.: 1991.
20. Фараби-Аль. Логические трактаты. Алма-ата, 1975.
21. Оллоёрова М. Мантиқ фанидан амалий машғулотлар ўтиш бўйича услубий тавсиялар. Самарқанд, 2005.

Мундарижа

Кириш	3. -бет
1 МАВЗУ. Мантиқ илмининг предмети ва аҳамияти	
1§. Мантиқ илмининг ўрганиш объекти муаммолари, вазифалари	6-бет
Формал мантиқнинг предмети, муаммолари	8 -бет
2§. Тафаккурнинг шакллари ва қонунлари ҳақида тушунча	13-бет
3§ Мантиқ илмининг назарий ва амалий аҳамияти	17-бет
2- МАВЗУ. Мантиқ фани ривожланишининг асосий босқичлари.	
1§. Қадимги дунёда мантиқ илмининг шаклланиши.....	22-бет
2§ Ўрта асрларда мантиқ илмининг тараққиёти.....	25-бет
3§ Янги ва энг янги даврда мантиқ илми тараққиёти	27-бет
3-МАВЗУ. Мантиқ илми ва тил.....	35-бет
1§. Тил ахборот белгилари тизими сифатида.....	35-бет.
2§. Белги тушунчаси. Тилнинг семантик категориялари.....	38-бет
3§. Мантиқнинг формаллашган тили.....	43-бет
4-МАВЗУ. Формал мантиқнинг асосий қонунлари.....	48-бет.
1§. Айният қонуни.....	50-бет
2§. Нозидлик қонуни.....	53-бет
3§. Учинчиси мустасно қонуни.....	56-бет
4§. Етарли асос қонуни.....	58-бет
5- МАВЗУ. Тушунча.	
1§. Тушунча тафаккурнинг шакли сифатида.....	62-бет
2§.Тушунчанинг мазмуни ва ҳажми.....	65-бет
3§.Тушунчанинг турлари.....	69-бет
4§.Тушунчалар ўртасидаги муносабатлар.....	70-бет
5§.Синфлар ўртасида мантикий амаллар.....	75-бет
6§.Тушунчаларни таърифлаш(дефиниция).....	78-бет
7§.Тушунчаларни бўлиш.....	88-бет
6- МАВЗУ. Ҳукм (Мулоҳаза).	
1§. Ҳукм тафаккур шакли сифатида.....	97-бет
2§. Оддий ҳукмлар.....	101-бет
3§. Мураккаб ҳукмлар.....	106-бет
4§. Ҳукмлар ўртасидаги муносабатлар.....	114-бет
5§. Ҳукмларнинг модаллиги.....	117-бет
7-МАВЗУ. Хулоса чиқариш	
1§. Хулоса чиқаришнинг умумий мантикий тавсифи.....	125-бет
2§. Дедуктив хулоса чиқариш.	

Бевосита дедуктив хулоса чиқариш.....	127-бет
3§. Қатъий силлогизм.....	137-бет
4§. Силлогизм аксиомаси.....	139-бет
5§. Силлогизмнинг умумий қоидалари.....	140-бет
6§. Силлогизмнинг фигуралари ва модуслари.....	142-бет
7§. Қисқартирилган силлогизм(энтимема).....	151-бет
8§. Мураккаб ва қисқартирилган мураккаб силлогизмлар.....	153-бет
9§. Мураккаб ҳукмларга асосланган силлогистик хулосалар.....	156-бет
10§. Мулоҳазалар мантиғи.....	164-бет
11§. Предикатлар мантиғи.....	167-бет
 8- МАВЗУ. Индуктив хулоса чиқариш ва аналогия.....	175-бет
1§. Тўлиқ индукция.....	178-бет
2§. Тўлиқсиз индукция.....	180-бет
3§. Илмий индукция ва унинг методлари.....	182-бет
4§. Статистик умумлаштириш	190-бет
5§ Аналогия ва унинг турлари.....	192-бет
9- МАВЗУ. Далиллашнинг мантиқий асослари.	
1§. Далиллаштириш ва ишонч-эътиқоднинг шаклланиш жараёни.....	205-бет
2§. Исботлаш, унинг таркиби ва турлари.....	208-бет
3§. Рад этиш, унинг усуллари.....	217-бет
4§. Исботлаш ва рад этиш қоидалари, уларнинг бузилишида учрайдиган хатоликлар.....	221-бет
10-МАВЗУ. Муаммо. Фараз. Назария.	
1§. Муаммо ва унинг билишдаги аҳамияти.	229-бет
2§ Фараз ва унинг турлари.....	232-бет
3§. Назария. Илмий назариянинг турлари.....	235-бет
 Мантиқнинг фалсафий фанларни янги педагогик технологиялар бўйича ўқитишдаги роли.....	238-бет
 АДАБИЁТЛАР	254-бет

Содержание

Оглавление

Предмет и значение логики.

Предмет формальной логики, её проблемы и функции.

Понятие о формах и законах мышления.

Значения логикой.

Основные этапы развития науки логики.

Наука логики и язык.

Основные законы формальной логики.

Закон тождества.

Закон непротиворечия.

Закон исключенного третьего.

Закон достаточного основания.

Понятие

Понятие как форма мышления.

Содержание и объем понятия.

Виды понятий.

Отношение между понятиями .

Операции с классами.

Определение понятия.

Деление понятия.

Суждение

Общая характеристика суждения.

Простые суждение, их виды.

Сложные суждения и их виды.

Отношения между суждениями.

Умозаключение.

Умозаключение и его виды.

Дедуктивные умозаключения. Непосредственные дедуктивные умозаключения.

Простой категорический силлогизм.

Общая правила силлогизма.

Фигуры и модусы силлогизма.

Сокращённый силлогизм.

Сложные и сложносокращённые силлогизмы.

Силлогистические выводы из сложных суждений.

Логика высказываний.

Логика предикатов.

Общая характеристика индуктивных умозаключений.

Полная индукция.

Неполная индукция.

Методы научной индукции.

Аналогия и её виды

Логические основы теории аргументации.

Аргументация и её роль в процессе формирования убеждений.

Доказательство, его структура и виды.
 Опровержение и его способы.
 Правила докозательства и опровержения. Ошибки, встречающиеся в
 доказательствах и опровержениях.
 Проблема. Гипотеза. Теория.
 Проблема и её виды.
 Проблема и её роль в познании.
 Гипотеза и её виды.
 Теория, её структура, функций и виды.

Contents.

The Object and meaning of logic
 The Object of formal logic its problem and functions.
 Conception about forms and taws of thought (thinking)
 The Meaning of logic
 Main stages of development's science of logic
 The Science of logic and language.
 Main lapws of formal logic
 The law of identity.
 The law of contradiction
 The law of exceptional third.
 The law of detailed enough base

Conception

Conception ar form of thought(thinking)
 Conception and capacity of Conception
 Tupes of conceptions
 The attitude between conceptions
 Operations with classes
 Determination of conception
 Devision of conception.

Devision(reflection)

Communal description of opinion(judgement)
 Commonjudgements and their types
 Difficult judgement and their types
 The Attitude between.

Deduction

Deduction and its tupe. Deductional deduction. Direct deduction.
 Common categorik sellogism.
 General rule of sellogism
 Figures and moduses of sellogism
 Abbreviated sellogism
 Difficult and complex albreviated sellogisms
 Sellogistic conciusion from difficult opinion
 The logic of expression

The logic of predicate
General(Communal)discription inductive deduction.
Complete induction.
Incomplete induction.
Metcods of scientific induction
Analogi and its types.
Logical basises of argument's theory
Argument and its role the course of forming the assurance.
Evidens . It's structure and types.
Refulation and its way.
The Rule of evidence and refulation. The mistakes.
Which may be found in evidences and refulations.
Problem.Hupothesis. Theory.
Problem and its role in cognition.
Hupothesis and its types.
Theory.Sturucture of function and types/